

БАҲРОМ ИРЗАЕВ

# ҚЎҚОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ  
«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЖАМОАТ ФОНДИ

Баҳром Ирзаев

# ҚЎҚОН

## ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкент  
«Akademnashr»  
2020

УЎК: 94(575.12)  
КБК: 63.3(5Ў)  
И 73

И 73 Ирзаев, Баҳром.

Кўқон тарихидан лавҳалар [Матн] / Баҳром Ирзаев. –  
Тошкент: Akademnashr, 2020. – 240 б.

ISBN 978-9943-6498-5-9

УЎК: 94(575.12)  
КБК: 63.3(5Ў)

*Китобда XX аср бошида ўзбек адабиёти ва санъатининг азалий ўчоқларидан бири бўлган Хўқанди латифдан етишиб чиққан олиму мураббийлар, давлат ва жамоат арбоблари, шоиру журналистлар ҳаёти, уларнинг ижодий фаолияти ҳамда мустабид тузум қатағон сиёсати оқибатида маҳв этилиши қаламга олинган. Шунингдек, ўқувчи миллий тараққийпарварларимизнинг Ватан ва миллат равнақи, унинг истиқлоли йўлида олиб борган шиддатли кураши, қаҳрамонона ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳақида кўплаб янги маълумотларни қўлга киритади. Мактаб ўқувчилари, талабалар, умуман, юртимиз тарихига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир:  
**Бахтиёр ҲАСАНОВ**,  
тарих фанлар доктори, профессор

Тақризчилар:  
**Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ**, филология фанлари номзоди  
**Яҳёхон ДАДАБОЕВ**, Кўқон давлат музей кўриқхонаси илмий ходими

ISBN 978-9943-6498-5-9

© Баҳром Ирзаев  
«Кўқон тарихидан лавҳалар»  
© «Akademnashr», 2020

## АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ

Ашурали Зоҳирий 1885 йили Қўқон шаҳри яқинидаги Ойим қишлоғида ўртаҳол ўзбек деҳқони хонадонида таваллуд топган. Аввал қишлоқ мактабида савод чиқаради. Сўнг Қўқондаги Муҳаммад Алихон мадрасасида таҳсил олади. Мадрасада араб, форс тилларини, ислом ҳуқуқи, тарих ва адабиётни чуқур ўрганади. 1907 йилдан



1917 йилгача Қўқондаги 2-сон рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Бу вақтда турк, озарбайжон, татар ва рус тилларини ўрганади. 1910 йили Қўқондаги жадид тараққийпарварларининг етакчиси сифатида «Тараққийпарварлар жамияти» номли уюшма тузишга раҳбарлик қилади. Мазкур уюшманинг 5-6 моддадан иборат ўзига хос дастури ва низоми бўлиб, асосий мақсад халқ маорифини қўллаб-қувватлаш ва шу йўлда кучларни бирлаштиришдан иборат эди. Улар Қўқон шаҳри ва унинг атрофида бир нечта янги усулдаги мактаблар очадилар. Ашурали Зоҳирий Серикбой Оқоев билан ҳамкорликда 1912 йили жадид мактаблари учун «Туркий хрестоматия ёхуд терма китоб» номли дарслик тузади.

1912 йили Ашурали Зоҳирий ёш тарихчи олим Заки Валидий ҳақида эшитиб, бир гуруҳ қўқонлик тараққийпарварларни олиб Қозонга боради. 1913 йили Заки Валидийнинг ўзи археология жамияти вазифаси билан Қўқонга келиб, 3 ойча А.Зоҳирийнинг уйида яшаб, тадқиқот ўтказади. Улар Туркистонда халқ маорифи, илм-фан,

тарих, тил ва адабиёт масалаларида тинимсиз мунозаралар олиб борадилар. Бу жараён А.Зоҳирийнинг олимлик фаолиятида муҳим ўрин тутди. У ўзбек тилида биринчи бўлиб бошланғич синфлар учун «Имло» дарслигини яратиб, 1916 йили Қозон шаҳрида нашр эттиради. Етук адабиётшунос сифатида Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Вақфия» асарлари устида матншунослик тадқиқотларини олиб боради. «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ҳуснихатда кўчириб, 1917 йили Қўқон шаҳрида жойлашган Вайнер кутубхонасида чоп эттиради.

Ашурали Зоҳирий тадбиркор табиатли инсон эди. 1912 – 1917 йилларда Ойимдаги майда кредит жамиятида раис, 1918 – 1919 йилларда Қўқон кооперация иттифоқида раҳбар бўлди. Табиатан доно, эл дардига ошно А.Зоҳирийнинг атрофи ҳамиша тадбиркорлар ёшлар ва давлатманд инсонлар билан тўла бўлган.

Ашурали Зоҳирийнинг журналист сифатида танилишида жадид вақтли матбуотининг ўрни катта. 1914 йили Обиджон Маҳмудов томонидан чиқарилган «Садон Фарғона» (1914 – 1915) газетаси саҳифаларида ўзининг маърифатпарварликни тарғиб қилувчи мақолалари билан фаол иштирок этади. 1917 йил июнь ойида Ашурали Зоҳирий ўзи ношир ва муҳаррир бўлган «Юрт» номли журнал нашр этади. Журналдаги илк мақоласи «Мақсад ва маслагимиз»дир. Мазкур кириш мақолада муаллиф журналнинг асл мақсади ҳақида ҳикоя қилади. Ашурали Зоҳирий «Ҳукумат ўзгариши» мақоласида февраль инқилобидан сўнг мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларни қаламга олса, «Истеъмолчилар жамияти» мақоласида жамият фаолияти ҳақида ўқувчиларга ахборот беради. Шунингдек, журналдан Аҳмад Заки Валидийнинг «Миллий руҳоний бойлигимиз», Абдуллабекнинг «Жадидчилик» фельетони ва Шокир Мухторийнинг шеърларига ўрин

берилган. «Юрт»нинг иккинчи ва учинчи сонлари 1917 йил 15 июнь ҳамда 18 август саналари билан босилган. Журналнинг мазкур сонларида А.Зоҳирийдан ташқари етук уламо Абдуллабекнинг «Машоҳири Туркистон таржимаи ҳоллари. Марғиноний соҳиби ҳидоя», Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Қаландар» имзоси билан ёзилган «Ўзбеклар ҳам Туркистон», Аҳмад Сардорнинг «Учредителный собрание ва янги сайлов тартиблари», муаллим Шокир Мухторийнинг «Хўқанд мажлислари муносабати билан», «Ваъз ва воиз», Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг «Истиқболда бизнинг ҳаёт» мақолалари ва бошқа материаллар берилган. Шу йили А.Зоҳирий маҳаллий тараққийпарварлар билан Қўқон шаҳрида «Ғайрат» номли хусусий нашриёт ташкил этиб, Фарғона водийси тараққийпарварларининг ҳақиқий етакчисига айланди. 1917 йилнинг ноябрида Қўқон шаҳрида Туркистон Мухториятининг эълон қилинишида катта рол ўйнади. Мухториятнинг наشري афкори – «Эл байроғи» газетасида Бўлот Солиев билан бирга муҳаррирлик қилди. Туркистон Мухторияти қонга ботирилгач, фақат илм-маърифат ва матбуотчилик иши билан машғул бўлди.

Ашурали Зоҳирийнинг публицистик мероси ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. 1919 йили «Халқ газетаси»да ишлади. 1922 – 1928 йилларда ҳам журналистлик фаолиятини давом эттиради. Жумладан, «Фарғона», «Янги Фарғона» газеталарида адабий ходим бўлиб ишлайди...

Маълумки, 1923 йил апрель ойида бўлган РКП(б)нинг XII съездида тубжойлаштириш, яъни давлат идоралари ишига маҳаллий миллат вакиллари торттириш сифатида муҳокама этилади. Ашурали Зоҳирий бу мавзунини қаламга олар экан, масаланинг энг нозик жиҳатларигача кириб боради. Муаллиф музофот доирасида маҳаллий ёшларни иш ўринларига қўйишда

йўл қўйилаётган ноҳақликлар, қинғирликларни бор бўйи билан очиб беради. Жумладан, «...Музофотда 12-шўролар қурултойигача қизғин эди. Сўнг бу жараён тўхтади. Марказда бу жараён қандай, билмадик. Маҳаллий ижроқўмларнинг бухгалтериядан бошқа ишлар деярли ерлашган, уездларда ҳам молия шуъбалардан бошқа муассасалар ҳам унча-мунча ерлашганлар. Музофот маҳкамаларида эса ерлаштириш иши таржимон воситаси билан юрғизилмоқда. Музофот ижроқўмининг ўзида ҳам аҳвол шу. Музофот ва уездларда ҳам, Марказда бўлганидек, «ерлаштириш комиссияси» тузилган. Аммо музофот комиссияси тузилган кундан шу кунгача бирор марта мажлис бўлмаган. Сабаб комиссия аъзоларининг ўз ишида доимий тура олмаганлиги ёки бу масалага жиддий аҳамият бермаганлигидир. Уездлар комиссиялар бошда чала-чулпак, тала-тулпак бир даражада «ерлашдириб олганлар»-да, шунинг билан иш битди деб тек ўтиришмоқдалар. Тажрибачилик ҳеч бўлмаган гап. Табиийки, ҳеч ким ўзининг ишини ўз ихтиёри билан бошқага бериб қўймайди. Ерлашдиришда практикант-тажрибачилардан воз кечиш зарур. Ишга олиш керак, тамом. Чунки: 1. Тажрибачилар ичида ўзи шу вақтгача ҳеч бир иш бўлмаган, узун кириб, узун чиқадиган нокларнинг қўплиги. 2. Шуъба ва шуъбачалар мудирилари – тажриба бергучиларнинг уларга бошқа назар билан қарашлари ерлаштириш ишларини олдинга сурмайди. Уларнинг орасида ўзини кўрсатиб юрадиган онгсизларни бирдан ишдан ҳайдаш зарур. Мутахассисларни бирдан алмаштира, гўё иш тўхтаб қолармиш. Бу ҳеч бўлмаган гап. Бойси, маҳаллий аҳоли орасида ҳам яхшигина ишбилармон кишилар бор. Хўп, иш бузулса бузулиб турсин. Сўнг иш яна жойига тушади. Лекин ҳозирги йўл билан ҳеч қачон иш жойига тушмайди. Ерлаштириш ҳам бўлмайди. Ҳисоб ишларида мутахассислар муаммо бўлса, уни курслар



*ташқил этиш билан ечса бўлади. Шу билан муаммо ҳал. Ҳар ҳолда, ерлилаштириш ишини бундай кулги-масхара бир ҳолда қўймаслигимиз лозим. Музофот комиссия назар этмас экан, 12-қурултой қарорларига асосланган қатъийроқ чоралар кўриш керак», – дейди.*

А.Зоҳирий публицистикасининг мазмун-мундарижаси ҳам хилма-хил. Биргина «Фарғона» газетасида нашр этилган юздан ортиқ мақолаларининг ҳеч бири ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Маориф масаласидаги «Туркистонда «Нашри маданият ва маориф» жамиятлари», «Маориф нозирларининг ўлка қурултойи муносабати билан», «Маориф ойи. Эски ва янги мактаб», «Фарғона музофоти ўзбек билим юрти тарихи» мақолалари, матбуот мавзусидаги «Янги гап ёзғучига», «Тушуниш керак (газетани сотманг, тарқатинг)», «Матбуот куни муносабати билан», «Олти йилда матбуот» мақолалари, диний мавзудаги «Туркистонда вақф ишларининг ҳоли» «Қозилар сайлови муносабати билан», «Ўйлаш керак эди (вақфлар ҳақида)» мақолалари, шунингдек, ижтимоий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ мақолалари, жумладан, «Туркистонда сув ишлари», «Ости устига келар», «Миллият масаласи», «Налоглар тўғрисида», «От биланми, ўт билан (трактор ҳақида)», «Бутунрус қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ва Туркистон» каби мақолаларини келтириб ўтиш мумкин.

Ашурали Зоҳирий Қўқонда «Дорулмуаллимин» мактабини ташқил этиб, 1919 – 1922 йилларда шу ерда ишлаган. Кейинчалик Қори Ниёзий раҳбарлик қилган Фарғона педагогика билим юртида, Қўқон педагогика билим юртида, нефтчилик билим юртида, саводсизликни тугатиш курслари ва мактабларда муаллимлик қилди. Муаллим сифатида ёшларни тил ўрганишга, илмли бўлишга даъват этди. Олим сифатида «Вақфия»ни ҳам нашрга тайёр-

лади, лекин номаълум сабабларга кўра у нашр этилмай қолган. 1925 йили «Русча-ўзбекча луғат» тузди. 1926 йили Чўлпон билан ҳамкорликда «Адабиёт парчалари» тўпламини нашр эттирди.

1930 йил январь ойида ОГПУ томонидан гўёки «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг Фарғона бўлими «Ботир гапчилар» ташкилоти фош этилади. А.Зоҳирийни ҳам «Ботир гапчилар» ташкилотининг аъзоси деган баҳона билан Қўқон шаҳри Хўжанд кўчаси 478-уйдан қамоққа оладилар. А.Зоҳирийнинг анкетасига кўра, бу пайтда унинг оиласи турмуш ўртоғи Малика, қизи Моҳира, ўғиллари Дархон ва Нажибдан иборат деб бўлган. Шу ўринда «Ботир гапчилар» аъзоси сифатида қамоққа олинган Ашурали Зоҳирийнинг айрим шогирдлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Ёқуб Амонов аввал 3 йил қорихонада ўқиб ҳофизи Қуръон бўлган. Сўнг 1916 йилгача рус-тузем мактабида, 1917 йилдан Наманганда реал олий мактабида ўқиган. 1918 – 1919 йилларда Қўқонда А.Зоҳирийга шогирд тушади. 1922 йилдан Фарғона музофот ижрокўмида, 1923 йилдан вилоят партия кўмитасида таржимонлик қилган. 1926 йил апрелдан «Янги Фарғона» газетасида А.Зоҳирий билан бирга ишлай бошлайди...

Носир Эркин 1899 йили Қўқонда ўқитувчи оиласида дунёга келган. Аввал отасининг қўлида, сўнг машҳур Иброҳимжон домлага қатнаб, араб, форс тилларини ўрганган. Кейин А.Зоҳирийнинг муаллимлар тайёрлов курсида ўқиб, 1918 – 1925 йиллар давомида жадид мактабида дарс беради. 1925 йилдан эса «Янги Фарғона» газетасига ишга киради...

А.Зоҳирий 1930 йил 28 февраль кунги сўроқда: *«Темур» деган аксилинқилобий ташкилот бўҳтондан бошқа нарса эмас. Лекин унинг ўзаги деб кўрсатилаётган зотлар аввал Қўқон мусулмон семинарияси, кейин Қўқон*

муаллимлар билим юртининг асосини ташкил этадиган зиёлилардир. Улар халқ маорифини ривожлантириш, жамиятда маданият маънавияни ўстириш, замонавий билимдон кадрларни тайёрлашни ўз вазифаси деб биладиган инсонлардир... Фарғона педтехникумида «Кўркаламуш» деган махфий газета ҳақида эшитмаганман. Лекин сенлар келтираётган Тожи Раҳмон деган кимсани билардим. Биз уни «алмансибати» (ГПУ одами) деб деярли алоқа қилмас эдик. Мен сенлар айтаётган аксилинқилобчилардан бир-иккитасини кўрганман ҳам. Босмачилик авж олган паллаларда бир Иван дегани келиб, мендан нашр ишини ривожлантиришда ёрдам сўради. Кўраман деб қўйдим. Кейин уни совет ташкилотларининг расмий тадбирларида кўрардим. Унга ўхшаган яна бир-иккитаси бор. Одамларнинг ичига кириб турли фитналарни топиб юришарди, аммо уларни ҳеч ким тингламаган. Уларга ўтаверинг деганмиз», – дейди.

А.Зоҳирий узоқ давом этган сўроқлардан бу фитнанинг ортида айнан шўро давлатининг ўзи турибди деган аниқ хулосага келади. 1930 йил 28 май кунги сўроқда: «*Ботир гапчилар*» деган ташкилот бўлса, бу Абдулла Қаҳҳорнинг уйида бўлган йиғилишда туғилган бўлса керак. Мен ҳам шу кун унинг рўйхатига кириб қолгандирман-да. Ўшанда у худди ёддан айтаётгандек қандайдир ташкилот ва унинг программаси ҳақида сўзлай бошлаган эди. Кейин Умар Ҳомидникида ҳам қандайдир программани ўқий кетган эди. Демак, «*Ботир гапчилар*» бу А.Қаҳҳорнинг миясида тузилган ва унинг ғояларидир. Шундай бўлса, Лутфулла Олимий, Абдулла Раҳматзода, Мухторларни қамоқдан озод қилишларингга тўғри келади. Ахир улар бу ташкилотга (гапни назарда тутяпти – Б.И.) аъзо эмасди», – дейди. Табиийки, ГПУ уларнинг бирортасини озод қилмади. Энг даҳшатлиси, СССР МИК Президиумининг 1927 йил 9

июндаги қарори бу қатли ом учун асос бўлди. А.Зоҳирий раҳбарлигидаги «Ботир гапчилар» ташкилоти аъзоси деган айблов билан фарғоналик 15 нафар тараққийпарвар ёшлар бир йилдан ортиқ вақт давомида Фарғона турма-сида оғир шароитда сақланди.

1931 йил 25 апрелда ОГПУ қарори билан А.Зоҳирий, Л.Олимийга нисбатан отув ҳукми 10 йиллик концлагер билан алмаштирилди. Яқуб Омон, Носир Эркин 10 йиллик Севкрайга сургунга, Абдулла Қаҳҳор 5 йил концлагерга буюрилди. Бироқ...



Ашурали Зоҳирий (ўрта қатор чапдан тўртинчи)  
“Эл байроғи” таҳририяти жамоаси орасида

А.Зоҳирий 1936 йили жазони муддатидан олдин ўтаб қайтади. Орадан ҳеч қанча ўтмай – 1937 йил 5 сентябрь кунини ЎзССР ИИХК Загвоздин қарори билан Қўқон шаҳар маориф бошқармаси ўқитувчиси бўлган А.Зоҳирий пантуркист, аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси, 1930 йил «Ботир гапчилар» ташкилоти аъзоси, қамоқдан қайтгач Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Юнус каби зиёлилар билан аксилинқилобий ташкилот тuzган деб яна қамоққа олинади. Шу куннинг ўзида

унинг Қўқон шаҳри Сталин кўчаси 193-хонадонида тинтув ўтказилади.

1937 йил 7 сентябрь куни А.Зоҳирий томонидан тасдиқланган сўроқ баённомасида у «Миллий иттиҳод» ташкилотига 1921 йилда киргани, ташкилотга Аббосхўжа Калонхўжаев (1934 йил вафот этган), Обид чатоқ, Миён Қудрат, Абдуллажон Каримовнинг аъзо бўлганини «тан олади». Шунингдек, 1929 йили А.Қаҳҳор раҳбарлигида «Ботир гапчилар» аксилинқилобий ташкилоти тузилгани, у ҳам «Миллий иттиҳод» типигаги ташкилот бўлганини ёзади. Унга Махсумов (Қўқон округкоми), А.Каримов, Султон Сайдалин, Л.Олимий ва бошқалар аъзо бўлиб, улардан ўзи – А.Зоҳирий, Мансур Эркин, Яқуб Омон, Умар Ҳамидов, Карим Ортиқбоев, Нуриддин Эрматов, Муҳиддин Ҳусайинов, Абдулла Холматов, Тўлқин Парпиев, Мирза Абдулла Солиев, Мухтор Муҳаммедов, Абдулла



Ўтирганлар (ўнгдан): 1. Абдулла Раҳмат 2. Султон Сайдалин 3. Ашурали Зоҳирий 4. Элбек 5. Чўлпон 6. Ғози Юнус 7. М.Ғолиқ 8. Н.Зиё (мудир). 1924 й.



Рахматзода, Лутфилла Олимий 1930 йили қамоққа олинди, бироқ ташкилотнинг асосчиси Абдулла Қаҳҳор қолиб кетди дейди. Шунингдек, 1934 йили қамоқдан қайтиб келгач, Абдулхамид Чўлпон, Ғози Юнусни қайта топганини айтади. Албатта, келтирилган баённома А.Зоҳирийнинг фикрими ёки терговчи Триғуловнинг тасаввурлари маҳсулими, бугун аниқ фикр айтиш қийин.

1937 йил 20 октябрь куни Матвеев ва Триғулов томонидан тайёрланган қарорга мувофиқ А.Зоҳирийга яна бир неча айбловлар билан ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларини қўллаб қарор чиқаради. Ашурали Зоҳирийнинг айблов баённомаси 1937 йил 21 декабрь куни Леонов томонидан тасдиқланади ва у ЎзССР ЖКнинг 66-, 67-моддалари билан айбланади.

1937 йил 4 декабрь куни ИИХК қошидаги «Учлик» суди Ашурали Зоҳирийни отувга ҳукм қилди ва ноҳолис ҳукм 1937 йил 28 декабрь куни ижро қилинди.

Нажиб Ашуралиевич Заҳиров 1958 йил 28 апрель санаси билан Қўқон шаҳри Сталин кўчаси 207-хонадондан ЎзССР КГБ раҳбарияти номига хат ёзиб, отасининг қисмати билан қизиқади. 1958 йил 15 сентябрь куни Ашурали Зоҳирий ЎзССР Олий суди томонидан оқланган...

## АБДУВАХҲОБ ИБОДИЙ

Мулла Абдуваҳҳоб Ибодий 1877 йили Қўқон шаҳрининг Эски аравабозор маҳалласида ҳунарманд касиб оиласида таваллуд топган. Отаси Ибодулла отамерос касби кавушдўзлик билан шуғулланиб, онаси Робия отин маҳалла қизларига хат-савод ўргатган. Абдуваҳҳоб аввал онасининг қўлида савод чиқарган, сўнг маҳалла мактабида ўқиган. Ўн икки ёшга кирмасидан отаси вафот этиб, онасининг қўллаб-қувватлаши билан Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади. Талабалик йилларида Бухоро заминида тараққийпарварлик ғоялари билан танишади ва миллатни фақатгина маориф орқали уйғотиш мумкин деган ҳулосага келади. Абдуваҳҳоб Ибодий 1898 йил Ватанига қайтгач, Қўқонда очилган мулла Шоазим нўғой домланинг мактабига кириб, усули савтияни ўрганади. Сўнг Найманча маҳалласи масжиди қошидаги эски мактабда дарс бериб, кўп ўтмай Қўқондаги етук муаллимларидан бири сифатида танилади.

Абдуваҳҳоб Ибодий 1901 йили Қўқоннинг Қаландархона маҳалласида «Мактаби воқия» («Ҳаёт мактаби») деб номланган янги усул мактабини очади. Бу мактаб ҳам тезда шуҳрат қозонади ва ўқувчилар учун торлик қилиб қолади. Шундан сўнг Қўқоннинг тараққийпарвар инсонлари Сўфи Бадал эшон ва унинг укаси Орифхон Абдуваҳҳоб Ибодийга Галабаққол маҳалласидаги хонақоҳи атрофидан янги усул мактаби очиш учун жой ажратиб





Абдуваҳҳоб Ибодий шогирдлари орасида  
Қ.Алиев (чапда) М.Хусаинов (ўнгда)

берадилар. 1905 йил иш бошлаган «Мактаби Ваҳҳобия»-да бир вақтда 200 нафардан ортиқ бола таълим оларди. «Мактаби Ваҳҳобия»нинг номи бутун Туркистонга кетди. Унда Абдуваҳҳоб Ибодий ўқувчиларга исломий илмлардан ташқари фаройиз (ҳисоб), ҳандаса (ер ўлчаш), жуғрофия сингари дунёвий фанларни ҳам ўқитар эди. Ибодий ҳар йили май ва июнь ойларида мактабни битираётган ўқувчиларнинг йиллик имтиҳонларини намойишкорона ташкил этарди. Бойбўта маҳалласидаги мактаб биносида ўтказиладиган бу «очиқ» имтиҳонга фарзандларнинг ота-оналари, ўлкадаги таниқли тараққийпарварлар, давлатманд инсонлар таклиф этилар эди. Фикримизни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг архивида сақланаётган «Мактаби Ваҳҳобия» мудир ва муаллими Ибодий томонидан юборилган бир нечта даъватномалар ҳам асослайди.

1905 – 1917 йиллар давомида фаолият кўрсатган мазкур мактабда дастлаб ўқувчилар озарбайжон, татар, турк тилларида чоп этилган дарслик ва адабиётлар асосида



ўқитилар эди. 1912 йили Абдуваҳоб Ибодий Тошкент шаҳрида янги усул мактаблари учун «Мифтоҳ ул-алифбо» ва «Таҳсил ул-алифбо» дарсликларини нашр эттирди. Бу дарслик-қўлланмалар бошланғич синф ўқувчиларига ҳарф ва ҳарф бирикмалари, сўзларни тўғри ёзиш, уларни талаффуз қилиш қоидаларидан бошланиб, рақамлар, оғирлик ўлчовларига ўтиб борарди. Шунингдек, ўқувчига рўзғор буюмлари, дарахтлар, ҳайвонлар, қишлоқ ва шаҳарлар, табиат ҳодисалари ҳақида маълумот беради. Ибратли ҳикоя ва пандномалар билан ўқувчининг тафаккурини шакллантириб боради. Бу дарсликлар кўп йиллар Фарғона жаҳид мактабларида асосий қўлланма сифатида хизмат қилди.

Абдуваҳоб Ибодий 1914 йили ҳаж зиёратига боради, йўл-йўлакай Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларида мактаб-маориф ишлари билан ҳам қизиқади. Шу мақсадда Оренбургга бориб, Хусайния жаҳид мадрасаси таълим-тарбия тизимини ўрганади. У ўзининг сафар таассуротлари ва тажрибалари асосида иккинчи босқич



Чапдан: 1. Маматқул Холдоров, 5. Абдуваҳоб Ибодий  
6. Ҳадақул Ризаев 7. Шерали Рўзиев



Муаллимлар Кўқон мактаб интернати болалари билан  
(ўтирганлар унгдан чапга) 1. Ҳадякул Ризаев 4. Шокир Сулаймон  
7. Абдуваҳҳоб Ибодий 8. Маматкул Холдорев

мактаби ташкил этиш устида иш олиб боради, 1914 йили Кўқонда биринчи сонли намуна мактабини ташкил этади. Кейинроқ бу мактаб Ашурали Зоҳирий тавсияси билан «Ирфон» («Илм») деб аталди. Ибодий 1914 йили «Ирфон» ўқувчилари учун тўрт жилддан иборат «Эътиқоди исломия» («Ислом эътиқоди») китобини чоп эттиради.

Абдуваҳҳоб Ибодий ўз замонасининг энг илғор муаллимларидан бири эди. У тараққийпарвар сифатида халқ бахту иқболини маорифда деб билди ва жадид матбуоти тарғиботчиларидан бирига айланди. Ибодий Туркистондаги таназзулнинг олдини олиш йўли сифатида барчани бир тану бир жон бўлиб жамиятдаги мавжуд ёмон хулқлардан покланиш, халқ маорифини ривожлантириш ва ёшларни хорижий илм даргоҳларида ўқитиш ғояларини илгари суради. Жумладан, «Садои Фарғона»нинг 1914 йил 20 апрель 6-сонида «Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар?» номли мақоласида ўзининг беш

банддан иборат таклиф ва мулоҳазаларини билдиради. Мақола сўнгида: «Мана! Бул аҳли ислом бошига ёғгон фалокатларни йўқотмоқ учун аҳволи замондан хабардор ҳар фойдалиқ жадидни, ҳар ислоҳни мақбул кўродургон, диёнатлик, ҳур фикрлик муҳтарам уламо, муаллим ва имомларимиз, ҳар хил хурофотлардан сақлануб исломнинг соф ҳақиқат ва моҳиятларини халқга тушундуруб, хусусан, авом ан-нос (оддий одамлар) ораларида кўп шозъ бўлгон баччабозликга ўхшаш ёмон феълларининг ва бидъат ишларининг йўқ бўлмоқиға азтаҳидил ғайрат бирлан кўшиш қилмоқ, таълим-тарбия ишларини йўлға қўймоқ, муаллимлар етушдурмоқ учун Ўрунбурғ, Қозон, Уфо ва бошқа ерларға шогирдлар юбормоқ, ҳифзил сиҳатға мувофиқ бўлмагон мактабларнинг ислоҳини ҳимматлик ва ҳамиятлик бойларимиз хотирлариға солиб турсалар, тез фурсатда Туркистонимиз халқининг илм ва маърифат топмоқликлари табиийдур», – деб хулоса қилади.

Абдуваҳҳоб Ибодийнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати ва фидокорона фаолияти самараси ўлароқ мазкур мактабдан миллатимиз ифтихори бўлган кўплаб инсонлар, шоиру ёзувчилар, сиёсат ва жамоат арбоблари етишиб чиқди. Жумладан, 1905 – 1916 йиллар давомида «Мактаби Ваҳобия» ва «Ирфон»да ўқиган ёшлар орасидан кейинчалик Акбар Исломов, Назир Тўрақулов, Абдуллажон Каримовдек давлат ва жамоат арбоблари, Шокир Сулаймон, Усмон Носир, Чархий, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулладек шоир ва адиблар, Ғофур Қодирий, Иброҳим Назирий, Қурбон Назаровдек публицистлар, академик Теша Зоҳидов ва Аъзам Хўжаев каби юзлаб олиму муҳандислар, етук мутахассислар етишиб чиқди.

Абдуваҳҳоб Ибодий ўта талабчан ва қаттиққўл ўқитувчи эди. Унинг мактабида катта синф ўқувчиларининг кичик синфларга дарс бериши жорий қилинган бўлиб,

мактабда Ибодидан ташқари Ҳаққули Рўзиев (Ҳадяқул), Набижон Зоҳиров, Ҳакимжон Алиев ва Ҳамид қори каби инсонлар ойига 2-3 сўмдан ойлик маош эвазига дарс беришар эди. 1917 йили «Шўрои ислом» ташкилотининг Қўқон бўлими «Таъмили маориф» жамияти аъзоси бўлди. Шунингдек, у Аббосхўжа, Иброҳим Даврон, Аҳмадхон Маҳмудхонов билан биргаликда «Таълим маориф»нинг Қўқон шаҳридаги «Ғайрат» китоб дўкони ва кутубхонасига ҳам эгалик қилар эди.

1918 йили Мухториятнинг қонга ботирилиши натижасида Қўқон шаҳри вайрона айланди. Абдуваҳҳоб Ибодий мактаби ҳам бир муддат ўз фаолиятини тўхтатди. Мактаб кейинроқ шўроларнинг изни билан Коммуна номидаги мактаб-интернат сифатида фаолиятини қайта



Абдунаби Ваҳобов (чапдан биринчи), Шароф Рашидов (чапдан учинчи)  
Тошкент аэропортида

йўлга қўйди. Унга Ибодий собиқ шогирдлари Шокир Сулаймон, Наим Саид ва бошқаларни жалб этди. Абдуваҳоб Ибодий муаллим ва мудир бўлган 100 ўринли мактаб-интернатни 1919 йилдан биринчи «Намуна» халқ мактабига айлантиради. Бироқ хусусий таълим бекор қилиниши баҳонаси билан Абдуваҳоб Ибодий ишдан олинади. У 1921 – 1923 йиллар давомида Қўшчи иттифоқи ва озиқовқат тайёрлов пунктларида мудир бўлиб ишлайди.

Абдуваҳоб Ибодий 1923 йили Қўқон шаҳар маориф бўлимининг топшириғи билан икки босқичли ўзбек мактабини ташкил этади (1-босқич 1 – 3-синфлар, 2-босқич 4 – 5-синфлардан иборат) ва шу мактабда мудир бўлиб ишлайди. Кўп ўтмай яна ишдан олинади ва 1925 – 1926 йилларда Қўқон атроф ҳудудларида халқ суди бўлиб ишлайди. Фақат 1927 йилдан интернатлар қайта ташкил этилиши муносабати билан 8-сонли болалар интернати-га ишга киради. Ибодий 1930 йилга қадар мазкур интернатда мудир ва тарбиячи бўлди. Бу ерда Амин Умарий, Абдулла Шокир, Сулаймон Юдаков, Мамажон Ўрозбоев, Убай Орипов, Восиҳ Рашид каби инсонлар тарбия топган.

Абдуваҳоб Ибодий 1930 – 1937 йилларда 1-сонли болалар уйида мудирлик қилди. Муассасада унинг ташаббуси билан этикдўзлик, дурадгорлик, тикувчилик устахоналари, шунингдек, турли-туман тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Кўплаб шогирдларининг эришган ютуқлари ортидан жамоа қатор ташаккурномаларни қўлга киритди. 1935 йили Тошкентга бориб, собиқ шогирди, ЎзССР ХКС раиси ўринбосари Абдуллажон Каримовнинг қабулида бўлиб, шахсий нафақа учун ариза беради. Таълим соҳасидаги кўп йиллик заҳматли хизматлари инобатга олиниб махсус қарор билан «Меҳнат қаҳрамони» сифатида эътироф қилинади. 1936 йил 1 сентябрдан шахсий нафақа ола бошлайди...



Азиза Ибодиева Абдуваҳҳоб Ибодий авлодлари даврасида

ЎзССР ИИХК Қўқон бўлими бошлиғи Прасловнинг 1937 йил 10 сентябрдаги қарори асосида Қўқон шаҳар биринчи сонли болалар уйи мудирини Абдуваҳҳоб Ибодий «Миллий иттиҳод» аъзоси сифатида қамоққа олинади. Шу кунини берилган ордер билан унинг Қўқон шаҳри 8-участка 106-уйида тинтув ўтказилади. Абдуваҳҳоб Ибодиевнинг шахсий анкетасида оила аъзолари сифатида турмуш ўртоғи Ўғил биби, фарзандлари Абдулҳай (27 ёш), Набижон (17 ёш) ва қизи Солиҳа (22 ёш)нинг номлари кўрсатилган.

1937 йил 13 – 20 сентябрь кунлари кечган даҳшатли қийноқларга қарамай, Абдуваҳҳоб Ибодий «...ҳеч вақт аксилинқилобий ташвиқот олиб бормаганман» деган сўзида туриб олади. Бироқ совет терговчилари уни ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-банди билан айбдор деб топишди. Шунингдек, унинг айблов баённомасидан Туркияга сафари давомида Туркиянинг ҳукумат мулозимлари Анвар пошшо ва Маҳмуд Шавкат билан учрашган, Абдуллажон Каримов қамоққа олинганида «советлар энг содиқ ўзбек ўғлонларини йўқ қила бошладилар» деб норозилик билдирган каби чақувлар ўрин олган.

Абдуваҳҳоб Ибодий 1937 йил 27 ноябрь куни ИИХК хузуридаги машъум «учлик» томонидан 10 йилга МТЛ (меҳнат тузатиш лагери)га ҳукм этилади. Мазкур ҳукмда жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисоблансин деб қарор қилинади. Айрим маълумотларга қараганда, у 1942 йил жазони ўташ жараёнида вафот этган...

1956 йил 16 октябрь куни Фарғона вилоят суди «учлик»нинг 1937 йил 27 ноябрда чиқарган қарорини бекор қилди ва Абдуваҳҳоб Ибодий оқланди. Бу хушхабар 1957 йил 2 январь куни Абдуваҳҳоб Ибодийнинг фарзандларига юборилди...

Шу ўринда Абдуваҳҳоб Ибодийнинг авлодлари ҳақида қисқача тўхталсак. Фарзанди Набижон 1940 йили Челябинскдаги ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, 1942 йил уни муваффақиятли битирди. Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанггоҳларида бомбардимончи самолёти билан Ватан учун жон олиб, жон берди. Уруш тугаганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб фуқаро авиацияси соҳасига ишга ўтди. Набижон Ваҳобов 1956 йилдан Олий авиация билим юртида ўқиди. Сўнг Тошкент аэропорти бошлиғи бўлиб, ўзбек авиациясининг равнақига катта ҳисса қўшди. Унинг кўкрагини заҳматли меҳнати ортидан келган кўплаб орден-медаллар бегади. Бугун Набижон Ваҳобов авлодлари мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлида толмай хизмат қилмоқдалар...

Қизи Азиза Ибодиева 1937 йили отаси қамоққа олинганидан сўнг дунёга келган. Гарчи отасини кўрмаган бўлсада, бир умр падари бузрукворининг изларини излаб яшайди. Ота касбини эгаллаб, 40 йилдан зиёд муаллим бўлиб ишлади. Бугун Азизахон Ибодиева фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. У болалигида ўзи кўрган ва онасидан эшитган воқеаларни қуйидагича эслайди: «... беш-олти ёшларимда ўзим ҳам кўрганман. Уйимизнинг



орқа томонида бир боғимиз бўларди. Боғ Оқтепасойга ўрнатилган чархпалак орқали суғорилар эди. Унда ўрик, беҳи, олча, шафтоли, гилос дарахтлари бисёр бўлиб, боғдан қўни-қўшилар, ўтган-кетганлар ҳам фойдаланишар эди. Онамнинг айтишича, дадамлар бу боғни эгасиз тиконзор ерда ўз қўллари билан бунёд этган эканлар. Адамлар

баъзан дарсни шу боғда ўтиб, ўқувчиларига боғдорчилик ишлари ҳақида ҳам амалий билимлар берар эканлар. Пишиқчилик вақтида ўқувчилар ҳам боғимиздан тенг баҳраманд бўлган эканлар...».



## МУҲАММАДЖОН ХОЛИҚИЙ

Муҳаммаджон Холиқий 1890 йили Қўқон шахрининг Ғалчасой маҳалласида мактабдор ва мударрис Абдухолиқ Абдуваҳҳоб ўғли хонадонида дунёга келган. Отаси Абдухолиқ домла Қўқондаги Мавлонбой мадрасаси талабаларига ҳадисшунослик ва қофия илмларидан дарс берган. Муҳаммаджон дастлаб ўз отасининг қўлида савод чиқарди. Ўн ёшида каломуллони ёд олиб ҳофизи Қуръон бўлди. 1901 йили Қўқон мадрасасига кириб, икки йилда мадраса таълим дастурини ўзлаштирди ва таҳсилни Бухоро шаҳридаги олий мадрасаларда давом эттирди.



1908 йили Бухородан қайтгач, Ашурали Зоҳирий, Абдуваҳҳоб Ибодий, Иброҳим Даврон етакчи бўлган тараққийпарварлар сафида халқ маорифи тарғиботчиларидан бирига айланади. Аввал Ашурали Зоҳирий билан рус-тузем мактабида ишлайди. Сўнг Ашурали Зоҳирийнинг жадид мактабига кириб, она тили ва адабиёти фанидан дарс беради. 1910 йили ўз уйида янги усул мактаби очиб, унда диний дарслар билан бирга ҳисоб, жуғрофия, табиёт ва рус тили фанларини ҳам ўқитишни йўлга қўяди. У мактабни тугатган ўқувчиларидан таъя олдидаги майдонда имтиҳон оларди. Унда узоқ-яқиндан таклиф қилинган билимдон муаллимлар ва ота-оналар иштирок этарди. Холиқий мактабининг шуҳрати тезда шаҳарга ёйилиб, ўқувчилар сони кун сайин кўпайиб борди.

Муҳаммаджон Холиқий 1913 йили Ғалчасойдаги ўз ҳовлисида икки қаватли янги бинода «усули жаҳид» мактабини очди. Бу мактаб учун Россиянинг Вятка шаҳридан парта ва бошқа жиҳозлар келтиради. Бироқ халқни истибдод, зулм ва жаҳолат исканжасида тутишни истаган подшо маъмурлари ўлкада жаҳид мактабларининг шуҳрати ортиб бораётганидан хавотирга тушишади. Улар турли баҳоналар билан бундай мактабларнинг фаолиятига чек қўя бошлашади. Ҳатто жаҳид мактаблари фаолиятига халақит бериб, рус тилидан дарс ўтишни тақиқлаб қўйишади. Чархий домланинг эслашича, ўша вақтда ҳам Холиқий домла рус тилининг аҳамиятини инобатга олиб дарсларни давом эттирган. Фақат бинонинг иккинчи қаватида бир ўқувчи доимо деразадан пастга қараб турган. У назоратчи кўриниши билан устозни огоҳлан-



Ўтирганлар (чапдан): А.Зоҳирий 2. Муҳий (шоир, муаллим)  
3. Маҳмудхўжа домла. Тик турганлар (чапдан): 1. Пулатхон Қаюмий  
2. М.Холиқий 3. Зайнитдин Махсум.

тирган. Шундан сўнг ўқувчилар «Первая книга» номли рус тили дарсликларини йиғиштириб, Ҳафтиякни давом эттириб кетишар экан. Холиқий мактабининг бошқа мактаблардан фарқи – у ўқувчиларининг таълим олиши билан бир пайтда хунар эгаллашига ҳам алоҳида эътибор билан қарар эди. Холиқийнинг ўқувчилари орасидан кейинчалик Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Чархий, Абдулла Карим, Эркин Носир, Турғун Эрмат каби кўплаб моҳир педагоглар, адиблар, олимлар, муҳандислар ва бошқа соҳа мутахассислари етишиб чиқди. Синглиси Солиҳахоним ҳам маҳалладаги кўплаб қизларга муаллималик қилган. У икки синфлик дастур асосида қизларга дарс берарди. Айни пайтда, ўзининг тикув машинасида ўқувчи қизларга чеварлик, чопондўзлик, каштадўзлик, палак ва рўмолларга гул солишни ўргатарди. Солиҳахоним ипакдан ўз қўли билан «Туркистон харитаси»ни тиккан, унда вилоят ва шаҳар марказлари ўрнига ялтироқ пистонлар қадалган эди.

Муҳаммаджон Холиқий 1914 йилдан илм-маърифатга доир мақолалари билан «Садои Фарғона», «Садои Туркистон» газеталарида фаол иштирок эта бошлайди. Жумладан, «Садои Фарғона»нинг 1914 йил 11 май 16-сонида «Олтин тараф» мақоласида ҳар қандай халқ ўз ҳаётини фақат илм-маърифат ва ўзаро ҳамжиҳатлик туфайлигина яхшилаши мумкин деган фикрни илгари суради. Воқеий ҳикоя Туркистонга йўл олган бир яхудий ва арманининг вагондаги ўзаро суҳбати устига қурилган. Унда яхудийлар Туркистоннинг моддий ва маънавий бойликларидан нақадар унумли фойдаланаётганларини айтиб, уни «олтин тараф» деб таърифлайди. Армани киши ҳам: «...*Туркистонни сизирлари семиз ва серсут, товўқлари семиз, мевалари ширин. Одамлари ўзбек ва соддадил халқ. Бу жиҳатдан Туркистонни «жаннат» деб айтилса ҳам мумкин*



Ижодий суҳбат (чапдан): Митҳаджон Муҳаммаджон ўғли,  
Пўлотжон Қаюмий ва Усмонхон ота билан

*эди», – деб баҳо беради, яхудийнинг кейинги вақтда туркистонликларнинг уйғона бошлагани тўғрисидаги фикрига: «... ҳали туркистонликларнинг кўзлари очилмоқиға йироқ замонлар бор. Чунки алар бизлардек болаларини ортуқ ўқутмаслар ва ҳам бизларнинг мактабларимиздек мактаблари йўқ. Яна Туркистонда ҳар хил пуша-пишиқ (?) бойлар, нодон мерос бойбича ва пухта бойбачалар бор...» – деб жавоб беради. Муаллиф ҳикоясини: «Мана, афандилар! Туркистонни ким тонийдур?» – деб якунлайди.*

Муҳаммаджон Холиқий 1914 йили дўстлари Абдуваҳҳоб Ибодий, Иброҳим Даврон, Аминжон Авазов билан Туркияга сафар қилади. Улар 2 кун Самарада, 3 кун Харьковда, 3 кун Одессада бўлиб, сўнг Истанбулга етиб келадилар. Истанбулда 5 кун саёҳат қиладилар. Муҳаммаджон Холиқий Абдуваҳҳоб Ибодий билан Бурса шаҳрига йўл олади. Бурсада 4 кун бўлиб, Қўқон тараққийпарварларининг вакили сифатида Туркиядаги йирик партия

«Иттиҳод ва тараққий» етакчилари билан музокаралар олиб боради. Шундан сўнг Истанбулга бориб, шериклари билан Ватанга қайтадилар.

Муҳаммаджон Холиқий 1916 йили жаид мактаблари учун «Туркий алифбо» дарслигини яратди. Айни пайтда, унинг фаолиятида сиёсий йўналиш устуворлик касб эта борди. У 1917 йил ёздан «Ғайрат» жамияти кутубхонаси муассиси ҳамда «Шўрои Исломи»нинг Қўқондаги шохоб-часи «Таъмими маориф» («Маориф тарқатиш») жамиятининг саркотиби сифатида иш олиб борди. Ўзи етакчилик қилган «Қўқон муаллимлари» жамиятининг нашри афкори сифатида «Кенгаш» журналини чоп этишни йўлга қўйди. «Хуррият, мусавват, адолат» шиори бўлган журналнинг асосий мақсади Таъсис мажлисига тайёргарлик эди. Журналнинг иккинчи сониди М.Холиқийнинг «Бу кун қандай кун?» мақоласи босилди. Шу мавзудаги «Жумҳурият нима?» рисоласининг муаллифи бўлди. «Ғайрат» жамияти кутубхонаси қошида Обиджон Маҳмудов томонидан хайрия қилинган матбаахонада «Эл байроғи» газетасини чоп эта бошлайдилар. 1917 йилнинг кузида эълон қилинган Туркистон Мухторияти ва унинг 72 кунлик фаолиятида ҳам Муҳаммаджон Холиқий енг шимариб хизматда бўлди...

Шўролар ҳукумати томонидан ҳали кучга тўлиб улгурмаган Туркистон Мухторият ваҳшийларча қонга ботирилиб, Қўқон шаҳри вайронага айлантирилди. Муҳаммаджон Холиқий шундан сўнг фақат педагогик фаолият билан шуғулланди. Фарғона музофоти маориф мудир Маҳмудхон Аҳмадхонов 1917 – 1918 йилларда харобага айланган Ғалчасойдаги Охун девон мадрасасини тиклашни унга топширади. М.Холиқий Охун девон мадрасасини ҳашар йўли билан қайта обод қилиб, уни 9-сонли мактаб деб рўйхатдан ўтказди. Мактабни ўзи Вияткадан кел-

тирган парта ва бошқа ўқув воситалари билан жиҳозлаб, биринчи директорига айланади. Унга Мирзахон Раҳматов, Ўғулхон Асқарова, Абдулла Раҳматзода каби таниқли муаллимларни жалб этади. Ўзи она тили ва адабиёт фанидан, турмуш ўртоғи Салимахоним эса бошланғич таълимдан дарс бера бошлайди...

1934 йил 22 сентябрь куни сўроқда Обиджон Маҳмудов 1919 йили «Иттиҳод ва тараққий»нинг Тошкентдаги Қашқарлик маҳалласида бўлган таъсис съезди ҳақида эслаб ўтади. Унда «Иттиҳод ва тараққий»нинг номи «Миллий иттиҳод» деб ўзгартирилади. Ташкилотнинг янги дастури ишлаб чиқилиб, унга биноан Туркистон худудини тезлик билан равнақ топтириш учун яқин йилларда камида 1 млн халқни Туркия ва Германияга иш ва ўқишга йўллашни келишиб оладилар. Таъсис қурултойда турклардан Маматбей, Ҳайдар Шавқий, Тошкентдан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саидносир Миржалилов, Саъдулла Турсунхўжаев, Миёнбузрук Солиҳов, Толиб Мусожонов, Эшонхўжа Хоний, Салимхон Тиллахонов, Бухородан Фитрат, Абдуқодир Муҳиддинов, Мусо Саиджонов, Қори Йўлдош Пўлотов, Самарқанддан Ақобир Шомансуров, Муродхон Аълохўжаев, қози Ҳайдарбек Абдусаидов, Хивадан мулло Бекжон Раҳмон, Ашхобод ва Марвдан ҳам 3 киши иштирок этганини айтади. Мазкур қурултойга Қўқондан ўзи билан бирга Муҳаммадхўжа Холиқий, Юнусжон Оғалиқов борган эди дейди. Шу фикрнинг ўзи ҳам М.Холиқийнинг Қўқон тараққийпарварлари орасидаги юқори мавқеидан далолат беради.

1920 йили Қўқон шаҳрида дорилмуаллимин очилиб, унга М.Холиқий ҳам педагог сифатида ишга таклиф этилади. У билим юртида хуснихат, она тили ва адабиёт фанларидан дарс бериб, Пўлотжон Қайюмий, Абдулла

Қаҳҳор, Улуғ Турсунов, Теша Зоҳидов, Жўра Саидов, Раҳим Отажонов, Фахриддин Шамсиддинов, Фаттоҳ Раҳмон каби кўплаб шогирдларнинг хотирасида қолди. Кейинчалик машҳур адиб бўлиб етишган Абдулла Қаҳҳор «Озгина ўзим ҳақида» мақоласида устози ҳақида: «Менинг адабиётга майлими пайқаган ва бунга эътибор қилган киши она тили муаллими ва мураббийимиз Мамажон домла Холиқий бўлди. Бу одам адабиёт мухлиси бўлиб, ўзи ижтимоий ва адабий, хоҳлаганда бир чиқадиган деворий «Адиб» журналини ўз қўли билан ёзиб чиқарар эди...» – деб эслайди. Шунингдек, машҳур миллий истиқлол курашчиси хўжандлик Раҳмонқул қўрбошининг ўғли Худойқул Раҳмонқуловнинг 1930 йил 10 январдаги гувоҳлиги ҳам ўзида муҳим маълумотларни қамрайди. Жумладан, 1922 йили отаси Раҳмонқул қўрбоши билан қамоққа олинганини ва суд қарори билан отаси отиб ташланиб, ўзининг 3 йил қамоққа ҳукм этилганини ёзади. У Қўқон қамоқхонасида ўтирганида отасининг дўсти Қўқон угорком раиси Маҳмудхон Аҳмадхонов томонидан озод қилинган ҳамда Муҳаммаджон Холиқий унинг «Намуна» мактабига ўқишга киришида ёрдам берган. Қўқондаги «Намуна» мактабида унга Муҳаммаджон Холиқий, Мухтор Муҳаммадий, Абдулла Раҳматзода ва Қори Ниёзий дарс берганини ёзади.

1926 йили педагогика билим юрти Фарғонага кўчирилгач, М.Холиқий яна 11-мактабда ва катталар саводсизликни тугатиш курси ташкил этиб, унда дарс бера бошлайди. 1927 йилдан ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) томонидан собиқ жадиждларга қарши кураш кампанияси авж олдирилади. Бу вақтда М.Холиқийнинг турмуш ўртоғи Салимахоним ҳам оғир дардга йўлиқади. «Янги Фарғона» газетасининг 1927 йил 15 июль сонисида Салимахоним 11-мактабда 6 йил дарс бериб, касаллик ту-

файли вафот этди деган таъзияномаси босилди. Шу орада М.Холиқийнинг ҳам дарс бериш ҳуқуқи бекор қилинади ва у ишсиз қолади. 1929 йили Учкўприк тумани Катта Қорақўл қишлоғида янги мактаб очилиб, Муҳаммаджон Холиқийни унга ишга таклиф этишади. Муҳаммаджон Холиқий ғайрат билан иш бошлаган бир пайтда 1929 йил 15 апрелда тўсатдан қамоққа олинади. У 1929 – 1930 йиллар давомида Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлиқ ўзбек тараққийпарварларига қарши очилган «Миллий иттиҳод» иши доирасида тергов қилинади. Бир йилу уч ойдан ортиқ давом этган сўроқ-саволлардан сўнг 1930 йилнинг кузида озодликка чиқишга эришади. Бироқ таълим тизимида ишлаш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилади. Шундан сўнг Муҳаммаджон Холиқий «Динамо» колхозига аъзо бўлиб киради ва боғбонлик, асалчилик билан шуғуллана бошлайди.

Муҳаммаджон Холиқий 1937 йил 12 апрелда яна миллатчиликда айбланиб, мактабда ислом ақидаларини ташвиқ қилган, А.Зоҳирий билан «Миллий иттиҳод»ни тикламоқчи бўлган, шўро раҳбарлари чиқарган фармойишларини «бир пул» деган каби айбловлар билан ҳибсга олинади. Унинг Қўқон шаҳри Бирлашган кўчаси 1-хонадонидан тинтув ўтказилиб, бор бисоти олиб кетилади. Холиқий дастлабки сўроқда: *«Мактаб очишимдан мақсадим халқ болаларини ёзиш-чизишга ўргатиш, ўқишни қироат асосида билишни буюришгана эмас, уларга савдосотиқни, тижоратни зўр билишлари учун ҳисоб ва ҳандасани, бойликларимиз қайси ҳудудларда кўп эканини билдириб қўйиш учун жуғрофияни, чет элларга бориб келиш учун, тил воситасини ўрганиш учун ўрус ва араб тилларини ўргатишни ҳам лозим кўрғон эдим... Ҳозир муаллимликни йиғиштирдим. Жонимдан тўйдим. Болаларимни боқиш учун асаларичилик билан бандман. Сиёсатга ҳам,*



*таълимга ҳам аралашмайман деб сўз берганман. Ходимларингиз мени кўп қийнашмоқда...»* – деб ёзади.

1937 йил 15 октябрь куни сўроқда ўзига қўйилган айбловларни бутунлай рад қилди. Бироқ Холиқийнинг айблов баённомасида унга нисбатан 1914 йил Туркияга сафари вақтида Анвар пошшо, Маҳмуд Шавкатдек «Иттиҳоди тараққий» партияси етакчилари билан музокараларда иштирок этган, советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борган ҳамда аксилинқилобий махфий ташкилот аъзоси бўлган каби бўҳтонлар акс этирилди. 1938 йил 19 декабрда бўлган машъум «учлик»нинг 10 дақиқалик суди Муҳаммаджон Холиқийни 10 йил МТЛ (меҳнат тузатиш лагери)га маҳкум этади. У ҳукми САзЛагга қарашли жазо масканларидан бири – ҳозирги Навоий вилоятида жойлашган «Зарафшон» совхозида ўтаб, оғир шароитда вафот этади...

Муҳаммаджон Холиқийнинг фарзанди Мидҳатжон аввал Қўқондаги тиббиёт ишчилари факультетида ўқийди. 1936 йилдан эса Самарқанд тиббиёт институтида таҳсилни давом эттиради. У 1938 йили биринчи курсни битириб, ёзги таътилга Қўқонга келганида аллақачон отаси қамоққа олинган эди. Афтидан, Муҳаммаджон Холиқий қамоққа олинган вақтида икки яшар қизи Ҳикматхон билан хайрлашар экан, турмуш ўртоғи Турдихонга Мидҳатжонга ҳеч нарса айтмасликни тайинлаган эди. Бу вақтга келиб аллақачон бир неча таноб ҳовлиси мактаб ҳисобига ториб олинган, мевали дарахтлари кесиб ташланган, уй-жойлари вайрона ҳолга келиб қолганди. Оила учун оғир кунлар келади, у ўқишини ҳам ташлашга мажбур бўлади. Уруш бошланиши билан ўзи талабгор бўлиб фронтга йўл олади. Бироқ махсус бўлим уни «халқ душмани»нинг фарзанди деб хизматдан олиб, меҳнат фронтига йўллайди. Мидҳат Муҳаммаджонов 1943 – 1944 йиллар «Чир-



Мидхатжон  
Муҳаммаджонов  
(1915 – ?)

чиққурилиш»да ишлаб, уруш тугагач, бир йил давомида Томоша қишлоғида ота касби – ўқитувчилик билан шуғулланди. 1946 йилдан Самарқандда ўқишини давом эттирди. 1948 йил ўқишни тамомлаб Қўқонга йўлланма олди, кўп йиллар давомида шифокор бўлиб халқ саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилди. Айни пайтда, отасининг шогирди Чархий домла билан ижодий алоқада етук шоир бўлиб танилди.

Мидхатжон отасининг хотирасини бир умр қалбида асради. «Илиқлик даври»да шўро ҳукуматининг қатор масъул идораларига отасининг қисматини сўраб ариза ва мурожаатлар йўллади. Натижада 1962 йил 18 июнда Фарғона вилоят судида Муҳаммаджон Холиқийнинг иши қайта кўриб чиқилиб, оқланди. Шундан сўнг Мидхат Муҳаммаджонов отасининг пок номини қайта тиклаш, унинг ер-мулкларини қайтариб олиш мақсадида ҳукуматга қатор аризалар билан мурожаат этди. Бироқ...

Мидхат Муҳаммаджонов ҳассос қалбли инсон эди. 1965 йил 2 июндан бошлаб фарзанд ва авлодлари учун ўзининг оиласи, ота-онаси ҳамда изтиробли ўтмиши ҳақида хотира дафтари ёзади. Унда гўзал, ширинсухан ва камсуқум онаси Салимахонимнинг жуда ёшлигида сил касаллигидан, кўп ўтмай укаси Шавкатжоннинг қизамиқдан вафот этгани ҳақида ҳикоя қилади. Ўша замонларда отаси Муҳаммаджон Холиқийнинг бўҳтон билан ҳибсга олингани ва бу адолатсизликларда қандайдир Раҳбар номли аёл, унинг отаси Неъмат, муаллим Мелибой Шомусофиров ва Мамажон Солиев каби кимсаларнинг «хизмат»ларини ҳам унутмайди. Мидхатжон болалигида кечган даҳшатли онлар ҳақида ёзади:

Ҳасратим чексиз, ғамим бепоён,  
Тилим ожиздур этмакка баён.  
Ғам бирла аламни шиддатидин  
Безор бўлди юракдаги жон.  
Йигитлигимни ўғирлади ғам,  
Етимнинг дарди етимга аён.  
Бошимдаги оппоқ сочларим  
Ёшлигимдаги ғамлардан нишон.  
Ёшлигимнинг ҳар бир соати  
Ғамларга тўла, қайғули достон.  
Бу азобларга чидарми эдим,  
Менга қаноат бўлмаса қалқон?  
Тишимга қўйиб тишимни доим  
Умр ўтқаздим қолдириб армон.  
Нечун Мидҳатжон беҳуш деманг, шу:  
Ғаму кулфатдан ақли паришон.

Шунингдек, 1937 йилда ноҳақ қамалган падари бузруквори Муҳаммаджон Холиқийнинг хотирасига бағишлаб қуйидаги шеърни битади:

### ОТАМНИ ЭСЛАБ

«Илм ол!» – деб элимга  
Жар солдингиз, отажон!  
Меҳр қўйиб билимга  
Нур сочдингиз, отажон!  
Улуғ ўзбек диёрин  
Қўллаб азму қарорин,  
Шодлик билан кутдингиз  
Маърифатнинг баҳорин.  
Келди деб одил замон,

Халқ бұлур деб саводхон,  
Очилди деб бахтимиз  
Бўлдингиз шоду хандон.  
Кўнглингиз оқ, беғубор,  
Эдингиз оқил, хушёр,  
Халқим сизни ардоқлаб,  
Дер эрди: «Зўр зиёкор!»  
Боғ яратиб, мевасин  
Кўрмадингиз, отажон!  
Нур таратиб дунёда  
Юрмадингиз, отажон!  
Истар ўғил, қизингиз,  
Аммо қайда ўзингиз?!  
Боғларингизга боқиб  
Қувнар эди кўзингиз.  
Бир замонлар эгилган,  
Аммо синмас ҳақиқат!  
Жонингизга қасд қилган  
Жаллодларга минг лаънат!

## АКБАР ИСЛОМОВ

Акбар Исломов 1896 йил кузида Қўқон шаҳрида дунёга келган. Исломуҳжа авлоди Қўқон хони хизматида юқори мавқега эга бўлган муътабар хонадонлардан эди. Акбархўжа оилада тўрт фарзанднинг энг кенжаси эди (Сорахон пошшо, Умархўжа, Шамсиддинхўжадан кейин). У аввал эски мактабда, сўнг икки йил Абдуваҳҳоб Ибодийнинг жаид мактабида таълим олди. 1910 – 1914 йилларда заргарлик устахонасида заргарга шогирд бўлиб ёлланди, хунар ўрганди.



1914 йилда яна ўқишни давом эттириб, 5 ой давомида Қўқонда очилган рус-тузем мактабида ўқиди. Бироқ отасининг вафоти туфайли таҳсилни давом эттира олмади. Акбар Исломов 1914 йилдан Қўқоннинг эски шаҳарида жойлашган нашриётда ҳарф терувчи бўлиб иш бошлади.

Собиқ хонликнинг пойтахти Хўқанди латиф бу пайтда Фарғона водийсининг энг йирик иқтисодий ва маданий маркази сифатида муҳим ўрин тутар эди. Ўлкада мустамлакачи маъмурларнинг ҳақсизликлари, халққа нисбатан жабр-зулмнинг ортиб бориши ортиб борди, бунга қарши жаид тараққийпарварларининг маърифатчилик ҳаракати авж олди. Акбар Исломов Обиджон Маҳмудовнинг «Садои Фарғона» газетасида ишлаб, Фарғона жаидларининг етакчилари Ашурали Зоҳирий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Н.Тўрақулов билан танишди. Бу муҳит унинг дунёқара-

ши шаклланишида муҳим ўрин тутди. У ҳам ўзи тенги ёшлар қаторида жаҳид тараққийпарварлик ҳаракатига бош қўшди.

1916 йили Акбар Исломов мардикорликка қарши курашда фаол иштирок этади. Халқни курашда бирдамликка чақириш мақсадида ўзи ишлаётган нашриётда мустамлакачи маъмурлар ва уларнинг маҳаллий гумашталари кирдикорлари битилган варақаларни тайёрлаб бутун шаҳарга тарқатади. Бундан хабар топган подшо маъмурлари уни нашриётдан ишдан бўшатишга эришадилар. Маълум муддат ишсиз қолган Акбар Исломов Қўқоннинг янги шаҳар қисмидаги Воскресний кўчаси Болотина аптекаси ёнида жойлашган Вельский хусусий типографиясига ишга киради. У ерда рус ишчилар билан танишади, рус тилидаги билимларини янада мустаҳкамлайди ва нашриётчилик ҳунарини профессионал даражада эгаллайди. А.Исломовнинг бу даврдаги фаолияти хусусида 1934 йил 22 сентябрида Фарғона водийси жаҳид тараққийпарварларининг етакчиси Обиджон Маҳмудов ўз сўроқ баённомасида шундай эслаган эди: «Қўқон тараққийпарварлари озарбайжонлик маърифатпарвар Пири Мурсалзода билан ҳам алоқа боғлаган эди. Туркистонга мухторият олиш масаласида маслаҳат олиш учун фарғоналик жаҳидлар таклифи билан Озарбайжондан 1917 йил ёзида Қўқон шаҳрига Муҳаммад Амин Афандизода келди. Биз Мирзоҳид Мироқилов, Ашурали Зоҳирий, Маҳмудхон Аҳмадхоновлар раҳбарлигида у билан бир неча йиғинлар ўтказган эдик. Шу аснода миллий бирлик учун курашни мустаҳкамлаш мақсадида Миён Қудрат ҳазрат раҳбарлигида маҳфий ташкилот тузилган эди. Унга Акбар Исломов ҳам аъзо бўлганди».

1917 йилнинг кузида Туркистон озодлиги учун интилувчи барча тараққийпарвар кучлар Қўқон шаҳрида Тур-

кистон Мухторияти ҳукумати-ни туздилар. Акбар Исломов бу даврда типография иши билан бир қаторда Мухторият тадбирларида ҳам фаол иштирок этди. Бироқ 72 кун умр кўрган Мухторият большевиклар томонидан қонга ботирилди. Шу баҳона билан бутун Қўқон шаҳри ва унинг атроф қишлоқлари хонавайрон қилинди. Мухторият ҳукумати аъзолари билан бирга минглаб бегуноҳ аҳоли ҳам ўққа



тутилди, талон-торож авж олди. Кўплаб инсонлар оила аъзоларининг жонини сақлаб қолиш ниятида большевик зўравонлари олдида бош эгдилар. Аҳолининг бошқа бир қисми эса Ватан озодлиги учун ҳаёт-мамот курашига бел боғладилар.

1918 йилнинг мартада А.Исломов яна Қўқондаги «Печат ишлари» номли типографияга ишга қайтади ва «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»га кириб, унинг жамоатчилик ишларида фаол иштирок эта бошлайди. Бу пайтда ёш Акбар Қўқон шаҳрида халқ вакили сифатида иш олиб борди. Фикримизни кейинчалик советлар томонидан қўлга олинган Ҳамдамхожи Қаландаровнинг 1933 йил 3 октябрдаги сўроқ баённомаси ҳам тасдиқлайди: «1918 йили Эргаш қўрбошининг хужуми большевиклар томонидан қайтарилгач, у ўзининг 72 кишилик гуруҳи билан Боғдод туманидаги Хонобод-Бачқир қишлоқлари томонга чекинди. Мен Қўқон атрофида ўз йигитларим билан ҳаракат қилар эдим. 1918 йилнинг кузида мен турган Андархонга Тошкентдан Тошпўлот Норбўтабе-

ков, Мики Еникеев ва яна бир неча киши келиб, мендан Авғонистонга элтиб қўйишимни сўрадилар. Мен ўзимнинг Эргашга хизмат қилишимни айтиб, уларни рад этдим. Уларни 19 кун давомида ўзим билан ушлаб турдим. Шундан сўнг Қўқондан вакил бўлиб Акбар Исломов келди ва мен билан музокара ўтказди. Унинг ёнида Бобобек Норбўтабеков, Султон Сайдалин ва Ҳайдар Афандилар ҳам бор эди. Улар асирларимни олиб Тошкентга кетдилар».

1918 йил август ойида Акбар Исломов партияга кирди ва ҳарф терувчилик вазифасидан Қўқон шаҳар Мусулмон меҳнаткашлари касаба уюшмаси раиси лавозимига сайланади. Акбар Исломов ўзининг қатъияти, уддабуронлиги билан тезда кўпчиликнинг назарига тушади. 1918 йил сўнгида Қўқон шаҳридан Туркистон МИК аъзолигига сайланади ва Фарғона вилоят инқилобий трибуналига таклиф этилади. 1918 йил 23 декабрда А.Исломов Туркистон МИК томонидан Бухоро амирлигига йўлланган гуруҳга аъзо этиб танланади.

Акбар Исломовнинг раҳбарлик қобилияти, маҳаллий аҳоли билан ишлаш маҳорати, вазиятни тўғри баҳолай олиши совет маъмурларининг ҳам эътиборига тушишига сабаб бўлди. У Бухородан қайтгач, 1919 йил 24 майдан эътиборан Туркистон МИК ички ишлар халқ комиссари ўринбосари лавозимига тайинланади. А.Исломов бу лавозимда вақтида Фарғонада маҳаллий ҳокимиятни кучайтириш, аҳолининг ўзини ўзи ҳимоялашини ташкил этиш, халқ орасидан ташаббускорлардан милиция бўлинмалари тузишга раҳбарлик қилди. Шундан сўнг у кўп ўтмай яна Бухорога, бу гал РСФСР резиденти ўринбосари сифатида йўлланади.

1920 йили Тошкентга келган Акбар Исломов Туркистон ССР ички ишлар халқ комиссари лавозимига



тайинланади. У Аравон ва Учқўрғон ҳудудларида Шермуҳаммадбек ва Холхўжа раҳбарлигидаги қуролли қаршилик ҳаракати йўлбошчилари билан муваффақиятли музокаралар олиб борди. Туркистон Совнаркоми раиси К.С.Атабоев, ТАССР КП масъул котиби Н.Тўрақулов билан биргаликда Фарғона водийсидаги қуролли қаршилик ҳаракатини тўхтатиш, халқ хўжалигини тиклаш ишига эътибор қаратди. Кейинчалик нашриётдаги собиқ ҳамкасби П.М.Грачевнинг эслашича, А.Исломов НКВД раиси бўлган вақтда адолатли раҳбар сифатида халқ хурмати-ни қозонган эди. Хусусан, 1921 йили НКВД раҳбари сифатида Қўқонга борганида халқ унга бозорда чайқовчиликнинг авж олиб кетгани ва мавжуд адолатсизликлар ҳақида шикоят қилади. Шунда А.Исломов вазиятни адолатли баҳолаб, ҳолисона ҳукм чиқаради. У П.М.Грачев ва бошқа бир қатор беайб кишиларни НКВД қамоқхонасидан озод қилган. Аксинча, аҳолига нисбатан зулм ўтказган Туркистон ЧК ходимларининг ўзларини жазога торттирган. Шунингдек, А.Исломов бу пайтда очарчиликка қарши жиддий кураш олиб борди. 1921 йилда унинг ташаббуси билан ўлка шаҳарларидаги ота-оналаридан айрилиб кўчада қолган етим болалар НКВД ходимлари томонидан тўпланади, Тошкент шаҳрида улар учун махсус «Болалар уйи» ташкил этилади. У баъзан мазкур болалар уйига келиб, кўнгли ярим болалар билан суҳбатлашарди.

1920 йили Туркистон давлат университети очилганида А.Исломов биринчилардан бўлиб унинг ишчи факультетига ўқишга киради. 1922 йили факультетни муваффақиятли тугатади, аммо ўзининг билимидан кўнгли тўлмаي, 1924 йилда яна Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг қишлоқ хўжалиги факультетига кириб ўқишни давом эттиради. А.Исломов ЎОДУ (САГУ) қишлоқ хўжалиги факультетида ректор ўринбосари бўлиб, ёшлар-

ни жамоатчилик ишларига сафарбар этишга раҳбарлик қилди. Жумладан, Тошкентда аҳоли эҳтиёжлари учун хашар йўли билан «Спартак» стадионини қуришга киришади. А.Исломов бу гал ўқиш билан бир пайтда Тошкент округ ижрокўми раиси лавозимида фаолият юритади. 1925 – 1927 йиллар давомида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ирригация, мелиорация тизимини шакллантириш ва транспорт учун йўллар қуриш борасида қизғин фаолият олиб боради. Петроград, Самара, Тула каби саноат марказларига кўплаб ёшларни йўллаб, улардан маҳаллий саноатни оёққа қўйишда унумли фойдаланади. Ер ислохотини оддий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда муваффақиятли амалга оширади, вилоятдаги илк гидроэлектростанция ҳам А.Исломов раҳбарлиги даврида ишга туширилади.



Кетеван Давидовна  
Клдиашвили


А.Исломов 1925 йили Тошкентда Кавказорти ваколатхонаси ходими А.Н.Ждапаридзенинг уйида бўлажак турмуш ўртоғи Кетеван Давидовна Клдиашвили билан танишади. 1927 йили Москвадаги ЎзССРнинг доимий вакили лавозимига тайинланиб, шу йили Москвада Кетеванга уйланади, 1928 йили фарзанди Темур дунёга келади. Акбар Исломов 1927 – 1928 йиллар давомида советлар давлати марказида Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш йўлида тинимсиз кураш олиб борди. Ўзбекистонда пахтачилик билан бирга ипакчилик, ёғ ишлаб чиқариш саноатини йўлга қўйиш, оғир саноатни барпо этиш, мамлакатни аграр ўлкадан аграр-индустриал ўлкага айлантириш ишига алоҳида эътибор қаратди. Москвада ўзбекистонлик та-

лабаларнинг бошини бириктириб, уларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, Ватан хизмати учун бел боғлашга чақирди.

А.Исломов 1929 йили Ўзбекистонга чақириб олинди, 1929 йил сўнгидан 1933 йилгача Ўзбекистон давлат план қўмитаси раиси, 1933 йилдан то қамоққа олингунига қадар Ўзбекистон молия халқ комиссари лавозимида фаолият кўрсатди. Бу йилларда советлар мамлакатада қаттиқ марказлаштирилган молия тизими жорий этилди. ЎзССР Молия халқ комиссарлиги органларини қайтадан қуриш талаб этилди ва уларнинг бир оз мустақиллиги ҳам Марказ томонидан тортиб олинди.

А.Исломов кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида конференциялар ташкил этиб, ходимларнинг газета-журналлар ва бадиий китобларни мунтазам ўқиб боришларини таъминлади. У иш юритишдаги хўжасизликлар, омонат кассаларида йўл қўйилган исрофлар, ортиқча харажатларни кескин танқид қилди. Қисқа муддатда тизимда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга эришди. А.Исломов ўз фаолиятини Ўзбекистоннинг туб халқи манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этди. Мамлакатнинг маҳаллий молия тизимини шакллантиришга интилди, миллий кадрларни тайёрлаш мақсадида молия-иқтисод техникуминини ишга туширди, Ўрта Осиё молия институтини очиш ташаббускорларидан бири бўлди.

А.Исломов ўта оғир шароитда иш олиб борди. Шунга қарамай, аҳолининг маълум бир қисми диндор ва қулоқ хўжаликлар сифатида қатағон қилинишига қарши чиқди. Уларга солиқлар ноҳақ оширилишининг олдини олди. Аксинча, заиф хўжаликларни уч йилгача солиқдан озод этди. Қашқадарё вилоятида табиат инжиқликлари туфайли зарар кўрган деҳқонларга 500 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берди. Мамлакат келажаги ва халқ



Акбар Исломов ва Кетеван фарзанди  
Темур билан

саломатлиги билан боғлиқ соҳалар ходимлари – муаллимлар ва шифокорларнинг ойликларини биринчи навбатда беришни талаб қилди.

Ўзи учун қанчалик хавfli бўлишига қарамай, А.Исломов Германияда таҳсил олаётган туркистонлик талабаларнинг моддий аҳволдан доимий хабардор бўлиб туриш учун Тошкентда ишлаётган германиялик профессор Энглянд билан алоқани йўлга қўйди (Германияда таҳсил олган кимё

профессори Саттор Жабборнинг 1937 йил 28 сентябрдаги сўроқ баённомасидан), Германияда таълим олаётган талабалар учун доимий пул йўллаб турди (Германияда таълим олган электр муҳандиси Султон Матқулнинг 1937 йил 22 сентябрдаги сўроқ баённомасидан). 1934 йили совет давлати аллақачон ўзининг синфий душмани деб эълон қилган ўзбек халқининг буюк шоири Чўлпонни иқтисодий қўллаб-қувватлади (Чўлпоннинг 1937 йил 10 августда берган тергов баённомасидан). Табиийқи, бу «хато» ҳаракатлари билан ўзини ҳам совет давлатининг душманлари сафига қўшди, аниқроғи, ўзбек халқининг буюк фарзанди деган шарафга муяссар бўлди.

1937 йил 3 август куни ЎзССР НКВД раҳбари Загвоздиннинг қарори асосида эндигина 40 ёшни қаршилаган


ЎзССР молия халқ комиссари Акбар Исломов қамоққа олинди. Унга савдогарнинг ўғли, Қўқон Мухторияти иштирокчиси, «Миллий Иттиҳод» аксинкилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси каби айбловлар қўйилди.

1937 йил 3 август тунда у яшайдиган Тошкент шаҳри Оққўрғон кўчаси 5-уй 2-хонадонда тафтиш ўтказилди. Паспорти, ҳужжатлари, қуролларидан тортиб китоблари, хатлари,

уй жиҳозлари ва шахсий буюмларигача хатлаб олиб кетилди. Унинг ортидан хотини Кетеван Давидовна, 10 ёшли ўғли Темур (Асқар) ва 6 ёшли қизи Муқаддас қон йиғлаб кузатиб қолдилар. Акбар Исломов билан бирга яшаган 81 ёшли онаси Ойша ая, акаси Умар Исломов, синглиси Комила Тўрақуловага ҳам ҳеч қандай тушунтириш берилмади.

Халқ орасида уни яхши билган кишиларни кўрқитиб қўйиш учун 1937 йил 12 сентябрда «Правда Востока» газетасида А.Александровскийнинг, 1937 йил 14 сентябрда «Экономическая жизнь» журналида Б.Бухваловнинг «Политическая слепота бюджетной инспекции НКФ УзССР» сарлавҳали А.Исломовга тухматдан иборат мақолалари чоп этилади.

Дастлабки тергов жараёнида Акбар Исломовга қарши ҳеч бир жўяли айб қўя олмадилар. Акбар Исломовнинг ўзи бир вақтлар НКВД тизимида раҳбар бўлиб ишлагани учун совет қонунчилиги ва маҳбусларнинг ҳуқуқларидан



Акбар Исломов ва ўғли Темур

хабардор эди. Шунинг учун у 1937 йил 7 сентябрда ЎзССР НКВД раиси ўринбосари Леонов номига ёзган аризасида совет қонунчилигига зид тарзда маҳбусларнинг ҳуқуқлари топталаётганини маълум қилади. Унда маҳбусларнинг қуёшсиз ҳолда 1 соат, ёруғликда 20 минут айланиши, уларга китоб ўқиш учун шароит яратиб бериш ҳақида бир қатор мажбуриятлар борлигини эслатиб ўтади.

Леоновдан жавоб бўлмагач, ЎзССР прокурори Кабановга ариза билан мурожаат этади. Унда маҳбуслар тунни тўлиқ терговда ўтказишини, 16 соатлаб тик оёқда туришини, соатлаб ҳожат учун навбат кутишини, овқатланишдан қолиб кетишини, НКВД ходимларининг ҳақсизликларини, инсонни хўрлашга қаратилган ҳаракатларини бирма-бир баён қилади. Бу хатлардан сўнг А.Исломовга энг оғир қийноқ чоралари қўлланади. У даҳшатли азоблар остида 1937 йил 16 сентябрда ўзининг «аксилинқилобчи» бўлганлиги акс этган қоғозларга, 1937 йил 20 сентябрда ўзига нисбатан бир қанча туҳматлар ёзилган қоғозларга мажбуран имзо қўяди. Шундан сўнг терговчи Матвеев 1937 йил 20 сентябрда уни аксилинқилобий ташкилот аъзоси деб қарор чиқаради.

1937 йил 21 сентябрь куни Акбар Исломовга янги сўроқ баённомаси имзолатилди. Унда махфий аксилинқилобий ташкилотга 1925 йили Тошкентда Ҳанафий Бурнашев ва Раҳим Иноғомов томонидан тортилганини «тан олади». Акмал Икромовни ташкилот бошлиғи деб атаб, унинг аъзолари сифатида Файзулла Хўжаев, Рустам Исломов, Абдулҳай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаев, Маннон Рамзий каби жами 18 кишини санайди. Шундан сўнг ўзининг Файзулла Хўжаев талаби билан амалга оширган қатор иқтисодий жиноятларини келтириб ўтади.

1937 йил 22 сентябрда тергов остидаги А.Исломов ЎзССР НКВД раисига ариза йўллайди, унда ўзига қўйил-

ган барча айбловларнинг қуруқ тўхмат эканлигини далиллайди. Аммо ариза яна ҳеч қандай натижа келтирмайди. Аксинча, унга жисмоний куч ишлатиш йўли билан СССР НКВД раиси Ежовга ёзилган аризага имзо чектиришади. Унда А.Исломов ўзининг аксилсовет ташкилотга аъзо бўлганлигини яна «тан олади». Узлуксиз қийноқлардан бутунлай ҳолдан тойгач, 1937 йил 19 декабрда терговни тўхтатишларини сўраб илтимос қилади.

«Жиноий иш»ни янада «ишончли» далиллар билан асослаш мақсадида ишга бир қатор «халқ душманлари»нинг «кўрсатмалари» ҳам тикилди. Жумладан, Акбар Исломовнинг «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлганлигини Саъдулла Турсунхўжаев, собиқ БХСР Халқ Нозирлари Совети раиси ўринбосари Ато Пўлотович Хўжаев ва «Правда Востока» газетасининг собиқ муҳаррири Муҳаммад Ҳасанов қайд этганлар. «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг қанчалик «хавфли» эканлигини кўрсатиш учун Маннон Рамзийнинг 1930 йил 12 декабрь куни берган сўроқ баённомасидан парча келтиради. Жумладан, унда ташкилотнинг асосий мақсади, аввало, Ўзбекистонни мустақилликка тортиш, озодликка интилиш, ёшлардан миллий кадрлар етиштириш эди деб таъкидланган.

Мирмуслим Шермуҳаммедов Акбар Исломовни «Миллий истиқлол» махфий аксилсовет ташкилоти аъзоси деб кўрсатма берган бўлса, собиқ ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ҳамда собиқ Ўзкомпартия ташкилоти раҳбарлари Д.Манжара, А.Ф.Моор унинг ўзларининг «ўнгротцкийчи-миллатчилик ташкилоти» аъзоси эканлигини «тан оладилар». «Иш»га юқоридаги «халқ душманлари»нинг сўроқ баённомаларидан олинган варақларнинг тикилиши билан у анча каттагина кўриниш олди. Ҳаттоки 1935 йили Қашқадарёда об-ҳаво ноқулай келгани

туфайли ҳосилсизлик бўлгани учун аҳолидан олинди-  
ган солиқларни камайтириш бўйича Акбар Исломовнинг  
Акмал Икромовга ёзган хати ҳам унинг жиноий ишига  
далил сифатида тиркаб қўйилди. Яна НКВД топшириғи  
билан Молия комиссарлигидан Акбар Исломовнинг «жи-  
ноятлари»ни фош этувчи ўнлаб маълумотномалар олин-  
ди. Лекин улар билан ҳам Акбар Исломов ўзининг айбдор  
эканлигини тан олмади.

Энди совет тергов машинаси ўзининг янада тубан  
усулларини қўллашга ўтди. Хусусан, у билан бирга иш-  
лаган Евгения Михальянц, Марина Ивановна, Муҳаррам  
Алиханова каби аёлларга А.Исломов зўрлаган деган бўҳ-  
тонлар битилган қоғозларни ҳам имзолаттириб олдилар.  
Бу шармандали туҳматларга унинг ҳайдовчиси ҳам жалб  
этилди. Бироқ Акбар Исломов туҳматларнинг барчасини  
тўлиқ рад қилди, юзлаштиришга эса туҳматчиларнинг  
ўзлари рози бўлишмади.



Ўзбекистон пойтахтини Самарқандда Тошкентга кўчириш маросими орқада  
Акбар Исломов ва Файзулла Хўжаев




Умуман, турли масъул давлат мансабларида фаолият кўрсатган ва бу пайтда қамоққа олинган кўплаб маҳаллий кадрларни маҳв этиш учун жиддий сабаб топиш зарур эди. Кўп ўтмай шундай айб «кашф» этилди. ЎзССР НКВД раиси ўринбосари давлат хавфсизлиги майори Леонов 1937 йил 3 ноябрда Агабеков, Мирошниченко ва Матвеев томонидан тайёрланган қарорга имзо чекди. Унга кўра қамоққа олинганлардан А.Исломов, А.Тожиев, У.Эшонхўжаев, М.Турсунхўжаев, Т.Қирғизов, А.Худойбахтов каби 27 кишига гўёки «ўнг троцкийчи махфий миллатчилик ташкилоти» аъзоси деган айблов эълон қилинди.

А.Исломовни яқиндан кузатиш мақсадида 1937 йил 4 октябрдан унинг ёнига Тарасенко деган кимсани жойлаштирадilar. Шундан сўнг унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабарлар оқиб кела бошлайди. 1938 йил 19 февраль кечаси турма деворига араб ёзувида нималарнидир ёзгани ва йўлда йўталиш орқали бошқа маҳбуслар билан алоқага чиққани учун 3 кун карцерга йўллайдилар. 1938 йил 14 августда Агабеков А.Исломовни турма қоидаларини бузди деб яна 10 кун карцерга буюради.

1938 йил 27 сентябрда Иноятулла Бахшуллахонов томонидан ҳам Акбар Исломовнинг 32-камерадаги Рўзметов, Икромов ва Ортиқовга НКВД тажриба ўтказмоқда, биз ҳақиқатни тан олмасак, НКВД ҳеч нарса қила олмайди, сизлар аввалги кўрсатмаларингни қайтариб олинглар дегани, 30-камерадаги Искандар Давроновга ҳам кўрсатмангдан воз кеч деб айтгани ҳақида хабарлар ташкиллаштирилади. Бу чақувлар Акбар Исломовга нисбатан жисмоний куч ишлатишдан кўра кўпроқ фойда келтириши керак эди.

1938 йил 1 октябрда Акбар Исломов Абдулла Тошмухаммедов билан юзлаштирилди. Акбар Исломов ўзига қўйилган аксилинқилобий ташкилот аъзоси деган бўҳтонни мутлақо рад этди.



А.Исломовнинг набираси Давид Темурович Қатағон қурбонлари хотираси музейида

А.Исломов ўзининг сўнгги сўроғида ҳам: «Мен на партияда, на ундан олдин, на кейин ҳеч вақт аксилинқилобчи бўлмаганман. Наркомфинда ҳам ҳеч қачон ноқонуний, давлат манфаатига зид иш қилмаганман. Халқ манфаатига қарши бир тийин ҳам сарфламадим. Айтилган бирорта айб менга тегишли эмас. Мен ўзимга қўйилган айбларга рози эмасман. Мен

ҳеч қачон давлатга қарши аксилсовет тарғибот олиб бормаганман. Демак, ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси биринчи қисми ҳам менга тегишли эмас», – деб ёзиб имзо қўяди.

Акбар Исломовнинг тўқиб чиқарилган «Айблов баённомаси» 1937 йил 16 декабрь куни ЎзССР НКВД раиси Апрусян томонидан имзоланди. Шундан кейин ҳам қатор гувоҳлар чақирилди, юзлаштиришлар амалга оширилди, Акбар Исломов барча бўҳтонларни рад этди. Бироқ айбловда уларнинг бирортаси ўз ифодасини топмади. Бирор жумласи ҳам ўзгартирилмаган ўша айбнома СССР прокурорининг ўринбосари томонидан 1938 йил 3 октябрда имзоланди.

1938 йил 3 октябрь куни А.Исломов иши Алексеев, Зайцев, Болдирев иштирокидаги машъум «учлик» қўлига топширилди. Унинг суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 17:55 дан 18:15 гача давом этди. Суд А.Исломовга олий жазо белгилади, ҳукм шу куннинг ўзидаёқ ижро этилди.

1954 йил 31 июлда унинг турмуш ўртоғи Кетеван Давидовна Клднашвили – Исломова ўзи яшаётган Тбилиси шаҳри Бакрадзе кўчаси 16-уйдан СССР ҳукумати раҳбариятига ариза йўллайди. Дарҳақиқат, 1935 йили А.Исло-

мовнинг акаси Шамсиддинхўжа вафот этгач, унинг Баҳром ва Муқаддас исмли фарзандларини Кето билан ўз тарбиясига олган эдилар. Бу садоқатли аёл турмуш ўртоғининг ҳурматида бир умр Ўзбекистон билан алоқани узмади. У аризасида эри билан кечган ўн йиллик турмуши давомида уни ҳақиқий инсон, буюк ватанпарвар сифатида билганини ёзади. Акбар Исломовнинг 1937 йил август ойида НКВД томонидан қамоққа олингани, унга эрининг 10 йилга қамоққа ҳукм этилгани ҳақида маълумот берганларини ёзади. Ўзининг ҳам 1937 йил 2 октябрдан ҳеч бир қонуний асосларсиз 1 йилу 4 ой қамоқда бўлганини, фарзандларининг чеккан азоб-уқубатларини баён қилади. 1939 йилда озод бўлиб Грузияга келгани ва Тбилисида фабрика план бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётганига тўхталади. Шундан сўнг бундан 18 йил аввал ота-онаси бўҳтонлар асосида қамоққа олиниб, кўчада қолган фарзанди Темур (Асқар) Акбарович Исломовнинг камолоти ҳақида ёзди. Унинг келажаги учун ҳам отасининг пок номини тиклаш масаласини кўтаради.

Кетеван Давидовнанинг мурожаати асосида 1954 йил 4 сентябрдан А.Исломовнинг ишини қайта кўриб чиқишга қарор қилинади. Ниҳоят, 1956 йил 29 июнь куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан Акбар Исломов оқланди.

Хуллас, орадан 20 йилга яқин вақт ўтиб адолат қарор топди. Кўқон шаҳрига унинг ҳақиқий фарзанди қайтарилди. У ишлаган типографияга, 1-сонли ўрта мактабга ва Хўқанди латифнинг бош кўчаларидан бирига унинг номи берилди. Шубҳасиз, Акбар Исломовнинг аччиқ қисмати мустабид тузумнинг халқимиз бошига солган мудҳиш кўргиликларидан бири, қора доғ сифатида тарихимизга муҳрланди. Унинг чақмоқ сингари қисқа, дарёдек жўшқин умри давомида амалга оширган самарали меҳнат фаолия-

ти алоҳида тадқиқот учун арзирлидир. Дарҳақиқат, советларнинг «бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» деган ғаразли мақсадини ифодалаган «миллий давлат чегараланиши» сиёсати оқибатида тарихий Туркистонда бир қатор янги давлатлар ташкил этилди. Ана шу жараёнда вужудга келган Ўзбекистоннинг оёққа туришида халқимизнинг фидойи фарзандларидан бири бўлган Акбар Исломовнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. А.Исломов 1927 йил апрель ва 1929 йил май ойларида Москвада СССР советларининг IV ва V съездларидаги ўз чиқишларида Ўзбекистон ССРда халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашлар учун маданий турмуш шароитини яхшилаш масалаларини кўтарди. Жумладан, унинг ташаббуси билан Фарғонада текстил фабрикаси, Марғилон ва Эски Бухорода ипакчилик фабрикалари қурилди. Ўзбекистонда оғир саноатни барпо этиш мақсадида унинг бевосита раҳбарлигида Шўрсув нефтни қайта ишлаш заводи, «СТО» озекерт конлари ишга туширилди. Қатор электростанциялар бунёд этилди. А.Исломов ўлкада мутахассисларга бўлган эҳтиёжни инобатга олиб Москва ва бошқа шаҳарларда маҳаллий кадрларни ўқитиш учун фидокорона иш олиб борди.

Хўқанди латифда оддий оилада таваллуд топган Акбар Исломов ўз фаолияти давомида оддий ҳарф терувчиликдан советлар ҳукуматининг энг йирик лавозимларигача бўлган йўлни босиб ўтди. У 1918 – 1924 йилларда Туркистон МИК аъзоси, 1925 – 1937 йилларда Ўзбекистон ССР МИК аъзоси, 1925 йилдан СССР ва Туркменистон ССР МИК аъзоси сифатида иш олиб борди. Акбар Исломов ҳақида «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон», «Фарғона» газеталарида қатор мақолалар чоп этилди. Ҳатто 1935 йили нашр этилган «Большая советская энциклопедия» китобининг 29-жилдига Акбар Исломов советлар мамлакатининг йирик давлат арбоби сифатида киритилди.

## НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ

Давлат ва жамоат арбоби, публицист, тилшунос олим, машхур дипломат Назир Тўрақулов 1892 йил октябрь ойида Қўқон шахрининг Калвак маҳалласида дунёга келган. Отаси Тўрақул ҳожи Бухоро мадрасасида ўқиган, айти пайтда, йирик пахта савдогари эди. У араб, форс, рус тилларини ўз отасидан ўрганди. 10 ёшидан Абдуваҳоб Ибодийнинг «янги усул» – жаид мактабида ўқиб, отасининг дўсти Ашурали Зоҳирийга шогирд сифатида қатнай бошлади. Назир Тўрақулов 1905 – 1909 йилларда рус-тузем мактабида таҳсил олди. Қўқондаги саккиз синфлик реал билим юртини тугатиб, 1913 йилдан олий таълимни Москвада коммерция институтида давом эттиради. 1916 йили Биринчи жаҳон уруши туфайли учинчи курсдан бошқа талабалар қатори ғарбий фронтга йўлланади. Айнан шу жараёнда Н.Тўрақулов сиёсий кураш майдонига тортилади, инқилобий кайфиятдаги талаба ва ўқитувчилар томонидан Минскда тузилган «Эркин дала» махфий жамиятига аъзо бўлади. Шубҳасиз, Н.Тўрақуловнинг сиёсий дунёқараши шаклланишида мустамлакачилик зулми остида қолган Туркистон ва қишлоқ хўжалигида юзага келган муаммолардан хабардорлиги муҳим ўрин тутган. Бу эса унинг 1917 йил февраль ойида эсерлар партиясига киришига сабаб бўлган. 1917 йили Москвада коммерция институти-ни имтиёзли диплом билан тугатиб, Қўқонга қайтган ёш Назир 1917 йилдан Қўқон шаҳар ижрокўмида котиб ва сўл



эсерлар партияси раёсати аъзоси сифатида иш олиб борадди. Унинг Туркистон Мухторияти ёхуд «Алаш ўрда» билан боғлиқ фаолияти ҳақида ҳозирча бирор ишонарли маълумотни қўлга кирита олмадик.

Султон Сайдалининг 1942 йил 3 август куни имзоланган сўроқ баённомасида қуйидаги маълумотлар мавжуд: «...1918 йил март ойида Туркистон Мухторияти тор-мор этилгач, большевикларга қарши курашда эсерлар партияси билан сиёсий иттифоқ тузишга келишилди. Бутун Туркистон бўйлаб қисқа вақтда кўплаб маҳаллий тараққийпарварлар сўл эсерлар партиясига кирдилар. Бироқ эсерлар келишилган шартларни бажармадилар. Аксинча, Туркистонга мухторият бериш масаласини рад этдилар. Натижада орадан уч ҳафта ўтиб барчамиз, ҳатто анча аввалдан унинг аъзолари бўлиб келган Назир Тўрақулов, Ходи Файзийлар ҳам ариза бериб, сўл эсерлар партиясидан чиқиб кетдилар. 1918 йилнинг апрель ойидан кўпчилик компартияга кира бошлади». Шу маълумотга асосланиб айтиш мумкинки, Н.Тўрақулов Туркистон Мухторияти вақтида айнан Қўқонда бўлган, у тор-мор этилганидан сўнг Қўқонни тарк этган. Фикримизни унинг «Халқ до-рулфунуни» журналида Дарвеш имзоси билан босилган «Мунча сокин, нега хомуш» шеъри ҳам тасдиқлайди.

1918 йилнинг бошида Тошкентга келган Н.Тўрақулов дастлаб маориф соҳасида иш бошлаган. Тошкент маориф шўроси саркотиби Салимхон Тиллахонов раҳбарлигида Мунаввар қори, Фитрат, Муродхўжа Солиххўжа ўғли, Тузел Жонбоев билан бирга у ҳам ўлкада миллий таълимни ривожлантириш ишига жалб этилади. «Халқ до-рулфунуни» журналида чоп этилган бошқа бир хабардан маълум бўлишича, 1918 йил 14 июлда 25 июль куни ўтказиладиган Бутун Туркистон ўлкаси мусулмон маориф қурултойини чақириш комиссиясига Назир Тўрақулов

раис, Ғози Юнус саркотиб этиб тайинланган эди. Айнан шу даврда у ўзбек тараққийпарварлари билан мустаҳкам дўстлик ришталарини боғланди ва бу алоқаларни умрининг охиригача давом эттирди. Назир Тўрақулов Тошкентда жадид тараққийпарварлари билан бирга большевиклар ҳукуматининг «қизил империя»ча босқинчилик сиёсатига қарши жиддий кураш олиб борди, улар керак бўлса истиқлол йўлида ташқи кучлар ёрдамидан ҳам фойдаланишни назарда тутган эдилар. Бу масалада собиқ Россия империяси полковниги Хошаев Шахан Гирей Джангирович 1937 йил 9 октябрь куни терговда қуйидагича гувоҳлик беради: «... тошкентлик бой Муллабоев рус ҳамкорлари орқали инглиз жосуси полковник Бейли билан танишган экан. 1918 йил кузида Муллабоевнинг приказчиси Ғани Ҳамидхонов орқали Тошкентда Саъдулла Турсунхўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Назир Тўрақулов Бейли билан учрашган эдилар. Улар Англиядан ёрдам сўрашган, аммо кейин қайта учрашиш ва музокараларни давом эттириш учун имкон бўлмади».

Мавжуд вазиятда жадид тараққийпарварлар большевиклар ҳукумати билан муроса қилмасдан бирор-бир ижобий натижа чиқара олмасликларини тушуниб етадилар. Н.Тўрақулов 1918 йил октябрида компартияга киради ва Фарғона музофотига маориф масаласи бўйича масъул этиб юборилади. 1918 – 1920 йилларда Н.Тўрақулов Кўқонда инқилобий кўмита котиби, Фарғона музофоти инқилобий кўмитаси аъзоси, Кўқон шаҳар ижроқўми котиби вазифаларида ишлайди. Фарғона водийсини тиклаш ва халқ хўжалигини изга солиш жараёнида ўзининг ҳақиқий раҳбарлик салоҳиятини намойиш этади. Уни халқ ишонган етакчилардан бири сифатида кўрган совет давлати раҳбарияти бирин-кетин масъул лавозимларни топшира бошлади. У 1919 йилдан Турккомиссия таркибида Туркис-



Ўтирганлар (ўнгдан): Элбек, Исмоил Садрий, Ашурали Зоҳирий,  
Раҳим Иноғомов, Шокир Раҳимий, Назир Тўрақулов

тонда маориф масалаларини ўрганиш гуруҳи аъзоси, 1920 йил 19 апрелдан Туркистон маориф халқ комиссари этиб тайинланади. В.Куйбишев большевиклар доҳийси Ленинга Назир Тўрақуловни жуда иқтидорли қирғиз йигити деб таништиради. Ленин билан учрашувда Назир инглиз ва француз тилларида эркин суҳбат олиб боради. Мунозара вақтида Ленин Марксдан немис тилида иқтибос келтиради. Назир суҳбатни немис тилида давом эттириб уни ҳайратда қолдирган эди. Н.Тўрақулов 1920 йил 19 июлда ТКП МҚ масъул котиби, 1920 йил 8 сентябрда Туркистон МИК Президиуми раиси лавозимларига тайинланади. 1920 – 1922 йилларда Бутуниттифоқ МИК, РСФСР ХКС ва РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси бўлди.

Шу ўринда Назир Тўрақуловнинг Туркистон матбуотидаги публицистик мероси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак. Шубҳасиз, унинг журналистик маҳорати шаклланишида Туркистон миллий жаҳид матбуотининг ўрни катта бўлган. Шунинг учун ҳам унинг публицистик меросида маориф, фан, маданият ва адабиёт билан боғлиқ материаллар



кўпчиликини ташкил этади. Н.Тўрақуловнинг Туркистон матбуотидаги илк чиқишларидан бири сифатида унинг «Халқ дорулфунуни» журналида Дарвеш имзоси билан босилган «Мунча сокин, нега хомуш» шеърини мисол келтириш мумкин. Шеър Лайло исмли қизнинг онаси билан мунозараси асосига қурилган бўлиб, унда муаллиф:

*«Мунча сокин, нега хомуш, бу кишилар ҳар замон,  
Қайда кўрсам, учратсам, дарвеш каби бемакон.  
Устлари ифлос ва йиртиқ, юришлари бепарво,  
На аянчлик, на аянчлик бу ҳаёти бенаво!  
Бошқаларча кулмас ҳеч, яна бошқаларча ўйнамас,  
Фикрлари ҳеч анланмас, бошқаларча ўйламас,  
Қазо кунлар келса бирдан, бошқаларча куюнмас,  
Ўзларича бахтли бўлса, бошқаларча суюнмас», –*

деб қиз номидан онага мурожаат этади. Она эса қизига Ватан истиқлоли деб шу куйга тушган инсонларни куйидагича таърифлайди:

*«...Занжирларни кесмак учун келган соҳиб хитобларни,  
Мискин ал-зиёи арзни танвир этган офтобларни,  
Занжирларин шиқирдатиб, этсалар талъин ва дашном,  
Буюк соҳиб хуружларни, офтобларни эт эҳтиром!..»*

Шеърнинг умумий мазмунидан ҳам шу нарса англашиладики, Н.Тўрақулов мухторият деб интилган она шаҳри Қўқоннинг қизил аскарлар томонидан қонга ботирилганини ифодалар экан, истиқлол илинжида абгор бўлиб, дарвеш кўринишини олган Ватаннинг содиқ ўғлонларини офтобга тенглаштиради. Шундан сўнг ўзининг публицистик ишларига Дарвеш имзосини қўллайди.

Н.Тўрақулов 1918 йили Қўқонда «Халқ газети», 1919 йили «Янги Шарқ» журналларининг чиқишига раҳбарлик

қилди. 1920 йилдан «Иштрокиюн» газетасининг, 1922 йилдан «Инқилоб» журналининг муҳаррири бўлди. «Ҳақиқат», «Билим ўчоғи» журналларининг нашр этилишига кўмаклашди. Айни пайтда, унинг ўзи ҳам маҳаллий вақтли матбуотда тинимсиз мақолалар билан иштирок этди. Қуйида Н.Тўрақуловнинг Туркистон маҳаллий матбуоти саҳифаларидаги чиқишларидан айримларини келтириб ўтамиз.

«Босмачилик» номли мақоласи Фарғонада миллий қуролли қаршилик ҳаракатининг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф муаммони юзага келтирган сабабларни таҳлил этиб, унинг асосий ечими сифатида иқтисодий омилни илгари суради. Шу мавзуга бағишланган яна бир мақоласи – «Кўп кулган бир йиғлар»: *«Бу кунларда қўлимизга тушган маълумотларга қараганда, босмачилар орасида ўрнаклик қизиқ жараёнлар кўринмакда. Ораларида келиб-келиб ҳозир ўзбеклик ва қирғизлик масаласи келиб чиқибдир!»* – деб бошланади. *«Демак, бошлаган ўйинларининг табиий самаралари кўрила бошлади. Демак, ҳеч бир бошқа йўл, бошқа шиор қолмаганидан кейин тўғридан-тўғри боши берк кўчага от солмоққа мажбур қолмишлар! Келайлик, уларнинг сўзлари ва ишларига: шаҳарлар неки, аксарлар ҳам яхши диққат билан ўқисинлар...»* – деб хитоб қилади. Хўш, муаллиф бу мақола билан нима демоқчи? Албатта, Н.Тўрақулов совет маъмури, айни дамда, қуролли қаршилик ҳаракатини тинчлантиришга масъул шахс. Шунга қарамай, у юқоридаги сўзлари билан «большевикча» таъна-дашномлар остида бўлса ҳам айтмоқچики, Шермуҳаммадбек ва Муҳиддинбекнинг бир-бирига қаршилантрилиши айнан большевик сиёсатчилари «бошлаган ўйинларининг табиий самараси», ўзбеклик, қирғизлик низоси эса «боши берк кўча»дир. У фикрини: *«Гўё бир вақт Хўқандда эълон қилинган мухториятлари озлик қилган! Гўё ёнларидаги сариғ тўраларга 60 йил қўл*

қовуштириб юрганимиз бас эмиш. Гўё Жалолободдан ҳайдалиб ётқон қирғиз, ўзбек меҳнаткашларининг қонидан семирган ўрис балохўрлари «миллий мухторият»га ташна бўлиб, «шарияти исломия» номига уларнинг номаишуъ, ерларини ва давлатларини яна ўзларига қолдирмоқ лозим келган?» – деб ифодалайди. Бу сиёсий фитнада янада сергакроқ бўлишга чақиради.

Шунингдек, 1922 йил мартда Туркистон МИК раиси Н.Тўрақулов ва Бутунроссия МИКнинг Туркистон ишлари комиссияси бошлиғи Гусовнинг «Барча қўрбоши ва босмачиларга» мурожаати эълон қилинди. Унда «...Бутунроссия МИКнинг Туркистон ишларини қарағувчи комиссияси ҳам Туркистон Жумҳурияти Марказий ижроқўми қарор қиладиким, тинч рўзгор ишлари билан машғул бўлиш учун ўз ватанига тарқалган қўрбошилар, босмачилар шўро ҳокимияти томонидан афв этиладурлар; уларнинг ўзлари ва мол-мулкларига ҳеч бир зарар келтирилмас», – дейилади.

Н.Тўрақулов «Дарвеш» имзоси билан эълон қилган «Омон бўлсун Парғона!» шеърида Шермуҳаммадбекнинг садри аъзами (масъул котиб – Б.И.) бўлган Абдубоқи тилидан шундай дейди:

*«Жадидлар бўлмиш касопат»,  
Шунларни...(деб) эмиш ҳалокат,  
Қилмоқ керак, воҳ, ҳасрат,  
Омон бўлсун Парғона!  
Садри аъзаминг пикри,  
Шундан иборат зикри...  
Муаллимни ҳайдарлар,  
Шогирдларни ҳайдарлар,  
Ундан (қандай) «ғозий» бўларлар,  
Омон бўлсун Парғона!..*

Шеърдан кўринадики, Туркистон тараққийпарварлари қуроли қаршилик ҳаракатини ич-ичдан қўллаб-қувватлаганлар. Бироқ кўп ҳолда қуроли қаршилик ҳаракати аъзолари миллий зиёлилар билан ягона фронтга бирлаша олмаганлар.

Н.Тўрақуловнинг «Малакатимизда янги давр» мақола-си ҳам Фарғонада халқ хўжалигини тиклаш муаммосига бағишланади. Унда: «... Қишлоқни сиёсий, иқтисодий, маданӣ жиҳатдан оёққа турғизмоқ керак ва янгилик давринг футуҳотини зеҳнларига, қалбларига сингдирмоқ, ўрнаштирамоқ хизмати чиқодир. Бу вазифани амалга оширишда кооператор, зироатшунос, муаллим, табиб, совет партия ишларига воқф йигитлар лашкарига муҳтож бўламиз», – дейди. Омманинг эътиборини миллий кадрларга катта эҳтиёж мавжудлигига қаратади.

«Фарғонада сулҳ» мақоласида: «... еттинчи сентябрь жума куни Марғилон шаҳрининг атрофидаги Шаҳартена деган мавзеда шўролар ҳукумати вакиллари билан қўрбошилар орасида сулҳ ҳақида музокара бўлди», – деб хабар беради. Сулҳ шартларини келишишда Н.Тўрақуловнинг шахсан ўзи иштирок этгани учун маҳаллий аҳолининг энг биринчи талаблари инобатга олинди. Жумладан, унда: «Шўролар ҳукуматининг қонунига мувофиқ вақфларга дахл қилинмас ва шариасти шариф ва дини мубин ислом ўз жойида, ҳукумат тарафидан адолат юзасидан бунга ҳеч бир қаршилик ва эътироз бўлмас. Юртнинг сайлаб қўйган ҳукуматига содиқ ва аҳком шариасти набавиядан бохабар ва ўзлари ҳалол қозиларни фуқаропарвар ҳукумат ҳурмат қилур. Ҳеч бир вақт аҳли исломиятнинг таомил расм-русумларига тажовуз қилинмас. Ҳукумат дин ва мазҳаб тўғрисида «лақум диникум валиадин» ва «вал акром фиддин» ояти қарималарига амал қилур. Оташ аробаларда шаҳар ва қишлоқ йўлларида фуқаронинг ўз эҳтиёжлари учун олиб

бораётган асбоб маишатларига рухсат бериладир. Ва ҳеч бир кимса тарафидан реквизиция ва конфескация деган нарсаларга йўл қўйилмас ва развёрстка деган нарсаларни йўқ қилиб, шаръан мувофиқ бўлган солиқларни жорийлашда ҳукумат фуқаропарварлик қилмоқда ва фуқаронинг савдо-сотиқ, олиш-бериш ишларига жавоб бермоқда. Мана шул сўзлар кўрбошиларга баён қилинди ва шул музокараларнинг устида юртнинг Хўқанддан, Андижондан, Марғилондан ва бошқа жойлардан келган уламои киромлари ва катта-кичиги холис гувоҳ бўлиб туриб ҳукуматнинг одилона муҳитига ва оқилона сиёсатига таҳсин ўқидилар», – дейилади. Бироқ мазкур адолатли сулҳнинг қанчалик амалга ошиши ҳақида: «Энди гап кўрбошилар ва уларнинг атрофида юрган ва ҳеч вақт ўзлари урушмайдурган, лекин урушдирмоқни ўзларига касб қилган одамларда...» – деб хулосалайди.

Н.Тўрақулов «Инқилоб» журналининг 1 – 4-сонларига бош муҳаррирлик қилди. Мазкур журнал саҳифаларида ҳам ўз даврининг ўта муҳим ва долзарб муаммоларига бағишланган қатор мақолалари чоп этилган. Жумладан, «Туркистонда ҳозирги сиёсий аҳвол» мақоласида «Рижский курьер» газетасида босилган хабар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилади. Муаллиф Туркистонда юзага келган оғир аҳволнинг сабабларини таҳлил этар экан: «... муфаттин нобакорлар ҳануз машғум ишларини давом этмакдалар. Буларнинг ва буларнинг устози яғонаси бўлган ўрис тўралари дастидан Фарғонада ҳануз қон тўкилмоқда. Анойи қишлоқ халқимизнинг бир қисми уларга олоти сиёсат бўлмоқда...» – дейди. Н.Тўрақулов қуролли қаршилик ҳаракатини чуқур билади. Ундаги барча фитналардан хабардор. Шунинг учун мақолада Шермуҳаммадбек, Муҳиддинбек, Ислом паҳлавон каби кўрбошилар ҳаракатларининг уюшмаганлигини аёвсиз танқид қилиб, оқ офицерларнинг «сиёсий таълимоти билан мингларча мусулмон

деҳқонларини шикастзада этмас эди» дейди. Шунингдек, «Муҳаммад Аминбек каби ораларидан гоҳо чиқадурғон нодир шахслар-да бу тоифани бириктириб маданий ва мунтазам бир мамлакат таъсис этмак вазифасидан ожиздирлар. Тўрақул Жонузоқов каби одамлар босмачиларнинг охтишошини бир миллий ҳаракат деб қабул этиб, босмачиларнинг орасига бориб, уларни танзим ва ислоҳ этмак ҳаракати беҳудасида ҳейли оввора бўлдилар. Ўзларининг шул тарихан хато бўлган йўлига киришлари мунда турсин, Туркистоннинг кўп ёшларига-да шул хато фикрларини ва мафкураларини талқин эта билдилар. Муҳаммад Аминбекнинг Марғилонга киришида ёшлар тарафидан бир неча миллий нашидалар тартиб этилиб, самимиятлар билан истиқбол қилинганлиги табиийдир... Доимо шул даврни тахдир этганимизда бир ҳодиса эсимизга туша берадир. Муҳаммад Аминбек ёнидаги аксилнқилобчи ўрис офицерлари ва соддадил мусулмон йигитлари билан шаҳарга кирган, халқ шод ва хуррам, ёшлар, сиёсат йўлларида хамак ёшлар эса «миллий бек»нинг келиши муносабати билан бир адабий оқшомни тартиб этгандилар...» – деб эслайди. Айни пайтда, мазкур жараёнларда юз берган салбий ва ижобий воқеликларни бирма-бир эсга олади ҳамда барча замонлар учун муҳим бўлган ўз хулосасини баён этади: «Афсуски, тарих нардобонида ўртадан бир поя ташлаб сакрамоқ мумкин эмас экан. Бу сабабдан акс ҳолда Туркистонга беҳадди поён фойда келтира оладирган зиёлиларнинг бир қисми беҳуда «миллий беклик» мафкураларига ғарқ бўлиб ҳам ўзларини, ҳам халқни, ҳам мамлакатни алдадилар. Мамлакатга ва халққа хайрихоҳ бўлмоқ кифоя этмас эмиш. Хайрихоҳликни замин ва замонага мувофиқ татбиқ этмоқни-да билмоқ даркор эмиш.

Мана шул тарихий офатларнинг натижасида Фарғонанинг бир неча ерлари Эдилбўйи шекилли очлик кўрмоқ

таҳликасига қолғон. Яна шул тарихий офатларнинг натижасида халқимизнинг ва зиёлиларимиз пишиб оқ ва қорани ойира бошлаганлар. Кўрасизки, тажриба-да, сиёсий таҳсил-да Туркистонга арзон тушмаган. Энди «ўтганига саловот, қолганига барокат» деб мундан кейин келар замон хайрлик бўлсун деган маъно билан ўтганини тарих мазорига фақат йўлчиларнинг кўз олдларида ибрат бўлиб турсун учун йўл устидаги мазорга қўммак керак(!). Ҳар ҳолда, ўруснинг қаро аксилинкалобчиларига бадрафи кўрак бўлмоқ вазифасидан қочмоқни, ҳазар этмакни келар наслларга васият этиб топширмоқ керак. Душманига адоват эта олмаган киши дўстликда қила олмас, хусусан, сиёсат майдонида (таъкид бизники – Б.И.)».

У мақолада Самарқанд ва Бухородаги ҳолатларни ҳам таҳлил қилиб, «Баҳром деган Самарқанд қўрбошиси Хўқанд атрофида юратурғон Ислом паҳлавонга хат ёзиб, хатида ўзини «фарзандингиз» деб зикр этмиш», – дейди, агар совет ҳукумати ўзининг миллий сиёсатини ўнглаб олмайдиган бўлса, вазият ҳали-бери яхшиликка ўзгармаслигига алоҳида эътибор қаратади.

Н.Тўрақуловнинг яна бир гуруҳ мақолалари мавжудки, улар дунёда кечаётган жараёнларга бағишланади. Айтиш мумкинки, айти шу йиллардан унинг жаҳон дипломатияси ва геополитик вазиятлар билан боғлиқ билимлари ортиб борди. Н.Тўрақулов «Коса синди» мақоласида юнон-турк урушини Европанинг йирик мустамлакачи мамлакатлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг оқибати сифатида журналхонларга тушунтириб беради. «Улуғ Юнонистон» мафкуриси ҳам Юнонистондан кўра кўпроқ «Лондон сити бонкирлари ва Лойд Жоржинг» манфаатига ишлаётганлигини, Буюк Британия ўз сиёсий манфаатлари доирасида «бу ваҳший туркларни «хотунларига кафш олиб бермагани учун» Оврупонинг



Назир Тўрақулов Саудия Арабистонида бош элчи мақомида

азиз тупроқларидан чиқариб, бўюнларига бўйинтуруқни илар эдилар», – деб халқаро вазиятни ўқувчи учун тушунарли тилда ифодалайди.

«Баҳри муҳит атласдан баҳри муҳит кабиргача» номли мақоласида: «*Баҳри муҳит атласдан (Марокаш) баҳри муҳит кабир (Ҳиндистон)гача чўзилиб ётқон ислом дунёси улуғ бир сиёсий бўҳрон ва ижтимоий бир ғалаённи кечирмоқда*», – дейди.

«Араблар, турклар, ҳиндулар кўпрак бу ғалаённинг ичиди. Хусусан, араб ва турклар очиқдан-очиқ миллий истиқлолларини муҳофаза ва мудофаа йўлида Оврупо империалистлари билан курашмоқда. Марокаш, Троблис араби, Миср, Сурия, Фаластин, Байналнаҳринларда истиқлол масаласини бозув ва салоҳ кучи билан ҳал этмоқдалар.

Мужоҳид араб йигитларининг бошлиғи Саид бин Али Моликий ваҳобий эмиш. Ундан бошқа Бин Яҳё Улал Шатнатиса исмлик араб тартиб этилган икки минг отлиқ ва минг пиёда аскарлари шабохунлари бирлан Испания аскарларининг юришига улуғ бир матонат чекмақдалар. Ислому





аҳолисининг муҳаббат ва хусни таважжусуҳлари бирлан ва ватанлари йўлларини яхши билганларидан бунлар азим бир қувват ташкил этмоқдалар. Араб мужоҳидларининг маркази Жабал Мару тоғларида бўлиб, бошлиқлари Абдулкаримдир. Бу зотнинг қўли остида 15 минг яхши мусаллоҳ аскари бўлиб, яна бир қисм йигитларни Ҳалила шаҳрининг жануби-ғарбий томонида тўпламиш.

Бутун араблар дунёси кўзголғон Байналнаҳринда инглизлар бирлан, Сурияда французлар билан муҳориба қилиб турадирлар. Дамашқдаги араб миллатчиларининг клуби араб шўроси ҳолатига кириб, араб мужоҳидларининг ҳаракатларини идора этмакда. Ислом дунёсининг истиқлол ва нажоти шул ислом халқининг ўзларининг қўлида, ўзларининг иттифоқида, мунтазамлигида, ташкилотларининг пухталигида ва наинки «Шайх Иблис», «Шайх Беҳаё» каби Оврупога ҳар минутда 5 дафъа сотилмоққа тайёр худбин амир ва хонларида бўлсун. XX асрнинг ичида ислом демократияси Оврупо бирлан бўладирган беҳадди поён муҳорибаларда пишиб тарбия олса керак. Бу кун ислом дунёсининг



ҳар бир бурчагида бош кўтарган Абдукарим, Мустафо Камол, ҳинду Алилар каби муборица ва муҳориба учун яратилган янги одамларни кўрар эканмиз – эрта бу халқларнинг ўзларининг билвосита Оврупо империализмига қарши бир иттифоқи мудофаа аҳд қилганликларини мушоҳада этсак керак. Чунки дунё ва ҳаётнинг иқтисоси шулдир.

*Салом сизга, эй ислом дунёсининг истиқлоли учун Оврупо мусаллотлари билан мужоҳада этгувчи паҳлавон араб, турк, ҳинду йигитлари! Сизларнинг ишларингиз, мақсадларингиз, қонларингиз ҳақдир! Бинобарин, бу мужоҳаданинг натижаси фақат зафар ва муваффақиятдир!»* – деб мақолани якунлайди.

Н.Тўрақуловнинг «Бир нутқ ҳақида» деб номланган мақоласи унинг кенг дунёқараши, билим доирасини кўрсатиб туради. У «турклик дунёсининг маъруф ходими, туркчилик мафқурасининг машҳур маъшуқи» деб таърифлаган Юсуф Оқчуро ўғлининг Анқарада Россия ва Украина жумҳуриятларининг вакиллари учун ташкил этилган мажлисдаги маърузасини танқид этади. Мақолани: «Оқчуро ўғлининг «Русия ва Украина тупроғида қойим бўлмиш идора ва бу идоранинг мазлум Шарқ халқларига берган сиёсий самара ва натижаларини тақдир этиш ва

«рус даҳоси»га ўзининг бошқача бир мухлис эканлигини кўрсатиш билан баробар бир неча хатолар қилмоқда», – деб бошлайди. Дипломатлар ўртасида айрим ёлғон такаллуфларнинг мавжудлиги, бироқ олим бўлгани ҳолда Юсуф Оқчўранинг совет вакиллари билан маърузасидаги хушомадларини Н.Тўрақулов қабул қила олмайди, «Бизнинг энг аввал кўрсатган айбимиз Оқчура ўғлининг нуқсони – унинг идеалистлигидир. Ҳеч бир доирага сиғмаган идеалистлигидир. Унинг идеализмининг ҳеч бир поён йўқдир. Зотан, унинг идеализмининг айби, энг заиф ерида поёнсизликдир», – дейди. Шундан сўнг маърузанинг таҳлилига ўтиб: «Мулло Насриддин афандининг: «Бутун ғавғо кўрпамнинг устида экан», – деганидай, Оқчура ўғли Юсуф ҳам турк ва усмонли фалокатларини «такаллуфли, риёли, сугуқ трошидали» ғарб-француз маданиятидан кўрадир. Унинг фикрича, бутун бало Ғарб маданиятида! «Рус даҳоси ва рус маданияти»ни эса Оқчура ўғли Юсуф тубандагича тасвир этадир: «Рус руҳи дейларки дунёдан зулм ва заъиф қалқсин, ерина мусовий ва мутлоқ ва масъуд бир башарият қойим ўлсун».

Рус-турк халқларини бир-бирига муқояса этганда-да бу навъ беасос фикрлар юргузуб, ўхшаган жойидан ўхшатмай, ўхшамаган жойидан ўхшатмоқчи. Масалан, бир замон Туркияда турк ижтимоий ҳаётида бошланган халқпарварлик «халққа тўғру» байроғи остида зухур этилган ҳаракатни Маҳмуд Асад афанди мархумнинг бир вақт Қозонда сўйлаган нутқиға истнодан Русиядан Туркияга «сарофит этдигини» даъво қилмоқчи. Унинг фикрича, ғарб маданияти эса Шарққа нима бермиш? Бу масалага келсак, Оқчура ўғли Юсуфнинг бу сўзини эшитинг: «Ғарб маданияти эса турк генжлигина ишқилиғи, ростокўрлиғи, халқдан мустаҳзиёна ва митакфироно чекиларак халқи оммоё асло аҳмол этмирак Истанбулда завқ ва атолат

ичинда сарф ва масоруф яшамайи ўзгратмишдир». Ниҳоят, Толстойни рус халқининг тажассуми деб тасвир эта келиб охирида Ленинни-да яна шул «Толстой бобо»дан руҳ ва файз олганлигини ва «... қадим, зарин асрорангиз Шарқнинг зулума, таҳқума риёда, зарпарастликка хосли бутун шайтоний ўлон фазоиҳа қарши қалқмоқ, унларида вермак учун ора-сира етишдирдиги бутун олама, бутун башарията ҳодий ва муришид ўлон қаҳрамонлари оиласиндан» деб шоирона тасвир этмакдан ўзини имтиноъ эта олмаган. Нутқининг охирида «яшасун пан мазлумизм» деган нидо билан сўзини битирадир. Кўрсангизки, Оқчура ўғли Юсуф Русиянинг энг самимий ва энг оташин бир дўсти, ишчилар ва деҳқонлар идорасининг энг муттақид мудофаъидир. Бу сабабдан, фақат бу сабабдан ақлимизга келган биринчи очиқ фикримизни очиқ ва аниқ баён этмакдан бошқа йўлни маъқул кўрмадик. Зероки, «дўст йиғлатиб гапирар, душман кулдириб», – деб Юсуф Оқчўра ўғлининг яқин ўтмишидан сўз очади. «Оқчура ўғли бу беш-олти йил ичида маслагини ҳейли ўзгартмиш. Бу ўзгаришнинг сабабини излаб тополмай таажжубландик. Масалан, тахминан Болқон муҳорибаси вақтида Оқчура ўғли Юсуфнинг бус-бутун бошқача жавлон этганини кўрдик. «Турк юрду» (195 саҳифаси, сони) мажалласининг шул вақтларда чиққан номерларидан бирида лутфи фикри билан ва унинг орқасидан эргашган «мажиддин» фирқасининг проғрамини танқид этиб, шул сўзларни ёзган эди: «Воқеъи тарихида авомил асосия сарф эҳтиёж ва маномеъи моддиядир». Бир неча замон ўтиб эмдиликда Оқчура ўғлининг ўзини лутфи фикри айби билан айбламакка тўғри келадир».

Шундан сўнг Н.Тўрақулов ўз фикрини далиллаш учун яна бир қатор мисолларга мурожаат этади. «Россиядаги маданият асоси Оврупо маданияти эмасми? Ёки рус миллати ўз миллиятини Овруподан келтирмай, Шарқдан ё бўлмаса

яна бошқа ердан келтириб эдиларми? Балки, йироқдан қаралганида Россия маданияти Оврупоникидан бошқачароқ, чиройлироқ, «энг инсониятпарвар, энг шафқаткор»-да бўлиб кўринар. Лекин, наузанбиллаҳ, шул «инсониятпарвар ва шафқаткор» маданиятнинг таёғи остида ниҳояти 50 – 60 йилгина бизга ўхшаш халқлар кайфияти аҳволининг бутунлай бошқача эканлигидан шаҳодат бера оладирлар. Бу фикр нуқтасининг энг нозик жойи, хусусан, бизнинг вақтимизда шўро ҳукуматининг тизгини мазлум халқларнинг меҳнаткашлари кўлига ўтган чоғда бошқа бир равшан ва очик йўл билан билинмакда, сезилмакда.

Шул Толстой, шул Островский, шул Верещачин, шул Михайловскийлар асори шафқаткорида тарбия топган, шунларнинг фикрларини ва хаёлларини томирларига-ча сингдирган рус зиёлилари, муаллимлари, талабалари, профессорлари, дўқтурлари, муҳандислари ва ғайри ва ғайрилари, бу кун инқилоб кунларида кўрамизки, «қавми ҳоким» мафқурасидан ҳануз ва ҳануз кеча олмаганлар.

«Толстой бобо»нинг маданияти китоб маданиятидир. Ҳаётда синфий идора, синфий маданият, синфий мафкура борки, бунларни бурун капитализм идораси, капитализм маданияти ва империализм мафқураси ва ҳозир ишчи, деҳқонлар идораси, пролетариат маданияти истиқлоли, миллий мафқураси деб атаймиз. Бўғоз бўғозга келишганида синфий мубориза авжига келганида кимнинг тарафига ўтиб кетганлигини кўрдик.

Рус зиёлиларининг халқдан «чиплоқ, ваҳший халқдан» ва мутанфир чекилиб, халқ ҳукуматига қарши саботаж эълон этганлигини кўрдик. Миллати ҳокимлик нуқтаи назаридан кечагина маҳкум бўлган халқнинг меҳнаткашлари идорасига итоат этмакда, нафрат – эътирозларини сатр эта олмаганликларини кўрамиз. Ҳатто Туркистон каби мухториятлик бир жумҳуриятда расмий таътил кунини деб

якшанбанинг ўрнига жумъа декрет бўйинча эълон қилинганда энг олий табақалик рус зиёлилари бўлган профессорлари ичида ҳатто эътироз ва истеҳзо ва таассуб асарларини мушоҳада этдик. Бунлар, одатда, ул даражада диндор бўлмаганликлари ҳолда ўзларининг бечора ортодокслик (православие) мазҳабидан-да жудо бўлмаганликларини изҳор этган бечора мискин ал-ақл одамлардир. Алҳосил, фикримизнинг хулосаси шулдирким, инқилоб, синф муборизасидир. Бу мубориза ҳокимият учундир. Ва бу муборизани ҳаёт саҳнасида биринчи роль китоб маданиятиники эмасдир. Қайси синф асослирак ва мунтазамрак хуруж этса, биринчи роль унингдир. Бинобарин, халққа муҳаббат, зулмага адоват, фисқ-фужурга нафрат, риё ва зарпарастликка хусумат мафкураси бир ернинг ўзига махсус мафкураси бўлмай, балки ҳар бир ерда, зулм ва таҳқум мавжуд ҳар бир ўлкада, ҳар бир одамнинг бошида туғилмоғи табиий бир мафкурадир. Бўлмаса, масала «французчанинг такаллуфи, риёси, суғуқ трошида» лигида ва русчанинг сийжаклигида ва мунислигида» бўлмай, балки бошқа нуқтададир.

Тадқиқ сатҳлашганда натижа нодуруст бўлса керак. Ортиқча файвор этган идеализмдан хайр чиқмас. Икки оғиз сўз маданиятдан: «маданият» истилоҳи турлик маъно билан турлик ўринларда истеъмол қилинади. Бу сабабдан турлик-турлик англашилмасликлар вужудга келади. Масалан, Оқчўра ўғли Юсуфнинг билган маданияти «Толстой бобо», Репин, Островский, Чернишевскийлардир. Ҳар ҳолда, маданият сўзини истеъмол этганда кўпрак ва аксари шул адабиёт, санои нафиса нукталарига аҳамият берадир. Бизнинг фаҳмимизча, маданият моддият ва маънавият қисмларидан иборат бўлиб, биринчи қисмига миллият ва жинсиятнинг ҳеч бир таъсир ва аҳамияти йўқдир. Миллий телеграф, миллий телефон ёки миллий айроплон бўлмас. Агарчандики Туркистон каби бир хил мамлакатларда ҳол

ароба (Хўқанд ароба), миллий омов ва миллий чопонлар муҳофиз қолсалар-да, маданият касб интишор этгани сайин бу миллий нарсаларнинг мунқариз бўлмоғи ҳар кимга равшандир. Лекин маънавият қисмида айна фикр ва айна мафқуранинг турлича тазоҳироти табиийдир. Бу нуқтаи назардан масъалани таҳлил этганда «Анадўли» муҳаррири Муҳаммад Аминбек, «Икки деҳқон» муҳаррири Тургенов қиймати ҳаётият жиҳатидан ҳар қайсиси ўз жойида қийматдордирлар. Ва ҳар қайсисига ўз муҳитида қийматини бермак керак. Яна бир оғиз сўз Толстой бободан «зулмга қарши мақовмат этмангиз» шиори билан майдони ҳаётга чиққан «Толстой бобо» бўлиб, «Бутун дунё меҳнаткашлари бирлашингиз» фарёди билан зулмга қарши диктатура йўли билан жиҳод этган Лениннинг орасида нима робита, нима муносабат бор эдики, бу икки одамни бир-бирига боғламиш?! Мана шул қисқача мулоҳаза ва андишалар билан Оқчурани ўғлининг нутқини дарж этдик. Дўстлигида давом этгай ва дўстлиги урокли бўлғой орзулар билан сўзимизни ҳозирга битираман», – деб мақолани якунлайди.

Албатта, Н.Тўрақуловнинг ушбу мақоласи ўз даври учун мисли кўрилмаган қаҳрамонлик эди. Унда илгари сурилган фикрлар олмосдек кескир, айна пайтда, «қизил империя»нинг асл башарасини, унинг мустамлакачилик моҳиятини очиб ташлаган.

Журналнинг кейинги сонидаги «Аҳволи замон» кериш мақоласи ҳам, гарчи имзосиз бўлса-да, Дарвешга тегишлидир. Унда халқаро майдондаги ҳолат, совет давлатининг Туркия ва Германия давлатлари билан илк сулҳлари ҳамда Генуя конференциясида совет давлатининг ташқи қарзларини тўлашдан бош тортиши масалалари ҳақида ўқувчиларга хабар берилади. Н.Тўрақулов «Аҳволи замон» мақоласида яна «юнон-турк» уруши мавзусига қайтиб, Генуя конференцияси натижаларидан қоникма-

ган империалистик давлатларнинг Туркияни Венецияга чақиришини танқид қилади. Бу сулҳнинг советлар давлати учун фойда-зиёнини муҳокама этади.

Н.Тўрақулов ўзининг ўткир сатира ва юморга бой ҳазилларини «Об намак», «Намак об», «Об шўр» имзолари билан ёзди. Бу борада унинг асосий «рақиб»лари «Шапақ махзум» (Ғози Юнус) ва «Жўлқинбой» (Абдулла Қодирӣ) бўлдилар.

Н.Тўрақулов 1922 йил 8 октябрдан Москвада ишлаб бошлади. У 1922 – 1928 йилларда Шарқ халқлари марказий нашриётида бошқарув раиси, Бутуниттифоқ шарқшунослар илмий ассоциацияси президиуми аъзоси, Шарқ халқлари институтининг ректори ўринбосари вазифаларини бажаради. У ўзини етакчи маърифатпарвар, ношир, муҳаррир ва тилшунос олим сифатида намоён этди. Унинг раҳбарлигида 50 дан ортиқ миллатлар тилида Марказнашр 60 миллиондан ортиқ ададда ўқув, илмий-оммабоп, сиёсий, бадний адабиётлар, публицистика, услубий қўлланмалар чиқарди. 1928 йилга келиб Марказнашр 12 тилда 21 та даврий нашрни доимий босишни йўлга қўйди. Дарҳақиқат, Назир Тўрақулов маҳаллий ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, озарбайжон, қорақалпоқ, тожик тилларидан ташқари араб, форс, рус, инглиз, немис, француз, хитой, яҳудий тилларида эркин суҳбатлаша олар эди.

Н.Тўрақулов 1923 – 1928 йилларда Бутуниттифоқ янги турк алифбоси комиссиясининг раиси бўлиб, 1926 йили Бокуда ўтказилган биринчи Бутуниттифоқ туркология съездида иштирок этди. Имлони араб алифбосидан лотин алифбосига ўтказишда тилшунос олим сифатида жуда катта ҳисса қўшди. Айни пайтда, Н.Тўрақулов Туркистон миллий зиёлилари билан мустаҳкам алоқада бўлган. Бу борада 1937 йил 10 август куни Абдулхамид Чўлпон қуйидагиларни маълум қилган: Тошкентда Н.Тў-



рақулов Мунаввар қорининг ёнига тез-тез келиб, у билан шахмат ўйнар эди. Бир гал Мунаввар қори унга «сиёсий ўйинда қаттиққўл бўлма» деганида Н.Тўрақулов «баъзан қаттиққўллик ютиш учун чалғитувчи усул ҳам бўлиши мумкин-ку» деб жавоб берган эди. 1923 йили Мунаввар қори ташаббуси билан ташкил этилган «Нашри маориф» жамияти Иномжон Хидиралиев, Акмал Икромов ва Назир Тўрақулов томонидан қизғин қўллаб-қувватланган эди...

Н.Тўрақулов 1925 – 1927 йилларда Москвада Марказий нашриётда раис бўлди. Унинг ёнида Фотиҳ Каримий, Алихон Букейхонов каби тажрибали инсонлар билан бирга Наби Расулев, Шокир Сулаймон, Наим Саиддек Москвага таҳсил олиш мақсадида борган кўпгина ўзбек ёшлари тўпланган эдилар...

Н.Тўрақуловни 1931 йили Арабистон қироллигида элчилиги вақтида Жиддадан келганида кўргандим. Ўшанда мен ундан «бирор яхшиликдан умид борми» деб сўраганимда у «ҳозирча сабр қилиш керак» деган эди. 1935 йил Фитратнинг уйига борганимда Мисрдан келтирган бир китобни кўрган эдим. Уни Назир Тўрақулов Фитратга совға қилган экан...». Бу фикрлар ҳам Н.Тўрақуловнинг ўзбек тараққийпарварлари билан доимий дўстона алоқада бўлганлигини исботлайди.

Ҳа, Назир Тўрақулов қаерда бўлмасин, қандай лавозимда ишlamасин, киндик қони тўкилган Ватани, болаликдаги дўстлари ва сафдошлари билан асло алоқани узмади. Бу борада айрим мисолларга тўхталамиз. Унинг маҳалладош дўстларидан бири 1929 – 1933 йилларда Ўзбекистон ССР Давлат план қўмитаси раиси, 1934 – 1937 йилларда ЎзССР молия халқ комиссари лавозимларида иш олиб борган йирик давлат ва жамоат арбоби Акбар Исломов (1896 – 1938)дир. Бу дўстлик 1927 йилда Акбар Исломовнинг синглиси Комиланинг Назир Тўрақулов-

нинг укаси, Ўзбекистонда пахтачилик соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшган ажойиб инсон Қодир Тўрақуловга турмушга чиқиши билан янада мустаҳкамланди.

Н.Тўрақуловнинг яна бир дўсти Қўқоннинг Қипчоқ ариқ маҳалласида дунёга келган, кейинчалик йирик давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишган Абдуллажон Каримов эди. Бу тўғрида 1956 йил 5 ноябрь куни қайта сўроқда 1909 йили Қўқон шаҳрида туғилган фуқаро Юсуф Маҳмудов қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Назир Тўрақуловнинг отаси Тўрақул қозоқ Абдуллажон Каримовнинг отаси билан яқин дўст эди. Отаси вафот этгач, Абдуллажон унинг ҳомийлиги ва ёрдамида рус-тузем мактабига ўқишга кирди. 1918 йили ўқитувчиликдан Қўқон тўқимачилар иттифоқига раисликка сайланди, шундан сўнг совет ҳукумати хизматида олинган эди. 1924 йили Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетини битириб келган Абдуллажон Каримов 1925 йилдан Фарғона музофотида компартия қўмитаси котиби, 1928 йили ЎзССР Маориф халқ комиссари, 1930 йил май ойидан 1937 йилгача ЎзССР ХКСнинг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритди...».

1928 йили 36 ёшида Назир Тўрақулов дипломат сифатида танланди. Ўша йиллар учун бу ёшда бунақа масъулиятли лавозимга ёшларни қўйиш камдан-кам ҳоллардагина амалга оширилар эди. У рус, араб, форс, француз, немис тилларини мукаммал билар эди. Н.Тўрақулов 1928 – 1936 йилларда СССРнинг Саудия Арабистони қироллигидаги мухтор элчиси бўлди. Бироқ 1936 йил бошида Назир Тўрақулов Москвага чақириб олинади ва бир йил давомида СССР МИК Миллатлар Совети қошидаги Тил ва имло институтида иш олиб борди. Н.Тўрақулов 1937 йил 15 июлда қамоққа олинди ҳамда РСФСР ЖКнинг 58-1<sup>а</sup>-, 58-8-, 58-11-моддалари билан айбдор деб топилди,

1937 йил 3 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг ҳукми асо-сида отувга буюрилади. 1958 йил 28 январда СССР Олий суди Ҳарбий кол-легияси томонидан жиноят таркиби йўқлиги учун Н.Тўрақулов оқланди.



Қодир Тўрақулов

Ўзи қадрлаган ва ҳурмат қилган Н.Тўрақуловнинг аянчли қисмати ҳақидаги даҳшатли хабар Саудия қи-роли Абдул Азиз ал-Сауднинг кучли таассуфига сабаб бўлди. У совет ҳукуматига дипломатик йўл билан ўз мамлакатада бошқа совет вакилини кўриш-ни истамаслигини маълум қилади. Шу воқеадан сўнг икки давлат ўртасидаги алоқалар бутунлай тўхтатилади. Фақат 1990 йил 17 январга келибгина Саудия Арабисто-ни ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар тикланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Назир Тўрақуловнинг Ўзбекистондаги қисқа даврдаги сермахсул меҳнат ва иж-дий фаолияти, албатта, ўз тадқиқотчиларини кутиб-рибди. Шунингдек, Н.Тўрақуловнинг Туркистон матбуо-саҳифаларидан ўрин олган публицистик мероси ҳам н. ҳоятда катта ва ранг-барангдир. Энг муҳими, бу ўқувчига Н.Тўрақуловнинг публицистик тили, фикрини баён этиш усули, қолаверса, ўтган аср бошларида умумтуркий халқ-лар учун тушунарли бўлган «ўрта турк» тили ҳақида ҳам умумий бир манзарани бера олади. Қолаверса, у Москвада ишлаб юрган вақтларида ҳам Ўзбекистон вақтли матбуо-тида ўз мақолалари билан мунтазам иштирок этиб турган. Шубҳасиз, Н.Тўрақуловнинг Туркистон вақтли матбуо-тида чоп этилган мақолаларини жамлаб алоҳида тадқиқ-этиш ва илмий муомалага киритиш лозим. Бу эса тегиш-ли даврни ёритишда ва минтақада мавжуд бўлган ижти-мой-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча жиҳатларини



Саïда Тўрақулова ўғли  
Элёр Тўрақулов билан

холис ёритишда муҳим илмий аҳамиятга моликдир. Шунингдек, унинг давлат бошқарувидаги иштироки, моҳир дипломат сифатидаги фаолияти ҳам алоҳида тадқиқот учун мавзу бўла олади.

Биз билан суҳбатда Назир Тўрақуловнинг авлоди Элёр Тўрақулов қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Мен Элёр Муратович Тўрақулов ака-ука Назир ва Қодир Тўрақуловларнинг набирасиман. Назир Тўрақуловнинг

иниси, бобом Қодир Тўрақулов 1921 – 1923 йиллар Конибодом милициясида, 1923 – 1924 йиллар Ўш, 1924 – 1925 йиллар Қўқон уезд ижроқўмларида масъул лавозимларда фаолият олиб борган. У 1927 – 1928 йиллар Ўзбекбирлашувнинг Қўқон бўлими бошқарувчиси, 1928 – 1931 йилларда Қўқон пахта заводи директори, 1931 – 1934 йиллар Ўзбек пахта трести ва Ўрта Осиё пахта қўмиталарида раис ўринбосари бўлган. 1934 – 1936 йиллар Москвадаги Промакадемияда ўқиб, 1936 – 1938 йиллар Тожикистон ССР ер ишлари халқ комиссари муовуни бўлган. 1938 йил 12 декабрда «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1947 йилгача давом этган, қамоқ қийноқлардан сўнг ўз айбсизлигини исботлаб озодликка чиққан. Шундан сўнг 1948 – 1953 йиллар колхоз раиси, 1956 – 1960 йиллар Пискент пахта заводи директори бўлган. Қодир Тўрақулов 1927 йили акаси Назир Тўрақуловнинг дўсти Акбар Исломов (ЎзССР молия халқ комиссари)нинг синглиси Комила Исмолова билан турмуш қуради.

1928 йили шу оилада менинг онам Саидахон дунёга келган. Онам Кўқонга турмушга чиқиб, узоқ йиллар Кўқонда темир йўл соҳасида меҳнат қилганлар. Бироқ амакиси ҳам, отаси ҳам қатағонга учрагани учун ўқиш ва ишга жойлашишда жиддий қаршилиқларга учраган. Шу сабабли бўлса керак, онам ота-боболари ҳақида одамларнинг олдидан кўп гапирмас эди. Мамлакатимиз истиқлолни кўлга киритгач, Саудия Арабистонидан бир гуруҳ одамлар келиб, бир вақтлар

қирол хонадонининг энг яқин дўстига айланган бобом Назир Тўрақулов ва унинг қариндошлари ҳақида Кўқон шаҳридаги у яшаган Бойбўта кўприк маҳалласида суриштирув ишларини олиб борган эканлар. Афсуски, бу вақтда онам дунёдан ўтган, бизлар эса ёш бола бўлганимиз учун ҳеч ким тайинли маълумот бера олмайди. Шундан сўнг улар анкета асосида Туркистон деб Қозоғистон ҳудудидан қидиришга киришадилар. Бу вақтда Қозоғистонда миллий тарихга муносабат жуда яхши бўлгани учунми ёки бобом ҳақидаги архив ҳужжатларида ота-боболаримиз Чимкентдан бўлганлиги учунми, хуллас, бобомнинг меросига Қозоғистон эга чиқади. Бугун Қозоғистонда Назир Тўрақулов номидаги халқаро фонд, ўнлаб йирик мактаблар, кўчалар, музейлар ва ҳайкаллар мавжуд. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, Тошкент шаҳрининг А.Икромов (ҳозирги Учтепа) туманида ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаригача Назир бобом номидаги 77-ўрта мактаб ва катта кўча мавжуд эди. Бо-



Элёр Муротович Тўрақулов

бомиз Назир Тўрақулов бутун Туркистоннинг фарзанди эди. У кишининг Туркистонда раҳбар сифатида халқ хўжалигини тиклаш, илм-маърифатни оёққа қўйиш, айниқса, Москвада Шарқ халқлари марказий нашриётини бошқарганида ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик зиёлиларини қўллаб-қувватлагани, ўқишга борган ёшларнинг бошини силаб юзлаб маҳаллий кадрларнинг етишишига хизмат қилганига тарих гувоҳ. Айниқса, бобомнинг Москвада Шарқ халқлари марказий нашриётини бошқарганида ўша даврда ёш ижодкорларидан бўлган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ўз тақризи остида биринчилардан бўлиб Москва матбуотида чоп эттиргани таҳсинга сазовордир. Шунингдек, Арабистон қироллигида мухтор элчи бўлган вақтларида унинг давлат бўлиб шаклланишида араб қиролли билан елкама-елка туриб хизмат қилганини ҳали-ҳамон қирол хонадони унутган эмас. Бу борада қиролликнинг марҳум ташқи ишлар вазири Сауд ал-Файсал жаноби олийла-



Элёр Тўрақулов қозоғистонлик олим ва жамоат арбоби  
Тоир Мансуров билан

ридан ва қиролликнинг вақф ишлари вазири маслаҳатчиси, МДХ бўйича мутахассис ва тарихчи олим Шайх Мажид Абдулазиз ат-Туркий жанобларидан ҳамда қозоқ қардошларимиздан, олим ва жамоат арбоби Тоир Мансуровдан алоҳида миннатдормиз. Албатта, юртимизда Ч.Айтматов, Абай, Ў.Сулаймон, Махтумқулини қадрламайдиган, уларнинг ижодидан сеҳрланмайдиган бирорта зиёли ватандошимиз бўлмаса керак. Уларнинг номини абадийлаштиришда ҳам катта ишлар қилинган. Мени таассуфга солгани туркистонлик қандайдир қардошларимиз ўзларича сохта шажара яратиб олиб ўзларини Назир Тўрақулов авлодлари деб ижтимоий тармоқларда ва араб матбуотида эълон қилганлари бўлди. Тўғри, ўша замонларда кўпчилик миллат масаласига катта эътибор билан қараган эмас. Тўрақул бобомиз Чимкент томондан Қўқонга кўчиб келган, чорвадор бой, туркистонликларга хос табиатли, алпкелбат, бир сўзли, мард одам бўлган экан. Бироқ онам ҳам, бобомиз ҳам ўзларини чимкентлик қозоқларданмиз, Туркистон шаҳрида қариндошларимиз бор дейишмаган, ёшлигимиздан Туркистондан бирон киши қариндошингман деб келган эмас. Назаримда бу ерда бизнинг тарихчиларимизнинг ҳам хатоси бор. Аввало, Назир Тўрақуловнинг илмий-ижодий меросини мукамал ўрганишлари керак эди. Халқаро дипломатия университетига унинг номини берса ҳам арзирди. Қолаверса, ҳокимият шундай миллат ифтихори бўлган инсонларнинг номларини абадийлаштириш устида жиддий иш олиб бориб, ўз вақтида унинг номини мактаблар, кўчаларга берса, музей ва фонд ташкил этса, бундай тушунмовчиликлар юзага келмас эди деб ўйлайман».

## МЎМИН УСМОНОВ

Шомўмин 1903 йили Қўқон шахрининг «Қизил намо-йиш» маҳалласида чойхона эгаси Шоусмон ота хонадонида дунёга келган. У оилада акалари Шоносир ва Шояқубдан кейинги кенжа фарзанд эди. Шомўмин болалиқдан отасининг ишларига дастёр бўлиб, Хўқанди латифнинг обод гўшаларидан бирида катта қозонда қайнаб улғаяди. У болалиқдан мусиқани жуда севарди. 1919 йили комсомол ташкилотига аъзо бўлиб, бир муддат қизил армия оркестрида капелмейстер бўлиб хизмат қилади.

Армия хизматидан сўнг яна комсомол ташкилотига фаолият бошлайди. Мўмин Усмонов Фарғона вилояти партия қўмитасида тарғибот гуруҳига қабул қилинади. Ўзини ғайратли, ташкилотчи йигит сифатида кўрсатиб, кўп ўтмай бўлим мудирини вазифасига тайинланади. 1923 йили отаси вафотидан сўнг у комсомол ишини ташлаб, Бухорога йўл олади. Фитрат асос солган Шарқ мусиқа мактабига ўқишга киради.

М.Усмонов 1923 – 1924 йилларда мусиқа мактабида ўқиш жараёнида партияга қабул қилинди. 1924 йили мактаб раҳбариятининг тавсияси билан Москвага ўқишга йўлланди. Дастлаб 1924 йили Москва журналистика институти таржима ва таржима назарияси бўлимига кириб, Наим Саид, Собира Холдорова билан ўқиди. 1926 йилнинг ёзидан ЎзССР КП таклифи билан ўқишини Сталин номидаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетига ўтказиб, «партия ва совет иши» йўналишида давом эттирди. 1926 – 1930 йиллар давомида комуниверситетда таълим олди.



Мўмин Усмоновнинг Москвадаги талабалик йиллари Плеханов институтининг иқтисод факультети талабаси бўлган Саид Аҳмад Назиров, шунингдек, Турғунпўлот Қирғизбоев, Нишонбек Мавлонбеков, Иброҳим Эшонхўжаев, ватанпарварлик мавзусидаги шеърларнинг оташин ижрочиси Маҳбуба Муҳаммедова, ўзбек рақс маликаси Тамарахонимнинг синглиси Амалия Петросянц каби кўплаб иқтидорли ўзбек ёшлари билан бир пайтда кечди. Айниқса, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари А.Икромовнинг Москвага ташрифи ҳар гал катта байрамга айланиб кетар эди. У Москвадаги ўзбек талабаларини тўплаб турли йиғинлар ўтказар, уларнинг илмий, маърифий тадбирларини қўллаб-қувватлар эди.

1928 йили Тошкентга амалиётга келган Мўмин Усмоновни Акмал Икромов ўзи билан Самарқандга олиб кетади ва у амалиётни марказқўмнинг архив бўлимида ўтказиши. 1928 йилнинг қишида Москвада ўтказилган тадбирда талабалар ўртасида А.Икромовни обрўсизлаштиришга қаратилган гаплар бўлади (комсомолга тиқиштирилган маълум идораларнинг гумашталари хизмати туфайли бўлса керак – *Б.И.*). Мўмин Усмонов раҳбарлигидаги ўзбек талабалари бу ғаразли ҳаракатни фош этиб, уни йўққа чиқаради. Шундан сўнг Москвада Ўзбекистон талабаларининг етакчиси М.Усмонов стипендия комиссиясига раис этиб сайланади.

1929 йилнинг сўнгида Москвадан қайтган Мўмин Усмонов ишни Фарғона вилоят партия қўмитасидан бошлайди. «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1929 йил 11 – 12-сонларида «Маорифимизнинг истиқболи учун» мақоласида маориф соҳасидаги сиёсати таҳлил этилади.

Кўп ўтмай ЎзССР КП (б) Марказий Қўмитасига ишга чақирилди ва 1931 йилдан «Қизил Ўзбекистон» газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. М.Усмонов бу вази-

фада ишлаган даврда газетада Марказнинг мамлакатда амалга оширилаётган пахта яккаҳоқимлиги сиёсатиға қарши қатор мақолалар чоп этилади. У «пролетариат диктатураси» баҳонаси остида маҳаллий миллат вакиллариға нисбатан ўтказилаётган зўронликларға қарши кураш олиб боради. «Қизил Ўзбекистон»нинг 1931 йил 18 апрель сонидаги «Масаланинг олтин қозиғи», 1931 йил 13 июль сонидаги «Миллатчиликни моҳият жиҳатидан аниқлайлик» мақолалари ҳам ўз даврида ўта муҳим муаммоларға бағишланган эди.

1932 йил 28 март куни М.Усмонов «Қизил Ўзбекистон»дан ишдан олинади ва ЎзССР КП(б) Марказий Кўмитасининг таълим бўлимиға ўтказилади. 1933 йил 5 июнда ЎзССР маориф халқ комиссари Темур Жургенев Қозоғистонға ишға юборилади. 1933 йил 26 июнь куни М.Усмонов Й.Охунбобоев қарори билан ЎзССР маориф халқ комиссари этиб тайинланади.

М.Усмонов 1934 йил 4 апрелдан ЎзССР компартияси Марказий Кўмитаси қошидаги «Марксизм-ленинизм тарғибот-ташвиқоти бўлими»да мудир вазифасида иш бошлайди. Унинг мазкур даврдаги фаолияти янада сермазмун бўлди. М.Усмонов 1934 йилдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин, ўзбек билим ҳайъатининг раиси Отажон Ҳошим, Санжар Сиддиқ, Элбек, «Қизил Ўзбекистон» муҳаррири Анқобой Худойбахтов билан катта ишларни амалга оширди. Жумладан, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Обид кетмон», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романлари, Фитрат, Боту, Элбек каби кўплаб шоирларнинг асарларини катта тиражда нашр эттирди. Айниқса, театр соҳасида миллий асарлар сонини кўпайтириш масаласи нафақат марказ, балки вилоятларда ҳам жиддий қўллаб-қувватланди. Ғози Юнус, Ғулом Зафарийнинг қатор асарлари сахна

юзини кўрди. «Минг бир кеча», «Ўзбек фольклори» каби кўпгина ўлмас асарлар нашр этилди. У 1935 йил май ойидан Туркистон олий қишлоқ хўжалиги коммунистик мактабига ректор бўлди.

Албатта, ўз халқининг миллий тараққиёти учун фидокорона кураш олиб борган Мўмин Усмоновдек инсонларнинг ҳаммаси аллақачон НКВД жаллодларининг «қора рўйхати»дан ўрин олган эди. 1937 йил 31 август куни ЎзССР НКВД раиси Загвоздин 4-бўлим раҳбари Агабеков ва Марвин томонидан тайёрланган машъум қарорни тасдиқлаб имзо



Собира Холдорова

чекди. Унда Мўмин Усмоновни аксилинқилобий ўнг троцкнийчи ташкилот аъзоси сифатида ЎзССР ЖКнинг 66-1-, 67-моддалари билан айблаб қамоққа олиш ёзилган эди. 1937 йил 2 сентябрь куни М.Усмоновни қамоққа олиш учун ордер берилди, шу куннинг ўзида Тошкент шаҳри Фрунзе кўчаси 35-уйда тинтув ўтказилди. Тинтувда унга тегишли паспорт, хужжатлар, китоблар, докладлар, 10 сўм пул, барча-барчаси рўйхатга олинди. Унинг ортидан турмуш ўртоғи, атоқли журналист, бу пайтда Куйбишев туман партия кўмитаси котиби бўлган Собира Холдорова, ўғли Пўлот ва қизи Манзура қон йиғлаб кузатиб қолдилар.

1937 йил 16 сентябрь куни чиқарилган қарорда М.Усмоновга ҳеч бир асос кўрсатилмаган ҳолда ЎзССР ЖКнинг 57-1-моддасини ҳам тиркаб қўйишди.

1937 йил 19 сентябрь куни М.Усмонов томонидан СССР НКВД раиси Ежов номига ҳам ариза ёздириб олинди. Унда М.Усмонов ўзининг 30-йилларда А.Икромов раҳбарлигида ташкил этилган «Миллий истиқлол» аксилин-

қилобий ташкилотининг аъзоси бўлганлиги, бу ташкилотда совет ҳукуматиға муҳолиф тарзда иш кўрганларини, Япония ёрдамида Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш мақсадида ҳаракат қилганликларини «ёзади».

1937 йил 17 октябр кунини М.Усмонов билан илк сўроқ ўтказилди. Унда ўзининг оиласи, Москвада кечган талабалик йиллари ва иш фаолияти давомида амалга оширган барча «жиноятлари» ҳақида 29 бетни қоралайди. Аксилинқилобий ташкилот аъзолари сифатида А.Икромовдан бошлаб 21 кишини «санаб ўтади». Аслида, бу қоғозлар аллақачон машинкада тайёрлаб қўйилган, М.Усмоновга мажбуран имзолатилган эди, холос. Шундан сўнг ишни яна кучлироқ далиллар билан тўлдириш мақсадида унга (аслида, бу қоғозлар ҳам ИИХК ходимлари томонидан тайёрланган – *Б.И.*). 1937 йил 10 август кунини Анқабой Худойбахтов «имзолаган», 1937 йил 10 сентябрда Қурбон Берекин «имзолаган», 1937 йил 10 – 12 октябрда А.Икромов «имзолаган», 1937 йил 25 октябрда Фитрат «имзолаган», 1937 йил 15 ноябрда А.Айюб «имзолаган» сўроқ баённомаларидан М.Усмоновнинг «жиноий» фаолияти акс этган парчалар нусхаси ҳам тикилади.

Бир йилдан кўпроқ мислсиз азоб-уқубатларға дучор этилган Мўмин Усмоновни дастлаб Анқабой Худойбахтов билан, 1938 йил 10 март кунини Абдулла Қодирий билан, 1938 йил 15 апрель кунини собиқ ЎзССР маориф халқ комиссари Қосим Сорокин билан юзлаштиришлар «муваффақиятли» кечди.

1938 йил 25 сентябрда иккинчи марта сўроққа чақирилган Мўмин Усмонов ўзига қўйилган барча айбловларни тасдиқлаши, бошқа ҳеч нарса қўшимча қилишни истамаслигини ёзиб имзо чекди. Бироқ 1938 йил 1 октябр кунини Назир Шоабдурасулов, 2 октябр кунини Комилжон Алимов, 3 октябр кунини Зиё Саид, Босит Қориев ва Усмон

Носир билан ўтказилган юзлаштиришларнинг бирортаси «кутилганидек» ўтмади. Айбланувчилар барча ҳолларда ўзларига қўйилган айбловларни тўлиқ рад этдилар. Аммо бу ҳол ҳам ҳеч қандай натижага олиб келмади.



Манзура Усмонова  
(1932 – 2018) ўзбек  
аёллари ичидан  
етишиб чиққан илк  
физика-математика

Афтидан, қирғин 1937 йилнинг ўзида тугатилиши керак эди. Сабаби, 1937 йил санаси билан ЎзССР НКВД раиси Апресян ва СССР генерал прокурори Вишенский номидан тайёрланган, ҳатто олдиндан жиноят кодекси моддалари ҳам белгилаб қўйилган «Айблов баённома»ларига амалда ҳеч бир ўзгариш киритилмай, кейинчалик бутунлай бошқа одамлар томонидан имзоланди. М.Усмоновнинг иши ҳам 1937 йил 20 декабрда ЎзССР НКВД раиси ўринбосари Леонов, 1938 йил 3 октябрда СССР генерал прокурорининг ўз номини ёзишни истамаган ёрдамчиси томонидан имзоланди. Бироқ ЎзССР ЖКнинг 57-1-моддаси ўчирилиб, ўрнига 58-моддаси, 66-1-модданинг ўрнига 64-модда қачон ва ким томонидан киритилгани ҳақида бирор фикр билдириш мушкул. Хуллас, М.Усмоновга «аксилинқилобий троцкийчи ташкилот аъзоси, 1934 йилдан Қурбон Бергин билан ёзувчиларга аксилинқилобий руҳда раҳбарлик қилган» каби айбловлар қўйилди.

Мўмин Усмоновнинг иши 1938 йил 3 октябрь куни машъум «учлик» судига оширилди. 1938 йил 4 октябрь куни соат 08:10 дан 08:25 гача давом этган суд М.Усмоновни барча мол-мулкани мусодара қилиш, ўзига олий жазо белгилаш ҳақида қарор чиқарди, ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилди.

1956 йили совет мамлакати ўзининг машъум қатағон сиёсатини тан олди ва ўзи ноҳақ йўқ қилиб юборган аҳолининг маълум бир қисмини оқлашга қарор қилди. Шу жараёнда ўзбек халқининг муносиб фарзанди М.Усмоновнинг иши ҳам қайта кўриладиган ишлар қаторига киритилди. Бу вақтда тоталитар тузум қатағонидан омон қолган қатор гувоҳлар қайта сўроққа тортилди. Шундайлардан бири М.Усмоновнинг турмуш ўртоғи Собира Холдорова эди. У 1956 йил апрель ойида сўроққа келди.

1907 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган, бир пайтлар Ўзбекистоннинг таниқли журналистларидан бўлган Собира Холдорованинг ўзи ҳам қатағонга учраб, тергов жараёнида даҳшатли қийноқларга солинади. Терговда уни «конвеер» деб аталмиш усулда бир неча кунлаб тик оёқда турғазиб қўйишади. Натижада ақлдан озиш ҳолатига келиб, қўлига тутилган қоғозларни имзолаб бу азоблардан қутулади. Зухра Турсунхўжаева (савдо халқ комиссари М.Турсунхўжаевнинг турмуш ўртоғи)нинг кейинчалик эслашича, у камерага тинимсиз калтаклаш оқибатида томоқ ва кўкрак қисми моматалоқ бўлган ҳолда келтирилган экан. У бир ётишда икки кеча-кундуз ухлаганидан сўнг уйғонган ва тинмай кулиб, сочини тарай бошлаган. Совет суди шу ҳолатда ҳам уни руҳий хасталиклар шифохонасига йўллаш ўрнига 1937 йил 10 октябрь кuni қуруқ тухматлар асосида 5 йилга Сибирга қамоққа ҳукм этган эди. Бу пайтга келиб соғлигидан айрилган Собира Холдорова ўзининг чеккан даҳшатли азоблари ҳақида гапириб ҳам ўтирмади. У Мўмин Усмонов билан 1926 йили Москвада талабалик йилларида танишгани ва 1931 йили унга турмушга чиққанини айтади. У билан кечган етти йиллик турмуши давомида ҳеч қачон нотўғри ишини кўрмаганини, бирор аксилинқилобий фаолияти ҳақида эшитмаганини таъкидлайди.

1956 йил 25 апрель куни Ўзбекистон олимларининг етакчиларидан бўлган Иззат Султон ҳам сўроққа чақирилди. У М.Усмоновнинг фаолиятида ҳеч қачон аксилинкилобий ҳаракатни сезмаганини, унинг халқ душмани бўлганига ишонмаслигини айтиб, ўз ишини чуқур биладиган ажойиб инсон эди дейди. Шундан сўнг уни болалигидан яхши биладиган маҳалладошлари сўроққа тортилади. Жумладан, 1956 йил 7 май куни Бузрук Абдуллаев, 1956 йил 8 май куни Жўравой Якубов, шунингдек, Нури Муслимов, Набижон Қўлдошев каби гувоҳлар ҳам сўроқ беради. Улар Мўмин Усмоновни ҳам, унинг оиласини ҳам жуда яхши билишларини ва халқ душмани бўлганига ҳеч қачон ишонмасликларини айтадилар.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1956 йил 13 июнь куни Мўмин Усмоновнинг оқланганлиги тўғрисида қарор чиқарди. Бундан хабар топган турмуш ўртоғи Собира Холдорова ҳам, унинг яқин қариндошлари ҳам давлатга ҳеч қандай даъво билан мурожаат этмадилар. Чунки мустабид тузумнинг бу тадбири ҳам худди аввалгилари каби «тимсоҳнинг кўз ёши»дек ҳиссиз ва бемаъни бир найранг эди. Аслида, улар фақат Ўзбекистоннинг ҳақиқий истиқлолигига Мўмин Усмоновдек чин ўзбек фарзандларининг пок номини элга қайтаришини билардилар. Мўмин Усмоновнинг фарзанди Пўлот (1923 – 1980) урушдан ярадор бўлиб қайтди. У қанчалик иқтидорли бўлмасин, отаси оқланганидан кейин ҳам ёруғлик кўрмади. Ўзига мос иш тополмади, асосий вақтини касалманд онасининг парваришига бағишлади. Қизи Манзура (1932 – 2018) эса йирик олим бўлиб етишди. Физика-математика фанлари доктори, профессор бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида узоқ йиллар давомида ўзбек илм-фанининг тараққиёти йўлида хизмат қилди...

## АБДУЛЛАЖОН КАРИМОВ



Абдуллажон Каримов 1896 йили Қўқон шахрининг Қипчоқ ариқ маҳалласида дунёга келган. Отаси Каримжон элнинг эъзозидаги ҳалол инсон, уста хунарманд эди. У икки шогирди билан маҳалладаги кичик устахонасида пиллакашлик қилар, бўш вақтида 5 таноблик ерида деҳқончилик билан шуғулланарди. Абдуллажон дастлаб маҳалладаги эски усул мактабида савод чиқарди. 1912 йили отаси вафот этгач, Зухрабиби ягона фарзанди Абдуллажонни оқ ювиб, оқ тараб улғайтирди. У 1913 йилдан 3 йил давомида Қўқондаги машҳур жаид муаллими Абдуваҳҳоб Ибодийнинг «Ирфон» мактабида ўқийди. Мазкур мактаб ўқувчилари орасидан кейинчалик Акбар Исломов, Усмон Носир, Шокир Сулаймон, Абдулла Қаҳҳор, Чархий, Собир Абдулла, Теша Зоҳидов, Ғофур Қодирӣ, Аъзам Хўжаев каби кўплаб сиёсат ва жамоат арбоблари, шоир ва адиблар, академиклар етишиб чиққанди.

Абдуллажон Каримов 1915 йили рус-тузем мактабида ўқиб, рус тили, Европа илм-фани ютуқлари билан танишди. Айни пайтда, мадраса мударрисларига қатнаб, араб, форс тилларини ўрганди, Шарқ адабиёти даҳоларининг адабий мероси билан танишди. Жаид матбуоти орқали турк ва татар тилларини ўрганди.

Абдуллажоннинг Туркистон Мухторияти билан боғлиқ фаолияти ҳақида маълумотлар етарли эмас. Бироқ



Мухторият қонга ботирилгач, кўп ўтмай Қўқонда ташкил этилган «Тўқимачилар уюшмасига»га кирди. 1918 йили бу уюшма тавсияси билан Фарғонадаги ўқитувчиларни тайёрлаш курсида ўқиб келиб, Қўқондаги «Истиқлол бешиги» деб номланган мактабда дарс бера бошлади. Айни пайтда, Қўқон тўқимачилар иттифоқи раиси бўлиб, жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашди.

Абдуллажон Каримов 1919 йилдан Қўқон шаҳар халқ хўжалиги бошқармасида маҳаллий саноат бўлими мудир, сўнг Қўқон шаҳар касаба уюшмаси бюроси аъзоси ва Фарғона вилоят касаба уюшмаси раиси вазифаларида ишлади. Фарғона музофотида босмачилик ҳаракати авж олиши билан милицияга ишга кирди. Шундан сўнг совет ҳукумати хизматида олинди. 1921 йил январдан майгача Қўқон шаҳар ижрокўми раиси, 1921 йил ноябрдан 1923 йил декабригача Фарғона музофот партия қўмитаси масъул котибининг ўринбосари, айни пайтда, 1922 йил июнидан 1923 йил майгача музофот инқилобий қўмитаси раиси ўринбосари бўлди. Абдуллажон Каримов Фарғона музофотида миллий қаршилик ҳаракати туфайли хонавайрон бўлган халқ хўжалигини оёққа қўйиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги, савдо ва саноатни тиклаш, мактаб ва маорифни ривожлантириш борасида улкан ишларни амалга оширди. У ўз фаолиятини юритишда, жумладан, халқ орасида осойишталикни таъминлаш, деҳқончилик ишларини самарали уюштириш, маориф ҳафталикларини ташкил этишда матбуотдан унумли фойдаланди.<sup>1</sup>

1922 – 1923 йилларда Туркистонда «сўл коммунистлар» деган гуруҳ шаклланди. Унда Акмал Икромов, Ус-

---

<sup>1</sup> Каримов А. Босмачиликни тугатув керак // Фарғона. 1923 йил 19 февраль. №59; Каримов А. Бугунги кунимиз тилаги // Фарғона. 1923 йил 23 февраль. №60; Каримов А. Қаршимизда турган вазифаларимиз // Фарғона. 1924 йил 24 январь. №140; Каримов А. Бутун угоркомларнинг саркотибларига // Фарғона. 1924 йил 7 август. №193.

монхон Эшонхўжаев билан бирга Абдуллажон Каримов ҳам фаол иштирок этган. Улар «Октябрь инқилоби Туркистон меҳнаткашларига ҳеч қандай озодлик бермади. Аксинча, биз ҳамон Россия колонияси ҳолида яшамокдамиз. Асосий аҳолиси деҳқонлардан иборат бўлган Туркистон маълум ютуқларни қўлга киритаётган бўлса, улар пролетариат инқилоби ҳисобига эмас, аксинча, миллий зиёлилар кўмагида эришдилар. Туркистон деҳқонларини зиёлилар тарбиялаши керак» деган ғояни ҳатто Марказдаги йиғилишларда ҳам илгари сурдилар.

1922 йил апрелида Туркистон МИК ётоқхонасида Хидир Алиев мажлис ўтказди. Унда А.Каримов, Н.Мавлонбеков, Б.Дадабоев, Ш.Сулаймон ва бошқалар бор эди. Унда «Кўмак» ташкилоти ва Берлинга талабалар йўллаш ҳақида гап борди. Шунингдек, «Кўмак»нинг Берлин, Москва, Туркия, Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида доимий филиалларини очиш масаласи кўтарилди. 1923 йил январида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ташаббуси билан очилган «Нашри маориф» жамиятининг Қўқондаги йиғинларида А.Каримов шахсан раҳбарлик қилди. «Нашри маориф»нинг Қўқондаги тадбирларида Ашурали Зоҳирий, Абдулла Раҳматзода, Андижонда Усмонхўжа Эшонхўжаев, Бурҳон Машраб, Наби Расулий, Наманганда Рафиқ Мўмин, Лулфулла Олимий фаол иштирок этдилар. Шундан сўнг А.Каримов бир муддат Тошкентда ТАССР маориф халқ комиссари ўринбосари вазифасида ишлади.

Абдуллажон Каримов 1925 – 1927 йилларда Фарғона вилояти партия кўмитаси котиби бўлди. 1924 – 1926 йилларда Москвадаги Я.М.Свердлов номидаги Коммунистик университет (КУТВ)да сиртдан таҳсил олди. 1927 – 1929 йилларда ЎзКП МК Марказий назорат комитети раиси, 1928 йилдан ЎзССР маориф халқ комиссари бўлди. А.Каримов бу вақтда Маориф халқ комиссарлиги ҳузури-

да ГУСни ташкил этди, унда Шоҳид Эсон Мусаевнинг шогирди Маҳмуд Ҳақимов, Боқуда олий таълим олган Ризқи Юсупов ва бошқа кўплаб мутахассислар Ўзбекистон келажаги учун муҳим тадқиқотларни амалга оширди. Ташқаридан қараганда ГУС кўпроқ пахтачилик масаласини ривожлантириш ва шу йўналишга ёрдам беришга қаратилгандек кўринади. Аслида, бу дастур кўпроқ миллий таълим ва миллий кадрлар етиштиришнинг узвий тизимини юзага келтиришга қаратилган эди. А.Каримов профессорлар Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Бўлот Солиев, доцентлар Боту, Олтой, Қаюм Рамазон, Маннон Рамзиннинг фаолиятига кенг йўл очиб берди. Ўзбек илмий-текши-



Ерда ўтирганлар ўнгдан А.Каримов, К.Алимов, ўртада ўтирганлар ўнгдан А.Тошмухаммедов, Сталин, Калонтой ва Охунбобоевлар. Тикка турганлар Х.Бурнашев, М.Хўжаев ва Н.Мавлонбековлар.

риш институти ва Самарқанддаги Ўзбекистон педакадемияси фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Абдуллажон Каримов 1929 йилдан Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаш раиси бўлди. У Чўлпоннинг ашаддий мухлиси эди, уни доимий равишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб келган. 1930 йил майдан 1937 йил июнгача ЎзССР ХКС раисининг биринчи ўринбосари бўлди. Бу лавозимда Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан равнақ топиши учун тинимсиз меҳнат қилди. Ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаевнинг асосий ёрдамчиси сифатида қисқа муддатда мамлакатни улкан қурулиш майдонига айлантирди. Бу даврда юзлаб саноат корхоналари қад кўтарди, миллий ишчилар синфи шаклланди. Қишлоқ хўжалигида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Кўплаб илмфан, таълим муассасалари, санъат ва маданият ўчоқлари бунёд этилди. Шубҳасиз, бу бунёдкорлик ишларида халқимизнинг ажойиб фарзанди Абдуллажон Каримовнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Файзулла Хўжаев тўсатдан ишдан олингач, 1937 йил 26 июнда А.Каримов ЎзССР МИК раиси Й.Охунбобоев тавсияси билан ЎзССР ХКС раиси лавозимига тайинланди. Бироқ бу вазифада узоқ вақт ишлолмади. Афтидан, у Сталин раҳбарлигидаги Марказнинг Ф.Хўжаев ва бошқа маҳаллий раҳбарларга нисбатан олиб бораётган қатағон сиёсатига жиддий қаршилик кўрсатган. Марказ эса махфий тарзда тайёрлаб келаётган ўз мақсадидан чекинмади. Аксинча, маҳаллий ҳукуматларга ИИХК (НКВД) органлари қошида «учлик»лар ташкил этиш юзасидан қарор юборди. Бу «учлик»лар республика ички ишлар халқ комиссари, республика КП МКнинг 1-котиби ва республика ХКС раисидан иборат бўлиши керак эди. Лекин 1937 йил 9 июлда ЎзКП МК котиби Акмал Икромовга Сталин ва Молотов томонидан йўлланган телеграммада Абдул-

лажон Каримов ўрнига бошқа бир кишини «учлик»ка кiritиш таклиф этилди. Бу унинг ҳам аллақачон қатағон рўйхатидан ўрин олганини англатар эди...

1937 йил 5 сентябрь куни Абдуллажон Каримов қамоққа олинди. У даҳшатли қийноқ ва ўлим таҳдиди остида етти ухлаб тушига кирмаган бўҳтонлар ёзилган қозғоларни имзолашга мажбур бўлди. 1937 йил 29 ноябрда Москвага олиб кетилди, азоб-уқубатли сўроқлар Москвада давом эттирилди. 1938 йил 27 апрелда бўлиб ўтган суд жараёнида А.Каримов ўзига қўйилган барча айбловларни рад этди. Шунга қарамай, НКВД ҳузуридаги «учлик» уни олий жазога ҳукм қилди, ҳукм ўша куннинг ўзида Москвадаги Бутово қабристонига ижро этилди...

Сталин вафотидан сўнг бошланган «илиқлик даври»нинг дастлабки кунларидан Ўзбекистон ҳукуматининг беайб маҳв этилган бошқа раҳбарлари қаторида Абдуллажон Каримов иши ҳам қайта кўриб чиқишга топширилди. 1956 йил 11 октябрь куни А.Каримовни яхши таниган қўқонлик инсонлар қаторида Мирмахмуд Мирхамидов (1883 йили туғилган) ва Мелибой Шукуров (1895 йили туғилган) ҳам қайта сўроққа чақирилди. Уларнинг таъкидлашича, Абдуллажоннинг отаси ҳам элнинг эъзолидаги ҳалол инсон бўлган, ягона фарзанд бўлмиш Абдуллажон болалигидан илм-фанга қизиққан, фақат халқ дарди билан яшаган.

1956 йил 24 декабрь куни яна бир қатағон жабрдийдаси Тожихон Шодиева қайта сўроқда Абдуллажон Каримовни ватанпарвар инсон сифатида эслайди. Жумладан, 1924 йили Фарғона вилоятида хотин-қизлар бўлими котиби бўлиб ишлаганида А.Каримов устоздек ғамхўрлик қилганини эслайди. 1957 йил 21 февраль куни Жаҳон Обидова (1900 й.т.) ўзининг А.Каримов билан ЎзССР Маориф халқ комиссарлигида ҳамда ХКСда бирга ишлагани-

ни ёзади. А.Каримов Ўзбекистон ҳукуматидаги жуда тафаккури кенг, билимдон ва обрўси юқори инсонлардан эди дейди. Яна кўплаб сафдошлари ҳам А.Каримов ҳақида фақат ва фақат илиқ фикрлар айтишади. Маълум бўлдики, бу ватанпарвар инсон ҳеч бир айбсиз, бўҳтонлар асосида маҳв этилган экан.

1957 йил 1 август куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан Абдуллажон Каримов оқланди. Бироқ бу хушxabарни йўллаш учун А.Каримов оиласига тегишли бирор одам топилмади. Турмуш ўртоғи Антонина бу кунларга етиб келмаганди. У сўроқ вақтида қийноқларга чидай олмади. Айниқса, беайб инсонларга бўҳтон ёзилган қоғозларни имзолагандан кўра ўзини ўлдиришни маъқул топди. Навбатдаги терговдан олиб чиқилганида у кутилмаганда назоратчини чалғитиб, ўзини ойна орқали учинчи қаватдан ташлашга муваффақ бўлган. 1924 йили туғилган ўғли Фарид аввал болалар уйида яшади. Кўп ўтмай у ҳам болалар уйидан қочишга муваффақ бўлди. Сўнг кўп йиллар унинг яшаш жойи номаълумлигича қолди. Фарид 1970 йилларнинг иккинчи ярмида Қўқонга келди. Болалиги кечган ҳар бир кўчада, даҳада тентиради. Ҳеч кимга ўзини кўрсатмади. Тошкентга келиб, собиқ ўзбек ҳукумати арбобларининг фарзандларини топди, уларнинг уйида меҳмон бўлди. Энг ачинарлиси, улар бир-бирларини кўрганда камроқ гаплашиб, кўпроқ кучоқлашиб йиғлашар эди. Фарид ҳам ўзининг ўтмиши ҳақида кўп гапирмади. Фақат Узоқ Шарқда оиласи билан яшашини айтди. Бошқа маълумот бермади. Қайтиб ҳам келмади...

## ИСРОИЛ ОРТИҚОВ

Исроил Ортиқов 1907 йили Қўқон шаҳрида хунарманд касиб хонадониде дунёга келган. Отаси Ортиқмат ота 1918 йили дашноқ миллатчилари қўлида ҳалок бўлгач, Исроилжон опаси Сожида ва иниси Урайим билан акаси Аҳмаджоннинг қарамоғида улғайдилар. Орадан икки йил ўтмай онаси Зумрад ая ҳам вафот этди. Ҳали 13



ёшга кирмасидан ота-онадан жудо бўлган Исроилжон аввалига даладан ўтин териб, бозорда чақа пул топди. Сўнг темир йўл хизматида ёрдамчи вазифасида ишлаб, касб ўрганди. У тегишли мактаб таълимини кўрмади, бироқ оғир турмуш ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтади.

Исроилжон 1920 йили комсомол ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва халқ қуролли қаршилиқ ҳаракати давомида Фарғона водийсининг хонавайрон бўлган хўжалигини тиклаш ишига бел боғлади. У комсомол ёшлар таркибида Қўқон, Данғара, Риштон ҳудудларида қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш ва изга солишга киришди.

1925 йили ЎзССР КП(б) I съездида ёшларни саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга янада кенг жалб этиш масаласи кўтарилди. Қўқон шаҳри комсомол ташкилоти фаолларидан бири бўлган Исроилжон тез орада ўз шижоати, ишбилармонлиги билан ёшлар ўртасида обрў қозонди ва уларнинг етакчисига айланиб улгурди. У 1929 йилдан Боғдод тумани, 1930 йилнинг бошидан Қува

туманида ёшлар ташкилоти раҳбарлигига сайланди. У комсомол ташкилоти томонидан 1930 йил 6 – 11 декабрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон комсомолининг V съездига делегат этиб танланди. И.Ортиқов анжуманда маърузаларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган ёшлар орасида танилди. Анжуман сўнгида делегатлар бир овоздан И.Ортиқовни Ўзбекистон комсомол ташкилотининг Марказий Қўмитаси аъзолигига сайладилар.

Республика комсомол ёшларининг оташин етакчиси Камол Шарипов Москвага ишга олингач, 1931 йил 13 – 16 февраль кунлари бўлиб ўтган комсомол марказий қўмитаси II пленумида эндигина 24 ёшга кирган И.Ортиқов Ўзбекистон комсомол ташкилотининг биринчи котиби этиб сайланди.

И.Ортиқов фаолиятининг илк кунлариданоқ ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёшлар қўлида эканлигини англаб, кутилаётган муваффақиятлар, албатта, унга ёшларнинг қанчалик сафарбар этилиши билан боғлиқ деб билди. Унинг 1931 йил 12 майда зарбдор комсомоллар қурултойидаги нутқидан сўнг 4 минг нафар маҳаллий ёшлар Ўзбекистон саноатини оёққа қўйиш ишига жалб этилди. Улар учун курслар ташкил қилинди, ишдан ажралмаган ҳолда фаолият юритувчи ҳунар тўғараклари очилди. Натижада кўп ўтмай маҳаллий ёшлар орасидан саноат учун минглаб кадрлар тайёрланди. Улар қисқа муддатда цемент заводлари, кўмир конлари ва қурилиш ишчиларига айландилар. Ёшлар кучи билан Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи, Чирчиқ электрокимё заводи каби ўнлаб йирик янги корхоналар бунёд этилди. И.Ортиқов ташаббуси билан юзлаб ўзбек ёшлари комсомол ташкилоти йўлланмаси асосида Сталинград трактор заводига тракторсозлик тажри-



басини ўрганиш учун юборилди.<sup>2</sup> У қишлоқ хўжалигини, айниқса, колхоз ва совхозларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1934 йилдан кўпгина худудларда қисқа агрономлик курслари, сўнг тракторчилик курсларини ташкил этди. Натижада қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ёшларнинг меҳнати самараси ўлароқ мислсиз муваффақиятларга эришила бошланди.

Дарҳақиқат, И.Ортиқов ташкилот ишини республиканинг барча худудларида бирдай йўлга қўйишга интилди. Бир неча мартадан Самарқанд, Фарғона, Термиз, Наманганда бўлиб, ёшларни қишлоқ хўжалиги ва саноат ишларига сафарбар қилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлида тиним билмай ишлади.<sup>3</sup> И.Ортиқовнинг Хоразм ёшлари қурултойида сўзлаган нутқи ҳам диққатга сазовордир. У маърузани тайёрлаш жараёнида воҳадаги ўткир муаммоларни чуқур ўрганган. Хусусан, сув муаммоси, аҳолининг оғир турмуш шароити, ёғоч муаммоси, саводсизлик, ҳатто мавжуд ижтимоий иллатларгача инобатга олган. И.Ортиқов маърузада уларни гапириб ўтиш билан чекланмаган, балки муаммоларнинг ечимини кўрсатиб берган. Воҳа учун ўта муҳим бўлган сув масаласини ҳал этишда янги тизимли каналлар қуриш, Амударё бўйларида бўш ётган ерларда дарахтзорлар бунёд этиш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш ва саводсизликка чек қўйишнинг бир қатор йўлларини таклиф этган. Бу борада воҳа ёшларидан унга кўмаклашишни сўраган. Хоразм ёшлари бу ёш раҳбарнинг ҳамдардлигига, тадбиркорлигига тан берган ҳолда уни қўллаб-қувватлашга тантанали ваъда берганлар.<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Қаранг: Ким П.Г. Исроил Ортиқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – Б.48.

<sup>3</sup> Қаранг: Усмонов И. Қатағон қурбонлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.82 – 84.

<sup>4</sup> Ортиқов И. Комсомолнинг галдаги вазифалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1933. – Б.36.

И.Ортиқов республикада саводсизликка қарши том маънода уруш бошлади. Унинг ташаббуси билан кўп-лаб комсомол ёшлар қишлоқларда турли ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликка қарши кураш курсларида дарс беришга жалб этилди. У мактабларда ўқитиш самарадорлигини ошириш, таълим сифатини яхшилаш, маориф тизимида меҳнат тарбиясини изчил йўлга қўйишни қўллаб-қувватлади. Савод орттириб ишга кирган ёшларни олий маълумот сари йўллади. И.Ортиқов ташаббуси билан минглаб маҳаллий ёшлар олий таълим муассасалари ва билим юртларига сафарбар этилди. Ҳатто бу тадбиркор раҳбар томонидан ҳудудлардаги комсомол ташкилотлари ўртасида талабаларни ўқитиш бўйича алоҳида мусобақа ташкил қилинди. Бунда ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш, дарсларни қолдирмаслик ва фанларни яхши ўзлаштириш мусобақанинг асосий мезони деб белгиланди. Натижада қисқа муддатда 30 та олийгоҳ ва 98 билим юртини 44 минг талаба битириб чиқди.

И.Ортиқов нафақат ёшларнинг меҳнатни ўрганиши, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашди, балки уларнинг маънавий камолотга эришиши учун ҳам бирдай интилди. Бу соҳада адабиёт, матбуот ва санъатнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини уқтирди. И.Ортиқов ўз мақоласида: «Биз ёш ёзувчиларимизнинг колхоз, совхоз ва фабрикаларга келишларини, ёшлар ҳаётига назар ташлаб, улар билан бирга яшаб, меҳнат қилишларини, ҳақиқий ҳаётни ўрганиш асосида юксак бадий асарлар яратишларини сўраймиз»<sup>5</sup>, – деган эди.

Оташин нотик И.Ортиқов ёшларнинг қалбига кириб борди ва уларнинг ҳақиқий етакчисига айланди. Ёшлар у билан ҳудудий йирик муаммоларидан тортиб энг оддий

---

<sup>5</sup> Ортиқов И. Адабиёт, матбуот, санъат ёшларни тарбиялаш ишига хизмат қилсин // Комсомолец Востока. 1934 йил 15 сентябрь.

муаммоларигача ўртоқлашдилар. Буни республиканинг барча бурчакларидан И.Ортиқов номига келган юзлаб хатлар ҳам исботлайди. Жумладан, уларда йигитлар кўпроқ ўз худудларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда ёрдам сўрашса, қизлар ўзларига илм олиш йўлидаги бўлаётган тўсқинликлар, эрта оила қуриш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳикоя қиладилар.

И.Ортиқов бутун фаолияти давомида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида кураш олиб борди.<sup>6</sup> Айниқса, қиз-жувонлар масаласига алоҳида эътибор билан қаради. Унинг ташаббуси асосида педагогик курсларда 2495 нафар хотин-қиз ўқитувчилар тайёрланди, улар ёрдамида қисқа муддатда 61 076 кишининг саводини чиқаришга эришилди. И.Ортиқов етакчилигида комсомол ташкилоти аёл-қиз фаоллардан юзлаб раҳбар кадрлар етиштирди ва уларни таълим, тиббиёт, ишлаб чиқариш каби турли соҳаларга йўллади.<sup>7</sup>

И.Ортиқов ўзининг фидокорона фаолияти туфайли нафақат ЎзССР КП Марказий Қўмитаси аъзолигига, балки Бутуниттифоқ ёшлар ташкилоти Марказий Қўмитаси аъзолигига ҳам сайланди.<sup>8</sup> Ёш Исроилжоннинг қисқа муддатда эришган катта муваффақиятлари, албатта, ҳаммага бирдай ёқавермас эди. Натижада у айрим ҳамкасблари билан жиддий ихтилофларга бориб қолди.

1937 йил 29 сентябрда иш бошлаган Ўзбекистон комсомол ташкилотининг V пленумида И.Ортиқов ва бошқа комсомол раҳбарларининг ҳам масаласи кўрилди. Кутилмаганда уларнинг барчаси асосланмаган далиллар

---

<sup>6</sup>Ортиқов И. ВЛКСМ ишларини қайта қуриш ҳақида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б.64.

<sup>7</sup>Ортиқов И. Республика меҳнаткаш қиз-жувонлар 1-қурултойи қарорларининг бажарилиши тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1936. – Б.70.

<sup>8</sup>Саримсоқов Ж. Жанговар йўл // Комсомол етакчилари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – Б.176.

билан комсомол сафидан чиқарилди. Республика комсомолининг VIII съезди ҳисобот мажлисида И.Ортиқов ва унинг шериклари кескин танқид қилинди, маърузада «халқ душманлари» И.Ортиқов, Ф.Тарасов, Л.Пехович, К.Ғайбуллаев, И.Икромов, Ф.Шуригин, Карпачевский, К.Жумаев, А.Сухов номлари санаб ўтилди, уларнинг стахановчилик ҳаракати, пахта учун кураш кампанияларини бўшаштиргани жуда кўп мисоллар орқали «исботлаб» берилди. Жумладан, ҳужжатда Сталин районида 117 нафар қиз комсомолга олинди дейилса-да, аслида, 24 нафар олингани, ҳарбий ишлар ва мактаб ишларида ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилгани санаб ўтилди. Шунингдек, республикада 145 минг нафар мактаб ёшидаги ўсмирлар, яъни 21,9% бола ўқишга тортилмаган, Ғаллаоролда 53,3%, Ургутда 40,7% бола ўқишга тортилмаган деган айблар қўйилди. Мажлисида И.Ортиқов ва унинг «ҳамтовоқлар»ининг кирдикорлари «фош» этилиб, фашистлар деган тамға қўйилди.

1937 йил 11 октябрда Давлат хавфсизлик хизмати лейтенантлари Вишневский ва Агабеков ЎзЛКСМ МК собиқ котиби И.Ортиқовни аксилинқилобий «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзоси бўлган ва Ўзбекистонда СССРдан мустақил буржуа миллий давлат тузиш нияти бор деган тухматлар асосида ЎзССР ЖКнинг 60-моддаси, 66-моддасининг I қисми ва 67-моддаси билан айбли деб топиб, қамоққа олишга қарор қилади. 1937 йил 13 октябрда ордер берилиб, шу асосда 14 октябрь кечаси у яшайдиган Тошкент шаҳри Сталин кўчаси 13-уйда укаси Соип ва Исҳоқ Икромовлар иштирокида тинтув ўтказилади. Бу жараёнда 17 та китоб, 97 varaқ турли хатлар, 1 та стол, 1 та стул каби энг майда хўжалик жиҳозларигача хатланади. Жами 31 та 2955 сўмлик облигация ва 74 сўм пул рўйхатга олинади ва олиб кетилади.

1937 йил 27 октябрда лейтенант Андреев тергов материаллари билан танишиб, уни аксилинқилобий махфий ташкилот аъзоси сифатида ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси I қисми, 63- ва 67-моддалари билан айбдор деб топади.

1937 йил 14 – 15 декабрь кунлари ўтказилган сўроқ жараёнида Исроил Ортиқов ўз айбларини тўлиқ тан олади ва ташкилотга ЎзКП МҚ I котиби А.Иқромов томонидан тортилганлигини айтади. Терговда ўзининг комсомолдаги фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтади. 1936 йили Акмал Иқромов чақириб, унга махфий миллатчилик ташкилоти ҳақида сўзлагани ва «ўзининг» одами сифатида иш олиб боришига буйруқ берганини таъкидлайди. Ташкилот аъзолари ҳақида берилган саволга Содиқ Болтабоев, Абдуллажон Каримов, Мирмуслим Шермухаммедов, Мўмин Усмонов, Қурбон Березин, Камол Шарипов, Рустам Исломов кабиларни санаб ўтади. У амалга оширилган «қўпоровчилик» ишлари ҳақида тўхталиб, ташкилотга киритилган «ёт қатлам» вакиллари орасида Фарғона шаҳар комсомол комитети раҳбариятида эшоннинг ўғли Абдуллаев, Фитрат билан алоқаси бўлган Карим Жумаев, газета муҳаррирлари К.Ғайбуллаев ва Шуригин каби миллатчилар мавжуд эканлигини айтади. Унинг «тан олиши»ча, комсомол ташкилоти А.Иқромов, М.Усмонов ва Қ.Берегиннинг кўрсатмалари асосида ёшлар ўртасида динга қарши кураш олиб бормаган. Натижада Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Социализм» колхозида 16 нафар комсомол котиб билан биргаликда рўза тутган. Комсомоллар Марғилонда масжидни таъмирлашда қатнашганлар. Аёллар ўртасидаги тарғиботни сусайтиришган ва қўшиб ёзишган, тарғиботчилар тайёрлашда жиддий камчиликларга йўл қўйишган. Тайёрлов курсларида ўқиган 200 нафар чаласаводнинг атиги 20 – 25 нафаригина уларни бити-

риб чиққан. Албатта, юқоридаги иқрорномани имзолаш И.Ортиқов учун осон кечмаган.

Исроил Ортиқов 1938 йил 28 январда имзолаган тергов баённомасида ўзининг юқоридаги фикрларига аниқлик киритади ва 1936 йили Акмал Икромов томонидан аксилинқилобий ташкилотга тортилганини айтади. Шундан сўнг рўйхатни янги-янги номлар билан бойитади. Унга Акбар Исломов, ЎзЛКСМ МК студент ёшлар бўлими бошлиғи Карим Жумаев, Тошкент шаҳар комитети ЛКСМ котиби Исҳоқ Икромов, ЎзЛКСМ МК ёш деҳқонлар бўлими бошлиғи Ҳабиб Абдурахмонов, Бухоро шаҳар комитети комсомол котиби Мунаввар Ҳайдаралиев, Карим Гайбуллаев ва Бехбудий шаҳар комитети ЛКСМ котиби Соли Раҳимов, Бешкент комсомол котиби Баймуратов, Куйбишев комсомол котиби Носировнинг номлари киритилган. Бироқ баённомада кўрсатилган камчиликлар ўша-ўша бўлиб, рўза, масжид, давлат мулкани талон-торож этиш, мактаб муаммолари ҳамма-ҳаммаси ўз жойида қолдирилади.

1938 йил 28 сентябрда ўтказилган сўнгги сўроқда Исроил Ортиқов ўзининг айбдорлигини тўлиқ тан олади, қўшимчасига, аксилинқилобий махфий ташкилотга А.Икромов билан Ф.Хўжаев ҳам раҳбарлик қилганини айтади. Аслида, уни 1936 йили мазкур ташкилотга А.Икромов тортилганини, бироқ Триғулов билан ўтказилган дастлабки сўроқларда ўзини ҳимоялаш мақсадида бу ҳақиқатни рад этганини ва кейинчалик тушуниб, ўз айбларини «тан олган»лигини маълум қилади.

1938 йил 29 сентябрда САВО прокурори Степанов ҳам И.Ортиқов билан қайта сўроқ ўтказади. Унда айбдор ўзининг 1936 йилнинг иккинчи ярмида А.Икромов томонидан аксилинқилобий ташкилотга тортилгани ва бор айбини тан олиши, Триғулов билан ўтказилган сўроқларда

берган кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлашини айтади. Бундай қайта-қайта сўроқлардан мақсад охириги суд жараёнида «жиноятчи»нинг ўз фикридан қайтиб қолмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш эди.

1938 йил 5 октябрь куни Алексеев, Зайцев, Болдыревдан иборат «учлик» ва котиб Батнер иштирокида ўтказилган суд соат 18:20 да бошланди. И.Ортиқов ЎзССР ЖКнинг 58-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айбдор деб топилди. Айбланувчига ўзини ҳимоя этиш учун ҳеч бир имконият берилмади, гувоҳлар чақирилмади. И.Ортиқов барча айбларини «тан олди» ва охирида ҳаётини сақлаб қолишларини сўради. Суд иши соат 19:00 тугади. Ёпиқ суд И.Ортиқовни отувга ҳукм этди...

СССР прокуратурасининг протести асосида 1956 йил 4 июндан Исроил Ортиқовнинг ишини қайта кўриб чиқишга қарор қилинди. Шу муносабат билан Исроил Ортиқов иши бўйича бир қатор гувоҳлар таклиф этилди. 1956 йил 16 май куни гувоҳ Содиқ Тошхўжаев қайта сўроқ қилинди. У ҳақиқатан ҳам 1937 йили ўзининг терговга тортилгани, НКВД терговчилари жисмоний куч ишлатиш йўли билан И.Ортиқовни айблаб ёздирганлари ва мажбуран қўл қўйдирганларини айтди. 1937 йил 5 мартда улар юзлаштирилганида ҳам И.Ортиқовнинг оғир аҳволда келтирилгани, терговчи айбловни ўқиганида Ортиқов уни зўрға бош чайқаб рад этгани, сўнг уни судраб олиб чиқиб кетгани ҳақида кўрсатма беради. Шунингдек, Қорасув район М.Горький кўчаси 81-уйда яшаган Мадраҳим Рўзметов ҳам қайта сўроққа чақирилди. У ҳам 1938 йил 5 октябрда ЎзССР ЖКнинг 64-, 67-моддалари билан айбланиб, 10 йилга ҳукм этилган эди. 1956 йил 3 апрелда сўроқда 1938 йил 14 март машинкада ёзилган қоғозларга зўрлик билан имзо чектиришгани, уларнинг нима ёзганини ҳаттоки ўқимаганини айтади. Исроил Ортиқов ҳа-

қида сўралганида у ҳақида ҳеч бир ёмон гап сўз эшитмаганини сўзлайди. Сухов Александр ва С.Тошхўжаев билан бўлган юзлаштиришларда ҳеч қандай гап-сўз бўлмагани, фақат тазйиқлар билан қандайдир қоғозларни имзолатиришгани ҳақида гувоҳлик беради. Қайта терговлар натижасида 1938 йили И.Ортиқов тўлиқ тухмат асосида айбдор деб топилгани аниқланди. 1956 йил 5 сентябрда у расман оқланди.

Ҳа, тоталитар тузумнинг машъум қатағон сиёсати авж олган 1938 йил октябрь тунларидан бирида Тошкентда яна бир ўқ овози янгради. Демак, ўзбекнинг яна бир беғуноҳ фарзанди ҳаёт билан видолашди. У «қизил салтанат»нинг ҳиссиз жаллодлари исканжаси остида қўлига тутилган тухматга тўла қоғозларни имзолади ва ўзини ўзи мажбурий тарзда ўлимга маҳкум этди. У ҳали оила қуришга ҳам улгурмаган эди. Хўқанди латиф бағрида улғайиб, қисқагина ҳаёти давомида ўзининг фидокорона меҳнати билан бутун ўзбек халқининг муносиб фарзандига айланган Исроилжоннинг қабри қаерда экани номаълум. Аммо у ўз халқининг қалбига кўмилди. Унинг пок номи Ўзбекистон тарихидан мангу жой олди.



## АКБАР АҲМЕДОВ

Акбар Аҳмедов 1901 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Акбархўжа жадид ва рус-тузем мактабларида ўқиб, тенгқурлари орасида илғор фикрли инсон сифатида танилди. Бироқ Туркистон Мухторияти қизил армия томонидан қонга ботирилгач, Қўқон вайронага айланди. Унинг кўплаб мўътабар хонадонлари вакиллари ўлдирилди, мулклари талон-торож қилинди. Акбархўжа Аҳмедов Қўқоннинг номдор эшонлари хонадонидан бўлгани учун бир муддат большевикларнинг таъқибидан яшириниб юришга мажбур бўлди. Шундан сўнг маҳаллий қурилиш ташкилотига ишга кириб, 1921 йил 4 январдан ўнбоши бўлди. 1927 йили компартияга кириб, кейинроқ бир қатор совет партия ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади. 1927 йилдан 1932 йилгача ЎзССР Касаба уюшмалари иттифоқида, 1932 йилдан ЎзССР компартияси Марказий Қўмитасининг таъминот бўйича котиби вазифасида ишлади. 1934 – 1935 йилларда Москвада Марксизм-ленинизм курсида ўқиди. 1936 йилдан ЎзССР КП (б) Марказий Қўмитаси савдо бўлими мудири, 1937 йил январидан 15 июлгача ЎзССР совхоз халқ комиссари бўлди. 1937 йил август ойдан то қамоққа олингунигача ЎзССР ички савдо халқ комиссари лавозимида ишлади.

1937 йил 28 сентябрь куни ЎзССР ИИХК давлат хавфсизлиги майори Апресян Акбар Аҳмедовни миллатчи, ўнгроцкийчи, аксилинқилобий махфий ташкилот аъзоси





Акбар Аҳмедов  
фарзандлари билан

каби айбловлар билан ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларини қўллаб қамоққа олиш ҳақида қарор чиқаради. 1937 йил 29 сентябрь куни ордер берилиб, уни иш жойидан олиб кетишади. Шахсий анкетасида кўра касби сувоқчи, маълумоти қуйи деб кўрсатилган. Оила аъзолари сифатида аяси Онабиби (50 ёш), 17 ёшлик укаси Ўрин, 25 ёшлик турмуш ўртоғи Адолатхон, 6 ёшлик қизи Люба (Жўрахон), 4 ёшлик ўғли Марат, бир ярим ёшлик яна бир ўғли кўрсатилган.

1937 йил 30 октябрь куни унга тегишли Тошкент шаҳри Чичерин кўчаси 12-хонадонда тинтув ўтказилади. Тинтувда паспорти, қуроллари, хужжатлари, оиласига тегишли расмлар, 27 номдаги хўжалик ашёлари хатлаб олиб кетилади.

Акбар Аҳмедов бир неча кун давомида даҳшатли қийноқлар остида сўроқ қилинади. Натижада 1937 йил 6 октябрь куни уни ақдан озар ҳолига келтириб, бир неча қоғозларга имзо чектиришга эришадилар. Мазкур сўроқ баённомасида ўзининг гўёки 1928 йили Ғулом Якубов томонидан махфий аксилинқилобий ташкилотга тортилганини тан олади. Ташкилотга Акмал Икромов йўлбошчилик қилгани, унинг асосий вазифаси ташкилот кўламини кенгайтириш, ўз тарафдорларини йиғишда партия тадбирларидан фойдаланиш, маҳаллий ёшлар орасида миллийлик руҳи кучли бўлган кадрларни танлаш ва на-

тижада советларнинг иқтисодий сиёсатини издан чиқариш бўлганини айтади. Ташкилотнинг аъзолари сифатида А.Икромов, Ф.Хўжаев, А.Каримов, М.Шермухаммедов, С.Болтабоев, Цехер, Р.Исломов, К.Абдуллаев каби кўплаб ҳукумат мулозимларининг номлари келтирилади. Шундан сўнг ўзларининг «жиноятлари»ни санаб, 1932 – 1933 йилларда ғаллакор туманларда ҳам аҳолининг нонсиз қолдирилиши, 1933 йилда Олтиариқда сунъий очарчиликнинг вужудга келтирилиши ва қишлоқ деҳқонларининг оммавий норозилигини уйғотиш маҳаллий раҳбарларнинг совет ҳокимиятини обрўсизлаштириш учун уюштирган фитнаси сифатида баҳолайди. 1935 йили Акмал Икромовнинг дачасида Абдуллажон Каримов, Содик Болтабоев ва Манжара иштирокида бўлган бир йиғинда Акмал Икромов: «... мана, биз пахта режасини бажардик. Бунда Средазбюро ҳам, Москва ҳам ҳеч бир роль тутмади. Бунга биз ўз маҳаллий кадрларимиз орқали эришдик. Демак, энди ўзимизникиларни янада кўпроқ кўтаришимиз зарур», – деган экан. Шунингдек, «ҳосил мўл, аҳоли даромади юқори бўлган районларда товарларнинг нархини кўтардик. Масалан, кавуш, пойабзал ва кийимлар турли вилоятларда турли нархларда сотилди. Муҳиддин Турсунхўжаев айби билан ун жойларга вақтида етиб бормагани учун ҳам айрим шаҳарларда нон чайқов бозорига ўтиб кетди. Бундан ҳам аҳоли норозилиги келиб чиқди» каби сўзлар ёзилган эди. Албатта, бу гапларни тан олиш ўзига ўлим ҳукмини чиқариш билан баробар эди. Фақат шўро терговчиларининг ваҳшиёна қийноқлари бу иродали инсонни ҳам ўзига қилинган бундай даҳшатли бўҳтонларни тан олишга мажбур этди. Шундан сўнг бир муддат уни тинч қўйишди.

1937 йил 9 ноябрь куни А.Аҳмедов собиқ ЎзССР енгил саноат комиссари Ғулом Яқубов билан юзлаштирилди.

Аллақачон ҳаётдан умидини узган бу икки ўзбек ўғлони ўзларининг қандайдир миллатчи ташкилот аъзоси бўлганларини тан олдилар. Совет терговчилари бу билан ҳам чекланишмади. Ишга янада жиддийроқ тус бериш мақсадида унга 1937 йил 15 сентябрь куни Давлат Ризаевга имзолатилган, 1937 йил 2 октябрь куни Юлдош Ирисметовга имзолатилган, 1937 йил 11 октябрь куни Аббос Саидхоновга имзолатилган, 1937 йил 20 октябрь куни Рустам Исломовга имзолатилган, 1937 йил 15 ноябрь куни Муҳиддин Турсунхўжаевга имзолатилган сўроқ баённомаларидан Акбар Аҳмедов номи кўрсатилган рўйхатлар нусхасидан кўчирма олиб тикиб қўйишди. Бундан ташқари, ташкилотлардан Ички савдо халқ комиссарлиги фаолиятига оид камчиликлар акс этган кўп-лаб маълумотномалар олиб тикилди.

Ақжигитов 1937 йил 20 декабрда ҳеч бир далиллари кўрсатилмаган ҳолда А.Аҳмедовни махфий миллатчилик ташкилоти аъзоси, террорист, жосус, совет ҳукуматига қарши қуролли ҳужумга тайёргарлик кўрган диверсант сифатида ҳам айблаб, ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси 1-банди ва 63-моддасини ҳам қўллаб қарор чиқаради.

1937 йил 22 декабрь куни А.Аҳмедовга ўз ишини кўриб чиқиш учун берадилар. У ўзига нисбатан қўлланилган тухматлар ҳақида ҳеч нарса демайди, аксинча, бошқа ҳеч қандай қўшимча кўрсатма бера олмаслигини ёзиб, ишни ёпишларини сўрайди.

Акбар Аҳмедовнинг айблов баённомаси 1937 йил 26 декабрь куни дастлаб ёзилган Апресян номи қалам билан ўчирилган ҳолда Леонов томонидан имзоланди. Дарҳақиқат, шундан кейин ҳам тергов деярли бир йил давом этди. Бироқ уни қамоққа олиб келган тухматлар ўзгармади. Унга қўйилган энг катта айбловларнинг 90 фоизи савдо соҳаси билан боғлиқ жиноятлар эди. Ваҳоланки, у

бу вазифада икки ҳафта ҳам ишлаган эмас. Унга бирор жўяли асослар келтирилмаган ҳолда ЎзССР ЖКнинг 58-, 63-, 64-, 67-моддалари қўлланди. Шунча камчиликларига қарамай, қарийб бир йил аввал имзоланган мазкур қоғозга 1938 йил 3 октябрь куни СССР генерал прокурори Вишинский ўрнига унинг ёрдамчиси томонидан имзо чекилди. Шу куннинг ўзида иш СССР ИИХК ҳузурида тузилган машъум «учлик» судига чиқарилди.

А.Аҳмедов суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 15:05 дан 15:15 гача давом этди. Суд уни отувга ҳукм қилди, ҳукм ўша куниеқ ижро этилди...

1957 йил 8 февралда А.Аҳмедовнинг турмуш ўртоғи Адолатхон Абдуллабекова Қўқон шаҳар Микоян кўчаси 1-уйдан ЎзССР КП МК биринчи котиби Н.А.Муҳиддиновга ариза ёзади. Унда турмуш ўртоғининг 1937 йил 29 сентябрь куни Тошкентда қамоққа олингани ва ҳалигача ҳеч бир хабар йўқлигини айтади. А.Аҳмедовнинг онаси Онабиби Аҳмедованинг тинимсиз хатларидан сўнг Қўқонга 1938 йил 5 апрелда бир хат келиб, унда ўғлининг МТЛга ҳукм қилингани ва Смоленс вилояти Вязма шаҳридаги НКВДга қарашли ВязмЛагда экани ҳақида хабар берилган эди. Бироқ кейин ҳеч бир хабар бўлмади дейди. Ўзбекистон раҳбаридан турмуш ўртоғининг кейинги тақдирини маълум қилишни ва уч нафар фарзандининг келажаги учун унинг номини оқлаб беришни сўрайди. Шундан сўнг А.Аҳмедов иши ҳам қайта кўриб чиқишга топширилади. 1957 йил 30 май куни қайта сўроққа чақирилган Фозил Қўқонбоев А.Аҳмедовни болалигидан билиши ва унинг ҳалол инсон бўлганлигини айтади.

1956 йил 12 июнь санаси билан Адолатхон яна ЎзССР прокуратурасига ариза ёзади. Акбар Аҳмедов 1957 йил 21 сентябрь куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси

томонидан оқланди ва бу ҳақда унинг оила аъзоларига хабар йўлланди.

1957 йил 4 декабрь куни А.Аҳмедовнинг турмуш ўртоғи Адолатхон Абдуллабекова бу пайтда Ўрта Осиё давлат университети талабаси бўлган қизи Жўрахон Аҳмедова билан Ўзбекистон ҳукумати масъуллари олдига шикоят билан чиқади. У ўзининг турмуш ўртоғи қамоққа олинганча, уйи ўзини ЎзССР ХКС ходимиман деб таништирган киши томонидан тамбалаб кетилгани, кейинроқ улардан уйни бўшатишни талаб қилганини ёзади. Уйдаги жиҳозлари ва эрининг 500 дан ортиқ китоблари тақдири билан қизиқади. Фарзандлари билан Тошкентнинг эски шаҳар қисмида кечган азобли ҳаётини ҳикоя қилади. Ҳатто бу гапларни исботлаши мумкин бўлган гувоҳлар ва уларнинг манзилларини кўрсатиб ўтади. Бироқ бизга на уй, на жиҳозлар ва на китоблар тақдири маълум...

## СОДИҚЖОН БОЛТАБОЕВ

Содиқжон Болтабоев 1900 йили Қўқонда камбағал деҳқон оиласида туғилган. Отаси чорикорлик қилиб оила тебратар эди. Содиқжон уч йил давомида эски мактабда ўқиди. 1915 – 1918 йиллар давомида ўзи ҳам бойларнинг қўлида батраклик қилди. 1918 – 1922 йилларда Қўқон темир йўл станциясига ишга кириб, ёрдамчи машинист ва машинист бўлиб ишлади. 1922 – 1923 йиллар давомида армияда хизмат қилди, айти пайтда, мустақил таълим олди. 1923 – 1925 йилларда яна ўз ишига қайтиб, Қўқон темир йўл станциясида оловхона мутахассиси бўлди.

Содиқжон Болтабоев 1925 – 1928 йиллар давомида Фарғона шаҳар касабаси уюшмаси раҳбари, 1928 – 1929 йиллар давомида Фарғона музофот ижрокўми раиси бўлди. 1929 – 1931 йилларда ЎзССР КП МҚ қошидаги Марказий тафтиш комиссияси раиси бўлди. 1932 – 1934 йилларда ЎзССР КП МҚ учинчи котиби бўлди.

1934 йили Москвадан Ўзбекистонга Куйбишев бошчилигида катта комиссия келади. Табиийки, Марказнинг республика аҳли устидан назоратни кучайтириши Ўзбекистон ҳукуматининг жиддий норозилигига сабаб бўлади. Акмал Икромов маҳаллий раҳбарларни тўплаб, Марказдан келганларнинг ҳар бир гапига кираверманг, улар биздан бошқарувни тортиб олиш учун келганлар деган маънода фикр билдиради. С.Болтабоев бу шароитда республиканинг барча ҳудудларида пахта экиш ва йиғиб олиш ишига шахсан раҳбарлик қилади. Комиссиянинг тутларнинг 20% ни қирқиб ташлаш ҳақидаги кўрсатмасини республикада пиллачилик ривожига тўғаноқ бўли-



Содиқжон Болтабоев (3-қатор чапдан ўнгга бешинчи) Москвада Марказ ва Ўзбекистон ҳукумати аъзолари билан

шини айтиб бекор қилишга эришади. Натижада С.Болтабоевнинг жасорати ортидан маҳаллий ҳукумат комиссия фаолиятини йўққа чиқаришга эришади. 1934 – 1937 йиллар давомида ЎзССР КП МҚ учинчи котиби, айна пайтда, Тошкент шаҳар партия кўмитаси биринчи котиби вазифасини ҳам ўтайди.

1936 йил баҳорида Тошкентнинг Октябрь туманидаги 10 йиллик мактабнинг ҳовлисида қолиб кетган қадимий «Султон ота» масжидини бузиш масаласи кўтарилди. «Правда Востока» газетасида «Мечет Султан ата должна быт сохранена» деган мақола чиқиб, унда муаллиф Муҳаммад Ҳасан тарихий ёдгорлик эканлигини инобатга олиб масжидни сақлаб қолиш керак деган фикрни илгари суради. Акмал Икромов мазкур муаммони ҳал қилишни С.Болтабоевга топширади. Содиқжон аҳолини тўплаб ҳашар йўли билан масжидни таъмирлатиб, ҳатто мусулмонлар учун намозгоҳ сифатида фойдаланишга ҳам рухсат беради.

1937 йил ёзида ўзининг изидан қандайдир кимсаларнинг тинимсиз кузатаётганидан безган С.Болтабоев



ишга бормай қўяди. Якшанба куни Чимгандаги далаҳов-  
лисида дам олиш чоғида ҳам қандайдир кимсаларнинг  
кузатаётганини илғайди. «Мен ҳалол коммунистман, ҳа-  
лол ўламан», – деб ёзиб қолдириб, қуроли билан ўзини  
отади. Лекин ўз вақтида ёрдам берилиб, ТошМИда уни  
ўлимдан сақлаб қоладилар.

С.Болтабоев адашмаганди. ЎзССР ИИХК Загвоздин ала-  
лақачон уни қамоққа олиш тўғрисида қарорни тайёрлаб  
қўйганди. Қарор 1937 йил 10 август куни Леонов томони-  
дан имзоланди. Шу куннинг ўзида ордер берилиб, Содиқ  
Болтабоевнинг Тошкент шаҳри Уездной кўчаси 26-уйида  
тинтув ўтказилди. Уйидаги бор буди, хужжатлари ва хў-  
жалик ашёлари рўйхатга олиниб, олиб кетилди. Турмуш  
ўртоғи Мўътабар Болтабоева, ҳали гўдак қизлари Инобат  
ва Роза ортидан чирқираб қолдилар.

С.Болтабоев тинимсиз қийноқ ва таҳқирлар остида би-  
рин-кетин аввалдан тайёрлаб қўйилган сўроқ баённома-  
ларига имзо чекишга мажбур бўлди. Жумладан, 1937 йил  
9 сентябрда ўзининг 30-йиллардан аксилинқилобий таш-  
килотга аъзо бўлганини, 1934 йили Куйбишев бошлиқ ко-  
миссия фаолиятини йўққа чиқаргани тан олади. 1937 йил  
20 октябрда эса Акмал Икромовнинг: «СССРнинг фашист-  
лар Германияси билан уруши аниқ бўлиб боряпти, шундай  
бир шароитда биз ҳаракатни қўлга олишимиз мумкин», –  
дегани ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш учун тай-  
ёргарликни бошлаб юборишганини ёзади.

С.Болтабоев ишининг шаклантирилишида ўзини че-  
кист деб атаган Ҳошим Сагитов деган кимсанинг ЎзССР  
НКВД Загвоздин номига ёзган чақуви алоҳида ўрин тут-  
ган. У хуфя чақувда ўзининг 1935 йил 1 июндан 1937 йил  
1 февралгача Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасида  
партия котиби бўлиб ишлагани ва 1935 йил январида  
Болтабоев уни чақириб, Кацни беҳурмат қилгани учун  
дакки берганидан бошлайди. Шундан сўнг мақсадга ўтиб,

Болтабоевнинг «сен ҳам, мен ҳам, фабрика поликлиника-сида Қулматов ҳам – барчамиз қўқонликмиз. Ҳаммамиз бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз керак» дегани, хатто «мен сени Қашқадарёга ишга юбораман. У ерда А.Саидхонов сени тарбиялаб юқори лавозимга кўтаради» деб ваъда берганини ёзади. Шундан сўнг бу кимса уларнинг қандайдир аксилинқилобий ташкилоти мавжудлигини англаб қолган эмиш, ушбу гуруҳ аъзолари сифатида собиқ молия халқ комиссари Аббосхон Саидхонов, Давлат режа қўмитаси раиси бўлган Ҳакимов ва яна 29 кишининг исм-шарифини келтиради. У хатни 1937 йил 12 сентябрь тунда бошлаб, 13 сентябрь соат 4:00 яқунладим деб имзо қўяди. Аслида, бу каби кимсалар ИИХК томонидан махсус ёлланган бўлиб, йиллаб тегишли кишилар устидан материал йиғишган. Керакли пайтда ўзларининг «холис» хизматларини (мана шундай чақувлар кўринишида ёки юзлаштириш орқали) тақдим этишган. Албатта, ўша машъум замонларда бундай кимсаларнинг сони кам эмас эди.

Шунингдек, ишга М.Шермухаммедовнинг 1937 йил 21 сентябрда, Собир Мирзажоновнинг 1937 йил 27 – 30 сентябрда, Саъдулла Турсунхўжаевнинг 1937 йил 10 октябрда, Ғофур Каримовнинг 1937 йил 17 – 19 ноябрда имзоланган сўроқ баённомаларидан Содиқжон Болтабоев номи келтирилган қисмларининг нусхалари ҳам тикилди.

С.Болтабоевни 1937 йил 29 октябрь куни Акмал Икромов билан, 1937 йил 3 ноябрь куни Собир Мирзажонов билан, 1937 йил 23 ноябрь куни Абдулҳай Тожиев ва Абдуллажон Каримов билан юзлаштиришлар «муваффақиятли» ўтказилди. Бироқ 1938 йил 15 февраль куни Тожихон Шодиева билан, 1938 йил 26 май куни Нормат Исроилов билан ўтказилган юзлаштиришларда томонлар ўзларига қўйилган айбловларни қатъиян рад этдилар. 1938 йил 25 сентябрь куни таҳқирланган, синдирилган С.Болтабоевга иши кўрсатилди. У ўзининг «айбдор»лиги-

ни тан олди, бошқа қўшимча қилолмаслигини ва тергов жараёнига ҳеч бир эътирози йўқлигини ёзиб имзо чекди.

Унинг айблов баённомасида С.Болтабоев ЎзССР ЖК-нинг 57-1-, 58-, 63-, 64-, 67-моддалари асосида миллатчилик, аксилинқилобий ташкилотга 211 кишини тортганлик, келажакда Ўзбекистонни мустақил қилиш учун бўладиган курашга отлар ва қуроллар тўплаганлик ва бошқа яна бир қатор жиноятларда айбланди. Аслида, кўрсатилган бирор жинояти далиллар билан исботланмаган, асосан, терговчилар Матвеев ҳамда Соловьевнинг ихтироларидан иборат эди.

С.Болтабоев иши 1938 йил 4 октябрь куни соат 8:40 дан 8:55 гача давом этди. Машъум «учлик» унга отув жазосини белгилади, ҳукм шу куниёқ ижро этилди.

Сталин вафотидан сўнг биринчи бўлиб қайта кўриб чиқишга топширилган ишлардан бири Содиқжон Болтабоевнинг иши эди. Қайта сўроқлар жараёнида у билан бирга ишлаган, уни таниган инсонларнинг бари С.Болтабоев ҳақида фақат илиқ фикрлар билдирдилар. Жумладан, 1956 йил 29 апрель куни Михаил Криканов (1898). «...С.Болтабоев асли ишчидан чиққан эди. Аммо одамлар билан ишлашда шу қадар самимий эдики, унча-мунча устаси ҳам эплотмайдиган ишларни дўндираар эди. Одамларни одиллик билан тинглаб, сўнг қарор чиқарарди. Кўп ишларни бирга бажардик, унинг фаолиятида бирор марта жиддий хатолик кўрмадим. Орадан жуда кўп вақт ўтди, бироқ у менинг хаёлимда ҳалол, юмшоқ, содиқ ва жозибали инсон сифатида қолган. Ҳеч бир сиёсий хатоларга йўл қўйганига ишонмайман», – дейди.

Тошкент молия институти доценти Г.Ф.Голованов (1905): «1930 – 1937 йилларда ЎзССР КПда масъул котиб ёрдамчиси, 1934 йилдан ЎзССР КП 2-котиби Цехернинг ёрдамчиси сифатида ишлаган эдим. С.Болтабоев билан 1930 йилдан таниш эдим. У ҳаммани тингларди. Жамоа-

да ҳақиқий авторитет эди. Мулоҳазакор, ҳаёт таълимини олган доно бир инсон эди», – дейди.

Венгер миллатига мансуб Г.Г.Баев (1891): «...С.Болтабоев билан 1931 йилдан ЎзССР КП МКда кадрлар бўлимида бирга ишлаганман. Одамлар ҳар доим унга интилардилар, чунки у ҳамма билан бир хилда соддалик билан гаплашар эди. Оиласи ҳам ниҳоятда содда турмуш кечирарди. Мен у хизмат сафарларида бўлганда бир неча бор уйига ойлигини етказганимда кўргандим», – дейди.

Ушбу иш қайта кўрилиши жараёнида бир қанча собиқ НКВД ходимлари ҳам сўроққа тортилган. Жумладан, 1955 йил 14 сентябрь куни собиқ НКВД ходими Я.М.Яковлев (1902): «... ҳукумат раҳбарларини сўроқ қилишда НКВДнинг энг юқори зобитлари жалб этилган эди. Мен бир марта Акмал Икромовни Апресяннинг хонасида кўргандим. У азобдан қийналган ва тинимсиз титрарди. Мен Апресян чиқиб кетганида нега мунча титрайсан десам, жуда совуқ хонада деярли кийимсиз сақлашди деди. Сўнг у Москвага юборилди, қайтиб кўрмадим. Фурмановнинг хонасида ҳам бир гал Кучабони кўриб қолгандим. Унинг юзлари зарбдан ёрилган, ҳамма жойи кўкариб турарди. У менга мени қаттиқ уруб кўрсатма олдилар деди. Ҳа, мен юристман. Аммо у вақт НКВДга буйруқни сўзсиз бажарадиган ёшлар керак эди. Улар маҳбусларни тинимсиз таҳқиқлаш йўли билан хоҳлаган кўрсатмаларига имзо чектириб берардилар. Шунинг учун менга ўхшаганларни терговга деярли қўймаганлар», – дейди.

1956 йил 3 май куни Ю.С.Деди: «... С.Болтабоев билан сўроқни кўп ҳолда Агабековнинг шахсан ўзи олиб борган ва бу жараён ҳақида менда бирор-бир маълумот йўқ», – дейди.

С.Болтабоев 1956 йил 29 июнь куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланди...

## ШОКИР СУЛАЙМОН

Шокирхўжа Собирхўжа ўғли 1900 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Унинг бобоси Сулаймонхўжа асли Ўратепанинг машхур хўжалари хонадони вакили бўлган. Отаси Собирхўжа хожи араб, форс тилларини мукамал билган олим эди. У 1898 йилдан Қўқонга кўчиб келиб мударрислик қилган. Шокирхўжа Собирхўжанинг қўқонлик Тиниқой исмли аелидан бўлган уч фарзандининг тўнғичи эди. Шокирхўжа дастлабки таълимни отасидан олган. Сўнг машхур муаллим Абдуваҳҳоб Ибодийнинг «Ирфон» мактабида ўқиган.



Ш.Сулаймон 1912 йилдан Қўқондаги Мадалихон мадрасаси ва рус-тузем мактабида ўқишни давом эттиради. 14 ёшидаёқ Навоий, Сўфи Оллоёр, Бедил, Фирдавсийни ёд олиб, ўзбек мумтоз адабиётининг билимдонига айланади. 1917 йили Оренбургдаги жадиждларнинг янги дастури асосида ташкил этилган Хусайния мадрасасига ўқишга киради. У ерда иккинчи босқичда ўқиётган марғилонлик талаба, машхур муаллим, шоир Абдурахмон Ғоибий билан танишади. 1921 йили Хусайнияни битириб, Қўқонга қайтади ва Мадалихон мадрасасида яна ўқишни давом эттиради. Айни пайтда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ёнига кириб мактабда дарс бера бошлайди. 1922 йили Қўқон ва Учкўприк ҳудудларида 4 йиллик «усули жаид» мактабларини очади. Қўқон тараққийпарварларининг етакчиси Обиджон Маҳмудовнинг

уйида Ашурали Зоҳирӣ, Мирзоҳид Мироқилов, Юнус Ағалиқов, Носиржон ҳожи Зиёев, Абдулла Раҳмат, Мухтор Муҳаммадий йиғин ўтказиб, бир немис миллатига мансуб кишини топиб иқтидорли ёшларга олмон тилини ўргатишни ташкил этадилар. Шунингдек, «Иттиҳоди толибин» ташкилотини тузиб, ўқишга қизиқиши бўлган ёшларни қидириб топиш ва уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладилар.

1922 йил ёзида Тошкентда маҳаллий ёшлар ва тараққийпарвар зиёлиларнинг ташаббуси билан «Кўмак» жамияти таъсис этилади. Жамият маҳаллий ёшларни Германия, Туркия каби хорижий мамлакатлар, шунингдек, Петербург, Москва ва Бокудаги олий таълим даргоҳларига ўқишга йўллашга киришади. «Кўмак» Туркистон ҳукумати ва Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматларининг қўллаб-қувватлаши орқали бир неча юзлаб ёшларни ўқишга йўллайди. Шокир Сулаймон ҳам шу жараёнда 17 нафар йигит билан Москвага келади. Улар орасида Ота-



Ўндан Чўлпон, Шокир Сулаймон ва Боту

жон Ҳошим, Саид Ғани Валиев, Наим Саид, Шариф Толиб, Асад Носиров, Ориф Содиқов, Рафеъ Зоҳидов, Собир Мирзажонов бор эди. Москвада ўзбек талабаларига Акмал Икромов, Боту ва Саид Аҳмад Назиров раҳбарлик қилади.

Шокир Сулаймон Москвада кечган талабалик онларида бир зум бўлсин ватандан узилмади. Маҳаллий матбуотда ўзбек ўқувчиларига бирор воқеликни қолдирмасдан ёритиб борди. Ўзининг ижод намуналари билан таништирди. Жумладан, «Фарғона» саҳифаларида эълон қилинган «12-партия қурултойида Т.Рисқуловнинг студентларга доклади», «Юксалишнинг биринчи босқичи», «Халқ адабиёти», «Баҳор кўринишлари (наср, кечинмалар)», «Очлик – ҳалокат қуши (наср-сочма)», «Миллий куй ва ашулаларимиз», «Кўз ёшларим (очларга шеър)», «Ойга қараб», «Тог сувлари» (Ўш Оқбура сойига) каби кўплаб мақола ва асарлари ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.<sup>9</sup>

Шокир Сулаймон Москва давлат университетининг филология факультетида таҳсил олиш билан бир пайтда Шарқ халқлари нашриётида ишлади. У инглиз, рус, турк, татар, тожик, афғон, форс тилларини мукаммал биларди. 1926 йили Самарқандга қайтиб келиб, «Маориф ва ўқитғувчи» журналида масъул котиб бўлиб иш бошлади. Самарқандда «Қизил қалам» жамияти очилганида

---

<sup>9</sup> Ш.Сулаймон (Масков). Халқ адабиёти // Фарғона. 1923 йил 15 апрель. №68; Ш.Сулаймон (Масков). 12-партия қурултойида Т.Рисқуловнинг студентларга доклади // Фарғона. 1923 йил 24 май. №77; Ш.Сулаймон (Масков). Баҳор кўринишлари (наср, кечинмалар) // Фарғона. 1923 йил 8 июнь. № 80; Ш.Сулаймон (Қрим). Кўз ёшларим (очларга шеър) // Фарғона. 1923 йил 17 июль. № 89; Ш.Сулаймон. Очлик – ҳалокат қуши (наср-сочма) // Фарғона. 1923 йил 9 август. №94; Ш.Сулаймон (Масков). Миллий куй ва ашулаларимиз // Фарғона. 1923 йил 24 август. №98; Ш.Сулаймон (Масков). Олтин терак йиқилди // Фарғона. 1924 йил 4 февраль. №143; Ш.Сулаймон. Кутилиш алангаси // Фарғона. 1924 йил 5 июль. №184; Ш.С. Дорулфунунга яна 5 киши // Фарғона. 1924 йил 10 июль. №186; Ш.Сулаймон. Ойга қараб // Фарғона. 1924 йил 31 июль. №191; Ш.Сулаймон. Тог сувлари (Ўш Оқбура сойига) // Фарғона. 1924 йил 5 август. №192; Ш.Сулаймон. Юксалишнинг биринчи босқичи // Фарғона. 1924 йил 7 август. №193.



Кўқондаги "Қизил қалам" жамияти. 1. Шокир Сулаймон 2. Шариф Ризаев  
3. Лутфилла Олимий 4. Мухтор Муҳаммадий 5. Малик Раҳмон 6. Ф.Раҳмон  
7. Жалол Жаҳоний 8. Даврон 9. Собир Абдулла 10. Шерали Рўзи  
11. Умар Ҳамидов 12. Комилжон Қосим 13. Носир Эран. 14. Абдулҳақ Самадов.

унинг илк раиси этиб сайланди. 1927 йилдан «Аланга» журналида масъул муҳаррир, 1929 – 1931 йилларда «Ер юзи» журналида масъул котиб бўлди. Бу вақтда «Маориф ва ўқитғувчи», «Аланга», «Ер юзи» журналларида жуда кўплаб насрий ва назмий асарлари, таҳлилий-тадқиқий ишлари чоп этилди.<sup>10</sup> 1927 – 1930 йиллар давомида Самарқанд педакадемиясида адабиёт фанидан дарс берди. У профессор Чўпонзода билан инглиз ва татар тилларида бирдай гаплашиб талабаларни ҳайратга соларди.

1930 йили Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди. У 1931 йил февралда Ўзбекистон тил ва адабиёт институтига ишга киради ва Ўзбекистон ёзув-

<sup>10</sup> Шокир Сулаймон. Қизил чечаклар (сочма) // Маориф ва ўқитғувчи. 1926. №9; Ш.Сулаймон. Қизлар бахти // Маориф ва ўқитғувчи. 1926. №10 – 11; Ш.Сулаймон. Хотинлар озодлиги ва янги турмуш // Маориф ва ўқитғувчи. 1926. №10 – 11; Ш.Сулаймон. Сўнгги муҳаббат // Маориф ва ўқитғувчи. 1927. №12; Ш.Сулаймон. Қул (наср) // Маориф ва ўқитғувчи. 1927. №12.






Ўнгдан 1. Шокир Сулаймон 2. Отажон Ҳошим...

чилари уюшмасига аъзо бўлади. Ш.Сулаймон адиб сифатида 1930 йилларда Ҳиндистон, Хитой, Франция, ҳатто Вера Инбер билан бирга бир нечта Африка мамлакатларига ҳам борган эди. 1930 йили Англия сафаридан сўнг «Джем ҳам Эллен», 1931 йили «Ҳиндистон», 1934 йили «Хитой боласи Ин Фон», 1934 йили «Париж болалари» ҳикоялари чоп этилган. 1933 йилдан Ўзбек ёзувчиларининг Болалар ва ёшлар адабиёти бўлимига бошлиқ бўлади.

Ш.Сулаймон, аввало, муаллим эди. Шунинг учун унинг илмий-ижодий меросида педагогик асарлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар алоҳида ажралиб туради. Жумладан, 1929 йили биринчи босқич мактаблари учун «Ёш куч» адабий қироат китоби ҳамда чаласаводлар мактаблари учун «Озод меҳнат» номли ўқув китоблари нашр этилди. Кейинги йилларда Зиё Саид билан бирга «Ёш декломатор» болалар саҳна адабиёти, И.Йўлдош билан катта ёшли ўқувчилар учун «Янги қишлоқ» китоби, 1932 йили Педакадемия талабалари учун икки жилдлик «Гўзал адабиётдан иш китоби»ни чоп эттиради. Шунингдек, миллий матбуот саҳифаларида ҳам унинг



педагогика муаммоларига бағишланган кўплаб мақолалари мавжуд. Мисол тариқасида «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1926 йил 9-сонида «Қизил чечаклар», 10 – 11-сонларида «Хотинлар озодлиги ва янги турмуш», 1928 йил 1-сонида «Икки муҳим масала устида», 2-сонида «Олий таълим ва тарбия институти», 3-сонида «Таълим-тарбия бўлими ҳақида», «Таълимнинг ибтидоси» мақолалари, 6-сонида «Дарс ўтишнинг синалган йўли» каби мақолаларини келтириб ўтиш мумкин.

1941 йил 20 август куни ёш ўзбек геолог олими Шароф Обидовни аксилинқилобий ташкилот аъзоси, жосус сифатида қamoққа олишади. 1936 йилдан 1940 йилгача Ленинград аспирантурасини битириб келган Вали Ғафуров, Раҳим Раҳмонов, Нурилла Атауллаев ҳам бир кунда қamoққа олинди. Шу иш доирасида 1941 йил 26 август куни СССР ФАнинг Ўзбекистон филиалида катта илмий ходим бўлган Шокир Сулаймонни ҳам қamoққа олишга қарор қилишади. 27 август куни ордер олиниб, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 1-уй 4-хонадонда тинтув ўтказилади. Шахсий анкетасига кўра, бу вақтда унинг оила аъзолари турмуш ўртоғи Зайнаб Мирсалимова (1906), фарзандлари Марат (1930), Пўлот (1932), Назира (1936) ва Мунира (1938)дан иборат бўлган.

Шокир Сулаймонни 190-хонага Гнилошеков, 198-хонага Сухолазов, 120-хонага Акжигитов, 99-хонага Шулихов каби терговчилар бир йилдан ортиқ вақт давомида юзлаб маротаба сўроққа чақирдилар. Ленько, Тетерев, Сорокин, Исаев, Ходжибаев каби кимсалар бирда тек, бирда турткилаб, бирда судраб олиб юрдилар. Ишга тинимсиз олиб борилган терговлар ҳақида варақачалар тикилганига

қарамай, бирорта сўроқ баённомаси йўқ. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, уни урганлар, сўкканлар, хўрлаганлар, аммо истаган қоғозларига имзо чекдира олмаганлар. Ишда 1942 йил 19 июль санаси билан битилган тиббий маълумотномада мавжуд. Унда Ш.Сулаймон кўкрак оғриғидан шикоят қилиб келтирилгани айтилган, унинг организмидаги заифлик, тинимсиз йўтал ҳолати ва кўплаб касалликларнинг номи қайд этилган.

1942 йил 24 июнда ҳаммаси олим бўлган 9 нафар ўзбек зиёлиси устидан айблов баённомаси тасдиқланди. 1942 йил 8 августда ИИХК ҳузуридаги йиғилиш Шокир Сулаймонов ва Шароф Обидовни отувга, Нурилла Атоуллаев, Раҳим Раҳмонов, Акмал Обидовни 10 йил МТЛга, Ҳасан Неъматов ва Жўра Икромовни 8 йилга, Аҳад Одиловни 5 йилга МТЛ (меҳнат тузатиш лагери)га ҳукм этади. Шокир Сулаймон 1942 йил 22 декабрда отиб ташланган...

1956 йил августда Мирсалимова Зайнаб Аҳмедовна Ўзбекистон ҳукумати раҳбариятига ариза ёзади. Унда турмуш ўртоғи Ш.Сулаймоннинг 1941 йил 25 август куни қамоққа олингани, кейинчалик 10 йилга лагерга ҳукм қилинди деб хабар беришганини айтади. Бироқ 15 йилдирки ҳеч бир хат-хабар йўқ дейди. Бу пайтда ўғли Марат 5 йил ҳарбий денгиз флотида хизмат қилганди. Қолган фарзандлари Пўлат, Нодира олий таълим даргоҳида талаба, кичиги Мунира 9-синфда ўқир эди. Зайнаб Аҳмедовна турмуш ўртоғини бўҳтон билан қамоққа олиб, ўзларини «халқ душмани»нинг оиласи деб Тошкентдан ҳайдаб чиқаришганини ёзади. Ўзининг 30 йиллик муаллим эканлигини маълум қилиб, фарзандлари келажаги учун реабилитация қилинишини сўрайди.

Шокир Сулаймон 1956 йил 27 сентябрь куни ЎзССР Олий суди томонидан оқланган...

## НАИМ САИД



Наим Саид 1902 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Ота-онаси болалигиданоқ вафот этиб кетгани боис яқинлари васийлигида мактаб ва мадрасада ўқиган. Аввал мадрасада миллий мумтоз адабий меросни пухта ўзлаштиради, сўнг янги замон адабиёти билан танишади. 1919 йили Қўқондаги ўқитувчилар курсида ўқийди. Сўнг Бухорога бориб, «Маориф уйида» ўзбек тилидан дарс беради. 1922 йил ноябрь ойида Наим Саид ҳам ТАССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан Москвага ўқиш учун йўлланадиган ёшлар орасидан ўрин олади. Улар Москва шаҳрига етиб борганларида ўқишлар аллақачон бошланиб кетган эди. Шунинг учун аксар ёшлар вақтни бекор ўтказмаслик учун тайёрлов курсларига жойлашадилар.

Наим Саид 1923/1924 ўқув йилида Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетининг ишчи факультетида ўқийди. Аввал туркистонлик талабаларнинг стипендия комиссияси раислигига сайланади. Наим Саид талабаларнинг ҳали иқтисодий, ҳали ётоқ билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш, ҳали илмий тўғараklarини ташкил этиш, ҳали расмий тадбирларни уюштириш билан тиним билмади. Айни пайтда, Назир Тўрақулов раҳбарлик қилган Москвадаги Шарқ халқлари нашриётида ҳам меҳнат қилиб, таржимон ва ношир сифатида танила бошлади. Наим Саид ҳам Шокир Сулаймон каби ўзбек

миллий матбуотидан узоқлашмади. Унинг қаламидан энг ўткир сиёсий масалалар ҳам четда қолмаган. Жумладан, «Фарғона» газетасида чоп этилган «Миллият масаласида янгилишимиз», «Миллият масаласи ва Ўрта Осиё» ва бошқа мақолаларини келтириб ўтиш мумкин.<sup>11</sup>

Наим Саид 1925 йили Москва давлат журналистика институти (ГИЖ)га киради ва Анқабой Худойбахти, Собира Холдорова билан бирга таҳсил олади. Бу пайтда Боту, Саид Аҳмад Назиров, Шокир Сулаймон, Иброҳим Эшонхўжаев, Турғунпўлот Қирғизбоев каби кўплаб иқтидорли ўзбек ёшлари Москвадаги турли нуфузли таълим даргоҳларида ўқиганлар. Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовнинг Москвага бориши ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Улар бир зум бўлса ҳам талабалар билан кўришиб, хабар олишга интилар эдилар.

Наим Саид 1928 йили институтни муваффақиятли тугатиб, Ўзбекистонга қайтиб келади. Дастлаб Самарқандда Ўзбекистон давлат нашриётида иш бошлайди. 1930 йили Кўқонга ишга юборилиб, «Қизил қалам» жамиятини тузади, айна дамда, «Янги Фарғона» газетасига ҳам муҳаррирлик қилади.

1932 йил апрель – май ойларида Марказ томонидан Ўзбекистон ҳукуматига шўро классиклари – К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш масаласи кўйилади. Ўзбекистон ҳукумати бу масъулиятли вазифани катта тажрибага эга бўлган Наим Саид бошчилигидаги гуруҳга топширади. Унинг гуруҳида Саидғани Валиев, Мўмин Усмонов, Санжар Сиддиқ, Аъзам Айюб, Усмон Носир ва бошқа тажрибали таржи-

---

<sup>11</sup> Наим Саид. Миллият масаласи ва Ўрта Осиё // Фарғона. 1924 йил 8 июль. №185; Наим Саид. Бир палласи бўш // Фарғона. 1924 йил 28 июль № 190; Наим Саид. Миллият масаласида янгилишимиз // Фарғона. 1924 йил 18 август. №196.



Москва Олий мактабларини битирганлар (ўнгдан): Ҳамдам Тожий,  
Мирсоатов, Фиёс Хўжаев, Мирзаев, Наим Саид

монлар бор эди. Бироқ шу вақтгача давлат таржималарини амалга ошириб келган эски таржимонлар ёшларга ишлаш учун имконият беришмади. Аввалига турли баҳоналар билан уларнинг фаолиятига халақит қилишди. Оқибатда биринчи чоракда режалаштирилган ишлар вақтида бажарилмай қолди. Бундан хабар топган эски гуруҳ таржимонлари Марказга бўҳтон тўла юмалоқ хатларни йўллашди.

Аслида, бу зиддиятларнинг бошланиши анча илгарига бориб тақалади. Наим Саид Ўзбекистон давлат нашриётида ишлаб юрган кезларидаёқ ҳукумат таржималари фақат бир гуруҳ инсонлар томонидан амалга ошириларди. Улар қасддан ўзбек тилининг ички қонуниятларига зид, ўзбек халқи учун тушунарсиз бўлган татар ва рус тилидаги сўзлардан кўп фойдаланаётганини фош этади. Натижада улар бир қадар чекинишади. Бироқ улар 1932 йил январь ойида Наим Саид масъуллигида чоп этилган китобда жиддий хатоликларга йўл қўйилган деган бўҳ-

тон билан уни партиядан ҳайдашга эришишади. Наим Саид ўзига нисбатан қилинган туҳматларни зудлик билан исбот этиб, 1932 март ойида партиёга қайта тикланишга эришади. Энди масъул лавозимда бўлган Наим Саид ғаразли юмалоқ хатлар ва чақувлар остида 1933 йил иккинчи марта партиядан чиқарилади. Бу гал Москвага бориб, ўзининг айбсизлигини исботлаб, партиёга тикланиб қайтади. Бироқ энди янада катта зиддият юзага келади. Марказга туҳматчиларнинг Наим Саид рус тилини ўзбек тилига яқинлаштиришга қарши, у терминларнинг рус тилидаги шаклини ишлатишни тақиқлаган, сўзларнинг русча қулай варианты бўлгани ҳолда атайлаб араб ва форс сўзларига мурожаат этган деб айблашлари ёқиб қолганди. Бонси, Наим Саиддек фикрлайдиган кишилар Марказ миллий сиёсатининг ўқ илдизларига зарба бериши мумкин эди. Шунинг учун 1933 йили таржима



Ўтирганлар (ўнгдан): Маҳмудхон Аҳмадхон ўгли 2. Носирхон Зиё 3. Шокир Сулаймон 4. Наъим Саид 5. Боту 6. Собир Шариф. Тик турганлар: 1. Солиҳ Исмоил 2. Мирзо Восиф Қодирий 3. М.Абдулла Қодирий 4. Абдулла Раҳмат. 1924 йил 30 июл. Қўқон.

ҳақида махсус йиғилиш ўтказилиб, Наим Саид раҳбарлигидаги ёш таржимонларнинг фаолияти кескин танқид қилинади.

1935 йил йиғинда Наим Саиднинг «Русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғати»ни яратиш таклифи ҳам катта қаршиликларга сабаб бўлади. Шунга қарамай, у луғатни чиқаришга эришади...

1938 йил 24 январь куни ЎзССР ИИХК Марксизм-ленинизм илмий текшириш институти марксизм-ленинизм классиклари таржимаси секторининг муҳаррири Наим Саидовни аксилинқилобий ташкилот аъзоси деб ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддалари билан айблаб қамоққа олиш ҳақида қарор қилинади. 1938 йил 30 январь куни ордер берилиб, уни Тошкент шаҳри Жуков кўчаси 63-уй 4-хонадонидан олиб кетишади. Шахсий анкетасида унинг oilаси турмуш ўртоғи Мирсалимова Зухра Аҳмедовна ва 3 ёшли ўғли Наилдан иборат деб кўрсатилган.

1938 йил 31 январь куни илк сўроқда Наим Саид ўзининг Москвада кечган талабалик йиллари ва фаолияти ҳақида тўхталади. Ўзининг ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилотдан хабари йўқлигини айтади. Кейинги сўроқ қарийб йилнинг охирида – 1938 йил 26 декабрь куни ўтказилади. Унда ҳам Наим Саид А.Икромов, С.Сегизбоев, Ғ.Ҳамидхонов билан ҳеч қачон яқин алоқада бўлган эмасман деб гапни қисқа қилади.

1939 йил 4 январь куни сўнги сўроқда ҳам яна бир бор ўзининг ҳеч бир аксилинқилобий ташкилотда бўлмаганини, 1930 йил июнда «Қизил қалам» жамиятида Бонс Қориев Олтойдан ҳеч қачон аксилинқилобий топшириқ олмаганини таъкидлайди.

1938 йил 25 декабрь куни Наим Саид иши юзасидан бу вақтда Ўзбекистон давлат нашриёти етакчи муҳаррири бўлган адиб Мирзакалон Исмоилий сўроққа чақирилади.



У сўроқда: «Н.Саидни 1928 йилдан буён биламан, унинг таржимонлар гуруҳи Н.Саиднинг ўзидан ташқари Мўмин Усмонов, Собира Холдорова, Саидғани Валиев, Собиржон Ибрагимов, Малик Раҳмон, Аъзам Айюб, Наби Каримов, Иноят Максумов, Н.Алимуҳаммедов, Гумаров, машинистка Хава Чинаевадан иборат эди», – дейди. «Улардан Н.Саид, А.Айюб дам олиш вақтида, айнан шакли эсимда йўқ, аммо аксилинқилобий анекдотлар айтарди. Бир куни шахмат ўйнаб ўтирганимизда Н.Саид иш кутади, ҳеч қачон шошмаслик керак деб айтганди», – дея таъкидлайди.

1939 йил 3 январь куни соат 23:45 да бошланиб, 4 январь соат 04:25 гача давом этган сўроқда Собира Холдорова: «Мени Н.Саид билан 1925 йили турмуш ўртоғим С.Назиров Сочида таништирган эди. Кейин 1926 йилдан Москвада ГИЖда бирга ўқигандик. У Москвада машҳур раққоса Тамарахонимнинг синглиси Амала Петросянц билан оила қурган эди. Баъзан биз Саидахмад билан унинг хонадонига борардик. Уни ҳақиқатан ҳам моҳир таржимон деб биламан. Лекин ҳеч қачон уларнинг аксилинқилобий фаолияти ёки суҳбатларига гувоҳ бўлмаганман», – дейди.

1939 йил 4 январь куни чиқарилган Лисициннинг қарорида Наим Саид 1930 йили «Қизил қалам» жамиятида ёшларда миллий руҳни ошириш учун интилган, таржима жараёнида янги сўзлар яшашда рус тилидан кўра араб ва форс тилларининг имкониятларига кўпроқ мурожаат этган деган айбловлар асосида ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-, 63-моддалари қўлланади.

Наим Саид фаолиятини тафтиш қилиш мақсадида А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институти ходимлари Мансур Абзалов, Юсуп Султонов ва Маҳкам Пирмуҳаммедовдан иборат комиссия тузилади.

Комиссия хулосасига кўра, Н.Саид, А.Айюб, С.Валиевдан иборат гуруҳ русчада қулай бўлган сўзлар ўрнига унинг арабий шаклидан фойдаланган. Жумладан, революция – инқилоб; практика – амалия; оригиналь – антиқа; проект – лойиҳа; документ – ҳужжат; комментарий – тафсир; параллел – мавозий; абстракт – мавхум; процесс – жараён; автор – муаллиф; развитой – зақкилик; ударник – зарбдор; уровнения – мезон ва бошқалар. Комиссия фикрича, таржимада асосан арабча ва форсча сўзлар олинган, аслида, русча шаклининг ўзини сақлаб қолган яхши. Шунингдек, кўплаб сўзларни таржима қилишда таржимонларнинг топқирлиги, янги сўз яратишдаги муваффақиятлари камситилади. Аксинча, пионер – кашшоф; совет – шўро, съезд – қурултой каби кўплаб сўзларга қарши чиқадилар.

1939 йил 4 январь куни Наим Саидни иши билан таништиришади. У ўзига қўйилган айбловларнинг барчасини рад этади ва ҳаммаси бўғтон эканини ёзиб имзо чекади. Шундан сўнг яна бир қатор ташкилотлардан олинган Н.Саиднинг давлат мулкига келтирган зиёни ҳақидаги тутуриқсиз акт, маълумотнома ва хулосалар ишга тиркалади.

1939 йил 7 январь куни Н.Саиднинг айблов баённомаси ЎзССР ИИХК Саджая томонидан тасдиқланади. Уни Назир Тўрақулов, Абдулло Раҳимбоев, Иноғомжон Хидиралиев раҳбарлик қилган аксилинқилобий ташкилот аъзоси, «халқ душманлари»нинг дўсти деб ЎзССР ЖКнинг 60-, 63-, 67-моддалари билан айбдор деб топишади.

Наим Саиднинг судига гувоҳ сифатида Гариф Амиров, Хава Абдусаттарова ва Мирзакалон Исмоилий чақирилган.

Дастлаб суд 1939 йил 5 февралда Тошкент вилоят судида бўлиб ўтиши белгиланади. Бироқ суд кечиктирила-

ди ва 1939 йил 5 июль куни Тошкент вилоят судида бўлиши айтилади. Н.Саидни судга вақтида келтириш учун турмага хат ҳам юборилади. Бироқ ишдаги 1939 йил 2 июль санаси билан қаламда ёзилган АКТга кўра, Наим Саид шу куни соат 20:00 да соғлиги оғирлашган ва вафот этган. Унга писэмия (сепсис), парапрактит ташхиси қўйилган.

Наим Саид 1939 йил 19 июль куни ҳам судга олиб келинмади. Ишга суд жараёни ёзилмаган бўш қоғоз тикилди, унинг охирги бетига Н.Саиднинг вафот этгани учун ишнинг тўхтатилгани ёзилган.

ЎзССР прокуратураси Наим Саиднинг 1939 йил 19 июлдаги суди вафоти муносабати билан ёпилганини асос қилиб уни 1956 йил 18 декабрда реабилитация қилади.

Мирсалимова Зухра Аҳмедовна 1958 йил 12 март санаси билан ЎзССР КГБ раиси номига шикоят ариза йўллаб, унда турмуш ўртоғи Наим Саидни бўҳтон билан қамоққа олишгани, тухматларни бўйнига олмагач, терговчилар 1939 йили турмада уриб ўлдириб қўйишганини ёзади. Н.Саиднинг уйидан олиб кетилган китоблари ва ҳужжатларини ҳам қайтаришларини сўрайди. Табиийки, ҳеч нарса қайтарилмайди. Бироқ 1958 йил 1 март қарори билан Зухра Аҳмадовнага 2 ойлик маоши миқдорида компенсация пули берилади...

## МУҲАММАДЖОН МҶМИНОВ



Муҳаммадҷон Мўминов 1903 йили Наманган шаҳрида туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнг 1917 йилгача Намангандаги гимназияда таълим олган. Отаси Абдумўмин Инағомов ҳам билимдон инсон бўлиб, маҳаллий қозиликда хизмат қилган. Муҳаммадҷон 1917 – 1920 йилларда мустақил таълим олади ва 1920 йилдан Наманганда комсомол ташкилотига аъзо бўлади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Наманганда совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши миллий озодлик ҳаракати авж олади. Чекистлар халқ қаршилигини тезроқ синдириш мақсадида Наманган шаҳрининг энг нуфузли уламоларидан Яҳёхон Тўрани ўлдирадидлар. Бироқ аҳолининг кўтарилиб кетмаслиги учун ўзларининг жиноятларини маҳаллий комсомол ёшлар ташкилоти бўйнига қўйиб қутуладидлар. Бундай шароитда, албатта, Муҳаммадҷон Наманганда қола олмас эди. У 1921 йил сентябрь ойида Қўқон шаҳридаги ишчи факультетига ўқишга киради. Аммо Қўқон ишчи факультети 1922 йил сентябрь ойида ёпилади. Унинг бошқа талабалари қаторида Муҳаммадҷон ҳам Тошкентга сафарбар этилади. Муҳаммадҷон Мўминов Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультетининг охириги курсига қабул қилинади. У 1923 йили ишчи факультетини тугатиб диплом олади.

Бу вақтда Тошкентда очилган ёшларнинг «Кўмак» ташкилоти ташаббуси билан Туркистондан юзлаб ёшлар

Германия, Москва, Ленинград, Боқу шаҳарларидаги олий таълим даргоҳлари сари йўл оладилар. Шундай шароитда ёш, иқтидорли Муҳаммаджон ҳам ўзининг билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Москва шаҳрига боради. У советлар мамлакатнинг энг нуфузли таълим даргоҳи – Москва давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига киришни ўз олдига ният қилиб кўяди.

1923/1924 ўқув йили Муҳаммаджон Мўминовнинг орзуси ушалди. У Москвада Акмал Икромов, Боту, Абдулла Раҳимбоев, Рустам Исломов, Ҳамдам Тожиев, Давлат Ризаев, Карим Болтаев каби кўплаб ёшлар билан бирга таҳсил олади. Бу пайтда Ўзбекистондан борган ёшларга Усмонхон Эшонхўжаев маънавий раҳбарлик қиларди. Ўзбекистон талабалари Москвада алоҳида гуруҳга бирлашиб, илмий тўғараклар ва алоҳида деворий газеталар ташкил этади. Улар мамлакат келажаги учун ўта долзарб мавзуларда илмий маърузалар қилишар, советлар давлатининг пойтахтида ўзбек халқи маданияти ва қадриятларини тарғиб этишар эди. Айни пайтда, Муҳаммаджон ўзининг турли мавзулардаги мақолалари билан «Фарғона», «Туркистон» ва «Зарафшон» газеталарида ҳам фаол қатнашиб турди. Шундай бир шароитда Москвада таълим олаётган Ўзбекистон талабалари сиёсий кураш майдонига кирадилар ва Марказнинг ўлкада олиб бораётган «қизил империя»ча сиёсатига қарши чиқадилар. Улар Ўзбекистонда «буюк рус шовинизми»га қарши курашиш ҳамда раҳбар кадрларни маҳаллийлаштириш масаласини илгари сурадилар. Мазкур жараёндан ёш ҳуқуқшунос Муҳаммаджон ҳам узоқда бўлиши мумкин эмас эди. Талабалар советлар давлати раҳбари Сталин томонидан демократик эркинликларнинг таъқиб этилишига, диктатура ва зўронликнинг тобора авж олиб бораётганига қарши чиқадилар.

1927 йил 7 ноябрда Москва кўчаларида аҳолининг тинч намоёниши ташкил этилади. Москванинг Зубовский майдонидан Девичьев еригача қарийб 1,5 км га чўзилган кўча одам билан тўлган эди. Шу куни Москва давлат университети талабалари «Яшасин ленинчи партиянинг сўл қаноти» деган шиор билан Компартия МК тутаётган авторитар йўлга нисбатан ўз норозиликларини намоёниш этадилар. Мазкур намоёнишда М.Мўминов ҳам фаол иштирок этади. Бироқ сиёсий маданиятдан узоқ, ҳар қандай муҳолифатга муросасиз бўлган совет ҳокимияти бу талабаларни Сталин номидаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университети талабалари кўли билан яксон этади. Намоёниш мислсиз калтаклаш билан бостирилгач, барча муҳолиф томон бўлган талабалар троцкийчи-зиновьевчи аксилинқилобий гуруҳ деган бўҳтон билан таъқиб этила бошлайди. Муҳаммаджон ҳам намоёниш иштирокчиси сифатида ҳайфсан олади.

У 1927 – 1928 йиллар қишини Наманганда ўтказди ва фақат Ўзбекистон ҳукумати раҳбарларининг аралашуви билангина ўқишда сақланиб қолади. Вазият юмшагач, Москвага бориб ўқишни давом эттиради. Бироқ талабалик стипендиясидан маҳрум этилган М.Мўминов иқтисодий қийинчиликка учрайди ва Ўзбекистон ХКС раиси Ф.Хўжаевга ёрдам сўраб мурожаат этади. Ф.Хўжаев Москвага борганида у билан шахсан учрашади ва 100 сўм миқдорида пул беради. 1928 йил сўнгида М.Мўминов «Мамлакатнинг бошқарув тизимида прокурор назорати» мавзуида ёзган диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, университетни қизил диплом билан битиради. 1929 йили Самарқандга келиб, Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси этиб тайинланади. Бу ҳақда «Ер юзи» журнали «...Москов дорулфунунининг ҳуқуқ шубҳасини 1927 йилда битириб, диплом ёзиш учун бир йил Масков-

да қолди. Ўзбекистонга келганидан кейин Тошкент округ судида бирмунча вақт ишлади. Ҳозир ўртоқ Мўминов Ўзбекистон олий судининг коллегия аъзоси вазифасини бажариб турибдир»<sup>12</sup>, – деб хабар беради.

1931 йилдан ЎзССР Адлия халқ комиссарлигида аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш ва суд ҳимоя бўлимининг мудири лавозимида, 1932 – 1935 йилларда эса Совет қурилиш ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти директори вазифаларида фаолият олиб борди. М.Мўминов раҳбарлигида институтнинг вақтли нашри – «Шўро қурилиши ҳам ҳуқуқ» журналинини чоп этиш йўлга қўйилди. Унинг ғайрат ва шижоати билан қисқа вақтда кўплаб юридик луғатлар, дарсликлар чоп этилди. Олий маълумотли юристларни тайёрлаш ва аспирантура бўлимлари очилди. М.Мўминовнинг 1932 йил сўнгида нашр этилган «На фронте теории государства и права» китоби жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. М.Мўминов ташаббуси билан ташкил этилган худди шу институт базасида кейинроқ юридик институт пайдо бўлди.

М.Мўминовнинг шон-шуҳрати ортгани сари атрофида душманлари кўпайиб, уларнинг ҳужуми тобора кучайиб борди. 1935 йили М.Мўминов троцкийчиликда айбланиб партиядан ўчирилди, дарс жараёнида троцкийча ғояларни илгари сурган деган бўҳтон билан уни дарс бериш ҳуқуқидан маҳрум этдилар. Чорасиз қолган М.Мўминов ўзининг айбсизлигини исботлашга интилди. Аммо ўз ишига қайта тиклана олмай, Файзулла Хўжаевнинг ёрдами билан 1935 йили Фарғона музофотида прокурор этиб юборилди. Фарғонада ҳам унга нисбатан ишончсизлик ва тазйиқлар ортиб борди. Натижада 1937 йилнинг бошида Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлди...

---

<sup>12</sup>Ер юзи. 1928 йил 15 июнь.

1937 йил 28 март куни ЎзССР ИИХК раҳбари Загвоздин қарорида М.Мўминов 1919 – 1922 йилларда аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, 1927 йилдан зиновьевчи аксилинқилобий гуруҳга аъзо бўлиб, троцкийчи-зиновьевчилар билан намоёнликда иштирок этган, 1935 – 1936 йилларда Насимхон Қосимхонов ва Соатали Мақсудов билан ҳамкорликда Ўзбекистон компартияси биринчи котиби Акмал Икромовга суиқасдда қатнашган деган бўҳтонлар тақалиб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми билан айбланади.

1937 йил 29 март куни берилган ордер билан унга тегишли Тошкент шаҳри Уездной кўчаси 11-уйда тинтув ўтказилди. У билан бирга уйда бор нарсалар олиб кетилади. Унинг турмуш ўртоғи, ўша пайтда ЎзССР прокурори ёрдамчиси лавозимида ишлаган Дилором Юсупова икки фарзанди Марат ва Сурайё билан дод-фарёд чекканча қолади.

1937 йил 10 апрель куни терговчи Агабеков юқорида келтирилган айбловларни такрорлаган ҳолда ҳеч бир қўшимчаларсиз, далилларсиз М.Мўминовга ЎзССР ЖКнинг 67-моддасини ҳам қўллаб қарор чиқаради.

Ишда 1937 йил 17 апрель санаси билан М.Мўминовга имзолатилган ягона сўроқ баённомаси мавжуд. Ёзув машинкасида тайёрланган баённомада гўёки Муҳаммаджон ўзининг қисқача меҳнат фаолияти ҳақида тўхталиб, сўнг 1920 йили Гофур Қосимовнинг уйда «босмачи»ларга ёрдам бериш мақсадида «Миллий иттиҳод» ташкилотига киргани, 1926 йили Усмонхон Эшонхўжаев томонидан Москвада троцкийчи гуруҳига тортилганини ҳикоя қилади. Миллатчилик ташкилоти аъзоларининг узун рўйхати ва «Катта қирғин» даври ишларининг деярли барча сўроқ баённомаларида учрайдиган «Яқинда уруш бошланади, биз бундан фойдаланиб мустақиллик сари



бош кўтарамиз» деган гап ҳам ўрин олган. Шунингдек, институтда ишлаган вақтида бегона унсурлар, бойлар билан яқин алоқалари, «халқ душмани» Файзулла Хўжаев ёрдамидан фойдаланганлигига ҳам алоҳида урғу берилган. Бу баённомага ё тинимсиз «конвейер» ва карцерлардан сўнг ақлдан озиш даражасига келгач, ё оиласи ва фарзандлари, укаси, Бухоро округи ИИХКда 3-бўлим бошлиғи ёрдамчиси Иномжон Мўминов (1909)ни ўйлаб имзо қўйгандир. Боиси, ўзи имзолаётган қоғозларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини М.Мўминов жуда яхши англари эди. Шунинг учун бўлса керак, яна бир ярим йилдан ортиқ давом этган даҳшатли терговлар давомида бошқа бирор ҳужжатга имзо чектира олмаганлар.

1937 йил 3 апрель Азизов Ҳидоят Файзи билан ўтказилган юзлаштиришда терговчининг ҳийлагар саволларига жавоб бериб, ўзига қилинаётган тўхматларни асосли тарзда инкор этди.

1938 йил 30 сентябрда юзлаштиришда Усмонхон Эшонхўжаевнинг ўзи Муҳаммаджоннинг ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлмаганлигини қатъиян таъкидлади. Бироқ бу юзлаштиришлар ишнинг яхшилик томон ўзгаришига таъсир ўтказа олмади. Қийноқ ва азоблардан чарчаган, умидсизликка тушган Муҳаммаджон 1937 йил 2 октябрь ва 1937 йил 18 декабрь саналари билан ёзган билдиришномаларида ўзининг «айбдор» эканлигини тан олади. Ўтказилган терговга ҳеч бир эътирози йўқлигини ва бошқа қўшимча қила олмаслигини айтиб, терговни тўхтатишларини сўрайди.

М.Мўминовнинг айблов баённомаси 1937 йил 20 декабрь куни ЎзССР ИИХК Леонов томонидан имзоланди. Унда аввалбошда қўйилган, аммо тергов жараёнида бирортаси ўз исботини топмаган айбловлар такрорланган. Фақат бу гал ЎзССР ЖКнинг ва 64-, 67-, 58-моддалари

қўлланади. Худди шу қоғоз орадан қарийб бир йил ўтиб – 1938 йил 3 октябрь куни СССР бош прокурорининг иси-ми-шарифи қайд этилмаган ўринбосари томонидан тасдиқланди. М.Мўминовнинг иши 1938 йил 4 октябрь куни ЎзССР ИИХК қошидаги машъум «учлик» томонидан соат 17:45 дан 17:55 гача кўриб чиқилди. Суд унга нисбатан отув ҳукмини белгилади. Ижро шу куннинг ўзидаёқ Тошкент шаҳрида амалга оширилди.

Муҳаммаджоннинг укаси Иномжон Мўминов ҳам узоқ давом этган даҳшатли сўроқлардан сўнг 1938 йил 9 октябрь куни отиб ташланди.

Қуруқ тухмат асосида икки фарзандидан бир пайтда жудо бўлган отаси Мўмин Иноғомхўжаев йиғлайвериб кўр бўлиб қолди. У 1939 йили совет масъул идораларига ёзган аризаларида фарзандларининг айбсиз эканлигини қайта-қайта такрорлайди ва уларни қайтаришларини ёлворади. Бироқ отага ҳеч қандай жавоб қайтарилмади. Кўп ўтмай бечора ота фарзанд доғини кўтара олмай вафот этди.

1955 йил 27 май куни М.Мўминовнинг 75 ёшли онаси Тожихон Иноғомхўжаева Наманган шаҳри 25 октябрь кўчаси 26-уйдан СССР Олий Совети раиси Н.Маленков номига ариза ёзиб, унда ўзининг ва фарзандларининг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Ҳали ҳам фарзандларини тирик кўриш умидини узмаган онаизор олий раҳбардан ўғилларини қайтаришини ўтиниб сўрайди.

1955 йил 24 ноябрь куни Тошкент шаҳри Уездная кўчаси 13-уйдан М.Мўминовнинг турмуш ўртоғи Дилором Юсупова СССР прокурори номига ариза ёзиб, 1937 йили эрининг ҳеч бир айби бўлмагани ҳолда йўқ қилиб юборилганини маълум қилади ва фарзандларининг келажаги учун ҳам унинг пок номини тиклаб беришларини сўрайди. Юқоридаги аризалар асосида 1956 йилнинг баҳоридан М.Мўминовнинг иши қайта кўриб чиқишга топширилади.

1956 йил 5 апрелда қайта сўроққа чақирилган Дилором Юсупова ўзининг 1922 – 1926 йиллар давомида Москвада мактабда ўқигани ва Муҳаммаджон билан Ўзбек муаллимлар институти ётоқхонасида танишганини ёзади. Унинг ўзбек талабалари орасидаги энг билимли, илғор йигитлардан бири бўлганлигини, 1929 йили МГУнинг ҳуқуқшунослик факультетини қизил диплом билан битириб, Самарқандга келиши билан Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси бўлганлигини баён этади. Шу йили Муҳаммаджонга турмушга чиққани ва 1931 йилгача Самарқандда яшаб, кейин Тошкентга кўчиб келганларини ёзади. У эрининг Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий текшириш институти директори бўлган вақтда Ўзбекистонда олий маълумотли юристлар тайёрлаш мактабини юзага келтиришдаги хизматларини бирма-бир баён қилади, айти пайтда, баъзи бахил кимсаларнинг туҳматлари билан бир неча маротаба оғир ҳолатга тушиб қолганлигини ҳам эслайди. Айниқса, 1937 йилнинг март ойида терговчи Агабековнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини, терговда ўзи учун керакли маълумотни энг тубан усул – одамларни қўрқитиш йўли билан олганлигини, ҳатто ўзини ҳам ҳеч бир айбисиз 1937 йилдан 1939 йил апрелгача турмада сақлашганини баён қилади.

1956 йил 31 май куни сўроққа чақирилган САГУ ҳуқуқшунослик факультети профессори Соли Раджапов (1912) 1931 йили институтга аспирантурага кирганини, бу пайтда институтнинг директори бўлган М.Мўминовнинг асосий дарсларни ҳам ўзи ўтганини ёзади. «У жуда билимдон ҳуқуқшунос олим эди. МГУдаги, умуман, деярли барча машҳур ҳуқуқшунос совет олимлари билан таниш эди. У киши тинимсиз илмий изланишлар олиб борар, айти пайтда, кўплаб зарурий дарсликларни таржима қилар эди. Қатор юридик словарларнинг яратилишига раҳ-

барлик қилди. Илмий журналларда ҳуқуқ фанининг энг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб мақолалари билан чиқишлар қилар эди», – дейди. Олим М.Мўминовнинг самарали илмий ва меҳнат фаолиятига тўхталиб, унинг давлат ва жамият олдида айби борлигига ишонмаслигини маълум қилади.

1956 йил 2 июнда сўроққа чақирилган САГУ ҳуқуқшунослик факультети декани Хадича Сулаймонова (1916): «... мен 1932 – 1935 йиллар Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий текшириш институти ўқиган давримда у киши директор эди. Унинг маърузаларини ҳамма аспирант ва талабалар севиб тинглашар эди. У ўз вақтида ягона олий маълумотли ўзбек юристи эди. У ўта билимдон инсон эди. Тенгсиз иқтидор соҳибига ҳаёт осон кечмади. Унинг ғайрати, илми ҳар доим бошқаларнинг ҳасадига сабаб бўлаверар эди ва қисқа даврда уни 6 марта партиядан ҳайдадилар. М.Мўминов қандай қийин шароитда меҳнат қилмасин, ўзидан сўнг катта юристлар армиясини етказиб бера олди, бутун бошли ўзбек ҳуқуқшунослик мактабини қолдирди», – дейди.

Шундан сўнг 1937 йили унинг жиноятлари ҳақида гувоҳлик берган ва айни пайтда ҳаёт бўлган кишилар ҳам қайта сўроққа тортилдилар. 1956 йил 22 июн куни сўроқда Юнус Азимов (1904): «Мен М.Мўминов билан бир маҳаллада улғайдим. У билимдон ҳуқуқшунос ва ҳақиқий инсон эди. Мен 1937 йил тергов вақтида ҳам шу сўзларни айтганман. Аммо уларнинг нима деб ёзганларини рус тилини билмаганим учун тушунмай имзо чекканман. Улар таржимон чақирган эмаслар», – дейди.

1956 йил 25 июнь куни қайта сўроқда Азизов Ҳидоят Файзи (1905): «Мен ҳеч қачон М.Мўминовни намойишда иштирок этган деб кўрсатма бермаганман», – дейди. Хуллас, қайта сўроқ жараёнида М.Мўминов ҳеч бир айбсиз йўқ қилингани ойдинлашди.

1957 йил 23 январь куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси М.Мўминовни оқлаб қарор чиқаради. 22 февраль куни Давлат хавфсизлик қўмитасига келган Дилором Юсупова турмуш ўртоғи учун ҳеч қандай мулкый даъвоси йўқлиги ҳақида ёзма билдирги ташлаб кетди. Ҳа, 25 ёшида эридан айрилган Д.Юсупова (1911 – 1981) бир умр икки фарзанди билан эрига содиқ қолди. Ўғли Марат Муҳаммедович Мўминов (1930 – 1998) математика данлари доктори бўлиб узоқ йиллар таълим тизимида меҳнат қилди. Қизи Сурайё Муҳаммедовна Мўминова (1933 – 1954)нинг умри қисқа экан. У Москва медицина институтини битириш арафасида автомобил ҳалокати оқибатида вафот этди.

Шу ўринда Дилором Юсупова ҳақида ҳам китобхонларимизга қисқача маълумот бериб ўтсак. 1911 йили кўҳна Бухоро шаҳрида «Ёш бухороликлар» ташкилотининг аъзоси, тараққийпарвар Собиржон Юсупов оиласида туғилган қизга отаси Динара деб ном беради. Отаси С.Юсупов Бухоро амирлигида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳаракат иштирокчиси сифатида 1911 йилнинг ўзида бадарға қилинади. Шундан сўнг у чор оҳрангаси таъқибидан қочиб турли жойларда яшашга мажбур бўлади. 1917 йили Туркистон Мухторияти съездида Бухоро вакили сифатида қатнашиб, Президиум аъзолигига сайланади. Мухторият қонга ботирилгач, Собиржон Юсуповнинг ҳаёти ҳам фожиали якун топди.

Бухорода онаси қарамоғида яшаган Динара ҳам 1917 йилнинг баҳорида «Ёш бухороликлар» ташкилоти аъзосининг оиласи сифатида онаси билан бошқа кўплаб инсонлар қаторида амирликдан қувилади. Улар Тошкентга кўчиб келиб яшашга мажбур бўлдилар. Умри кураш, таҳликалар ичида кечган қизалоқ учун Тошкент ҳам даҳшатлардан холи бўлмади. 1922 йилгача онасининг қарамо-

ғида яшаган Динара шу йили Бухоро Халқ Республикаси томонидан Москвага ўқишга юборилади. Ўзбек маориф институти қошидаги ётоқхонада яшаб, мактаб таълими олади. 1926 йили мактабни битириб, Тошкентга қайтиб келади. Тошкент комсомолнинг округ қўмитасига ишга кириб, олий таълим олиш мақсадида САГУнинг суд бўлимига ўқишга киради. Динара 1929 йили Дилором Юсупова номи билан дипломни қўлга киритади. У 18 ёшга тўлганида университет йўлланмаси билан Самарқандга ишга юборилади. Шу йили М.Мўминовга турмушга чиқиб, бир йил давомида Сув хўжалиги бошқармасида ишлайди. Ёш оила 1931 йили Тошкентга кўчиб келади, Д.Юсупова Совет қурилиши ва ҳуқуқи илмий-текшириш институтининг аспирантурасига киради. 1934 йил декабрь ойида битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач, яна йўлланма билан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига ишга юборилади. 1935 йилдан Ўзбекистон Республикаси прокурори ёрдамчиси лавозимида ишлай бошлайди. Бироқ бошига тушган савдолардан сўнг Д.Юсупова қайтиб таълимга йўлатилмади. Дилором (Динара) Сабиржонова Юсупова (1911 – 1981) умрининг охиригача ЎзССР транспорт прокуратурасида меҳнат қилди...

Хуллас, илк ўзбек ҳуқуқшуносларидан, билимдон олим, фаол жамоатчи Муҳаммадjon Мўминов оиласи ҳам мустабид советлар мамлакатининг қатағон сиёсати қурбонига айланди. Ишонамизки, ўлкамиздаги ҳуқуқшунос олимлар М.Мўминовнинг илмий ва ижодий меросини қайта илмий тадқиққа тортиш, унинг мамлакатимизда ҳуқуқ фани равнақига қўшган беқиёс ҳиссасини кўрсатиб бериш ва пок номини халққа қайтаришда биз билан ҳамкорлик қиладилар.

## КАРИМ ҒАЙБУЛЛАЕВ

Карим Ғайбуллаев 1906 йили Марғилоннинг Қумариқ қишлоғида туғилган. Ота-онадан жуда ёшлигида етим қолиб, Самарқанддаги мактаб-интернатда савод чиқаради. Ўз фаолиятини Комсомол ташкилотидан бошлайди. 1925 йилдан ўзбек матбуотида унинг турли мавзулардаги хабарлари кўзга ташланади. Каримжон 1927 йили Самарқанддаги Сталин номли партия мактабига ўқишга кириб, шундан сўнг мухбир сифатида танила бошлади. Бир қатор курсдошлари билан бирга мактабдаги ўқитувчиларнинг саводсизлиги, суистеъмоллари ҳақида дастлаб мактаб деворий газетасида, сўнгра «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Муштум» каби нашрларда танқидий мақолалар берди. Мактаб маъмурияти уларни ҳукуматга, тузумга ва ўқитувчиларга қарши тухматда айблаб, «хайфсан» берди. Ёшлар бу ноҳақликка қарши курашни давом эттирдилар. Ана шундай курашларда тобланган журналист К.Ғайбуллаев ўз касбининг моҳир устасига айланди. У «Ёш ленинчи» газетасига мухбир бўлиб ишга ўтди ва газета жамоаси билан бирга Тошкентга келди.

«Катта қирғин» авж олган пайтларда НКВД ходимларининг ҳар куни бир миллат устунини олиб кетишлари К.Ғайбуллаевни ақлдан оздирар ва нима бўлаётганига тушунмас эди. Газетага ҳар куни турли шум хабарлар келиб, уларни нашр этиши керак эди. Газета ҳаёти тўлиқ НКВД назоратида бўлиб, сўнги дақиқаларда ҳам баъзи инсонларнинг «фош» этилиши боис айрим мақолалар олиб ташланиб, ўрнига бошқа нарса топиш керак бўлиб қоларди. Шундай оғир бир пайтда ўтган Ўзбекистон комсомолининг VIII съезди «Ёш ленинчи» ва «Комсомол Узбекиста-

на» газеталари раҳбариятини хоинликда, миллатчиликда айблади. 1937 йил 14 октябрда Ўзбекистон комсомол ташкилоти МҚ ҳали тайинланганлигига икки ой тўлмаган К.Ғайбуллаевни саноксиз айблар билан комсомол сафидан озод этди. Ўзини қўярга жой тополмай қолган собиқ муҳаррир уйдан чиқмай, тақдир ҳукмини кутиб яшади. Ниҳоят, НКВД ходимлари томонидан ЎзССР ЖК 66-моддаси I қисми ва 67-моддаси билан айбли деб топилиб, 1937 йил 17 декабрда қамоққа олиш ва тинтув ўтказиш тўғрисида ордер берилди. У яшайдиган Тошкент шаҳри Октябрь райони Жанггоҳ маҳалласи 2-уйда тинтув ўтказилди. Ўша кунни махсус баённома тўлдирилиб, унда касби бўйича мутахассислиги текстилчи, ижтимоий келиб чиқиши мулла, имом, маълумоти ўрта экани, 1927 йилдан ВКП (б) аъзоси-лиги, акаси Абдулла 47 ёш – Марғилонда зоотехник, акаси Раҳим 39 ёш – Марғилонда сберкасса инспектори, хотини Башорат 22 ёш, қизи Мамлакат 1 ёш экани кўрсатилган. Шу билан бирга, бор мол-мулки мусодара этилди. Гувоҳлар олдида унинг арзимаган хўжалик буюмлари, темир каравоти, китоблари, стол-стули, шахсий буюмлари хатланди.

1938 йил 3 январда НКВД ЎзССР 4-бўлимнинг давлат хавфсизлик сержанти Агапитов К.Ғайбуллаевни Ўзбекистонда мавжуд бўлган «Аксилинқилобий троцкийчи миллатчи ёшлар» ташкилоти аъзоси, ушбу акселинқилобий марказ топшириқлари асосида нашр ишларида миллатчилик, бузғунчилик қилган, шунингдек, ташкилотнинг акселинқилобий раҳбарларини улуғлаган, тарғиб этган, ташкилотга янги аъзоларни жалб этиб, улар билан иш олиб борганлиги туфайли ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси I қисми, 63-, 67-моддалари билан айбли деб топади.

1938 йил 28 январь кунини узоқ «ишланган»идан сўнг 12 бетга келган тергов баённомаси айбланувчи томонидан имзолатилди. Унда Карим Ғайбуллаевнинг 1936 йил май ойидан газетада муҳаррир ўринбосари, 1937 йил июн-



дан муҳаррир бўлгани, 1937 йил сентябрида Ўзбекистон комсомол ташкилоти Марказий Қўмитаси қарори билан ишдан олинганлиги айтилди. Унга аксилинқилобий буржуа миллатчиси ва троцкийчи И.Ортиқов ва Л.Пехович билан дўстона алоқада бўлган, шунингдек, редакция ишларини бузган деган айблар қўйилди. Улар И.Ортиқов ва Мўминов билан «ўз» кадрларини тайёрлагани, мустақил Ўзбекистон давлати сари интилганлиги ва К.Ғайбуллаевнинг мазкур аксилинқилобий ташкилот аъзоси эканлиги кўрсатилди. Ташкилот раҳбари сифатида Ўзбекистон ССР комсомол МҚнинг котиби И.Ортиқов, аъзолари сифатида ЎзССР комсомол МҚнинг деҳқон ёшлар бўлими бошлиғи Ҳ.Абдурахмонов, ЎзССР комсомол МҚнинг тарғибот ходими З.Айнурин, ЎзССР комсомол МҚнинг ёш аёллар бўлими бошлиғи Шокирова, Тошкент шаҳар комитети комсомолнинг котиби Исҳоқ Икромов, ЎзССР комсомол МҚнинг деҳқон ёшлар бўлими бошлиғи ўринбосари М.Рўзметов, Сурхондарё округ комитети комсомол котиби Ибрагимов, Қашқадарё округ комитети комсомол котиби И.Зараев, Фарғона шаҳар комитети комсомол котиби Абдуллаев, Олтиариқ район комитети комсомол котиби Ю.Тошланов, Қурама район комитети комсомол котиби Боймуратов, Нурота район комитети комсомол котиби Ўрмон Аҳмедов, Калинин район комитети комсомол котиби Мўминов, Наманган район комитети комсомол котиби Камолов, Хоразм округ комитети комсомол котиби М.Агзамов, ЎзССР комсомол МҚнинг талаба ёшлар бўлими собиқ бошлиғи Карим Жумаев, Каттақўрғон район комитети комсомол котиби Яҳё Эгамбердиев ва бошқаларнинг номлари тиркалади. Карим Ғайбуллаев аксилинқилобий ташкилот раҳбари сифатида Акмал Икромовни кўрсатиб, унинг раҳбарлигида ёшлар ўртасида марксча-ленинча тарбиянинг бўшашгани, стахановчилик ҳаракати тарғиботи ёмон йўлга қўйилганини тан олади. Умуман, айблар бир хил бўлиб,

ишларнинг бир-биридан ягона фарқи кўрсатилган номларнинг ўзгаришидир. Рўйхат қачон тузилгани маълум эмас, бироқ якунланганини тахмин қилиш мумкин. 1937 йили ЎзССР комсомолнинг VIII съездида қуйидаги хулосалар эълон қилинган эди: «Бу фашистлар тўдаси Ўзбекистонда жиддий йўқотишларга йўл қўйди. Улар республикада комсомол ташкилотларини бузиш, асосан, қишлоқларда комсомол ташкилотларидаги ўсишни, мактаб ва сиёсий тўғараклардаги ишларни издан чиқаришди. Халқ душманлари – фашизм агентлари И.Ортиқов, Ф.Тарасов, Л.Пехович, К.Ғайбуллаев ва уларнинг ёрдамчилари И.Икромов, Ф.Шуригин, К.Жумаев, А.Сухов, Карпачевский ва бошқалар ўртоқ Сталин кўрсатмалари ва ВКП(б) МҚнинг февраль – март қарорларини бажаришга қаршилик кўрсатдилар». Бу жиддий «айблов»ларда акс этган камчиликларда, аслида, совет ҳукуматининг ёшлар сиёсатидаги барча хатоликлари ва нўноқликлари аёвсиз очиб ташланган эди. Ўз айбини доимо бошқалар зиммасига юклаб ўрганган совет ҳукумати бу гал барча айбларга комсомол ташкилотининг раҳбарларини жавобгар деб топди.

1938 йил 28 январдаги К.Ғайбуллаевнинг сўроқ баённомасида аксилинқилобий миллий ва троцкийча ёшлар ташкилотининг аъзолари ҳақидаги узундан-узоқ рўйхатда Нурота туманининг собиқ котиби Ўрмон Аҳмедовнинг номи ҳам келтирилган эди. Ваҳоланки, у бу пайтда бошқа жойда ишлагани уни қатағон тегирмонидан сақлаб қолди. Ўрмон Аҳмедов Нуротада, Ромитанда, 1935 йилдан Каттакўрғон комсомол ташкилотида биринчи котиб бўлиб ишлаётганда кимдандир уни қидиришаётганини эшитиб қолади, вазиятни англаб Тошкентга кетишга қарор қилади, бироқ пули йўқ эди. НКВД ходимларидан яшириниб, танишлари орқали зўрға Тошкентга етиб олади ва Й.Охунбобоевнинг олдига бориб бор гапни айтиб йиғлаб юборади. Й.Охунбобоев уни У.Юсуповнинг олдига

олиб келиб, «Бу Аҳмад ялангоёқнинг ўғли, энди уни ҳам «бойнинг боласи» деб йўқ қилиш пайига тушибдилар», – дейди. Уни У.Юсуповнинг маслаҳати билан Уйчига олиб кетади ва НКВД жаллодларидан зўрға сақлаб қолади.<sup>13</sup>

Карим Ғайбуллаев 1938 йил 7 март куни ўтказилган сўнгги сўроқда ўз «айб»ларини тўлиқ тан олди. НКВД жаллодлари унинг забт этилганига тўлиқ ишониб бошқа безовта қилмадилар. Бироқ 1938 йил 5 октябрь куни ўтказилган мудҳиш «учлик» суд мажлисида кутилмаганда шўро тергов машинаси инсон иродаси олдида доғда қолди. К.Ғайбуллаев ўзига қўйилган барча айбларни мутлақ рад этди. Соат 23:15 дан 23:35 гача бу инсоннинг тақдир ҳукми ўқилди, ҳеч бир асоссиз И.Ортиқов, Л.Пехович, К.Жумаев, Алиевнинг «кўрсатмалари» асосида деб унга 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

1967 йил 30 июнда «Ёш ленинчи»нинг муҳаррири Р.Шоғуломов Карим Ғайбуллаевнинг хотини Башорат Ғайбуллаева номидан СССР Олий судига мурожаат этади. 1967 йил 1 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йил 5 октябрда К.Ғайбуллаев устидан чиқарилган қарор жиноят аломатлари йўқлиги боис бекор қилинди. Хужжатда К.Ғайбуллаев 1942 йил 9 октябрда Магаданда Севвостоклагда вафот этганлиги ёзилганди. 22 ёшида тул қолган Башорат ая умри давомида эрининг пок хотираси билан яшади. Ундан ягона ёдгори Мамлакат ҳам 4 ёшга етмай оламдан ўтди. Башорат аянинг 1968 йил 27 мартда эрининг китобларини ва суратларини сўраб ёзган мурожаат хати ҳам шўро раҳбарияти томонидан жавобсиз қолдирилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, советларнинг кулоқларга, диндорларга ва зиёлиларга қарши олиб борган қатағон сиёсатида улар билан аввалдан мавжуд бўлган

<sup>13</sup>Усмонов И. Қатағон қурбонлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.94 – 95.

сиёсий-мафкуравий, иқтисодий, ғоявий қарашлардаги зиддиятли ҳолатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бироқ коммунистлар ўзининг таянчи сифатида бунёд этган ва асосан иқтидорли ёшлардан иборат комсомол ташкилотига нисбатан қатағон сиёсатини ўта адолатсиз ва ваҳшиёна суратда амалга оширди.

Энг қизиғи, оқлаш даврида ҳам НКВД ходимлари эски тергов материалларини яна бир марта синчковлик билан қайта кўриб чиқдилар. Жараён ташқаридан қараганда қатағон қурбонларининг фаолиятини холис ўрганиш ва уларнинг ноҳақ тортиб олинган мулкларини қайтаришга қаратилгандек ташкил этилди. Аслида эса терговчилар ишларни аввалгидан ишончлироқ далиллар асосида ишотлашга эътибор қаратди. Кенг қамровли сўроқлар, партия архиви материаллари асосида қатағоннинг туб моҳиятини очишга интилдилар. Айтиш мумкинки, улар ҳам жараённи махсус қайта илмий ўргандилар. Бу адолатни тиклаш эмас, балки аввал йўл қўйилган «хато»ларга бошқа йўл қўймаслик учун қилинган ишга ўхшайди. Сабаби, эски қарашлар асосида жиноят тўлиқ асосланар, янги-янги материаллар билан тўлдирилар ва охирида шахснинг «оқланган»лиги тан олинар эди. Мазкур жараённи ўрганиш ҳам, назаримизда, махсус тадқиқот олиб боришни талаб қилади. Яъни сталинча зўравонлик тан олинди, ноҳақ қатағон қурбони бўлганлар оқланди, бироқ шўро ҳокимияти ўз моҳиятини ўзгартирмади. Аксинча, бу тадбир компартия томонидан совет халқи ва жаҳон ҳамжамияти олдида маълум маънода ўзини оқлаб олиш ҳамда сиёсий зарурат юзасидангина амалга оширилган эди. Бу совет қатағон машинасининг янги иш услубига ўтганини англатарди. Оммавий қатллар, омма иродаси сифатида амалга ошириладиган қирғинлар энди тор доирада, бутунлай бошқача механизмлар асосида ишлай бошлади.

## ХОЛМУҲАММАД ОХУНДИЙ

Холмуҳаммад Охундий 1892 йили Марғилон шаҳрида хунарманд оиласида дунёга келган. Холмуҳаммад дастлаб эски мактабда савод чиқаради, сўнг рус-тузем мактабда рус тилини ўрганади, замонавий илм-фан янгиликлари билан танишади. Холмуҳаммад 1910 йили Марғилондаги Зингер кампаниясига оддий ишчи бўлиб киради ва 1915 йилгача шу ерда меҳнат қилади. Айни пайтда, ишдан бўш вақтларида 1913 йилдан Марғилондаги тошкентлик Қудратилла ҳожи томонидан очилган жадид мактабида ўқишни давом эттиради. 1914 йили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўқитувчи сифатида таклиф қилиниши мактабнинг обрўсини янада ошириб юборади. Мактабдаги 120 чоғли ўқувчи ичида Холмуҳаммад алоҳида ажралиб турарди. У фабрикада ишлаб немис тилини ҳам бинойидек ўзлаштиради. «Вақт», «Юлдуз» журналларидан жадидчилик ҳаракати билан танишади. Устози Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таъсирида ўзининг дастлабки шеърларини ёзиб газеталарга йўллайди.

Холмуҳаммад Охундий 1917 йили Туркистон Мухторияти ҳукуматини жон жаҳди билан қўллаб-қувватлади. У қонга ботирилгач, 1918 йил баҳорида Марғилонда сўл эсерлар партиясига, шу йилнинг ёзига келиб эса компартияга аъзо бўлади. Аввал Фарғона маориф бошқармасида ишлайди, сўнг Тошкентга келади. 1923 йил январь ойида Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан ташкил этилган «Нашри маориф» жамиятининг муассисларидан бири бўлади. 1920 – 1925 йиллар давомида Марғилон шаҳар вақф бўлимининг мудирини бўлади. 1923

йили ўзининг номидан 50 сўм, вақф ҳисобидан 1000 сўм тўплаб Германияда ўқиётган туркистонлик талабаларга йўллайди.

Холмуҳаммад Охундий «Нашри маориф» жамияти кўмагида Заҳириддин Аълам, Шоҳид Эсон афанди, Абдулла Мусобеков каби кўплаб инсонларнинг бошини бир жойга тўплаб, «Ҳақиқат» журналини чоп этади. Охундий муҳаррирлик қилган мазкур журналдаги мақолалар, айниқса, унинг «Хотин-қизларимизни ўқитишимиз керак» мақоласи ҳали-ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас.<sup>14</sup>

Холмуҳаммад Охундий 1925 – 1929 йилларда Маориф халқ комиссарлиги тизимида иш олиб борди. 1925 йили «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг илк сонида босилган «Вақф сармояси ва эл тарбияси» мақоласида 1925 йил январь ойидан бутун Ўзбекистон ҳудудида диндорларнинг вақф мулклари умуман тугатилганлиги ҳақида тўхталиб, *«Бугун ёш Ўзбекистон жумҳурияти ва унинг ишчи-деҳқони учун кимлар керак? Ер ва экинчилик устаси агрономлар, деҳқон эли омовчи бўйонтуруғидан қутқариб, «трактор» мошиналари билан экин экишга ўргатадирган техник ва инженерлар. Умум меҳнаткашлар соғлиғини сақламоқ учун хизмат қилғувчи докторлар керак. Айниқса, бу элнинг юзларча йиллардан бери хурофот ва мавҳумот билан чириб кетган миясига янги тарбия, янги руҳ, янги дунёни тушуниш онглари киритувчи муаллимлар керак. Мана бу хизматчиларни етиштириб бературган ўрин дорулфунун экан. Унга кирмак учун бошланма ўқуш (ибтидоий таҳсил) керак, шунга биноан ишчи-деҳқоннинг ҳар бир 30 – 40 боласи учун бир уй, 20 парта, 1 ўқитувчи керакким, бунингсиз Ўзбекистон эли маориф ололмайди, маданийлаша олмайди... Ўрни келганда шуни айтиб*

<sup>14</sup> “Х”. Хотин қизларимизни ўқитишимиз керак // Ҳақиқат. 1922 йил 10 август. №1.

ўтиш керакким, элнинг маориф ва маданиятига боғлиқ бўлган эҳтиёжга қараганда бундай расмий сармоялар қўшдан зарра ҳолида қолар. Бунинг учун бирдан-бир чора маориф олмоқ ва маданийлашмак ишида ишчи-деҳқон ом-масининг ўзининг умумий ташаббуси керак. Куч кўпчилик-да ва кўпчиликнинг бирлигиндадир»<sup>15</sup>, – деб хулоса қилади.

Холмуҳаммад Охундий 1925 йили Мажид Қодирий раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси таркибида Париж санъат виставкасига боради. Виставка якунланганидан сўнг улар Германияга йўл оладилар, Охундий «Нашри Маориф» жамияти номидан талабаларни қўллаб-қувватлаш учун 5000 сўм миқдорида пул ажратади. Улар 10 кун давомида Берлинда бўлиб, туркистонлик талабалар билан бир қатор тадбирларни амалга оширадилар. Бироқ сафардан қайтиши билан унинг фаолияти таъқибга олинади. Холмуҳаммад Охундий 1925 – 1926 йилларда Тошкентдан кетиб, «Фарғона» газетасининг муҳаррири бўлади. 1929 йилдан Москвада журналистика соҳасида таҳсил олиб, олий маълумотга эга бўлади. 1932 йили Ўзбекистонга қайтиб, ЎзССР КП Марксизм-ленинизм институтида муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди...

1938 йил 2 февраль куни ЎзССР ИИХК Леонов Холмуҳаммад Охундийни ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддалари билан айблаб қамоққа олишга қарор чиқарди. 1938 йил 7 февраль куни берилган ордер асосида унинг Тошкент шаҳри Октябрь тумани М.Горкий маҳалла 5-уй 46-хонадонида тинтув ўтказилди. Х.Охундийнинг 1938 йил 3 март куни тўлдирилган анкетасида оиласи турмуш ўртоғи Антонина Николаевна (33 ёш), ўғли Фарид (10 ёш), Зоир (8 ёш) ва Эркин (9 ойлик)дан иборат деб кўрсатилган. 1938 йил 22 март куни Германияда таҳсил олган

<sup>15</sup> Марғилоний Х.О. Вақф сармояси ва эл тарбияси // Маориф ва ўқитғувчи. 1925 йил. №1.


талаба Темурбек Ғозибеков билан юзлаштирилганида ўзига нисбатан барча айбловларни рад этди. Аммо шу куннинг ўзида яна бир қоғозга терговга ҳеч қандай эътирозим йўқ деб имзо чекади. Эҳтимол, Холмуҳаммад Охундий шу йўл билан ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам Германияда таҳсил олган ёшларнинг жонини сақлаб қолмоқчи бўлгандир. 1938 йил 29 сентябрь куни САВО прокурори билан суҳбатда ҳам ҳеч бир эътирози йўқлиги ва бошқа нарса қўшимча қилмаслигини маълум қилди. Холмуҳаммад Охундийнинг суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 19:45 дан 20:00 гача давом этди. Уни машъум «учлик» ЎзССР ЖКнинг 57-1-, 58-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айблаб отувга ҳукм қилди...

Холмуҳаммад Охундийнинг ўғли Қрим университетининг 6-курс талабаси Зоир Ахуновнинг аризаси асосида унинг иши ҳам қайта кўриб чиқилади ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1957 йил 1 август куни оқланади...



## СУЛТОН САЙДАЛИН

Султон Сайдалининнг асл исми Саййид Султон Саййид Али ўғли бўлиб, 1989 йили Алмати шаҳрида дунёга келган. Отаси Саййид Али Саййид Маҳмуд ўғли Алматига Қўқон уезди Конибодом қишлоғидан кўчиб келиб, ўзининг 4 таноб ерида боғдорчилик билан 9 кишилик оиласини тебратар эди. Беш ўғил, икки қизнинг каттаси Саййид Султон 1904 йилгача дастлаб эски мактабда, сўнг рус-тузем мактабида ўқиган. Бироқ оғир турмуш шароити туфайли ўқишини давом эттира олмайди. 1905 йили Саййид Султон Алмати шаҳрида А.Т.Чернихнинг нота-риал идорасига югурдак бўлиб ишга киради. Ғайратли ва уддабурон Саййид Султон иш билан бирга бу ерда рус тилини мукамал ўрганади, идорада таржимон вазифасини ҳам бажара бошлайди. У 1908 – 1909 йилларда Авлиёотада Саййид Вали Тўраев деган чорвадор бойнинг савдо идорасига иш бошқарувчи бўлиб ишга киради. Сўнг Тошкентга кўчиб келиб, 1909 – 1914 йилларда мингбоши Саййид Маҳмуд Муҳиддинхоновга котиб бўлиб ишлайди. Лекин империя қонунлари туфайли унинг таълим олишни давом эттириши имконсизлигича қолади. Саййид Султон ўзининг тадбиркорлиги билан қисқа вақтда Тошкентнинг кўпгина қози ва мингбошилари орасида танилади. Ҳатто 1913 йили бир муддат Тошкент шаҳар полиция бошлиғининг таржимони ўрнида ҳам иш олиб боради.



1916 йили Россия императорининг Туркистондан бир неча юз минг кишини фронт ортига мардикорликка сафарбар этиш тўғрисидаги фармони чиқарилди. Фармон ижроси Туркистон халқининг катта норозилигига сабаб бўлди. Мардикорларнинг совуқ ўлкаларда қандай қийинчиликларга дуч келиши, уларнинг тирик қолиш-қолмаслиги масаласи барчани бирдай ташвишга солаётган эди. Боиси, рус тилини билмайдиган инсонлар у ердаги аҳоли томонидан қандай кутиб олинади? Касал бўлсалар ёхуд бошқа муаммоларини қандай айтадилар? Халқ мустамлакачи маъмурларга ишонмайди. Бутун Тошкент ва унинг атроф туманларидан мардикорликка юборилаётган кишилар Тошкент шаҳрининг Ўқчи маҳалласи масжидида тўпланиб, Тошкент тараққийпарварлари ва бойларидан ўзларига ёрдам беришларини сўрашади. Шу даврда ёш Саййид Султон Тошкент тараққийпарварларининг ҳам назарига тушади. Маҳаллий тараққийпарварларнинг таклифи билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисми Кўкча даҳаси мингбошиси Саййид Маҳмуд Муҳиддинхон ҳомийлигида Саййид Султон Саййидалиев, Миркамол Ҳакимов, Латифжон ҳожи Раҳимбоев Шимолий Украинага йўлланади. Улар етти ой давомида Украинанинг Харьков, Полтава, Киев шаҳарларида бўладилар. Саййид Султон Саййидалиев асосан мардикорларнинг умумий аҳволи билан қизиқади ва маълум ахборотларни Тошкент тараққийпарварларига етказиб туради. Миркамол Ҳакимов, Раҳимбоев Латифжон ҳожи савдогар сифатида мардикорларнинг эҳтиёжи билан қизиқар, уларга ўзлари билан олиб борган нарсаларни сотар, жўнатмаларни эгаларига тарқатар эдилар.

1917 йилнинг сўнгида дўстлари Тошкентга қайтгач, Саййид Султон Саййидалиев Туркистондаги тараққийпарварлар топшириғи билан Хитойнинг Харбин шаҳри-

га йўл олади. Харбинда икки ой бўлади, бироқ айтилган одамни топа олмайди. Шундан сўнг укаси Саййид Усмон яшаётган Конибодомга қайтади.

Бизга унинг Туркистон Мухторияти ҳукуматидаги фаолияти маълум эмас. Бироқ Мухторият тор-мор этилгач, 1918 йил 1 февралдан 1 августгача Қўқон шаҳар ва уездининг мусулмон меҳнаткашлари советида раис ўринбосари сифатида фаолият олиб борган. 1918 йил март ойида Назир Тўрақулов, Ходи Файзий каби қўплаб тараққийпарварлар қаторида Саййид Султон Саййидалиев ҳам эсерлар партиясига киради. Аммо эсерлар келишув шартларини бажаришмайди. Айниқса, Брест-Литовск сулҳидан сўнг улар маҳаллий халқ вакилларига нисбатан камситувчи сиёсат юрита бошлашади. Орадан уч ҳафта ўтмасдан барча Туркистон тараққийпарварлари эсерлар партиясидан намоёншкорона чиқиб кетадилар.

Саййид Султон Саййидалиев 1918 йил апрель ойида компартияга киради ва Қўқон шаҳар ижрокўмида милиция комиссари бўлиб ишлай бошлайди. У большевик маъмурлари билан келиша олмай, 1918 йилнинг иккинчи ярмида Тошкентга қайтиб келади. 1918 йилнинг сентябрь – декабрь ойларида Туркистон Республикаси Миллатлар халқ комиссарлигида, 1919 йил бошидан 1920 йилнинг биринчи ярмигача Тошкентдаги Марказий партия мактабида ўқитувчи-таржимон вазифаларида ишлайди.

У 1919 йили Туркистон ХКС МИКда босмачиликка қарши кураш комиссиясига жалб этилади ва 1920 йил 1 июнгача Конибодомда инқилобий қўмита раиси бўлади. 1920 йил охиридан Қўқонда вилоят партия қўмитаси котиби ўринбосари вазифасида фаолият юритади. С.Саййидалиев бу вақтда Туркистон ССР НКВД раиси Акбар Исломов билан биргаликда советларга қарши кураш мақсадида тоғларга чиқиб кетган аҳолини тинч йўл би-

лан ўз ўринларига қайтаришга киришади. Улар Ҳамдам хожи Қаландаров ва Нор эшоннинг советлар билан тинчлик шартномаси тузишларига эришади. Қизил армияга илк мусулмон ёшларини киритишда фаоллик кўрсатади. С.Сайидалиев 1920 йил декабрдан 1921 йил октябрь ойигача Жалолободда ер ислоҳоти комиссиясига раҳбарлик қилади. Айни пайтда, вилоятда халқ таълимини ривожлантириш ишига ҳам етакчилик қилиб катта ишларни амалга оширади.

1923 – 1924 йилларда Фарғона вилоятида компартия кўмитаси котиби Султон Сегизбоев томонидан С.Сайидалиев вилоят молия бўлими раҳбари лавозимига тайинланди. У 1923 йил майдан «Фарғона» газетасининг масъул муҳаррири бўлди. Айни пайтда, 1927 йилгача Фарғона вилояти молия бўлими бошлиғи вазифасини ҳам бажарди. Бугун Султон Сайид Али имзоси билан «Фарғона» санифаларида ёзилган кўплаб хабар ва мақолаларни ўқир эканмиз, у кишининг нақадар кенг тафаккур соҳиби ва жонкуяр раҳбар бўлганлигини ҳис қиламиз.<sup>16</sup>

С.Сайидалиев 1927 – 1930 йиллар давомида Қўқонда сельхозбанк бошқарувчиси лавозимида иш олиб боради. 1930 йили партия қарори билан Тожикистонга юборилади. 1930 – 1931 йилларда Тожикистон ССР Коммунал банк бошқарувчиси, 1931 – 1932 йиллар ер ишлари халқ комиссари ўринбосари, 1932 йил июлдан 1933 йил 20 ноябргача Сталинободда соцзембанк бошқаруви раиси бўлиб ишлаган. 1933 йилдан Тожикистонда ҳам пахта-

---

<sup>16</sup> Сайид Султон Сайид Али. Хўқанд уездида баҳорий экин ишлари // Фарғона. 1923 йил 15 апрель. №68; Сайид Султон Сайид Али. Очлик натижалари билан курашиш ишида кооперацияларнинг вазифалари // Фарғона. 1923 йил 26 апрель. №71; С.Сайид Али. Музофот иқтисодий шўросининг умумий мажлисида // Фарғона. 1923 йил 6 май. №73; Сайид Султон Сайид Али. Майда қарз ширкатлари ва қишлоқ хўжалиги кооперацияси ҳақида бир неча сўз // Фарғона. 1924 йил 18 март. №155.

чиликни ривожлантириш масаласи авж олдирилади. Шу мақсадда Фарғона водийсидан Тожикистонга деҳқонларни оммавий кўчириш бошланади. Бу аҳолининг жиддий норозиликни келтириб чиқаради. Норозиликни бостириш учун ГПУ ходимлари Тожикистон компартиясининг собиқ биринчи котиби Довуд Гусинов, Тожикистон ССР ХКС раиси Абдурахим Ҳожибоев, Тожикистон ССР МИК раиси Нусратулло Мақсудрахимов билан бирга С.Саййидалиевни ҳам аксилинқилобий ташкилот аъзоси деган айб билан қамоққа оладилар.

С.Саййидалиев 1933 йилда бўлган «учлик» суди томонидан 5 йилга МТЛ (меҳнат тузатиш лагери)га ҳукм қилинади. У жазони Ленинграддаги Сибир лагерида ўтаб, 1937 йилнинг охирида Қўқонга қайтиб келади. Бироқ 1938 йил июлигача унга ҳеч жойда иш беришмайди. Аксинча, 1938 йил июль ойида НКВД томонидан ҳеч бир қонуний асосиз яна қамоққа олинади. 1938 йил декабрь ойида унга бирор айб қўя олмагач қамоқдан озод қилишади.

С.Саййидалиев 1939 йил январидан Фарғона вилоятининг турли банкларида кассир ва бошқа ишларда ишлаб юради. Албатта, бу озодлик ҳам вақтинча эди. Унинг изидан ҳар доим қандайдир одамлар тинимсиз кузатишар, у бор давраларда хуфялар унинг ҳар бир сўзини керакли жойларга етказиш билан машғул бўлар эди.

1942 йил 19 апрель, 1941 йил 11 май кунлари «урушда Германия енгади» деган, 1942 йил 4 март куни чойхонада «СССРдаги ҳаётни ёмонлаган» каби чақувлар асосида Фарғона НКВД бўлими томонидан С.Саййидалиевни қамоққа олиш учун ордер берилади.

НКВД вакиллари томонидан 1942 йил 20 апрель куни унга тегишли Қўқон шаҳри К.Маркс кўчаси 45-уйда тинтув ўтказилди. С.Саййидалиевнинг уйдан катта кутуб-

хона: 114 китоб, жумладан, тарих китоблари, сиёсий китоблар, Фузулий, Умар Хайёмнинг асарлари, бошқа қатор шоирларнинг баёзлари, Брокгауз ва Ефроннинг 86 томлик энциклопедияси, шунингдек, журналлар, унинг ёзишмалари, гувоҳномалари, шарқона усулда қўлда тайёрланган пичоқ-чопқи, соат, оилавий альбоми, энг майда нарсаларигача хатга олинди ва олиб кетилди.

1942 йил 20 апрель куни илк сўроқ жараёнида С.Саййидалиевдан оила аъзолари ва қариндошлари ҳақида сўрайдилар. У ўзига қўйилган айбловларни инкор этади.

1942 йил 21 апрель куни сўроқда эса ўзининг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади.

Юқоридаги сўроқ баённомаларидан сўнг 1942 йил 25 апрель куни С.Саййидалиевга нисбатан чақувлар ва тухматлар асосида бутунлай янги қарор чиқарилди. Унда «Султон Сайдалин собиқ эсер, «Миллий иттиҳод» аъзоси, 1933 йил 5 йилга қамалган. У 1922 йили Жалолободда инқилобий қўмита раиси бўлганида рус миллатига мансуб кишиларга нисбатан қаттиққўл сиёсат юритган. ГУЛАГдан қайтгач, 1940 йил 18 апрелда «колхозчиларнинг аҳволи оғир» деган, 1940 йил 2 ноябрда «советларнинг қарорларини кўриб кулгинг келади, уларнинг бирортасида халқнинг манфаати инобатга олинмаган-ку» деган. 1941 йил 15 февралда поликлиникада «бир аср меҳнат қил, сендан фойда бўлмай қолса, шартта воз кечишади. Мен бир пайтлар халққа тарғиб этган социализм шумиди? Одамларни кўрсам энди уялиб кетаман» деган, 1941 йил 5 май куни «доҳийнинг шаънига қарши гапирган» каби «жиноят»ларини санаб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси II банди, 67-моддасини қўллади.

1942 йил 28 апрель куни тўлдирилган жиноий иш анкетасида қуйидаги маълумотлар қайд этилган: «Саййид Султон Сайдалин, маълумоти қуйи, сўнгги иш жойи

Кўқонда Селхозбанк шохобчаси бўлган. Оиласи: хотини Нодира Жумабоева (1905), фарзандлари – Холида Сайдалина (1922), Рауф Сайдалин (1923), Маҳфуза Сайдалина (1926), Раҳим Сайдалин (1930), Рашид Сайдалин (1938) дан иборат».

1942 йил 28 апрель куни ўтказилган сўроқда унинг «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганлиги билан қизиқадилар. У: «Марказий партия мактабида ишлаб юргананда 1920 йил сентябрда «Миллий иттиҳод» ташкилотига кирган эдим», – дейди. Шундан сўнг ўзининг аксилинқилобий махфий ташкилотга аъзо бўлиши ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Мен Тошпўлотбек Норбўтабеков таклифи билан Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги бир бинога бордим. Шундан сўнг у кўрсатган хонага кирдим. Хонада устига оқ мато ёпилган айлана стол, унинг устида Қуръон китоби, одам бош чаноғи ва револьвер бор эди. Иккита оқ кийинган бўйдор йигитлар менга револьвер тираб, ташкилотга садоқат кўрсатишим ҳақида қасам олдилар ва мен ҳаётим билан қасам ичдим. Бу маросимдан чиққанимда биринчи бўлиб мени Мунаввар қори қарши олди. Сўнг паловхўрлик бўлди. Ташкилотга Бехбудий, Мунаввар қори ва Т.Норбўтабековлар асос солган эканлар. Унга Т.Рисқулов, С.Турсунхўжаевлар ҳам аъзо бўлганлар».

1942 йил май – август ойларида давом этган тинимсиз сўроқлар давомида унинг дўсти М.Аҳмадхонов, И.Хидиралиев кабилар билан алоқалари икир-чикиригача тафтиш этилди.

Кўйилган айбловларнинг бирортаси ўз исботини топмаганлигига қарамай, эълон қилинган айблов баённомасида аввалбошда айтилган туҳматлар ҳаммаси ўз ўрнида қолдирилди ва «улар 1938 – 1939 йилларда қамоқдан келиб, яна аксилинқилобий ташкилот тузган» деган

бўхтонни ҳам қўшиб қўйдилар. Баённомани 1942 йил 18 сентябрда ЎзССР НКВД ёрдамчиси Кобулов ва 1943 йил 9 февралда ЎзССР прокурори Бельяев ҳеч бир эътирозсиз имзоладилар. 1943 йил 20 февраль куни СССР НКВДсининг махсус йиғилишида С.Сайдалини ва М.Аҳмадхоновга ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси II банди, 67-моддаси қўлланди ва улар яна 10 йилга МТЛга ҳукм этилдилар.

1957 йил 20 декабрь куни Қўқон шаҳри К.Маркс кўчаси 55-уйдан С.Сайдалининг хотини Нодира Жумабоева ЎзМК КП котиби Н.А.Муҳиддиновга ариза йўллаб, эрининг ноҳақ туҳматлар асосида қамалганини ва 1943 йили Тошкентга яқин Чирчиқдаги лагерда вафот этганини ёзади. У аризасида ҳалол ва меҳнатсевар инсон С.Сайдалининг қизи Холида ҳозирда нефт техникумида ўқитувчи, ўғли Рауф нефтчи, Маҳфузахон Москвада нефт йўналишида аспирантурада, Рашид эса геолог, Рохила ўқитувчи бўлиб ишлаяпти дейди. Уларнинг отаси С.Сайдалини оқлашда ёрдам беришларини сўрайди. Ниҳоят, 1958 йил 31 июль куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси қарори билан С.Сайдалини оқланади.



## МАҲМУДХОН АҲМАДХОНОВ

Маҳмудхон Аҳмадхонов 1896 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Отаси улгуржи чой савдоси билан шуғулланган йирик савдогар ва пахта тозалаш заводи эгаси Аҳмадхон Ҳасанхонов эди. Маҳмудхон 1910 йилгача Қўқондаги машҳур жаҳид муаллими Салоҳиддин Мажидовнинг янги усул мактабида таълим олган. 1911 – 1915



йиллар давомида мадрасада илм олиб, мустақил форс, рус тилларини ўрганади. Шу билан бирга, пахта заводи эгаси Сулаймон Шайх Нурхонов идорасида ишлайди. 1915 – 1917 йилларда Қўқонда тараққийпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этади.

... 1916 йили Фарғона водийсида мардикорчиликка қарши қўзғолонлар авж олган эди. Қўқон Жомеъ масжидида шаҳар полиция бошлиғи Мединский подшо қарорини ўқиб эшиттиради. Шаҳар аҳлини, агар қўзғолонларни тўхтатмаса, оммавий жазо қўлланишидан огоҳлантиради. Қўқонга Иванов ҳам келиб, йиғилган аҳолига «буйруқларни сўзсиз бажаринглар» деган маънода таҳдидли гапларни айтади. Бироқ аҳоли тинчланмайди. Шундан сўнг Убайдулла Хўжаев раҳбарлигида Туркистон тараққийпарварлари таклифи билан Қўқонга Керенский таклиф этилади. 1917 йили Убайдулла Хўжаев Керенский билан Қўқонга келиб, уни шаҳардаги «Лондон» меҳмонхонасига жойлаштиради.

Керенский Қўқоннинг эски шаҳар қисмида маҳаллий тараққийпарварлар: Мирзоид, Мирхомид, Миршоҳид Мироқиловлар, Маҳмудхон Аҳмадхонов, Умаров билан учрашиб, бир неча кун давомида мардикорликка олиш жараёнини ўрғанади. Ҳатто мартабали меҳмон Керенский Қўқон тараққийпарварларнинг илтимосига кўра Мироқиловларнинг боғида меҳмон бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиш мақсадида оддий халатда маҳаллий аҳоли вакилларини қабул қилади.

1917 йил ёзида Дума сайловларида бойлар 8-рақам остида, камбағаллар 4-рақам остида бўлиб, большевиклар сайловолди ташвиқотларига аралашиб халқни иккига бўлиб юборишга интила бошлайди. Қўқоннинг турли бурчакларида бир неча марта кўнгилсиз тўқнашувлар юз беради. М.Аҳмадхонов барча тараққийпарварлар қаторида большевикларнинг мазкур ҳаракатини барбод этиш учун фаол кураш олиб боради.

У 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Қўқон маърифатпарварларининг «Тамим Маориф» ташкилотида «Шўрон Ислон»нинг вакили сифатида иш олиб боради. 1917 – 1918 йилларда «Шўрон Ислон» жамияти масъул котиби сифатида Қўқон Мухториятининг фаол ҳимоячиси бўлади. М.Аҳмадхонов аҳоли ўртасида тинимсиз йиғинлар ўтказар, халқни Мухториятни қуролли кураш йўли билан бўлса-да ҳимоя этишга ташвиқ қилар эди. Бироқ Мухторият бостирилгач, 1918 йил бир неча ой давомида Қўқон меҳнаткаш мусулмонлар иттифоқида котиб, кейин Қўқоннинг эски шаҳар қисмидаги кутубхона бошлиғи бўлиб ишлайди. 1919 йили компартияга кириб, Қўқон уездида миллий ишлар бўйича вакил, 1919 – 1920 йилларда Қўқон шаҳар ва уездида инқилобий қўмита раиси бўлади. 1920 йилда «ўзининг ижтимоий келиб чиқишини яширган» деган баҳона билан компартиядан ҳайдалади.

М.Аҳмадхонов 1921 – 1922 йиллар давомида Фарғона вилояти халқ хўжалиги совети раиси ўринбосари ва Фарғона вилояти маданий ишлар бошқармаси бўлими мудирини лавозимларида иш олиб боради. 1922 – 1923 йилларда инқилобий қўмита раиси, 1923 йилдан Қўқонда олти ой давомида вилоят милицияси бошлиғининг ўринбосари бўлади. М.Аҳмадхонов 1924 – 1927 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, 1927 – 1929 йилларда Қўқонда вилоят Ўздавнашр идорасида бўлим бошлиғи вазифаларида ишлайди.



М.Аҳмадхонов 1929 йили «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг аъзоси деган бўҳтон билан 11 ой қамоқда сақланади ва дастлаб озодликка чиқиб кетади. Бироқ кўп ўтмай қайта қамоққа олиниб, 1931 йил май ойида ЎзССР ЖКнинг 63-моддаси билан 10 йилга МТЛга ҳукм этилади. Жазони Россиянинг Еврей автоном вилоятида ўтаб, 1939 йили Қўқонга қайтиб келади.

1942 йил 19 апрель куни Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан М.Аҳмадхоновни қамоққа олиш учун яна ордер берилади. 1942 йил 20 апрель куни унинг Қўқон шаҳри Боғибўстон кўчаси 32-уйдаги хонадонидан тинтув ўтказилади ва паспорти, 19 та араб шрифтидаги китоби, фотоальбоми, рус-форс луғати, 3 та арабий қўлёзма китоби, 32 та турли ёзишмалари ва бошқа нарсалари хатланиб олиб кетилади.

1942 йил 20 апрель куни илк сўроқда у ўзига қўйилган айбларини тўлиқ рад этади. 1942 йил 22 апрель куни

эса сўроқ тунги соат 1:00 дан 3:00 гача ўтказилади. Унда М.Аҳмадхоновдан чет эллардаги қариндошлари ҳақида суриштиришадилар. 1942 йил 24 апрель куни сўроқда унинг «Миллий иттиҳод» ташкилотига кириши сўралади. Унинг ташкилотга аъзо бўлиши воқеаси қуйидагича тасвирланади: «1919 йили Мирзоҳид Мироқилов мени Маҳмудхўжа Аҳмадходжаевнинг олдига олиб борди. Адашмасам, «Миллий иттиҳод»га Қўқонда Обиджон Маҳмудов ва Аббосхўжа Калонхўжаевлар раҳбарлик қилишарди. Бу яширин ташкилотнинг ягона мақсади Туркистоннинг мустақиллиги учун кураш эди. Мени бир жаҳид мактабига чақиришди. Мактабнинг бир хонасида пардалар тортилган экан. Ўртада бир устига оқ мато ёпилган стол ва унда Қуръон китоби, револьвер ва одамнинг бош чаноғи бор эди. Бир оқ кийинган киши келиб, менга ташкилот ҳақида айтди ва унинг сирларини сотмасликка қасам ичирди. У киши, менимча, Миён Қудрат Ҳазрат Эшонхўжаев эди. Ичкаридан чиққанимдан сўнг мени О.Маҳмудов кутиб олди ва менга ташкилотнинг программасини тутқазди. Ташкилот Раҳмонқули қўрбошининг 400 йигити ва Ҳамдамхўжага қарашли 100 йигитга таянар экан. Ташкилот аъзоларининг бир қисми совет идораларининг юқори мансабларида ишлашар ва аҳоли ўртасида «Миллий иттиҳод» ҳақида ташвиқот этишар эди».

Айбланувчи ташкилот аъзоларидан қўқонликлардан О.Маҳмудов (1933 й. ваф.), Туркистон МИК аъзоси Аббосхўжа Калонхўжаев (1934 – 1935 й. ваф.), Аббосхўжа Маҳмудхўжаев (МТЛда), Фарғона вилояти диний бошқармаси собиқ бошлиғи Миён Қудрат Ҳазрат (1930 – 1932 йиллар Афғонистонга кетган), Ҳамдамхўжа Қаландаров (Бешарикдан, босмачи тўда бошлиғи), Муҳаммадхўжаев (Тошкентда собиқ ЧК аъзоси), Раҳмонқули қўрбошининг маслаҳатчиси Садриддинхон Махсум (1925 – 1926 йиллар Афғонистонга

кетган), бойлардан Носиржон Ҳожи Зиёев (1935 й. ваф.), Ашурали Зоҳирий (жадид, МТЛда), Мироқилов Мирзоҳид (1928 й. ваф.) каби жами 23 кишини санаб ўтган.

Албатта, бу ташкилот, айниқса, унга қабул қилиш маросими, бизнингча, совет жазо органлари томонидан ўйлаб топилган. Акс ҳолда, «Катта қирғин» давридаги жиноий ишлар мазкур маросим ҳақидаги тўқималар билан тўлиб кетиши керак эди. Кейинчалик ўйлаб топилган бу «махфий» ташкилот ва унинг алламбало маросимлари эса гўё М.Бехбудий ва Мунаввар қоридек улуғ зотларга нисбат берилди. Улар ҳеч қачон ислом анъаналарига зид ҳолда инсон бош чаноғини бундай таҳқирлашга йўл қўймаган бўлардилар. Қонхўр тузум ўзининг ёлғонларини шундай бўҳтонлар билан мустаҳкамлаб жадид тараққийпарварларининг номига доғ туширди. Кейинчалик шу манзаралар акс эттирилган кинолар орқали авлодларда жадидлар тўғрисида нотўғри қарашлар пайдо бўлишига замин яратилди.

1942 йил апрель – май ойларида тинимсиз тергов-сўроқларда М.Аҳмадхонов Раҳмонқул кўрбошининг ўғли Худойқул билан Тошкентдаги учрашувидан С.Сайдалини билан лагердан келиб тузган аксиинқилобий ташкилотигача ҳикоя қилинади. Дарҳақиқат, М.Аҳмадхоновга қўйилган айбловларнинг ҳам бирортаси ўз исботини топмади. Бироқ эълон қилинган айблов баённомасида ҳам аввалбошда айтилган тухматлар ҳаммаси ўз ўрнида қолдирилди. Юқорида битилганидек, С.Сайдалини ва М.Аҳмадхонов ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси II банди, 67-моддаси билан яна 10 йилга МТЛга ҳукм этилади. 1943 йил 3 март куни жазони ижро этиш учун М.Аҳмадхонов Утоижемалга, Сайид Султон Сайдалини эса Сиблагга йўл олади.

1957 йилнинг сўнгида С.Сайдалининг турмуш ўртоғи Нодира Жумабоеванинг аризаси туфайли уларнинг иши ҳам қайтадан кўриб чиқишга топширилди. Қайта тергов

вақтида совет тергов тизимининг ҳақиқий башараси намоён бўлди. Айрим тирик қолган гувоҳлар ўзлари етти ухлаб тушида кўрмаган воқеаларни тўқиб, умуман танимаган одамларини яксон қилиб юборганларини англадилар. Янада даҳшатлироғи, улар совет мамлакатининг нақадар ожиз, нақадар жоҳил ва нақадар тубан давлат эканлигига гувоҳ бўлдилар.

1958 йил мартида қайта сўроқда Қўқон шаҳридан Шомурод Қодиров (1909): «Мен уларнинг иккисини ҳам жуда яхши танир эдим. Улар ажойиб инсонлар эди. Айниқса, С.Сайдалини ниҳоятда кенг билимли, Европа маданиятини чуқур билувчи инсон эди», – дейди. 1958 йил 3 март кунини Молия-иқтисод институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Алима Аминова (1906): «... улар яхши инсонлар эди, аммо ўша вақтида уларни йўқ қилиш мақсадида сиёсат юритилган эди», – дейди. Хуллас, 1958 йил 31 июлда М.Аҳмадхонов оқланди. Унинг хотини собиқ Қўқон хони Худоёрхон хонадони қизи бўлган Тухфа Аҳмадхонова (1900) М.Аҳмадхонов билан ажрашган эди. Аммо ғурбатлардан умрбод қутула олмади. Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг Қўқон шаҳри Динамо кўчаси 43-уйдаги хонадониди унинг синглиси Робия Икромова ва отаси Аҳмадхон Ҳасанхонов яшашди. 1932 йил уйдан эгалари ҳайдаб чиқарилди, уй Қўқонторгга берилиб, ўрнига чўчка фермаси қурилди. 1973 йили Маҳмудхоннинг отаси Аҳмадхон Ҳасанхонов 110 ёшида вафот этди.

Хуллас, Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг ҳаёти совет жазо лагерларида яқун топди. У ҳақсиз жамиятда яшашни истамади, яшай олмади. У мустамлакачиларнинг халқ бошига солаётган кўргиликларига чидай олмади. Бу миллат қаҳрамонлари ҳам бошқалар қатори лоқайдлик билан, ҳамма нарсага кўз юмиб яшашлари мумкин эди. Аммо улар бунга рози бўлмадилар...

## АЛИХЎЖАЕВ ШОМАНСУР

Шоҳмансур Алихўжаев 1888 йили Наманган шаҳрида дунёга келган. Отаси сангтарош бўлиб, ўзининг қурувчи гуруҳи билан буюртма асосида меҳнат қилар эди. Шоҳмансур эски мактаб таълимини олгач, дастлаб ота касбини тутади. Ўзи икки-уч қурувчидан иборат мустақил гуруҳ тuzиб, Наманган шаҳри ва унинг атроф ҳудудларида иш олиб боради. Айни пайтда, рус-тузем мактабида ҳам ўқишни давом эттиради. Дастлаб маҳаллий ер ўлчовчи (земломер)га тилмоч, 1911 йилдан Наманганда полиция приставига извош бўлиб ишга киради. Сўнг 1914 – 1917 йилларда Скобелев (Фарғона) шаҳри приставига ёрдамчи бўлди. Шоҳмансур Алихўжаев иш давомида чор маъмурларининг маҳаллий аҳолига нисбатан мустамлакачилик сиёсатини кўрди ва жаҳид тараққийпарварларнинг миллий озодлик сари интилишларидан хабар топди. Айниқса, 1916 йил кўзғолонининг шафқатсиз бостирилиши унинг дунёқарашида жиддий ўзгариш ясади. 1917 йили Туркистон Мухторияти эълон қилинганида Ш.Алихўжаев биринчилардан бўлиб унинг ҳимояси учун бел боғлади ва аскарликка ёзилди. У ўта таҳликали онларда – 1917 йилнинг охири ва 1918 йил бошларида бошқа ватанпарвар ёшлар қаторида Қўқон шаҳрида бўлди ва Мухторият ҳукуматини большевиклар қўшинидан ҳимоя қилишга интилди.



1918 йил бошларида Фарғона шаҳридаги «Шўрои Ислон» партияси бўлими Миродилбой раҳбарлигида совет ҳукумати тадбирларига қарши тарғибот олиб борди. Уларнинг ташвиқоти асосида Хангиз қишлоғида Сағирбойвачча Тўйчи қўрбоши раҳбарлигида 50 нафар йигитни от билан таъминлаб, уларни Туркистон Мухторияти ҳимояси учун йўллади. Бироқ Мухторият ҳукумати хали жуда заиф бўлгани боис қисқа муддатда тор-мор келтирилди. Қўқон шаҳри ва унинг атроф қишлоқлари қизил аскар ҳамда арман дашноқлари томонидан талон-торож этилиб, қонга ботирилди. Қалбида миллий ғурури ва она ватан истиқлоли учун кураш орзуси мавж урган миллат қаҳрамонлари қўлларига қурол олиб большевик мустабидларга қарши омонсиз жангга кирдилар.

Қўқондаги большевикларнинг хунрезликларидан кўп ўтмай «Шўрои Ислон» етакчилари Бешбола қишлоғида йиғилиш ташкил қиладилар ва Фарғона водийси қишлоқларига одам йўллаб ҳаммани кўзғолонга чақирадилар. Шундай бир шароитда Туркистон Мухториятини ҳимоя қилган Шоҳмансур ва укаси Исроил Алихўжаев ҳам қизил армияга қарши курашни давом эттириш мақсадида Фарғона тоғларига чиқиб кетадилар. Улар тенгсиз жанглارнинг бирида асир тушиб қоладилар. Совет ҳарбий суди 1918 йил Шоҳмансурни 5 йилга, укаси Исроилни 4 йилга қамоққа ҳукм этади. Фақат қизил армия таркибида бўлган маҳаллий халқ вакилларининг талаби билан ака-ука ноҳақ жазодан қутулиб қолади.

1918 йил охирида Ш.Алихўжаев совет милициясига ишга олинади. Бироқ қизил кўшин раҳбарлари турли баҳоналар билан уни сафдан чиқаришга тиришадилар. 1919 йили Рустам Шоисломов Ш.Алихўжаев каби миллий кадрларга нисбатан сиқувга қарши чиқиб, қўмондон Сорокинга мурожаат этади. Шундан сўнг шўро ҳукума-



ти раҳбарлари уни Фарғона шаҳар инқилобий қўмитаси раиси ўринбосари этиб тайинлайди. Ш.Алихўжаев гарчи совет ҳукуматига ишга олинса ҳам, ўз халқига хиёнат қила олмади. 1923 йилда бир муддат Тошкент шаҳар советида раис ўринбосари бўлиб ишлайди. И.Хидиралиев томонидан яна Фарғонага музофот инқилобий қўмитаси раиси этиб юборилади ва шу вазифада 1927 йилгача фаолият олиб боради. Кун тартиби қанчалик тифиз бўлмасин, Ш.Алихўжаев бир лаҳза ҳам халқ маорифи масаласини унутмади. Аксинча, вақт топиши билан Марғилон шаҳридаги Алихўжаев номидаги қизлар мактаби, Қўқон шаҳридаги Калинин номидаги мактаб-интернат ва Фарғона музофоти ўзбек билим юрти талабалари ва ўқитувчиларини доимий равишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келди.<sup>17</sup> Музофот маорифга ёрдам бюросининг раислигини шахсан ўз зиммасига олди.<sup>18</sup>

Ш.Алихўжаев кейинги йилларда ЎзССР сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, 1931 йилдан эса ЎзССР Бошавтойўлтранс бошқармаси бошлиғи лавозимларида меҳнат қилди.

Афтидан, Ш.Алихўжаевни қамоққа олиш режаси аллақачон пишириб қўйилган эди. 1937 йил 21 март куни марғилонлик гувоҳ, собиқ милиция ходими Солиҳ қори Зоҳидов (1890) сўроққа тутилади. У ўзига берилган саволга: «Шомансурни 1919 йилдан биламан. 1921 йили Марғилонда Шермуҳаммадбекнинг йигитларидан Сотиболди понсадни (Тошлоқ туман Қумариқ қишлоғидан) тутиб, Фарғонадаги исправдомга топширдик. Лекин Ш.Алихўжаев ўртага тушиб, уни қамоқда бўлган Ўроқбой

---

<sup>17</sup> Қаранг: А.Тожий. Баёни ташаккур // Фарғона. 1923 йил 19 июнь. №82; Эркин. Баёни ташаккур // Фарғона. 1923 йил 19 июнь. №82; Фарғона. 1924 йил 26 май. №173.

<sup>18</sup> Қаранг: Фарғона. 1924 йил 21 апрель. №165.

деган йигит билан кўшиб қамоқдан чиқариб юборди. Улар тинч ҳаётга ўтишга ваъда бериб чиқиб олгач, яна тезда Шермухаммадбекка бориб кўшилдилар. 1922 йил 22 июлда Боқудан Марғилонга турк офицери Жомол пошшо ва Озарбайжондаги «Саноя» ташкилотидан вакил бўлиб Холид Саид келдилар. Улар Марғилон шаҳрида Қаландархонанинг Киссақоран маҳалласида Иброҳимхўжа Мамашхўжаевнинг уйида меҳмон бўлдилар. Бу меҳмондорчиликда ҳам Ш.Алихўжаев ва ёрдамчиси Хусанбой Умаровни кўрган эдим...» – деб жавоб беради.

Шу куннинг ўзида ЎзССР ИИХК Загвоздин бу вақтда Тошкент қурилиш трести бошлиғи ўринбосари бўлган Ш.Алихўжаевга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларини қўллаб қамоққа олиш учун қарор чиқаради. 1937 йил 6 апрель куни ордер берилиб, Тошкент шаҳри Гогол кўчаси 5-уйдан қамоққа олинадди, унга тегишли барча буюмлар билан советлар мамлакатига мислсиз хизматлари учун олган 3 та ордени ҳам мусодара этилади. 1937 йил 23 июль куни тўлдирилган шахсий анкетасида ёзилишича, бу пайтда оиласи турмуш ўртоғи Сабоҳатхон (39 ёш) ва 12 ёшли қизи Санобархондан иборат деб кўрсатилган.

1937 йил 7 апрель куни бўлиб ўтган илк сўроқда Ш.Алихўжаев ўзининг ўтмиши, оиласи ва 1936 йилнинг октябрь ойида бўҳтонлар асосида партиядан ҳайдалганини ҳикоя қилади. Шундан сўнг 1937 йил 15 апрель, 19 апрель, 20 апрель, 21 апрель кунлари тинимсиз қийноқлар асосида ўтказилган терговларда унинг аксилинқилобий фаолиятини фош этишга интилишади.

1937 йил 10 апрель куни марғилонлик Даврон Жалилов (1902) терговда қуйидагича гувоҳлик беради: «Мен Юсуф полвоннинг йигитлари орасида хизмат қилганман. Ш.Алихўжаевни 1918 йиллардан биламан, у кишини кўп-

чилик «Эшон ака» деб жуда ҳурмат қилар эди. Мадаминбек ва унинг ёрдамчиси Соли махсумни Шодмон ҳожи эшон меҳмон қилганида Шоҳмансур Алихўжаев уларга тилло ва пуллар берганди. Сўнг Соли махсумнинг боғида бўлган учрашувда ҳам Ш.Алихўжаев уларга катта миқдорда пул берган эди. Муҳаммад Аминбек шаҳид бўлгач, эшон ака Шермуҳаммадбекни ҳам қўллаб турган эди».

1937 йил 10 апрель куни терговга чақирилган фарғоналик Жўра Мамажонов (1890) шундай кўрсатма беради: «Мен 1921 йилда Асака милицияси бошлиғи эдим. Ш.Алихўжаев 1920 – 1923 йилларда Марғилон уезд ва шаҳар инқилобий қўмитаси раиси (угорком) эди. 1921 йил 75 нафар милиция қўшини билан Ш.Алихўжаев бошчилигида Тошмат қўрбоши, Умурзоқ халфа, Аҳмад полвонга қарши операцияни амалга оширдик. 22 кун давомида уларни тута олмадик. Менимча, уларга кимдир бизнинг мақсадимиз ва режаларимизни етказиб турган эди. Бир куни Яйилма қишлоғига борганимизда бир неча дақиқа аввал қишлоқдан Нурмуҳаммад қўрбоши (Шермуҳаммадбекнинг укаси) чиқиб кетганини эшитдик. Янги от излари уларнинг 5 отда Яккатут томонга кетганини кўрсатиб турар эди. Мен Шоҳмансурга 25 нафар йигит берсангиз, уларни тутиб келтираман дедим. У фикримни қатъиян рад этди ва менга терговни давом эттиришни буюрди. Сўнг мени ўзи билан Марғилонга олиб кетди ва икки кундан сўнг Асакага қайтиб кетишимни буюрди...»

1937 йил 12 апрелда яна бир гувоҳ марғилонлик Махсум Аҳоров (1887): «Мен 6-7 ой давомида Шермуҳаммадбекда қуролсоз бўлиб ишлаган эдим. Улар мен билан яхши муносабатда бўлганлар. Ш.Алихўжаев 1920 – 1923 йилларда ревкомлик вақтида Шермуҳаммадбек, Юсуфжон махсум понсадга ёрдам бериб турар эди. Бир гал Юсуф полвон, Эргаш полвон Алихўжаевдан хат олган

эди. Уни Шермухаммадбекнинг котиби мулла Турсунбек (Кумариқ қишлоғидан) ўқиб эшиттирди. Хатда Ш.Алихўжаев, Хусайнбой Усмонов қамоққа олинган йигитларни озод этишга, Шермухаммадбекка мато ва патронлардан ёрдам қилишга ваъда берган эди. Шермухаммадбекнинг яна бир котиби Абдуллажон қори (Қува Хонобод қишлоқ совети Найза қишлоғидан) эди. Ҳақиқатан, кўп ўтмай 2 яшиқ патрон, 23 та винтовка ва бошқа бир нечта қуроллар келганди... 1919 йили Мансур Салимов деган киши ҳаждан келган эди. У ўзи билан бир тўтини олиб келган экан. Жуда кўп сўзларни айтадиган бу тўти водийда кўпчиликнинг тилига тушди. Худди шу тўтини Шермухаммад бекнинг хизматида вақтим унинг ёнида кўрдим, кимдир совға қилган экан. Бу тўти 1923 йилнинг ёзида Ш.Алихўжаевнинг уйида пайдо бўлиб қолди ва 1934 йилгача унинг уйида яшади. Бу далил ҳам унинг Шермухаммадбек билан маълум маънода алоқаси бўлганлигини англатади. Қирғинбарот жангларида Абдулла мингбоши, Йўлдош ва Ислон Салимов ҳалок бўлдилар, Шермухаммадбек Афғонистонга ўтиб кетди...» – деб эслайди.

Ўта мустаҳкам иродага эга бўлган Ш.Алихўжаев ўзининг айбсиз эканлигини қатъият билан исботлашга интилади. 1937 йил 19 апрель 3-бўлим терговчилари Акжигитов, Кушнир Алихўжаевнинг троцкийчилик фаолиятини фoш этиш мақсадида унинг 1933 йили Москвада Йўл-транспорт марказий бошқармаси раҳбари Серебряков билан алоқаларини суриштиради. Бироқ у барча иддаоларни рад этади.

1937 йил 25 апрель куни терговчининг ўзбек замонавий ҳуқуқшунослик мактаби асосчиларидан Муҳаммад-жон Мўминов ҳақида берган саволига: «Мен Муҳаммад-жонни 1909 – 1910 йиллардан танийман. Мен бирмунча вақт уларнинг уйида ишлагандим. У 1928 йили Москва

давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битириб, Самарқандга келган эди. Бир муддат менинг уйимда яшаган. Уч ойлардан сўнг бошқа хонадон топиб чиқиб кетди. У 1930 йилда Самарқанддан Тошкентга кўчиб келди. У билан 1931 йил бир марта ХКС биносида учрашганмиз, 1936 йил қишда касал бўлганимда хотини билан мени сўраб келган эди», – дейди. Шундан сўнг сўроқ мазмуни ўзгаради. 1937 йил 7 май куни бўлган сўроқда 1933 йилнинг ёзида Москвадан Тошкентга қайтишда У.Эшонхўжаев ва М.Мўминов билан келгансан, М.Мўминов троцкийчи, у сенга қандай вазифа топширган деб савол бера бошлашади.

Тўқима гувоҳликларга қарамай, 1938 йил 22 март куни сўроқда Ш.Алихўжаев ўзини ҳеч бир жиноятда айбдор деб ҳисобламаслигини маълум қилади. Шундан сўнг навбат юзлаштиришларга келади. 1938 йил 23 апрель куни у С.Турсунхўжаев билан юзлаштирилади ва ўзига қўйилган айбларни тўлиқ рад этади. Шунингдек, йўл қурилишида йўл қўйилган хатоликлар ва ўпирилишлар ҳақида бўҳтонлар ёзилган эди. Шу куннинг ўзида Ш.Алихўжаев алоҳида бир қоғозга «ҳеч қачон давлат мулкига хиёнат қилмадим, ишни ёпинглар» деб ёзиб қолдиради.

Ш.Алихўжаевнинг «Айблов баённомаси» 1938 йил 21 май санаси билан Апресян номи сақлангани ҳолда ИИХКнинг бошқа (исми-шарифи кўрсатилмаган) масъул ходими томонидан, 1938 йил 3 октябрь куни эса СССР бош прокурори ёрдамчиси томонидан имзоланди, унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 58-, 64-, 63-, 67-моддалари қўлланди. Ш.Алихўжаевга 1920 йилларда «Миллий иттиҳод» сафида бўлган, 1920 – 1923 йилларда босмачиларга ёрдам берган, 1926 йилдан троцкийчилар сафида бўлган, Тўполон, Қўқонсой, Равотхўжа каналлари қурилишида катта миқдорда давлат мулкани ўмарган каби айбловлар қўйилди.

Бироқ бу айбловларнинг исботлаб берилмади. Иш 1938 йил 3 октябрь куни ЎзССР ИИХК қошидаги машъум «учлик» судига оширилди. Суд иши 1938 йил 4 октябрь куни соат 12:55 дан 13:20 гача давом этди. Судда Ш.Алихўжаев ўзига қўйилган барча айбловларни қатъий инкор этди. Аммо бу аллақачон ҳал қилиб қўйилган ҳукмни ўзгартира олмади. Отув шу куннинг ўзидаёқ ижро этилди...

1957 йил 12 мартда Ш.Алихўжаевнинг турмуш ўртоғи Сабоҳат Алихўжаева Тошкент шаҳри Октябрь тумани Ғалаба маҳалласи Қизилсув кўчаси 30-уйдан ЎзССР КП(б) МК биринчи котиби Н.А.Муҳиддинов номига ариза ёзди. Аризада ўзининг 1897 йил туғилгани ва 1925 йилдан компартияда бўлганини маълум қилади. Эридан сўнг ўзи ҳам 1937 – 1939 йилларда ҳеч бир айбсиз қамоқда сақлангани, 1939 – 1940 йилларда турмуш ўртоғининг тақдири билан қизиқиб ёзган аризаларига жавоб бўлмагани, шундан сўнг кўп йиллар Октябрь туман хотин-қизлар бўлимида, туман советида, бир неча артелларда ҳалол меҳнат қилгани, ҳозирда пенсияда бўлиб деярли қаровсиз аҳволда қолганини бирма-бир баён этади. Шу ариза асосида Ш.Алихўжаевнинг иши қайта кўриб чиқишга топширилади. 1956 йил 3 январь куни сўроққа чақирилган Сабоҳат Алихўжаева турмуш ўртоғининг ҳеч қандай аксиланқилобий фаолияти бўлмаганини исботлашга тиришади. Шоҳмансур Алихўжаев фаолияти билан таниш бўлган инсонлардан 1957 йил 11 январь куни фарғоналик Исҳоқ Ғозиев (1896), Саидхон Шодмонов (1903), 1957 йил 18 январь куни Исмоил Қодиралиев (1894) ҳам у ҳақда фақат яхши сўзларни гапирадилар.

1957 йил 22 май куни Фарғона шаҳри Суворов кўчаси 2-проезд 9-уйдан Ш.Алихўжаевнинг ўғли Баҳодир Шомансуров ҳам ҳукуматга ариза билан мурожаат этади. Унда отасининг қисмати билан қизиқиб, Ш.Алихўжаев

ҳақида 1942 йили вафот этган деган маълумот беришганини айтади, уни оқлашларини ўтиниб сўрайди. 1957 йил 26 октябрь куни ЎзССР Олий суди томонидан Шоҳмансур Алихўжаев оқланади ва бу ҳақда унинг яқинларига маълум қилинади...

Хуллас, шўро тузуми қатағон сиёсатининг айбсиз қурбони, ўзбек халқининг асл фарзанди Шоҳмансур Алихўжаев қисмати, юқорида битилганидек, аянчли якун топди. Бироқ тарих ҳақиқий инсонларнинг буюк хизматларини ҳеч қачон ўз бағрида пинҳон тута олмайди. Мамлакатимиз истиқлолга эришган онларда уларнинг қаҳрамонликларини хотирлаш, уларнинг пок номларини абадийлаштириш ва беҳаловат руҳларини шод этиш ҳар бир ватандошимизнинг фуқаролик бурчи ҳисобланади.

## РАҲИМ РАҲМОНОВ

Раҳим Раҳмонович Раҳмонов 1910 йили Фарғона шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилган. 1920 йилгача оила бағрида улғайиб, 1920 – 1924 йилларда Фарғона шаҳридаги болалар уйида тарбия олади. 1924 йили Тошкентга келиб, муаллимлар билим юртига ўқишга киради. 1928 йили уни тугатиб, Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университети кимё факультетига киради. Талабалик даврида ноқ меҳнат қилиб, 1929 – 1930 йилларда Самарқанд ер ишлари техникумида дарс беради. 1930 – 1932 йиллар давомида университетда кимё фанидан ассистент бўлади. Айни пайтда, Самарқанд зоовет институтида ишлаб, илмий изланишларини бошлаб юборади. Раҳим Раҳмонов 1932 йилда ЎЗДУни тугатади ва 1932 – 1934 йиллар давомида Қўқондаги пахтачилик институтининг кимё лабораториясида ассистент бўлиб ишлайди. 1934 – 1935 йилларда Молотов номидаги Педагогика институтида кимё фани ассистенти бўлиб, 1935 йил 1 мартдан 15 ноябргача Чирчиқ электрокимё комбинати қошида ташкил этилган электрокимё техникуми директори вазифасида иш олиб боради.

Раҳим Раҳмонов 1936 йилдан Ленинград шаҳридаги Ленин номи Бутуниттифоқ сельхоз академиясининг аспирантурасига киради. 1940 йили диссертациясини муваффақиятли ёқлайди ва биология фанлари номзоди унвонига эга бўлади. 1940 – 1941 йилларда СССР ФАнинг ЎзССР Ботаника институтида директор бўлиб ишлайди. Илмий тадқиқотлар билан бир пайтда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) талабаларига биокимё фанидан



дарс бериб, доцент илмий даражасини қўлга киритади.

Айрим ҳасадгўй кимсаларнинг чақуви асосида 1941 йил 27 сентябрь куни ёш иқтидорли ўзбек олими Раҳим Раҳмоновни қамоққа олишга қарор қилинди. 1941 йил 28 сентябрь куни унинг уйи тинтув қилиниб, ўзи қамоққа олинди. Турмуш ўртоғи Наталия Тимофеевна ва тўрт ёшли ўғли Александрга ҳеч қандай маълумот берилмади.

1941 йил 1 октябрь куни ўтказилган илк сўроқдаёқ Раҳим Раҳмонов қўрқув ва таҳлика остида қўлига тутилган барча қоғозларни имзолаб юборди. Шундан сўнг уни деярли безовта қилишмади. 1942 йил 24 июнь куни тасдиқланган айблов баённомасида Раҳим Раҳмонов аспирантура даврида гўёки аксилинқилобий тарғибот олиб борганлигини тан олган. 1942 йил 8 августдаги ИИХК йиғилишида 9 нафар ўзбек олими орасида Раҳим Раҳмонов ҳам 10 йилга меҳнат тузатиш лагери (МТЛ)га ҳукм этилади.

Раҳим Раҳмонов 1942 – 1944 йилларда Карлагда агроном, 1944 – 1949 йилларда Алмати вилоятидаги қишлоқ хўжалиги лагери 5-бўлимида агроном бўлди. У лагерда ҳам ўзини иқтидорли олим сифатида кўрсата олди. Қишлоқ хўжалиги экинларидан улкан ҳосил етиштирди. 1950 йил 1 октябрдан жазони Колима лагеридан ўтай бошлади.

Раҳим Раҳмонов 1952 йил 30 апрель куни жазо муддатини тўлиқ ўтаб, лагердан озод этилади. Бироқ лагер маъмурияти унга жавоб беришга шошилмайди. 1952 йил 17 июндан уни яна Дальстройга кўчиришга рухсатнома келади. Шундан сўнг 1953 йил 10 ноябрда Раҳим Раҳмонов СССР Олий Совети Президиумининг раиси Швердникка ариза ёзиб бошидан ўтган барча кўргиликларни баён қилади. Аризасида: «1920 йил отам вафот этгач, мени онам Баҳриниса Каримкулова Фарғона ипакчилик фабрикасида ишлаб улғайтирди. Йигирма йил ишлаб,

меҳнат ногирони бўлиб, нафақага чиққан онам бугун 70 ёшдан ошган ва у мени кутмоқда. Ўзимнинг ҳаёт йўлим ҳам фақат меҳнат ва курашларда ўтди. Шунинг эвазига оддий болалар уйининг тарбияланувчисидан мамлакатдаги энг йирик илмий текшириш институтининг директоригача бўлган йўлни босиб ўтдим. МТЛда ҳам агроном бўлдим, илмимни ишга солиб хўжаликда улкан ютуқларга эришдим. Бугун ёшим 42 да, унинг 11 йилини меҳнат тузатиш лагерларида ўтказдим. Мен ҳали илмий ишларимни давом эттиришим керак. Ўтиниб сўрайман, менинг ишимни холислик билан қайта кўришсин. Мен ҳеч қачон жиноят содир этмаганман», – деб айтади.

Баҳриниса ая Каримқулованинг СССР ҳукумати раҳбари Хрушев номига ёзган аризаси ҳам етиб борди. Шундан сўнг Раҳим Раҳмоновнинг иши қайта кўриб чиқишга топширилди. У 1956 йил 27 сентябрь куни ЎзССР Олий суди томонидан оқланди...

## МУҲИДДИН ЭРМАТОВ

Муҳиддин Эрматов 1898 йили Қўқон шаҳрида масжид имоми хонадонида дунёга келган. Дастлаб жадид мактабида, сўнг рус-тузем мактабида ўқийди. Мадрасага қатнаб ўз замонасининг илғор ёшларидан бирига айланади. Муҳиддин 1919 – 1920 йиллар давомида Қўқон жомеъ масжиди ёнида жойлашган дўконларида жадид мактаблари учун китоб ва дарсликлар, ўқув ашёлари савдосини йўлга қўяди. Унинг ўзи ҳам жадид мактабларида дарс беради.

Муҳиддин Эрматов 1923 йили «Нашри маориф» жамиятининг Қўқондаги раҳбарларидан бири эди. Шундан сўнг компартияга кириб, маҳаллий совет идораларида масъул лавозимларда ишлай бошлайди. Муҳиддин Эрматов жадид тараққийпарварлари таъсирида улғайгани боис миллат эртаси бўлган ёшларнинг таълим олишига алоҳида эътибор билан қараган. У Фарғона музофотида қаршилик ҳаракати давомида хонавайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш, маданият ва маорифни оёққа қўйишда катта ютуқларни қўлга киритади. Бу ҳақда «Фарғона» газетаси саҳифаларидаги қатор мақолалари гувоҳлик беради.<sup>19</sup>

1930 йили ОГПУ томонидан ўйлаб топилган «Ботир гапчилар» иши доирасида Муҳиддин Эрматовнинг укаси,

---

<sup>19</sup> Эрмухаммедов. Босмачиларга ҳукм // Фарғона. 1923 йил 23 февраль. №60; Эрмухаммедов М. Фарғонадаги бугунги ҳол ва вазифаларимиз // Фарғона. 1923 йил 17 март. №64; Эрмухаммедов Муҳиддин. Қутлайман // Фарғона. 1923 йил 5 июль. №86; М.Эрмат ўғли. Фирқа ҳаётидан // Фарғона. 1924 йил 14 апрель. №163; М.Эрмухаммедов. Байналмилал ёшлар кунида // Фарғона. 1924 йил 5 сентябрь. №201.

«Янги Фарғона» газетасининг мухбири Нуриддин Эрматов қамоққа олинади. Нуриддин ОГПУ қошидаги суд томонидан 5 йилга Беломорканалга сургун этилади.

Муҳиддин Эрматов бу вақтда Москвада Свердлов номидаги комуниверситетда ўқиётган эди. Шу туфайли Муҳиддин 1930 йил қатағонидан қутулиб қолди. Муҳиддин Эрматов 1932 – 1937 йилларда Наманган шаҳар партия қўмитаси котиби бўлди. Наманган халқ хўжалигини изга солиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тиним билмади. Ҳатто ўз вақтида эришган ютуқлари учун «Қизил байроқ ордени» билан ҳам тақдирланган. 1937 йил 9 сентябрь кунини ЎзССР ИИХК Загвоздин Муҳиддин Эрматовни ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларига асосан аксилинқилобий тарғибот олиб борган ва аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси деб айблаб қамоққа олишга қарор қилди. 1937 йил 10 сентябрь кунини ордер берилиб, у



Ўтирганлар ўнгдан: 1. М.Оқилий 2. Х.Қўлдош 3. Б.Жалолий 4. Техникум мудири Қори Ниёзий 5. А.Бекқўзи 6. Н.Эрмат. Турганлар ўнгдан: 1. М.Ғофурий. 2. Ғ.Содиқий 3. М.Хусайн 4. И.Юсуфий 5. Д.Қосимий 6. Б.Назарий 7. Ж. Каримий. Пастда: 1. Б. Каримий 2. Зухра Бурнашева.

Наманган шаҳри Октябрь кўчаси 39-уйдан қамоққа олинди. Унинг ортидан турмуш ўртоғи Патихон Эрматова уч нафар фарзанди билан йиғлаб қолди.

1937 йил 15 – 17 сентябрь кунлари сўроқ давомида Муҳиддин Эрматов ўзига қўйилган кўплаб айбловларни тан олишга мажбур бўлди. 1937 йил 2 октябрь куни Ҳаким Каримов ва Арслонбек Ислонбеков билан юзлаштирилди. М.Эрматов ўзига қўйилган барча айбловларни мутлақ рад этди. Муҳиддин Эрматов 1937 йил 23 ноябрда Абдулхай Тожиев билан, 1937 йил 28 ноябрь куни Абдуллажон Каримов билан юзлаштирилди.

Муҳиддин Эрматовнинг айблов баённомаси 1937 йил 16 декабрда ЎзССР ИИХК Апресян томонидан тасдиқланди. Айбловларнинг бирортаси ўз исботини топмаганига қарамай, Муҳиддин Эрматов ЎзССР ЖКнинг 58-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айбланди. Машъум «учлик» суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 9:10 дан 9:25 гача давом этди. Суд М.Эрматовни отувга ҳукм қилди ва шу куннинг ўзида отиб ташланди.

1957 йил 1 август куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг қарори билан бир қатор ўзбек ҳукумати арбоблари қаторида Муҳиддин Эрматов ҳам оқланди. Бу хушxabар М.Эрматовнинг турмуш ўртоғи, Қўқон шаҳри Сталин кўчаси 127-уйда яшаётган Патихонга йўлланди.

Патихон Эрматова 1957 йил 17 декабрь санаси билан ЎзССР КГБ идораси раҳбарияти номига ариза ёзиб, 1937 йили М.Эрматовни ҳибсга олганларида уларнинг оилавий албомлари ва 500 дан ортиқ китоблари, хўжалик ашёлари, стол-стулларигача олиб кетганларини таъкидлайди. Албатта, шўролар мамлакати турмуш ўртоғининг паспортидан бошқа ҳеч нарсасини қайтармади...

## НУРИДДИН ЎЛМАСБОВ



Нуриддин Низомиддинович Ўлмасбоев 1900 йили Қўқоннинг Бекбўта мавзесида давлатманд оилада туғилган. Болалигидан жадид ва рус-тузем мактабларида таълим олади. Тенгдошлари орасида ҳар жиҳатдан илғор фикрлайдиган йигитлардан бири эди. 1917 – 1918 йилларда Қўқоннинг вайронага айлантирилиши натижасида Нуриддин ҳам бир муддат бекиниб юришга мажбур бўлади. Кўнчилар уюшмасига кириб, жамоат ишларига аралаша бошлайди. 1919 йили Тошкентга келиб, «Чиғатой гурунги»да фаол иштирок этади. Сўнг компартияга кириб, партия ва давлат ишларига жалб қилинади.

Нуриддин Низомиддинович Акмал Икромов томонидан Қўқонга округ партия қўмитаси котиби этиб тайинлади. 1928 йили унга «Хужум» кампаниясини бўшаштирган деб ҳайфсан берилади. Мўмин Усмоновнинг хотирлашича, 1929 йили Москвадаги ўзбекистонлик талабалар жамияти раиси бўлган вақтида айрим талабалар Қўқон округ партия қўмитаси котиби Н.Ўлмасбоев масаласини кўтариб, унинг собиқ бойларни ва уларнинг авлодларини совет партия ишига олди деб ахборот талаб қилганлар. Бу ишга А.Икромов аралашиб, М.Усмоновдан талабаларнинг ўз фаолиятига тегишли бўлмаган ишларга аралашмасликларини сўрайди. Дарҳақиқат, ўзбек талабалари орасида айрим идораларга хизмат қиладиган ва прова-

кация билан шуғулланадиганлари ҳам бор эди. Шундан сўнг Н.Ўлмасбоев 1930 – 1933 йилларда Москвада олий партия мактабида ўқиди. 1933 йили Москвадан қайтгач, дастлаб Фарғона вилояти Боғдод МТСида сиёсий бўлим бошлиғи, бир муддатдан сўнг Самарқанд вилояти Жомбой тумани партия кўмитаси биринчи котиби бўлди. Н.Ўлмасбоев қисқа муддатда Жомбой тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва халқнинг турмуш тарзини яхшилашда катта ютуқларни қўлга киритди.

1937 йил 28 сентябрь куни ЎзССР ИИХК Загвоздин бу вақтда ЎзССР КП МК қишлоқ хўжалиғи бўлимида ташкилотчи бўлиб иш бошлаган Нуриддин Ўлмасбоевни аксилинқилобий тарғибот ва аксилинқилобий ташкилот аъзоси деган айбловлар билан қамоққа олишга қарор чиқаради. Шу кунинг ўзида ордер олиниб, Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 49-уйдан қамоққа олинади. Н.Ўлмасбоев бир неча кун давом этган қийноқ ва таҳқирлардан сўнг ўзига нисбатан бўҳтонлар битилган қоғозларни имзолаб жонини қутқариб қолди. Ҳатто унинг номидан СССР генерал комиссари Ежов номига ҳам ариза ёздириб олинди. Унда ўзининг аксилинқилобий ташкилот аъзоси эканлигини ва уни ташкилотга ЎзССР ХКС биринчи ўринбосари Абдуллажон Каримов тортганини тан олади.

Шундан сўнг 1937 йил 12 ноябрь куни терговчиларнинг Н.Ўлмасбоевни ЎзССР ЖКнинг 57-1-, 63-, 67-моддалари билан айблаб чиқарган қарори пайдо бўлди. 1937 йил 15 ноябрь куни ўтказилган сўнгги сўроқда Н.Ўлмасбоев ўзининг халқ хўжалигини издан чиқариш бўйича жиноятлари ва аксилинқилобий ташкилотга кимларни тортганини «тан олади».

Сўнг ишга 1937 йил 13 сентябрь куни Давлат Ризаев, 1937 йил 28 сентябрь куни Абдуллажон Каримов, 1937 йил 10 – 12 октябрь кунлари Акмал Икромов томони-

дан имзолатилган сўроқ баённомаларидан кўчирмалар тикилди. Айниқса, нақд 20 та ташкилот ва муассасадан унинг жинорий ҳаракат ва ҳаракатсизликларини исботловчи маълумотномалар олиб тикиб қўйилди.

1937 йил 20 декабрь куни Н.Ўлмасбоевга жинорий иши кўриб чиқиш учун берилди. У ҳеч қандай эътирозим йўқ, ишни ёпинглар деб имзо чекди.

1938 йил 1 октябрь куни Мўмин Усмонов билан, 3 октябрь куни Содиқжон Болтабоев билан, 4 октябрь куни Саъдулла Турсунхўжаев билан юзлаштирилди. Н.Ўлмасбоев ҳар учала ҳолда ҳам ўзига қўйилган айбловларнинг барчаси бўҳтон эканлигини айтиб ҳеч қачон тан олмаслигини маълум қилди. Бироқ бу ҳолат 1938 йил 4 октябрда бўлган машғум судда инobatга олинмади. Н.Ўлмасбоев отувга ҳукм қилинди, ижроси ҳам шу куннинг ўзида амалга оширилди.

Сталин вафотидан сўнг илиқлик шабадалари эсиши билан 1957 йил 2 январда Нуриддин Ўлмасбоевнинг турмуш ўртоғи Зумрад Қаюмованинг аризасига кўра Н.Ўлмасбоевнинг иши ҳам қайта кўриб чиқишга топширилди. Шундан сўнг иниси, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институти доценти Шарафиддин Ўлмасбоев ҳам акалари Нуриддин ва Зиёуддиннинг тақдири билан қизиқиб мурожаат этади. Қайта сўроқларда Нуриддин Низомиддинович фақат ва фақат бўҳтонлар асосида йўқ қилингани ўз исботини топди. У 1957 йил 1 август куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. 1957 йил 28 октябрь куни етиб келган бу хушxabардан Кўқон шаҳри Ҳурлик кўчаси 40-уйга Н.Ўлмасбоевнинг турмуш ўртоғи Зумратой Қаюмова ва қизи Азиза Нуриддинованинг боши кўкка етди...

Нуриддин Ўлмасбоевнинг набираси Муроджоновна Жамилахон ҳожи ая бизга ўзининг болалик хотиралари



хақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: Ақлимни танибманки, онам Азизахоннинг жуда кўп марта пинҳона йиғлашларига кўзим тушган. Баъзан менга ҳам пичирлаб ўзининг аччиқ ўтмишини сўзлаб берардилар. Мен ҳам йиғлаб тинглардим. Онам оталарини эслай олмасди. Бувим Зумратой Мирза Қаюмбой қизининг айтишича, бобом Нуриддин Ўлмасбоев дутор, танбурни хуш кўрувчи, санъатга ошно инсон бўлган эканлар. Яна Москвадаги Ломоносов университетини битириб, Қўқонга келгач қатор масъул лавозимларда ишлаганлар. Шунингдек, Андижон вилоят партия кўмитаси котиби ҳам бўлган эканлар. Кейинроқ пойтахтга ишга чақирилиб, опоқим Мирза Қайюмбой бобомнинг турмуш ўртоғи Зумратой ва 2-3 ёшли қизи Азизани Тошкентга олиб кетишига розилик бермаган эканлар. Йиллар ўтиб Мирза Қаюмбой опоқим оламдан ўтиб, бобом ҳам қамалиб кетгач, ҳовлида Тошхон ая, бувим Зумратой ва онам Азизахон қолган экан. Қатағон йилларида Мирза Қаюмбойнинг бойликларидан умидвор кимсалар кечалари ҳовлига талончиликка кирар эканлар. Шундай ўғрилар хужуми вақтида Тошхон буви ҳам оламдан ўтади. Фақат бувим Зумратой ва онам Азизахон қолган ҳовлига яна ўғрилар кириб бор мулкларини талаб кетишади. Шундан сўнг Яйпандан бувимнинг амакилари келиб, уларни Қўқондан бутунлай кўчириб олиб кетишади, онам Азизахоннинг болалиги Яйпанда қариндошлари орасида кечган. Азизахон онам ақлини таниб онасидан дадалари ҳақида сўраса, улар узоққа кетган, ҳали келиб қоладилар дер эканлар. Улғайиб, совчилар келганида дадалари ҳақида сўрашса, Зумратой бувим ҳақиқатни айтишга кўрқиб отаси бедарак йўқолган дер



Зумрад Қаюмова



Азиза Нуриддинова

эканлар. 1940 йил февралда онам Авфонбоғ қишлоғига келин бўлиб тушган, мен мана шу хонадонда таниқли санъаткор Муроджон Аҳмедовнинг қизи бўлиб дунёга келганман...

1956 йили бобом оқланганидан сўнг Зумратхон бувим ота уйи Қўқонга қайтишга қарор қилади. Қариндошлари Қўқонга келиб, уларнинг маҳалла раисига учрашади. Маҳалладан 8 сотих атрофида ер ажратишиб, маҳалладошлар ҳашар йўли билан уй қуриб беришган экан. Бу ерда биз бувим, онам ва мен яшардик. Бувим қизлик маҳалласига келганидан хурсанд эди. Маҳаллада ҳам у кишини жуда қадрлар эдилар. Онам мен катта бўлганимда ҳам дадаларини эслаб йиғлар, отамнинг ака-укалари бормикин деб ўйларди.

Бир куни ҳовлини сунуриб турганимда бир гўзал аёл мендан шу ерда Зумратхон деган аёл ва Азизахон деган қизи яшайдими деб сўради. Мен у аёлга Зумратхон бувим, Азизахон аям бўладилар дедим. Шунда у аёл келиб мени маҳкам қучоқлаб олди. Мен уни ҳовлига олиб кирдим. Онам сўрида ўтирар эди. Аямга мана бу хола сизни ва бувимни сўраб келишибди дедим. Онам дарров сўридан тушиб, аёлни самимий қутиб олди. У аёл аямга қараб сен мени қайдан танирдинг, жияним, мен даданг Нуриддин Ўлмасбоевнинг синглиси Роқияхон бўламан деб йиғлаб юборди. Онам бечора нима қилишини билмай Жамилахон бувингни чақир деди менга. Бувим ички ҳовлида нон қилаётган экан. Ҳовлига чиқиб, аввал танимадилар. Кейин яқин келиб таниб, вой ўлмасам, Роқияхон синглим, сиз бизни қандай топдингиз деб йиғлаб юбордилар, бир-бирларини қучоқлаб кўришиб кетдилар. Акамдан қолган ёдгорим деб аямни қучиб йиғладилар, аям ҳам йиғлардилар. Азизахон, сен ёлғиз эмассан, сенинг Тош-

кентда Шарофиддин, Салоҳиддин деган амакиларинг бор, кеннайиларинг, жиянларинг бор дедилар. Онам бирдан ўзини ташлаб юборди. Шу пайт ҳовлимизга қўни-қўшнилар кириб келди, тезда дастурхон ёзилиб, тўйдек бўлиб кетди. Роқия аммам каппон бозорида бухгалтер бўлиб ишлар эканлар. Эртаси аммам яна келиб, сизларга Нуриддин акам-



Салоҳиддин Ўлмасбоев  
турмуш ўртоғи билан

нинг бир қариндошимизга совға қилган уйларини олиб беришим мумкин дедилар. Лекин онам адам бошқага совға қилган бўлсалар, мен ололмайман дедилар. Аммам сен эртага тайёр тур, Тошкентга амакиларинг олдига бориб келасан дедилар. Эртасига аммам келиб олиб кетдилар. Биз бувим билан йиғлаб кузатиб қолдик. Орадан икки кун ўтиб аммам яна келди ва Азизахонни амакилари вокзалда кутиб олишибди, хавотир олманглар, 15 – 20 кунда келади деб кетдилар. Бир ойлар ўтди, келавермагач, бувим билан хавотир ола бошладик. Бир кун онам хурсанд кириб келдилар. Бироз дам олгач, бир олам таассуротларини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар. Тошкентда поезддан тушиб турсам, бир кўркам инсон келиб, Азизамисан деди. Ёнида шериги ҳам бор экан. Шу вагонда келишингни бизга Руқия амманг айтганди дейишди. Биз Салоҳиддин ва Шарофиддин амакиларингмиз деб мени кучоқлаб йиғлашди. Мен Олий суд судяси Салоҳиддин ва устоз олим Шарафиддин амакиларимнинг уйида бўлиб, жиянларим билан танишдим. 10 – 15 кун ўтиб амаким менга бугун Ш.Рашидовнинг қабулига борасан деди. Мени икки



Нуриддин Ўлмасбоев-  
нинг набираси Жамила  
хожи ая

ҳарбий қузатувида Ш.Рашидовнинг қабулига олиб киришди. Ш.Рашидов отангиз ноҳақ отилганлар деб хафа бўлиб гапирдилар. Синглим, қандай кўмак керак бўлса, биз ёрдам берамиз дедилар. Шундан сўнг совға ва конвертда пул ҳам бердилар. Онам отасининг вафоти ҳақида эшитиб келгач, Қўқонда дадалари учун маърака қилиб бердилар. Онамга шаҳар кўмитаси томонидан икки хонали уй беришди, бувимга нафақа белгилашди. Онам Тожихон Шодиева билан учрашиб, оталари ҳақида сўраган эканлар. Тожихон опа у киши ҳақида кўп яхши хотираларини сўзлаб берган эканлар. Онам отасининг охирги маротаба уйидан қора машинада олиб кетишганларини Тожихон опа кўргандини умрларининг охиригача айтиб юрдилар. Онам Азизахон 1980 йил февралда, оналари Зумратхон 1985 йил июлда оламдан ўтди. Уларга мамлакатимизнинг истиқлолини кўриш насиб этмади. Мен Нуриддин Ўлмасбоевнинг ёлғиз набирасиман. Аллоҳ шаҳидларимизни ўз раҳматига олган бўлсин...

## РАСУЛ НОСИРОВ

Расул Носиров 1902 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Ўз даврининг ҳар жиҳатдан илғор йигитларидан бўлган Расулжон Самарқанддаги Марказий партия мактабини тугатиб, партия ва совет идораларида меҳнат қилди. 1935 йили Қўқонда ишчи факультети директори, «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири бўлди. Сўнг Фарғона шаҳар кўмитаси маданият бошқармаси мудири сифатида иш олиб борди.

1937 йил 13 октябрь куни Расул Носиров қамоққа олинади. Унга 1937 йил август конференциясида ўқитувчи Мансуровнинг ёнини олган, миллатчи, совет сиёсатига қарши С.Мирзажоновнинг одами деган айблар тақалади. Ҳатто 15 октябрь куни жисмоний куч ишлатиш йўли билан ЎзССР ИИХК Апресян номига айбдорлиги эътироф этилган ариза ёздирилади.

1937 йил 20 октябрь куни сўроқда Р.Носиров ўзининг 1937 йил июнда С.Мирзажонов томонидан аксилинқилобий ташкилотга тортилганини «тан олади». Шундан кейингина Расул Носировни аксилинқилобий тарғиботда айблаб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-банди билан айбдор деб қарор чиқарилади. 1937 йил 23 октябрь куни аллақачон қамоққа олинган Р.Носировни қамоққа олишга ордер берилади.

1937 йил 2 ноябрь куни Собир Мирзажонов билан юзлаштириш «муваффақиятли» ўтказилди. 1937 йил декабрда ўз ишини кўрсатишганида Р.Носиров бошқа қўшимчам йўқ, розиман, ишни ёпинглар деб имзо чекади. Унинг айблов баённомаси 1937 йил 16 декабрда Апресян

томонидан имзоланади, унга ҳеч бир далиллар кўрсатилмагани ҳолда ЎзССР ЖКнинг 58-, 64-, 63-, 67-моддаларини қўллайдилар. 1938 йил 8 октябрь куни соат 16:10 дан 16:30 гача давом этган машъум «учлик» судида Р.Носиров ўзига қўйилган барча айбловларни мутлақо рад этди. Аммо бу ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмади. Р.Носиров олий жазога ҳукм этилди ва ўша куннинг ўзидаёқ отиб ташланди.

Расул Носиров 1958 йил 11 март куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. Бу хабар қизи Клара Носировага етказилди. 1958 йил 12 апрель куни кенторага чақирилган Клара опа ўзининг давлатга ҳеч қандай моддий даъвоси йўқлигини ёзиб имзо чеккан...

## СОБИР МИРЗАЖОНОВ

Собир Мирзажонов 1903 йили Наманган шаҳрида меҳнаткаш деҳқон оиласида дунёга келган. 1920 йилгача оиласига ёрдам мақсадида чорикорлик билан шуғулланган. 1920 – 1922 йилларда саводхонлик курсларида, 1922 – 1925 йилларда эса С.Покровский номидаги биринчи Москва давлат университети қошида ташкил этилган ишчи факультетида ўқийди. Фарғонага қайтгач, халқ хўжалигининг турли соҳаларида масъул лавозимларда иш олиб боради. Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларни қўлга киритгани учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Меҳнат қизил байроқ» ордени билан ҳам тақдирланади. 1934 йилдан Қўқон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби сифатида халқ орасида катта обрў қозонади.

1937 йил 14 сентябрда ЎзССР НКВД Загвоздин Собир Мирзажоновни ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларини қўллаб қамоққа олишга қарор қилади. 1937 йил 25 сентябрь куни берилган ордер асосида у қамоққа олинди. 1937 йил 27 сентябрь куни генерал комиссар Ежов номига ариза ёздирилди. Унда ўзининг 1934 йили А.Икромов томонидан аксилинқилобий гуруҳга тортилгани ва амалга оширган жиноий ишлари ҳақида айтиб ўтади. 1937 йил 1 октябрь куни тўлдирилган шахсий анкетасида унинг оила аъзолари турмуш ўртоғи Закия Мирзажонова, фарзандлари Чўлпон ва Розадан иборат деб кўрсатилган.

«Правда Востока» газетасининг 1937 йил 29 сентябрь сонида «Буржуазний националист Мирзажанов и его единомишленники» номли мақола босилиб, унда С.Мирзажонов, Ором Тожиев, «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири ўринбосари Қўзиев, Алиев тутуриқсиз айбловлар билан ёмонотлиқ қилинди. Уларнинг «гап»да иштирок этгани улкан жиноят сифатида талқин этилди.

1937 йил 27 – 30 сентябрь кунлари С.Мирзажонов томонидан имзолаттирилган сўроқ баённомасида у ўзининг 1934 йили А.Икромов томонидан «Миллий истиқлол» аксилинқилобий ташкилотига тортилганини «тан олади». 1934 йили пахта ишига Марказ томонидан Куйбишевнинг масъул қилингани, маҳаллий ҳукумат А.Икромовнинг тавсияси билан С.Мирзажонов, Т.Шодиева, «Янги Фарғона»нинг муҳаррири Р.Носиров каби кўплаб инсонларнинг хизмати билан Марказнинг режаси чиппака чиқарилганини айтади. А.Икромов 1934 йилнинг декабрида Қўқонга келганида бунинг учун ҳатто миннатдорчилик ҳам билдирганди дейди. Шунингдек, аксилинқилобий ташкилотимизнинг асл мақсади Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш эди, 1937 йил декабрда аъзолари С.Болтабоев, С.Мирзажонов, Т.Шодиева, А.Тошмуҳаммедов, М.Ниёзов, У.Мамаюсов, Р.Носиров ва бошқалардан иборат эди дейди.

Собир Мирзажонов 1937 йил 31 октябрь куни Акмал Икромов билан, 1937 йил 3 ноябрь куни Содиқжон Болтабоев билан, 1937 йил 10 ноябрь куни Даврон Искандаров билан юзлаштирилди. Ҳаётдан умидини узган инсонлар бу юзлаштиришларга ҳеч қандай аҳамият беришмади. Фақат 1938 йил 18 февраль куни Тожихон Шодиева билан юзлаштиришда Тожихон ўзига қўйилган айбловларни тўлиқ инкор этади, мен ҳеч қачон аксилинқилобчи бўлмаганман дейди.

1937 йил 16 декабрь куни ЎзССР ИИХК Апресян Собир Мирзажоновнинг айблов баённомасини тасдиқлади. С.Мирзажонов ЎзССР ЖКнинг 58-, 64-, 63-, 67-моддалари билан айбланди. Машъум «учлик» суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 11:55 дан 12:10 гача давом этди. Суд уни отувга ҳукм қилди ва ўша куннинг ўзидаёқ отиб ташланди.

Собир Мирзажонов 1957 йил 1 август куни СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. Бу хушхабар Чўлпон ва Розага етказилди.



## ЁҚУБ БОҚИЕВ

Ёқуб Иброҳимович Боқиев 1903 йили Қўқон шаҳрида дунёга келган. Ёқубжон аввал А.Ибодийнинг «Ирфон» мактабида, сўнг рус-тузем мактабида ўқийди. 1919 йили Қўқон шаҳридаги муаллимлар курсини ботириб, Конибодом шаҳрига бориб, «Турон» мактабида дарс бера бошлайди. Шундан сўнг партияга кириб, Конибодомдаги совет ташкилотларида хизмат қилади. 1921 йили Москвага бориб, Свердлов номидаги комуниверситетнинг 8 ойлик курсида, 1922 йили Сталин номидаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университети (КУТВ)даги 4 ойлик курсда ўқийди.



Ёқуб Иброҳимович 1922 йили 6 ой давомида қизил армия сафида хизмат қилди. 1924 – 1925 йилларда Фарғона музофоти партия кўмитасида ташкилотчи, Қўқон шаҳар ижроқўмида масъул котиб сифатида иш олиб борди. Сўнг Тошкентга келиб, Ўзсовпрофнинг маданий оқартирув бўлими мудири бўлди. 1929 йили Ёқуб Иброҳимовични отаси бой бўлган, ёт унсур деб партиядан ҳайдашади. Кўп ўтмай у партияга қайта тикланиб, Охунбобоев номидаги саноат билим юртида жамиятшунослик фанидан дарс бера бошлайди. Айти пайтда, Революция музейида илмий ходим бўлиб ишлайди. 1932 йили Қорақалпоғистонга йўлланиб, маданий оқартув бўлимига раҳбарлик қилади. Ёқубжон 1934 йилдан Ғаллаорол туман халқ маорифи бошқармасига раҳбар бўлди. Бироқ 1935 йил 26 мартда

ишдан олинди. 1935 йил 20 июнда партия ва ҳукумат топшириқларини бажармаган деган айблов билан яна партиядан ўчирилди. 1936 йили Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) тарих факультетига ўқишга киради.

1937 йил 16 январь куни САГУ 2-курс тарих факультети талабаси Ёқуб Иброҳимовични ЎзССР ИИХК Зағвоздин ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-банди билан талабалар ўртасида аксилинқилобий тарғибот олиб боришда айблаб қамоққа олишга қарор қилади. 15 январь куни берилган ордер асосида Тошкент шаҳри Киров кўчаси 10-уйда тинтув ўтказилади. Тинтувда унинг уйидан Ф.Хўжаевнинг асарлари, Логофетнинг 2 томлик «Афғонистон ва Бухоро амирлигига саёҳат (1882)», Остроумовнинг «Сарти», «Ислом тарихи» асарлари ва бошқа кўпгина китоблари, гувохнома ва суратлари олиб кетилади. Шахсий анкетасида она аъзолари сифатида 16 ёшлик синглиси Жаннат ва 3 ёшлик ўғли Олмоснинг номлари келтирилган. Собиқ турмуш ўртоғи Саида Баҳромовна Давлатшоева инқилоб музейи ходими бўлиб, бу вақтда Москвада яшаган.

1937 йил февраль – март ойларида ўтказилган тинимсиз сўроқларда Ёқубга қўйилган айбловларнинг бирортаси ўз исботини топмади. Шунга қарамай, унинг 1937 йил 11 апрель куни тасдиқланган айблов баённомасида 1935 йил сентябргача Троцкийнинг 2 томлик китобини ўзи билан олиб юрган, хотинини урган, талабалар ўртасида хонлик замонини мақтаган каби айбловлар ўрин олган.

1937 йил 3 июль куни ИИХК ҳузуридаги машъум «учлик» суди Ёқуб Боқиевни 5 йил меҳнат тузатиш лагери (МТЛ)га ҳукм қилади. У ашаддий троцкийчи сифатида Севастоклагнинг Бухта Нагоева ўлкасига юборилади...

Ёқуб Боқиев иши юзасидан 1980 йил 26 сентябрда ЎзССР прокуратураси протест киритади, шу асосда у 1980 йил 13 октябрда ЎзССР Олий суди томонидан оқланади.

## РАҲМОНАЛИ РАҲМАТУЛЛАЕВ

Раҳмонали Раҳматуллаев 1878 йили Қўқон шаҳрига узоқ бўлмаган Олтиқўш қишлоғида туғилган. Отаси Раҳматулло ҳожи ўзига тўқ, зиёли инсон бўлган. Раҳмонали оилада укаси Ҳайитали, Эргаш буви ва Ҳурмат бувининг тўнғичи эди. Олтиқўш қишлоғи савдо ва ҳунармандчилик учун жуда қулай нуқтада жойлашган. Атроф худудлардан чорвадорлар ўз молларини бозорга олиб келиб сотиш учун Қўқон шаҳрига яқин қишлоқларда тўхташган. Ўша қишлоқларда одамлар дам олиши учун жойлар ҳамда чорва ҳайвонларини сақлаш учун ем-ҳашак тайёрлаб қўйилган кўралар бўлиб, улар «қўш» деб аталган. Қишлоқ номи ҳам шундан олинган.

Раҳмонали Раҳматуллаев улғайиб, ҳалол меҳнати билан бойиди, бир сўзли чопағон полвон сифатида эл назарига тушди. Халқ шу туфайли уни Қўқонсойга бош мироб этиб сайлади. 1916 йилги мардикорликка қарши қўзғолонлар даврида Раҳмонали Раҳматуллаев халққа сувни одиллик билан тақсимлагани учун Аравон даҳасига мингбоши қилиб кўтарилди.

1917 йили Раҳмоналибой тараққийпарвар инсон сифатида «Шўрои Исломи» жамиятига аъзо бўлиб, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тарғиботчиларидан бирига айланган. Мухторият қонга ботирилгач, у 1924 йилгача тарихимизда «босмачилик ҳаракати» деб ном олган миллий қаршилиқ ҳаракати раҳнаmolари – қўрбошиларни қўллаб-қувватлаб турган.

Совет ҳукумати мустақамланиб бориши билан Раҳмоналибой ҳам шўроларнинг тадбирларида иштирок эта

бошлайди. Шунга қарамай, у 1930 йил 3 декабрда Аравон ва Қайнар пахта қабул қилиш пунктлари рўйхатида бўлган 31 нафар киши билан қамоққа олинади. 1931 йили кулоқ деб топилиб, уй-жойи, 60 таноб ери, 8 та оти, 4 та хўкизи, 100 бош қўйи колхоз фойдасига мусодара этилади. Ўзи эса аксилинқилобий тарғиботда айбланиб 5 йилга кўчма қилинади. У кўчмани Сталинобод (Душанбе) ва Ўратепа худудларида ташкил этилган кулоқ хўжаликларида ўтайди.

1937 йилнинг бошида қишлоғига қайтиб келган Раҳмонали Раҳматуллаев қишлоқдаги «Маданий инқилоб» колхозига аъзо бўлади. Бироқ айрим кимсалар ЎзССР ИИХК Қўқон бўлими раҳбари Вакуленкога собиқ бой Р.Раҳматуллаев совет тузумига қарши, яқинда колхозлар тугайди, советлар ҳаммани пахта билан боғлаб очдан ўлдирмоқчи деди каби чақувлар ёзишади.

1937 йил 23 ноябрь куни Раҳмонали Раҳматуллаев ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми билан «аксилинқилобий тарғибот»да айбланиб яна қамоққа олинади. 1937 йил 24 ноябрь куни у сўроқда ўзига қўйилган айбловларни тўлиқ рад этади. 1937 йил 27 ноябрь куни ЎзССР НКВД хузуридаги «учлик» суди Р.Раҳматуллаевни 10 йил МТЛ (меҳнат тузатиш лагери)га ҳукм этади.

Ишда 1938 йил 10 апрель куни соат 7:00 да врачлар томонидан Р.Раҳматуллаев Тошкентдаги тарқатиш нуқтасида касаллик туфайли вафот этди деб қайд қилинган маълумотнома мавжуд. Бироқ унинг оиласи ва фарзандлари ҳақида ҳеч қанақа маълумот келтирилган эмас. Раҳмонали Раҳматуллаев 1990 йил 3 апрель куни ЎзССР прокуратураси томонидан оқланган...

Раҳматуллаев Раҳмоналининг набираси Мирсодиқ хожи Миракбаржон ўғли биз билан суҳбатда ўз хотираларини сўзлаб берди: *«Бобомиз Раҳмонали Раҳматуллаев-*

нинг икки аёлидан 9 нафар фарзанди бўлган. Биринчи турмушидан катта ўғли Муҳаммадали 1930 йилларда «бойнинг боласи, қулоқ» деб қамоққа олинган, кейинги тақдири номаълум. Сўнг Хосиятхон (1912 – 2004), Омонали (1913 – 1943), Нуқраҳон (1914 – 1997) ва Мамасоли (1915 – 1944) туғилган. Қўқонлик оилалари Азимова Шодмон-ойдан Акрамжон, Неъматилло деган ўғиллари ва Роҳатой, Саодатой деган қизлари бўлган. Акрамжон, Неъматилло ва Роҳатой 1930 – 1940 йилларда вафот этганлар. Мен Раҳмонали бобомизнинг кенжа қизи Саодатхон ҳожи она (1929 – 2017)нинг фарзандиман. Ёшлигимдан онам ва холаларимдан боболаримиз ҳақида кўплаб ҳикоялар тинглаганман. Жумладан, Раҳматулло ҳожи бобомизнинг қизлари Эргаш буви ва Ҳурмат буви ҳам ўқимишли бўлишган. Эргаш аммамизнинг бир сандиқ китоби бўлган экан. Раҳмонали бобом гавдали, узун бўйли, кенг елкали полвон киши бўлган эканлар. Яхши кўрган ишларидан бири улоқ чопиш бўлиб, шу сабабдан қўлларидаги панжа бармоқларининг кўпи от туёғида қолиб синиб букилиб қолган экан. Отхонада доимо 4-5 та от улоқ чопгани ва 2 та от аравада оила билан Шоҳимардонга сайилга бориш учун боқилган экан. Улоқчи отлар аравага қўшилмас экан.



Нуқраҳон  
Мамадалиева



Хосиятхон  
Худойқулова



Саодатхон  
Мирзаева

Бобом Қўқонсойга бош мироб бўлиб, Қўқонсойнинг сувини ҳафтада 4 кун Қўқон шаҳри, 3 кун Данғара тумани ичар экан. Шаҳарнинг 4 кун сув олиши сабаби ташлама сув ва сойда қолган сув Данғара туманидаги қишлоқларга оққани экан. 1916 йилдаги мардикорликка олиш вақтида Минглар ва Аравон қишлоқлари қўзғолончилари Қўқонга келиб, мингбоши Ўрайимжон Ҳасановни икки мирзаси билан ўлдиришади. Шундан сўнг Раҳмонали Раҳматуллаев сувни одиллик билан бой-камбағалга бирдек тақсимлагани учун Туробқули эшон ва бошқа уламолар тавсияси асосида халқ томонидан Аравон даҳасига (ўша даврда волост дейилган) мингбоши қилиб сайланади. Волост маҳкамаси Қўқон шаҳрининг Ғозиёғлиқ маҳалласида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудига ҳозирги Данғара тумани, Фурқат туманининг шимоли-ғарбий қисми, Учкўприк туманининг шимоли-ғарбий қисми ва Қўқон шаҳрига чегарадош ерлар кирган экан.

Катталарнинг айтишича, мингбошилик лавозими, якка хўжаликлар ва қозихоналар Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам фаолият кўрсатган. 1918 – 1920 йилларда большевиклар қишлоқ советларини мустаҳкамлаб, сўнг мингбошилик ва қозихоналарни тугатишган. Бобом нотинчликлар туфайли шаҳардаги оилаларини ҳам Олтиқўшга олиб кетади. Бу ерга ҳам «босмачилар» тез-тез келиб турган экан. Хўжалик ишлари билан бобомнинг укалари Ҳайитбой шуғулланган, у киши елкаси ер искамаган полвон бўлгани учун кўпчилик ҳайиқар экан. Келганларнинг қорнини тўқлаб, отларига ем бериб қузатиб юборишар экан. Шуниси қизиқки, «босмачилар» кетганидан 2-3 соатдан кейин қизил аскарлар отряди келар экан. Уларга ҳам ош-таом бериб, отларига ем ташлашар экан. Лекин ҳеч нарса сўрашмас, ҳеч нима дейишмас экан. Бобом келишса, шунақа бўлди, аввал «босмачилар» йигитлари,

кейин «болшовоилар» келишди дейишса, бобом ташқари ҳовлини супуриб юборинглар дер экан, холос.

Бир кун, менимча, миллий озодлик – босмачиликни бойлар ва халқ қўлламай қўйгандан кейин бўлса керак, кечаси босмачилар келиб, Раҳмонали бобомни Сирдарё бўйидаги тўқайга олиб кетишган экан. Икки кундан кейин Ҳайитбой укалари икки новвос, 10 – 15 қўй ва бир аравада ғалла бериб бобомни олиб келган экан. Шундан сўнг бобомга яна тазйиқ кучайиб, 1929 йилда Жалолобод вилоятининг Сузоқ қишлоғида бир эшоннинг ташқари ҳовлисига кўчиб, эшоннинг даласига нарса экиб тирикчилик қила бошлайди. Шу орада бобомнинг тошкентлик божаси келиб, Афғонистонга чиқиб кетишаётганини айтиб, бобомга ҳам қўшилишини сўрайди. Шунда бобом мен четга кетмайман, бир деҳқон боласи эдим, шу халқ мени бой қилди, амал берди, мансаб берди, нима бўлса шу халқ билан бўламан дейди. Меҳмонлар кетишгандан кейин бувим бунақа қочиб юргандан кўра биз ҳам четга чиқиб кета қолайлик дейишса, бу ҳукумат узоққа бормайди, таги бўш, йўли нотўғри, ҳали кўрасан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади деган экан.

Онам Саодатой: «1930 йили Мамадали акамни НКВД ходимлари олиб кетганди. Қўрғонда отам, Бувиқиз знам, Мамасоли акам, Омонали акам ва мен қолган эдик. «Қизил маданият» колхозчилари эрталаб бойларни ҳамда қулоқларни хоин, душман деб қўшиқлар айтиб далага кетишарди. Ҳурмат аммамнинг эри қўлда қовун эккан эди. Рўза пайтида пишди. Аммам келиб, кунда қўлга бориб, отамга қовун келтиришим кераклигини айтди. Ўзи олиб келиб беришга қўрққан бўлса керак. Қўлдаги ер ҳам аввал бизники эди. Ифторликка қовун олиб келар эдим. Агар бормасам, эртаси кун аммам келар эди... 1937 йилда кечаси дарвоза тақиллади. Отам ўзлари чиқиб очдилар. Кўрмаган бўлсам ҳам, овозлари қулоғимдан кетмайди. Ячейка

раиси, жамоа раиси, колхоз раиси ва бир шаҳарлик одам келган. Учала раис ҳам отамнинг жиянлари эди. «Тоға, сизни шаҳарга бир иш билан маслаҳатга чақиришяпти», – дедилар. Отам: «Уйга кириб, тўн ва салламни кийиб чиқай», – дедилар. Шаҳардан келган рухсат бермади. Бувиқиз энам отамнинг тўн ва саллаларини олиб чиқиб берди. Шу отамни охирги кўрганым бўлди...» – деганди.

Хуллас тоғамлар бобомни суриштириб Кўқон шаҳар милициясига боришса, Тошкентда дейишибди. Мамасоли тоға Тошкентга кўргани борса, каттам билан бирга ётган яйпанлик ва кўқонлик шериклари: «Додхоҳ оламдан ўтдилар. Эртага икки ҳафта бўлади, ўзимиз ҳамма қоида-сини қилиб, саллаларини кафанлик қилиб, Занги ота қабристонига қўйдик», – дейишади. Тоғам «отам-а, отам» деб қишлоққа йиғлаб кириб келади. Ҳамма йиғлаб, аза очади, йигирмаларини ўтказишади.

Ўзим мактабда ўқиб юрганымда қишки таътилга чиқишим билан қишлоққа, холмларникига кетар эдим. Пахта йиғим-терими тугагандан кейин тўйларга рухсат берилар эди. Бобомни кўрган-билганлар, кекса кишилар бола бўлсам ҳам, мени мингбоши деб ҳурмат қилишар эди. Тўйларда Усмонали бува омборчи, Отажон бува ошпаз эди. Ош-шўрваннинг яхши жойи ва омбордаги чучук овқатларга менинг «доступим» бор эди. Бобом тўғрисида сўраганимда улар: «Гавдали, полвон киши бўлган, гарчи қоринлари бўлса ҳам, ерда ётган қамчини отнинг тепасида туриб оларди. Мингбошилиқ қилган вақтида кўк оти бўларди, отнинг устига тухум қўйса турарди, ишга ўшани минарди. От қайси қишлоққа кирса бир кишнарди, «Мингбоши келяпти», – деб кўчада юрганлар уйига кириб кетишарди. Чунки одамларнинг бекор юришига қўймасди. Кўпчиликнинг ўз ери бўлиб, даласида ишда бўлиши, намозда масжидда бўлиши, қолган пайт уйда бўлиши керак эди.



Рамазонда бирор киши узрсиз рўза тутмаса, бўйнига ик-кита сопол кўзани осиб, масжидга қўйиб қўйиларди. Меҳмонхоналарга, гап-гаштакларга далада ишлар тугаганда рухсат берилар эди. У замонларда қишлоқларда ўғри бўлмаган, эшикларга қулф осилмаган», – дейишар эди.

Бобомнинг фарзандлари, неваралари, чеваралари бугун қишлоқ хўжалиги, маориф, спорт, тиббиёт соҳаларида мустақил давлатимизга садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Улар орасида юқори лавозимларда ишлаб нафақага чиққанлар, давлат мукофотларига сазовор бўлганлар бор. Аллоҳга минг шукрки, боболаримизнинг орзуси бўлган истиқлолни ҳам кўрдик. Мамлакатимиз кундан-кун раванак топиб, фарзандларимизнинг иқболи порлоқ, бахтлари тўкис, умрлари узоқ бўлсин».

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИДАН НАМУНАЛАР

## ТУРКИСТОН АҲЛИ НИМА УЧУН ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИЛАР?

Албатта, бу инқироз даврининг сабаблари бир эмас, балки бениҳоятдур. Шундоғ бўлса ҳам, бу ерда баъзиларини ёзмоқчи бўлдим.

1. Мактаб ва мадрасаларимизнинг нимага ёротишимизни билмасдан, усули таълимни замонага мувофиқ ислоҳ этмасдан, бул тўғридаги вазифаларини муаллим ва мударрисларимиз адо этмаганларидур.

2. Мактаб ва мадрасаларда ўқулдургон китобларни керакликларини сайлаб, нокеракликларини ташламоқ, таълим тариқаларини янгилатмоқ унда турсун, балки ҳамон оғирлик йўлини ихтиёр қилуб, кейинга қараб тортмоқликларидур.

3. Бул энгиллатмоқ тўғрисида муҳокама қилиб, маданий қавм ва миллатларнинг муаллим ва мударрисларидан ибрат олиб, мактаб ва мадрасаларининг тартиб-таомиллариға қараб, алардин маълумот олуб фикр юрғузмоқни «ҳаром»дек билиб, бизларнинг ота-боболаримиз шул йўл билан келганлар деб фаҳм этиб, ўз ақидаларинча ислоҳни зўр гуноҳ санаганларидур. Ваҳоланки, мактаб ва мадрасаларни замонаға қараб ислоҳ қилмоқ улуғ шариатимизни арконларидан эрди.

4. Бунинг устиға, муаллим руҳонийларимиз мактаб ва мадраса идораларини касб ёки сабаби маишат бўладур-

ғон мохаз (унумлик жой) эътибор қилиб, нафъи оммани ўз нафълариға қурбон қилгонлари ва шул маишатли томони учун ҳар хил разолат ва риёкорликдан нафрат қилмагонларидур.

5. Мутараққий миллатларнинг уламолари ва улуғлари чет шаҳарларға боруб, хусусан, бурунғи аҳли исломларнинг осори атиқаларидан кўп тажрибалар ва маълумотлар олуб келиб, ўз миллатлариға илм, саноат ўргатмоқға ижтиҳод қилганлари ҳолда, бутун олами ислом ораларида бундоғ нарсаларға ҳеч бир илтифот қилинмай, ота-боболаримизнинг қолдуруб кетгон нарсаларини ҳам тонумайдурғон бўлгонларидан илм, шараф ва бойлиқлари (қўлларида бўлгон тижорат ва касблари) бошқаларға ўтуб, йиллари тамом бир кулуб, минг хорлик билан умр ўтказмоқдалар.

Мана! Бул аҳли ислом бошиға ёғгон фалокатларни йўқотмоқ учун аҳволи замондан хабардор ҳар фойдалиқ жадидни, ҳар ислоҳни мақбул кўрудурғон, диёнатлик, хур фикрлик муҳтарам уламо, муаллим ва имомларимиз, ҳар хил хурофотлардан сақлануб исломнинг соф ҳақиқат ва моҳиятларини халқға тушундуруб, хусусан, авом ан-нос (оддий одамлар) ораларида кўп шозъ бўлгон баччабозликға ўхшаш ёмон феълларининг ва бидъат ишларининг йўқ бўлмоқиға азтаҳидил ғайрат бирлан кўшиш қилмоқ, таълим-тарбия ишларини йўлға кўймоқ, муаллимлар етушдурмоқ учун Ўрунбурғ, Қозон, Уфо ва бошқа ерларға шогирдлар юбормоқ ҳифзил сиҳатға мувофиқ бўлмагон мактабларнинг ислоҳини ҳимматлик ва ҳамиятлик бойларимиз хотирлариға солиб турсалар, тез фурсатда Туркистонимиз халқининг илм ва маърифат топмоқликлари табиийдур.

**Муаллим Ваҳоб ал-Ибодий**

*Садои Фарғона. 1914 йил 20 апрель*

## ОЛТУН ТАРАФ

Масков темир йўлинда Туркистонга келодургон бир яхудий ила бир арманининг Туркистон хусусида шундоғ мунозара қилишгонлари нақл қилинур.

Армани жухудга: Қаю ерга бородурсиз?

Жухуд: Олтун тарафга (на золотой край).

Армани: Ажабо; олтун тараф дегон ҳам тараф борму? Ул қайси тараф?

Жухуд: Ўзингиз айтинг, қою ерга борурсиз?

Армани: Ман Туркистонга.

Жухуд: Ажабо! Борадургон ерингизнинг номини билмас экансиз. Хабарингиз йўқдур. Биз жухудлар ўшал тарафга «олтун тараф» ном берганмиз.

Армани: Йўқ, мен ишонмайман. Чунки бу исмни эндигина сизнинг оғзингиздан эшитдим.

Жухуд: Ана! Сиз ишонмасангиз, шояд, бу сўзни айтсам ишонурсиз. Маълумдурки, бу кундаги асаларичилар асаларидан кўп фойдаланганлари учун ариларини «олтун ари» деб ёд қилурлар.

Армани: Дуруст, асаларини «олтун ари» деб юритгувчилар ани қайси хислатидин бундоғ «олтун ари» деб юрутурлар? Мен гумон қилурманки, асаларини ақл-фаросатига, хунар ва матонатига ҳайрон бўлган профессор олим ва файласуфлар тарафиндан қўюлгон исм бўлса керак.

Жухуд: Йўқ, тушунмадингиз. Бу ҳикояни айтсам, тушунурсиз. Маълумки, бир онаси ўлган инглиз боласи каттароқ бўлуб эси кирганида ўзининг маря (нанка)сидан менинг онам бормудеб сўрагон. Маря сигирни тепиб кўрсатиб, мана бу сенинг онанг деган. Бола айткон: йўқ-

са, бу сигир менинг онам бўлса, урма, тепма, чунки бизга бул сут берди деганга ўхшаш Туркистонни она ва олтун демоқ дурустдур.

Армани: Мен таассуф қилурманки, бу исмни ҳукумати-миз руслар ҳам қўймагон. Алар ҳам бу кунгача Туркистон дерлар. Аммо сизлар «олтун, она шаҳар» деб исм қўй-мишсизлар. Бул гуноҳ эмасму?

Жухуд: Бир мужик ўзининг ер ҳайдайдургон ҳўкизини «жоним» деб мақтар экан, бир амриқолик эр ўз товукла-рини «дуқтурим» деб ёд қилур экан. Мунга ўхшаш Тур-кистонни «олтун», она ва «дўқтур» деб юрғузулса гуноҳ бўлурму?

Армани: Йўқ, гуноҳ бўлмас. Лекин мундоғ исмни ўз ватанларингизга берсангиз яхши бўлур эди. Масалан, англизлар ўз ватанлари бўлгон Британияга «Улуғ Бри-таниё» дерлар. Турклар ҳам ватанлари бўлгон Анато-лияга «Анатўли шоҳона» ва Истанбулға «дор ус-саодат» деб саодат ила ёд қилурлар. Сизлар ҳам ўз ватанларингга мундоғ исм бермоқларингиз лозим.

Жухуд: Дуруст. Онлар ўз ватанларидин фойдаланган-лари учун мундоқ олий исмлар ила ёд қилурлар. Ўшанга ўхшаш Туркистон ҳам биз учун фойдалиқ муқаддас (?) вилоятдур. Биз жуҳудлар қаю ерда яшасоқ, шул ерни ўз ватанимиз эътибор қилурмиз. Ватандан мурод роҳат ва осойишталик ила яшамоқдур. Туркистон ўз ватанимиз бўлмаса ҳам, ўз ватанимиздан ортиқ. Маълумдурки, биз анда фирмалар очдик, яхши савдолар қилиб ва олий иморатлар қилиб, бутун маҳаллаларни эгаллаб олдик. Мана, энди Туркистоннинг энг яхши жойлари, манза-ралик бинолари ва энг қимматлик нарсалари бизники. Яхши ўсимлик ерлари ва кўнгиллик чаманзор боғлари бизники. Ватан бўлса бундан ҳам яхши бўлурму? Биз-нинг дардимизнинг давоси, жароҳатимизнинг марҳами

Туркистонда бўлганликдан они ҳар на деб моқтасоқ ҳам камлик қилур.

Армани: Хайр. Туркистон сизлар учун муқаддас ватан бўлса, болаларингиз учун ҳам ватан бўлурму?

Жухуд: Албатта Ватан бўлур. Чунки биз болаларимизни ўқутуб адвокат (зақунчи) ва фобрикантликка ўргатмоқдамиз. Онинг ила баробар аларни бойликнинг лаззати ила ошно қилиб тарбият қилмоқдамиз. Шунинг учун болаларимиз биздан ҳам ҳурматлик, қадрлик одам бўлурлар.

Армани: Ман ишонар эдимки, мундан 60 – 70 йил илгари Туркистонга келган жухудлар Туркистон шаҳарларида юрганида отлик юролмай ҳам белларига иштонбоғ бойлаб юрор экан ва бўёқчиликдан бошқа касблари ҳам йўқ экан, таассуфки, ул вақтда Туркистонга «олтун» деб ном қўймай, энди қўйгонсизлар!

Жухуд: Дўст, аввалда ўшандоғ бўлсоқ ҳам, бу кунларда яхши отлар қўшулгон экипожларда юромиз. Ҳам аввалда бизларни «сан!» деб хитоб қилиб сўзлагувчилар бизларни сизлаб кўп иззат қилурлар. Бизда мол тургонда бошқалардан мол олмаслар. Бизда оқча турганда бонкадан ҳам оқча олмаслар.

Армани: Дуруст. Сизлар Туркистонни бу жиҳатдан олтун дер экансизлар. Туркистонни сигирлари семиз ва серсут, товуқлари семиз, мевалари ширин. Одамлари ўзбек ва соддадил халқ. Бу жиҳатдан Туркистонни «жаннат» деб айтилса ҳам мумкин эди. Лекин сизлар Туркистонга дурустроқгина ҳам исм қўймагансизлар. Энди сизлар Туркистонни оқчаси ила тўйиб-тўйиб қолдиларингизлар. Ул исмни ўзини қўямиз.

Жухуд: Йўқ, бу кунда, бошқа ерларда бўлгонидек, Туркистон одамларининг ҳам кўзлари очилиб, ўз керакларини тушунуб бора бошладилар. Бинобарин, бу исмни қўймоқ сизларга муяссар бўлмас.

Армани: Ҳали туркистонликларнинг кўзлари очилмоқчиға йироқ замонлар бор. Чунки алар бизлардек болаларини ортуқ ўқутмаслар ва ҳам бизларнинг мактабларимиздек мактаблари йўқ. Яна Туркистонда ҳар хил пушапишиқ (?) бойлар, нодон мерос бойбича ва пухта бойбачалари бор. Алар ҳам бартараф бўлсун. Ондин кейин бу исмни қўймоқ қочмас.

Жухуд: Айтди бизлар ўз ишимизни етказиб олдик. Сизлар ҳар на исм қўйсаларингиз майли. Хайр-хўш, ман кетдим.

Мана, афандилар! Туркистонни ким тонийдур?

**Муаллим Муҳаммаджон домла Абдулхолиқ ўғли.**

*Садои Фарғона. 1914 йил 11 май. №16*

## УМИД СИЗДАН! МУХТОРИЯТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ!

Унинг тўғрисида дўстларимиздан ҳам, душманларимиздан ҳам кўп гаплар эшитдик. Дўстларимиз: «Муборак бўлсун, хайрлик натижаларини кўрингиз». Баъзи дўстларимиз билиб ё билмасдан «мухториятингизга «яшасин!»дан бошқа сўзимиз йўқ. Аммо, аммо... ҳозирланмагон, тайёрланмагон, ўқимагон вақтингизда бўлгон «мухторият» илгариги «хонлик»ларни кетирмаса ярар эди...» деб қўюрлар.

Энди болшевикларга келсак, уларнинг назарлари жуда очиқ ва қатъий: «Бизнинг сўзга унасанг унадинг, унамасанг шоп! Бошларингда Красная гвардиянинг немисни уруб, Берлинни олиб, Англия ва Австриядаги мазлум миллатларни қутқазиб, французнинг Тунисин ерлиларга олиб берган қутлиқ қиличи кубалакдай прилдар... хулоса: «хўпми?, хўп, бўлмаса, Аллоху акбар!» Балки, баъзи мухбир кишилар болшевикларни бу даражада очиб кўрсатишимга рози бўлмасалар-да, мендан хафаланарлар. Ҳам «далилсиз даъвонинг қозиси даъвогарнинг ўзи!» деган гапни такрорлар. Мен уларга мавлуд кунини Тошкентда тўкилган қонлар ила Бухорода ва Хивадаги болшевик ҳукумати бўлгонидан кейинги ҳолларни кўрсатсам, «Наша газета» бетлариндаги узун мақола ва хабарларни ўқуб кўнгиллари ул тарафга мойил бўлгонликдан қаноат этмаслар. Аммо бу кунларда Андижонда бўлгон бир воқеани айтсам, эҳтимолки, бир оз юмшарлар: Андижонда болшевиклар «Солдат ва ишчилар шў-



роси» воситаси билан собиқ милиция начальниги Сетин ўрнига ўзларидан (болшевик) Сомайлоф исмли бир кишини қўймоқчи бўлдилар. Дума аъзолари ила аксарият ташкил этган мусулмонлар бошқа кишини кўрсатдилар, уларнинг (болшевикларнинг) жавоблари яна ҳалиги: «Унамасангиз, қон тўкилади!»... Шунинг билан ҳозир Андижонимиз кўнгилсиз воқеалар олдида турадир! ... Ўйламоқ керак: ҳозир Николай вақти билан замонамизнинг фарқи йўқ! Николай вақтида губернаторлар бирор киши ҳокимлик ва бошқа ишларга ўзлари тайинлаб қўярлар эди. Мусулмонлар эътимодсизлик билдурсалар, баъзан бошқани ҳам қўяр эди. Бир ҳоким учун қон тўкилгани мен эшитганим йўқ... Шунинг учун ҳуррият, адолат ва мусавват каби шуълалар ярқираган бир замонда бўлган мундай воқеалар яна бизнинг Николай асринда яшадигимизни кўрсатадир!

Мана шундай ҳолларни ўйлаганда кўнгиллар умидсизлик дарёсига ботиб, кўнгилсизлик тўфонларинда фарқ этиладир. Қаламлар илгариги раҳмсиз цензорлардан кўрққандай бўлиб қоғознинг йўлларига юз қўбишга унамайдирлар... Ана шундай вақтларда пастда айтиладурган воқеалар кўз олдиға келуб ночор-ноилож юракларнинг фавқулодда шодлик ила кўтарилишлариндан пайдо бўлган овозни, тилни гулдиратиб айтишга мажбур бўласан: «Яшасун Туркистон мухторияти! Бор бўлсин ҳақиқий ва тўғри йўлдаги фуқаҳолар! Гуллаб, кўкарсунлар умид юлдузлари бўлган ёшлар!» – деб...

1. Тошкентда «Фуқаҳо жамияти» болшевикларнинг энг зўр суянчлари бўлган қўл кесиш ҳам қасосга доир очиқ ва яхши йўл топди!

2. 1 – 2 миллион қаҳрамон турк-татар аскарларига таянган «Ҳарбий шўро» бўлган ҳолда гулланиб, очилиб, яшнаб келмакда бўлган ишчилар ва деҳқонлар шўрола-

рининг мухторият байроғи остида, мухториятга жон ва қон фидо этишга ҳозир бўлиб туришлари; мухторият остида қонун ва шаърият йўллари ила ўзлариға ёруғ кун исташлари, уларнинг ул талабларина миллат ходимларимизнинг ҳам яхши юз кўрсатишлари.

3. Андижонда «жамиятлар жамияти» ташаббуси билан бўлғон шаҳар ва атроф съездига ҳамма жамиятдан 2 кишидан вакил киритилғони ҳолда, «Шўрои исломия» раиси жанобларининг ташаббуси ва ғайрати била мажлисининг ишчилар жамиятидан 20 вакил қабул этиши, ҳар ишга ишчиларни яхши назар билан киргиза бошлаши.

4. Шул съездда увлоқ, тўй, маърака каби бидъатларнинг исрофлари тамом битирилуб, сарфлари куч билан бўлса ҳам олиниб, очлиқ билан азобланганларга ёрдамга берилиши учун ғоят жиддий тадбирларга киришишга қарор чиқарилиши ва ул қарорларнинг самаралари кўринмакка бошлаш. Яна шул съездда Туркистондаги ортиқ ерларни суғориб ишчиларга топшириб Туркистондаги мусулмон ишчиларини ер билан таъмин этишга йўл очилиши.

5. Мухторият фойдаси учун Андижонда бўлғон театрларда Туркистоннинг ўзтурк боласи, гимназия шогирди 12 ёшлиқ Санжарбек Фозилбек ўғлининг мухторият байроғи ила унинг остига қилган ажойиб бир манзаралик расмининг Амриқо савдо мизоида (аукцион) билан 1200 сўмга сотилиши, қахрамон миллат ходими Қўчқорбой афандининг буюк ҳиммат билан ул расмни олиши, бошқаларнинг ҳам бу ишга яхши аҳамият беришлари....

Булар ҳаммаси, ҳаммаси қоронғу кечаларда ялтирағон юлдузлардир...

Булардан умид, булардан иймон, булардан руҳ кўринадир.

Булар бизнинг истиқболимизнинг, келадурғон йўлимизнинг чақиримлари, аломатлари, белгиларидир. Турклар, турк уруғлари, турк эллари инқирозли, йўқ бўлишга маҳкум эмаслар. Булар ўзларининг эски бешиклари бўлган Туркистонда яна илгариги шавкат ва салтанатини тиргизар, тўғрилиқ, кенглик, қардошлиқ асосига қурилган тахтларини (миллат мажлислари демақдир) обод қилурлар. Хусусан, бизнинг Туркистон, ҳеч вақтда ҳам порлоқ ва ойдин эрталардан қуруқ эмас ҳам қуруқ бўлмас! Чунки турк қайнағон эрнинг исми Туркистон: сен қаерликсан деб сўролса, «Мен туркистонлиман!» – дер ва унинг юраги Туркистондадир. Туркистон номи бор вақтда Туркистон УЛУҒДУР. Зўрдир ул 100 миллиондан ортиқ кучга таяниб унинг кўксига қилич тиққони келганларга қачонда бўлса:

«Кет, маҳв бўларсан! Ёқинлама, кул бўлурсан!» – дер, дея олур.

Туркистоннинг ёруғ юлдузлари! Айтингиз онангиз Туркистонга:

«Ёв суққоли келгач қиличини юрагингга, тут олдида, ол кўксимни, қалқонми керақдир?»

*Эл байроғи. 1918 йил 26 январь. №18. – Б.2 – 3*

## МИЛЛИЙ МУҲОРИБАДАН БИР ЛАВҲА

«Тўлган ой кечагина бутун бўлиб бугун харобага айланган катта бир мадраса орқасидан нима бор экан деб қўрқиб мўралагандек қараб, кўчада чўзилиб-чўзилиб ётган ўликлар устига маъюсона нурин сочмоқда эди.

Мўминжон бирмунча вақт ойнинг кўтарилиб бутун кўчани равшан қилмоғин кутиб тургани бир замонда ўликлар орасинда бир неча қора нарсалар ҳаракат этиб юрганин кўрди-да, унларни душманлар тарафиндан ўликларни ёнида бор нарсаларин олмоқ қасди-ла юрган одам гумон этиб, қўрқиб ўзин бир ўлик орқасига олиб бир қанча вақт ётиб олди. Бир вақт бошин кўтариб қараса, ҳамон бир жойда қўзғолмай ҳаракат этур. Шул вақт бир тарафдан яна бир нарса эмакляб келаётгандек бўлиб, камоли қўрқувидан кўзи тиниб, кўринган нарсаларни нима эканин била олмасдан қўрқув ва хижолатлар ила хаёли учди.

Ҳар тараф ўликлар ҳайбати, гумбур-гумбур тўплар, потр-путр пулимёт, милтиқлар овози ҳам тилинда калимаи шаҳодат талқин этиб, бўғилган овозлари ила: «Оҳ... муқаддас Ватанимиз хароб бўлди. Оҳ, дин, миллат... уҳ, жоним... вой, болам», – деб ҳар тараф инграб, тўлғонган ярадорларнинг дод-фарёдига бутун атрофни даҳшат ўраб, тамоми бўшашган эди. Бирдан бир овозга чўчиб, тамом бадани иссиқ-совуқ бўлиб, жимирлаб қўрқувдан ўзидан кетаёзди. Базўр тўхтониб қарадики, кўзига одам бўлиб кўринган нарсалар итлар, келган овозлар дин миллатин ҳимоя қилув учун шаҳид бўлганларнинг, бадбахт ўликларини еб қутурган итларнинг талошиб қилган ғавғолари экан.

Мўминжон кўлига бир тош олиб, итларни қувлаб ўликларни қидирмоққа бошлади. Кўрдик, бирин бошидан, бирин кўкрагидан, бирин биқинидан ўқ еб ўлиб ётибдир. Баъзиси кўлидан, оёғидан, ёнбошидан ёрадор бўлиб, уларнинг ярасин боғлаб, ҳолидан хабар олувчи йўқ. Тўлғониб, оҳ-фиғон қилиб ётибдирлар. Улар орасидан ўтиб, нарироққа борса, бир неча одам тўпнинг ўқидан титилиб, таниб бўлмаслик ҳолида ётибдир. Оҳ, қандай фожиа!

Мўминжон буларни кўриб, яна атрофин кўрқув, даҳшат ўраб, ёнига қараса, бир йигит, кўлида пичоқ, душманин маҳкам сочидан ушлаб, пичоғин бўғзига санчганича пешонасидан ҳам кўкрагидан ўқ еб, баробар йиқилиб ўлиб ётибдир.

Шул ерда бу қадар инсон болаларини золимона ҳаракатларини ўйлаб бутун атрофин кўрқув, даҳшат ўраган ҳолда хаёл дунёсига фарқ бўлиб қараб қолди.

Ҳар тараф куйган, йиқилган иморатлар. Ҳар жой, ҳар жойда куйгандан қолган раста, тимларнинг устунлари ила бутун шохлари куйган дарахтларнинг таналари кўринур эди. Баъзи жойда ярмиси куйиб, баъзи шохлари омон қолган дарахтлар устида ётган қарғалар, бу даҳшатдан кўрқибми ёки ётган ҳарбзада миллий шаҳидларга мотам тутибми, биздан «ҳайитлик» (қағ-қағ) дегандек овозларига чўчиб, ўзининг бул ерга нимага келганлигин ёдидан чиқариб, бир оз ўйлаб, кўнглида бир гудир бор эканлигин сизди. Ул гудур бир нарса қидириб юрганлигин ёдига солиб, яна ул кўнглига қадар келтурган нарсасин қидирмоққа давом этди. Бирдан нарироқдан бир овоз эшитилди. Овоз қулоғига ошно туюлуб, юраги дукур-дукур тефа бошлаб, яқинроқ борди.

Оҳ! Бу фалокатзада Мўминжон нимани кўрсун? Отаси! Отаси оёғидан, кўкрагидан ҳам ярадор бўлиб инграб ётур. Бирдан «оҳ, отажон, сизга нима бўлди?» деб устига

ўзин ташлади. Отаси ўғлин овозин эшитиб, ҳолсиз бир овоз ила «ўғлим... ўғлим... сув бер... суввв...» деди.

Мўминжон отасининг ўлум ҳолатида бу ерга қўюб, у ён, бу ён югуруб, ўлукларга қоқилиб, суриниб, гоҳ йиқи-либ, туриб сув қидирмоқда эди. Бирдан кўрдик, тўп ўқи ила вайрон бўлган дўкон олдида ярмиси ерга кўмилган хум турибдир. Хум олдида бир сирли хум ётибдир. Қараса, хум тўла сув, хурсанд бўлиб дарҳол сир хумни сувга тўлдириб олиб, отаси тарафга қараб югурди. Келиб қараса, отаси жуда ҳолдан қолибдир. Отасин бошин кўтариб, «отажон, мана сув» деди. Отаси сир хумни икки қўли бирла маҳкам тутиб, кўзларин катта-катта очиб сувдан симириб ичиб, «Алҳамдулиллаҳ» деди-да, ўзин ўғлин қучоғига ташлади. Бир маротаба кўзин ола-кула қилиб, атрофга қараб узоқ нафас тортиб «оҳ... хароб... бўлди... Хўқанд...»

*Ишчилар дунёси. 1918 йил 15 март. №5*

## ТУРКИСТОНДА НАШРИ МАДАНИЯТ ВА МАОРИФ ЖАМИЯТЛАРИ

Яқиндан буёқ Туркистон ўлкасининг бутун музофотларида, уездларида «Нашри маориф» жамиятлари очилди ва баъзи ўринларда (Хўқанд) эндигина очилмоқда. Ҳатто бу тўғрида бир вақтлар ички Россия мусулмонлари орасида бўлган ва кўп замонларгача чўзилган «мактабми, ишколами?», «гимназиями, приютми?» деган мунозаралар сингари мунда ҳам «Нашри маориф»ми, «Кўмак»ми бўлсин деган мунозаралар бўлмоқда. Майли, қайси бўлса бўлсин. У тўғридаги фикримизни айтмоқдан илгари шунини айтмоқчимиз: Албатта, бундоқ уюшмаларнинг бўлиши маданият осори бўлиши билан баробар маданиятнинг биринчи босқичига қадам қўйган ёки қадам қўймоқ ҳаракатида бўлган миллатлар, мамлакатлар, ўлкаларда бўлур. Ёхуд маданиятли миллат бўлиб-да давлат бюджети халқ маорифи ва халқ маданиятининг масофасини қопларлиқ даражада бўлмаганида бўлар. Бизда иккови ҳам мавжуд. Бизнинг Россия жамоҳир иттифоқи ва унинг бир парчаси бўлган Туркистон ўлкаси маданиятли мамлакатларга қиёсан жуда пастда ва шу пастдалиги сабаблик (бовужуд бошқаларга қараганда маданият ва маориф зарур бўла турибди) халқ маорифини керагинча ва турли ерлардаги бир-икки юз талабаларимизни таъмин эта олмаймиз.

Аслида, гап унда ҳам эмас. Уларнинг ҳолларин таъмин этсак ҳам, этмасак ҳам, улар ўқишни давом эттирарлар. Улар «сув бўлса симириб, тош бўлса кемириб» дегандек ўқирлар. Улар отасининг иссиғ уйларин, онасининг ши-

рин-ширин сўзларин ташлаб, фақат ўқишга, маорифга берилиб узоқларга кетган умид юлдузларимиздир. Локин омма-кўпчиликни эплаб ётган халқ қоронғуликда атрофларин оқ бошли, ола чопонли қарғалар, қора парда – таассуб пардаси ўраб олган. Агар уларни шу аҳволича қўя берсак, бу кунга кераклиси билан эртагисини айтмасак, балки, улар қул бўлиб яшамакка маҳкум бўлса ҳам, шу кетишдан айрилмас ва айрилгуси келмас. Мана, биз буларни ўқитишимиз, маданият билан танишдиришимиз, кишилик дунёсиға чиқоришимиз, шунинг билан баробар, юқоридаги қаҳрамон ўқувчиларимизнинг ададларини кундан-кун, ойдан-ой ортдиришимиз керак.

Шунинг учун бизга бир неча «Кўмак», бир неча «Нашри маориф» ва шу йўлда тоғин алланеча алланималар бўлса ҳам оз. Шўролар ҳукумати октябрь инқилобининг бошиданок илм-маориф ва маданиятга кенг йўл очди. Мумкин қадар мактаблар очди. Локин бир даража кенгайиб бормоқда бўлган мактаб ва маориф ишлари, молия ишларининг чиғиридан чиқиши сабаблик янги иқтисодий сиёсатнинг майдонга қўйилиши соясида йўлга қўйилиб етмаган маҳаллий сармоянинг таъминига кўп нарсанинг боғланиши ва шу жумладан мактабларнинг таъмини ҳам унга боғланиши орқасида гуллаб келаётган мактаб ва халқ маорифининг сабоғи сўлиди. Бу ҳол муваққат бир нарса, молия ишларимиз тузалгунича, молия ишларимиз тузалар. Маҳаллий сармоянинг келим-чиқимлари йўлга қўйилар. У вақт маориф ишларимиз ҳам инқилобнинг бошидагидек тароқлаб кетар. У вақт «Кўмак»нинг ҳам, бошқасининг ҳам лозими қолмас. Локин биз унгача бу жаҳолат, қоронғулик фронтини бўшаштирмаслигимиз, позициямизни маҳкамлашимиз керак.

«Маҳкамлашимиз керак» дегани «Кўмак», «Нашри маориф», «Ўқувчиларга ёрдам жамияти» ва бошқа шу-



нингдек жамиятларимизнинг бўлиши демақдир. Сўз келганида шуни ҳам айтиб ўтмак керак. Ўтган йили Марказнинг тасдиғи билан «Кўмак» исмида ўқувчиларга ёрдам уюшмаси очилди. У уюшма исмидан мозийлари қоронғу бир неча кишилар қўлларида мандат қути билан Туркистон ўлкасининг бутун паст-баландини айланиб бир неча 10 миллиардгача пул ва моллар йиғди. У йиғилган нарсалар тўғри йўл билан сарф қилинган бўлса эди, мусофиротда таҳсилда бўлғуси талабаларимиз ҳейлигина кўкракларини кўтариб олар эдилар. Локин маътаассуф яхши ниятлар билан барпо бўлган бу уюшманинг йиғилган нарсалари «ёмон ниятларга» қурбон бўлди.

У ионалар кўп кишиларни савдогарчиликка солиб, оёгин олтига ва кўплариникини тўртта қилиб қўйди. Улардан ҳисоб оладирган ҳеч бир зот йўқ. У «зоти шариф»нинг (?) матбуот саҳифаларида ҳисоб бермоққа виждонан мажбур бўлсалар ҳам, танзил этмадилар. Шу равишда ионалар қумга сингган сувдек бўлди-да кетди. Ишларнинг бу кайфиятда бўлиши янги бошланаётган эзгу кўп ишларимизнинг ривожланмаслигига ва халқимизнинг ундоқ уюшмалар ва жамиятларга совуқ қарашларига сабаб бўладир.

Энди бу карра пишиқ бўлдик. Бу очилган ва очиладирган «Нашри маориф» жамиятларимизда халқ тарафидан сайланган ҳайъат, идора ва тафтиш ҳайъати бўлур.

Халқнинг пешона териси билан топилиб, яхши ниятлар билан иона қилган оқчанинг ҳар бир тийини бежо ерларга кетмаслигига ишонамиз.

*Фарғона. 1923 йил 17 май*

## ИМЛО МАСАЛАСИ ТЎҒРИСИДА КИМ НИМА ФИКРДА?

1-ёш: Мана, «Қизил байроқ»нинг имлосини биз янги имло деб айтамыз. Ҳар бир ерда шул имлонинг мақбул эканлигини тасдиқ эта оламан.

2-ёш: Йўқ! Бу имло бўлмайдир. Бу фақат вақтинчагина истеъмол этилган бир имло. Бу фақат чашнаси! Асл янги имло деб Элбекнинг «Ёзув йўллари»да кўрсатган имлосини мукамал бир фанний имло деб айтмоқ керак. Бир мисол келтирайин, сизлар танқид эта кўрингизлар-чи. Мана, Элбекнинг фикри ва имлосининг намунаси: «буни энг олдин қайғурган ва тушунган Чигатой гурунги» мужалари (мужа маълум бир еринда бўлмай, балки аъзо маъносида қўлланмишдир) бўлдилар. Булар йўлсиз қолган ўзбек элининг ёзувин бир йўлга ва бир негиз остига қўймоқ тилаги билан энг биринчи ўлароқ битм йўллари» ва ғайри. Имло қанча қийинлашса, ҳарф ва белгилар қанча кўпайса, ўзбек очунида ва ўзбек болигида маданият ва мактаблар шул даражада тез ўрчиса керак деган йўсунни кўрсатамыз.

3-ёш: Ёшасун имлосизлик! Эски дунё бузулиб, ўрнига янги дунё, янги имло келар!

Қарилардан (Мунаввар қори бўлса керак): Асосан янги имлога қарши эмасман. Фақат мазлум «айн», «зод», «изғи» уч оғайнига тарафдорман. Бунлар ёшларга нима ёмонлик қилган экан?! Агар бечора «айн»ларга зулм қилмасалар, кўп тортишадирган жойим-да қолмас.

Хўқанди латиблик Ашурали Зоҳирий: Биринчи янги имлога «адду абди»ман, чунки, наузанбиллаҳ, янги имло

қабул этила қолса, ўзим, отам ҳам фамилиям бўлиб уч еримдан зарба есам керак. Бинобарин, иззат-нафсим қабул этмас. Ҳар ҳолда, Истанбул ё Маккаи мукаррамадан хат келмай туриб ҳеч бир, ҳеч бир имлони қабул этолмасман. Бутун юрт қабул этса-да, мана фикрим!

Боку-томоқудан Наримонуф: Ҳамуволарингизнинг даъволарингиз бўшдир. Бен теклиф эдирам лотин алифбосини қабул эдмагингиз. Ортиқ ера сўз ўламаз, ҳо!

Юнус хўжа: Энг асл имло мифтоҳ ул-жинон имлосидир. Ҳаммамиз шундан мусулмончилик ўргандик, ал-ҳамдулиллаҳ!

Юрт: Эски имло билан бўлса-да, янги имло билан бўлса-да ўқитсалар, бизга фойда йўқ. Бунлар шунча ўқуб, ичларидан бири ҳануз бирор дона ҳафтияк ҳам ёзолмаган, овдуромон!...

*Инқилоб. 1922 йил 1 март. №2*

## КИНОСТУДИЯМИЗДА ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИ

Соф оврупа ҳаётидан олинганига, балки, мен камчиликларини кўрмагандирман. «Қонлиқ истироҳат» номли картинада қорбоши, йигитлари қарта, ичкилик, қизни ўғирлаб келтириши ва уни ўйнатиши олинган. Ўзбеклар ўйнаган ва томошабинда катта таассурот қолдирган. Хулосасида ўзбек киносини фақат ўзбек турмушини билган, англаган инсонларгина ярата олади. «Демакки, ўзбеклар турмушининг айнан кўрсатилиши ўзбек кино артистларини сўрайдир».

*Ер юзи. 1926. №11. – Б.11 – 12.*

---

## ОВРУПОДА ТУРКИСТОН ЎҚУВЧИЛАРИ

Сўнгги кунларда юртни идора қиларлиқ сиёсий, илмий, фанний муқтадир кучларимизнинг йўқлиғи очик ва қаттиғ сезилди. Замонимиз Туркистондан ўзини ўзи идора қила олатурғон устолар талаб қила бошлади.

Мана шул ҳолларни кўрган Туркистон ёшлари борлиқ ҳаётимиз, нажотимиз маорифда, маориф ҳам Оврупода эканлигини билиб, Оврупо сари оғила бошладилар. Натижада Қафқоз, Бокуда 50 лаб, Масков, Петербургда 150 лаб, Берлинда 70 лаб, бутун Оврупода борлиғи 270 га яқин Туркистон ўқувчиларни кўрамиз. Бу кўриниш, ҳар ҳолда, Туркистоннинг келгусини порлоқ, тарихининг жонлиқ эканлигини билдирадир. Ундай бўлса-да, бир оз

умид боғлатади. Бироқ, ҳайҳотки, бу сонлар бошқаларга қараганда йўқ даражасидадир.

Яқинда Берлинда ўқувчи бир ўртоғимиздан келган хатда фақат Германияда ўқувчи бошқа мамлакат болаларини қуйидагича кўрсатадирки, биз ўз сонимизга қараб уялсоқ, қизорсоқ бўладир.

Руслар 10000, японлар 4000, усмонли турклари 2000, мисрлилар 300, ҳиндистонликлар 500, араблар 200, эронликлар 500, афғонлар 500, бутун Туркистондан 70 талаба илм олади.

Туркистон ўқувчиларининг кўпини Бухоро таъмин этадир.

Масковдаги ҳисобсиз олий, ўрта мактабларда ўқувчи шогирдлар орасида туркистонлилар денгиздан бир томчи қабилдадир. Булар ҳаммаси бошқа миллатларнинг шогирдлари билан тўлиқ. Ўтган йил Туркистон ўқувчилари Масковда ёлғиз 10 та бўлғонлари ҳолда, бу йил Петербурғ, Масков ўқув юртларида 100 кишилиқ истипендия очилиб, яхшигина таъмин этилганлар.

Четда ўқувчи болаларини йўқлаб турғон бошқа миллатлар каби бизнинг Туркистон зиёлилари, маорифпарварлари ҳам ўзларининг «жийда халталари» билан четдаги ўқувчиларини йўқласалар, ёрдам этсалар яхши бўлур эди. Юрти, элидан узоқ турғон ўқувчилар Туркистондан шуни куталар. Шундай бўлса, истипендиясиз турғон юзлаб ўқувчиларимизга бир оз мадад бўлур эди. Юртидаги камчиликларни кўриб, юраги ачинатурғон ёшларимизнинг кундан-кун, йилдан-йилга кўпайиши лозимдир.

*Туркистон. 1923 йил 1 январь*

## ЎҚУҒУВЧИ ТОВУШИ

*Истак меним гул-фариштам, хаёлимнинг аршидир,  
Қанот қоқиб кеча-кундуз талпинаман, учаман.  
Юксак руҳим юрагимнинг жон озиғи, шоҳидир,  
Этай-етмай борибирдир даргоҳига бораман.*

*Йўлларимда тўсиқ кўндир, локин сира қўрқмайман,  
Барчасини ботирларча уруб-йиқиб ўтарман.  
Меним кўнглим денгиз каби, кўклар каби эркиндир,  
Аччиқ алам, ғурбатларни билдирмасдан ютарман.*

*Истакларим, тилакларим қўл етмаслик юксакда,  
Қундан нурлик, ойдан тиниқ юлдузларнинг устида.  
Бўшлиқ билан, ҳазил билан етилмаслик йироқда,  
Қувватим зўр, қанот қоқиб бургутлардек учаман.*

*Улуғ истак борлиғимнинг оби ҳаёт чашмаси,  
Сенга етсам, сўнгра учса майли руҳим қушчаси!..*

Масков.

Туркистон. 1923 йил 21 январь

## МИЛЛИЙ КУЙ ВА АШУЛАЛАРИМИЗ

Ҳар бир элнинг ва ҳар бир халқнинг юрагидан қайнаб чиққан оҳ-зорларини, шодлиқ ва қайғуларини ўз оҳанг ва руҳига мувофиқ куйлари, ашулалари ва, инчунин, шу куйларни, шу ашулаларни халқнинг ўзиники қилиб айтадирган ашулачилари бўладир.

Халқнинг аксарияти, хусусан, омма қисми ҳар вақт ўз ашулачилари билан фахрланиб, шуларни эшитиб, руҳан суғорилиб, роҳатланиб келадир.

Русларнинг Шаляпин ва Сабинофлари рус халқи орасида қандай машҳур ва тилларида дoston бўлса, бизнинг эскича куйларимизда ўзининг ёқимли маҳоратли довуши билан граммофонда эшитилган Мулло Тўйчи, Содирхон, Ҳамроқул қориларимиз шундай оми халқ ва аҳолимиз ичида машҳур ва номдорлардир. Куйларимизни суйган ва миллий ашулаларни муҳаббат билан тинглайдурган ёшларимизда, қариларимизда ичларидан ўзларининг ҳофиз ва ашулачиларига изҳори муҳаббат қиладилар.

Миллий куйларимизнинг қадрига етмаган, миллий ашулаларимизни лаззат, ингичка ва туйғу таассуротларига англаша олмаган. Халқимиз афоли қабиҳаларига қўшуб миллий ашулаларимизга қўл силтайдирган ёшларимиз-да йўқ эмасдир, бордир. Локин яна шул ёшларимиз, уларгина эмас, турли мамлакат ва чет элларда ўқуб юрғувчиларимиз-да кўп вақт ўз ашулаларини айтиб бўлар-бўлмас ғиринглаб юрадилар.

Рус куйларига муҳаббат қўюб, суюб юрган ва татарча «Олия бону», «Оқ Эдил кай», «Маҳбус» куйларин куйлаб, жирлаб юрган менинг ўзимда сўнгги вақтларда ўзимиз-

нинг куйларимизга миллий ашулаларимизга борлиғим билан берилиб, бор ҳасратларимни, қайғу-аламларимни, шодлиқ ва ўйноқи тилакларимни шундан топадирган бўлдимки, ҳозир билар-билмас, ундан-бундан чўқилаб, соғиниб-соғиниб куйлаб юраман.

Хўқандда бир неча ўртоқларимни, Наманганда Рафиқнинг «Фарғона»ларини, Масковда Муҳиддин қорининг ашулаларини эшитганда тамом берилиб, куйларимизнинг нафис оҳангларига эриб қимирлайдирган эдим.

Қримга борганда эрка Қрим қизларининг ярим тарарча, ярим усмонлича (ёқимли овозлари билан) айтган куйларидан ўзимизнинг фарғонача Чўлпоннинг «Уйқу»си, Рафиқнинг «Фарғона»си ва шуларни айтган қўпол товушим ўзимга туюлади. Тўғрисида руҳимга яхши озик бўладир, дардларимни, ҳасратларимни ёзадир эди.

Бошқа халқларникига қараганда оз бўлмаса-да, кўпроқ бизнинг ҳам ота-бобо ва эски замонлардан қолган кўпгина куйларимиз, ашулаларимиз бордирки, бу кунда уларнинг кўплари унутилиб кетмоқда. Кундан-кунга деярлик янгилари чиқмоқдадир.

Мутараққий элларнинг куйшуносларининг назарида, эски куйлар жуда аҳамиятлик қийматлиқдир. Сўнгги тарарққий замонларида уларнинг борлиқ куйлари йиғилиб нотага олиниб келгуси дунёга бисот қилиниб, сақланиб келаётган бир замонда биз Туркистонга махсус совуққонлик аҳамиятсиз қарашимиз билан эскиларини-да, янгиларини-да унутиб йўқотиб борамиз.

Миллий куйларимизнинг кадр-қиммати билан Оврўпо мусиқашунос куйшунослари бугун бизнинг куйларимизни (ашулачиларимизни топиб) хусусий суратда нотага олмоқдалар. Муҳиддин қори Якубий, Ғулом Зафарийлардан фойдаланиб Мироновнинг чиқарган «Шарқ ноталари» бунга очиқ шоҳиддир. Бизга янги дунё кишиларига



ҳар бир жиҳатдан турли кишилар керакдир. Болаларимизни тайёрлашга муаллимлар, сиёсий йўлбошчиликка масъул ишчилар, сиёсийонлар, сайнамизда халқимизга йўлбошчи артистлар нақадар керак бўлса, халқимизнинг энг қадрлик куйларин, ашулаларин сақлаб, руҳларига озук берадирган ашулачиларимиз ҳам шул қадар кераклидир. Уларнинг кераклигини англаш эмас, яхши тақдир ва ҳурмат қилиш керакдир.

Миллий куйларимизни тўплаб саҳнада эшитарлик тўғри бир йўлга қўйган ва шу куйларимизни ундан-бундан тўплаб тишининг ковагида асраб юрадирган машҳур композитор Ғулом Зафари шундоқ шу куйларимизни жонлантириб ёш саҳнамизда ўзининг маҳоратлик, ўткир ва ёқимли овози билан айтадирган машҳур ашулачимиз Муҳиддин қори Якубийларни тақдир қилиш, уларни ҳар вақт олқишлаш керакдир.

Бизда Муҳиддин қори, Рафиқ каби ашулачиларимиз овозлари ўткир ёқимлик ёшлар (саҳна ишига аралашмасалар-да) йўқ эмас, бор. Фақат, афсуски, ундай талантлар, қимматлик кучлар тупроқ орасида ёшириниб, йўқолиб, зое бўлиб ётадир.

Туркистонда бошқа кўп ишлар қаторида ҳали бизнинг саҳнамизнинг гуллари ашулачиларимиз, миллий куйчиларимиз, миллий куйларимиз кўзга олинмайин унутилиб ётадир. Улар учун мусиқа, куй мактаблари, консерваториялар йўқдир. Бўлса-да, унда фақат шунинг қадрини билган ўрисларгина кириб тўлиб олганлар.

Ички Россиянинг ҳар бир шаҳрида, айниқса, Масков, Петр каби зўр шаҳарларида махсус консерваториялар бордирким, ашулачиларни махсус ҳозирлик билан ҳукумат ҳисобидан тарбия қиладурлар. Энди бизда шундай бармоқ билан санарлик уч-тўртта кўзга кўринган ашулачиларимизни ҳукумат юбормағон чоғда ҳам, ҳар шаҳар

ва областлардаги «Кўмак» махсус ёрдам бериб Тошкент ва Масков консерваторияларига юборишсалар керак.

Шарқ халқи хур бўлса-да, унинг куйлари, ашулалари, кўпгина қимматлик, қадрлик нарсалари ва осори атиқалари Оврупода шоён тақдирдир. Муҳиддин қори Масковнинг зўр саҳналарида чиқиб ўзининг ўтқир овози билан ашула қилганида руслар, овруполиклар ортиқ берилиб: Туркистонда ҳам шундай ашулачи борму деб ҳайрат қиладирлар. Ниҳоят, ўртоқ Муҳиддин қори овозини дуруст тажриба қилиб, ўқишини давом эттирса, рус матбуоти, саҳнаси билан яқиндан танишиб, ўзининг тажрибасини ортттирса, саҳнамизда ўзининг ашулалари билан шухрат ва ном қозонарлик умидли бир кучдир. У ҳозир ГИТСада музика овоз бўлимида ўқиб келди. Фақат русчадан узоқда, матбуотдан йироқдалиги унинг руҳини бир оз туширди. Энди биз ўртоқ Муҳиддин қоридан ўртоқлик сифати-ла Фарғона, Тошкентдан янги куйлар олиб қайтмоғи билан баробар ўзининг ёнига ўз йўлида ёш кучларни, ёш талантларни тўплаб, кўплашуб бир гуруҳ бўлиб, бир кучда, бир ишда, бир йўлда ишлайдирган ўртоғлар билан Масковга қайтишини сўраймиз.

Ортиқ йўқсул саҳнамиз Муҳиддин қоридек ашулачи ва ёш талантларни, чин артист ва миллий композиторларни кутуб чанқаб ётадир. Қийинлик ичида чайқалиб, саҳнамизга хидмат қилган, қиладирган ёш кучларни ёш саҳнамиз ҳеч бир вақт унутмас, доимо тақдир ва ҳурмат этар.

*Шокир Сулаймон (Масков, 1922 йил 6 июль).*

*Фарғона. 1923 йил 24 август*

## БАҲОР КЎРИНИШЛАРИ.....

(ярим сочма)

Элимдан, юртимдан узоқда ёлғизгина чет элнинг, ёт юртнинг ёқимли «баҳор»ин қарши олмоқдаман.

Ёши етган нозли эрка қиздек гўзал баҳор.

Унинг ёқимли мулойим шаббодалари, нурли қуёши кўнгилда зўр ўзгариш ясаб, синиқ руҳимни жонлантира бошлади.

Қиш бўйи, узун қиш бўйи тинкамга теккан қора булутлар, оппоқ кафани билан борлиқни қоплаган ялтироқ-кўнгилли қорлар.

Кучли қаро булутлар орқасидан эракланиб, жилмайиб қараган қуёшнинг нурига чидолмай, секин-секин тарқала бошладилар.

Қуёш, ёруғ қуёш!

Сени ҳам кўрар кун бор эканму? Кел, чиқсанг дурустроқ чиқ.

Эркаланиб яширинма, юз кўрайик, ёруғ юзингни соғиниб ўлдик-ку!

Биздан нурингни, борлигингни аяма! Олтун қуёш!

Қуёш сийрак-сийрак кўрина бошлади, қорлар эриб йўқола бошлади.

Қаршимдаги дарё ҳам жонланди. Кечагина устида қумурсқадек ёш болалар, йигитлар «конки» билан чопишиб муз тойғониб, ўйнашиб юришганлар эди.

Бу кун уларнинг изи ҳам йўқ.

Бори тўлқинланиб, ҳаммани қиздириб, шовқин-сурон билан катта-катта музлар урушиб-урушиб оқадир.

Ортиқ дарё жонланган.

Кўприкнинг темир тутқо (решетка)сига эрлар, хотунлар, йигитлар, қизлар, болалар (қалдирғочнинг боласи-

дек қатор тизилишган) тизилиб оқадирган сувни, дарёни қарайдилар.

Дарёнинг соҳилида балиқчилар қармоқ ташлаб, тўр солиб балиқ овларлар.

Дарёнинг шу кўнгилли – жонли кўринишини томоша қилишга мойил бўлгандек тез юрадирган трамвай, автомобиллар ҳам секин-секин, ёлқовланиб, анқовларча қадам босадир... жонсиз юрадир.

Мен балконимга чиқдим.

Кўриниш, сеҳрли илоҳий бир кўринишлар.

Қаршимда тўлқинланиб, шов-шув билан «Москов река» оқадир.

Ичида музлар ўйнайдир.

Янги меҳмон – нурли қуёшнинг олтин нурига, узониб, тўлғониб келаётган сувнинг кўриниши, ниҳоясизланиб йўқолиши, оппоқ биллур тусда ялтираб кўриниши кишини ортиқ сеҳрлайдир, жонлантирадир.

Тағимизда ўзининг ўткир овозлари билан югуришиб, ҳайқиришиб, мағрашиб жонсиз автомобиллар. Жиринглаб кўнғироқ чалган, ичи лик тўла одам, қизил трамвайлар.

Московнинг турли парвой қилди фойтунлари, шалди роқи узун бесўлоқой арабалари.

Тинмай, узулишмай бирма-кетин ўзиб турадир.

Дарёнинг у юзида ҳамма бинолардан, юқори кўтарилиб қотиб қолган йўғон завод, фабрика трубаларидан ёлқовланиб секин-секин қуюқ тутунлар чиқиб турадир.

Бошқа бинолардан айрилиб ўзининг сап-сариг олтин сувини кўрсатиб, кунга қарши ялтираб «Храм Христос» бутхонаси «мана мен» деб кўкрак кериб: бутун зўр бир дарёнинг устида тикилиб кузатиб турадир.

Чап ёғимизда ҳамма бинолардан мумтоз бўлиб, айрилиб, ўзининг «подшо саройи»лиги билан ғурурланиб, ичида кўпгина сирларни сақлаган «Кремл».

Унинг маҳобати, мухташам саройи шоҳоналари алҳол-гача «Орёл» қушини бошида сақлаб келган узун мудҳиш миноралари, тилло суви, кумуш қопланган бутхона, кубба ва миноралари кўриниб турадир. Шулардан кам эмасман дегандек бутун кўз қарошимга илинган беш, олти қаватлик зўр-зўр оқ, қизил, зангори бинолар, қадам сайин кўринадирган бутхоналар, қарашимизни ўзининг бойлиги, кўринишлиги билан безатиб кўрсатган «Москов река» ва Масков кўриниши.

Чиндан-да кишига зўр туйғулар, ингичка ҳислар, кучли дардлар берадир.

Шу киши қараб тўёлмаслик табиатни, шу сеҳрли жонли кўринишли мухташам биноларни, дарёнинг тўлқинланиб оқишини, баҳор кийимларини кийиб музларни қарши олишга келган ёқимли инсон болаларини, тагимда кўринган жонли бир ҳаётни узоқ-узоқ кўриб ҳануз зерикмас эканман, ортиқ бир ҳузур, ширин хаёлда яшар эканман, ходима келиб бир тутам газета ва журналларни топшириб, кўздан ғойиб бўлди.

Кўлимда «Фарғона» газетаси... «Фарғонада очлик», «Фарғонада очлик битган эмас», «Фарғонага ёрдам қилингиз»... ортиқ қон томирларим қизғин тепди, миямдан кўпгина хаёллар, кўринишлар қаторлашиб ўтди.

Бутун кўринишлардан, бутун тотли хаёллардан бирданига кўнглим совиб, бошимни ушлаб ўйландим.

«Фарғонади очлик!» Бу сўз кўнглимни қаттиғ жароҳатлаб, шу ёқимсиз, мудҳиш овозлар қулоғимда янгради. Такрорланди. Кўз олдимда бир кўриниш...

Фарғона. Тўқ, бой, обод, жонли Фарғонанинг эрка болалари. Бу кунда йўқсулланиб, бор-йўғидан айрилиб, бадбахт, разил хўрликқа тушиб, маконсиз, кийимсиз, оч, ялонғоч, қизғонч, йиғларлик ҳолда тиланиб ўтиришлари... юзлари сап-сариг... кишилиқдан чиқаёзғон, ҳаётлари таҳликада, қарар кишилари йўқ.

Дуруст ёрдам, жонли кўмак йўқ.  
Битар. Бечоралар ёрдамсиз битар!..  
Воҳ! Бошимдан қайнар сув қуйилдими?  
Қонларим ортиқ жумбушга келдими? Йўқ! Йўқ!  
Кучсиз руҳимда сақланган дард-алам тиллари ортиқ  
аланга олди, ёнди.

Тфу!..

Тенгсиз, алдоқчи дунё, тфу!

Қаронғу тун мангу бўлмас! Умид куни бизим учун туғ-  
май қолмас!

Ҳисли! Умид! Талваса!..

Кечагина очликдан, йўқликдан қирилиб битишга маҳ-  
кум Россия, қизил Россия ишчи деҳқонлари букун тўқ, бу-  
тун. Ортиқ очликдан халос.

«Туя қўрдингми?» «Йўқ». Гўё очлик бўлмагандек. Гўё  
юзлаб, минглаб қирилиб битмагандек.

Тузук бардош, ботирлик, йигитлик.

Биз узоқда ёлғуз туриб сенга шуни тилаймиз.

Сени бугунги очлик томирларингдан, йўқсул, фожеий  
қонларингдан, тагсиз, тубсиз дард-аламларингдан зўр  
ўч, битмас куч билан.

Туғилган бир тўда болаларинг сени, фақат сени келгу-  
си бир ҳалокатдан қутқазиш, оз бўлса-да бир кўмак этиш  
учун чет элларда адашиб юрибмиз, мазлум Фарғона! Бу  
эсингда турсин.

Онт бўлсун.

Сени бу кунги қизғонч ҳолингда кўрмаган, кўмак эт-  
маган ўғлинггаким, четда юриб, сени унутган бўлса! Йўқ!  
Яхши бил, дуруст англаки, қон томирдан айрилмас.

*Маскав, 1923 йил 25 апрель.*

*Фарғона. 1923 йил 8 июнь*

## АЗАМАТ ЙИГИТЛАР

Пролетариат давлатига содиқ бўлгон қизил мутахассисларни тайёрлаб чиқариш бизнинг катта вазифаларимиздандир. Айниқса, Ўзбекистон учун бу масала катта аҳамиятга эгадир. Чунки ерли халқ ўртасидан етишиб чиққан мутахассислар йўқ деярликдир. Ўктябр инқилоби самарасидангина биз ўзимизнинг меҳнаткашларимиздан чиққан мутахассисларга эга бўлмоқдамиз.

Дорулфунуннинг ҳар турли факулталарини битириб чиқувчи йигитларимиз йилдан-йилга кўпаймақдадир. Биз бу йил дорулфунунни битириб чиққан ўртоқларимиздан иккитасини ўқувчиларимиз билан таништирамиз.

**Мирзааҳмад Мирсоатов** – камбағал нонвой оиласидан чиққан. Кеча ва кундузлари нонвойхонада ишлаш билан бирга Тошкент рабфакида ўқишни ҳам давом эттириб, 1923 йилда уни битириб чиқди. 1923 йилда Масков дорулфунунининг тиб бўлимига кириб, уни 1928 йилда тамомлади ва венерия касаллари дўхтири бўлиб чиқди. Ҳозир ўртоқ Соатов Масковнинг заҳм, сўзак касаллари клиникасида тажриба олиш учун ишлаб турибдир. Мирсоатов 1920 йилдан буён фирқа аъзоси.

**Муҳаммад Мўминов** – Наманган кустарининг ўғли. Ўқишга киришдан илгари комсомол ташкилотида кўп ишлади. Тошкент рабфакини 1923 йилда битирди. Масков дорулфунунининг ҳуқуқ шубҳасини 1927 йилда битириб, диплом ёзиш учун бир йил Масковда қолди. Ўзбекистонга келганидан кейин Тошкент округ судида бирмунча вақт ишлади. Ҳозир ўртоқ Мўминов Ўзбекистон олий судининг коллегия аъзоси вазифасини бажариб турибдир.

*Ер юзи. 1928 йил 15 июнь*

## АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

*Мидҳатҷон Муҳаммадҷон ўғли*

### Даҳшатли ғоялар

#### I

Ўйла! Ватан тарихига сол назар,  
Солди ҳаёт завқига Шўро заҳар.  
Алдаса бизни, «Яша, бурро!» – дедик,  
Дўстни «душман» деса, «Урро!» – дедик.  
«Яхши фақирлик, – деди, – бойлик ёмон»,  
Бойлигимизни талади беомон.  
Ғафлат аро қуллигимиз билмадик,  
Содда, ювош, гўллигимиз билмадик.  
Зулми замонанг ошибон беаёв,  
Бошимиз узра аямай чиқди ёв!  
Ваҳм ила эл берди салом сояга,  
Умримиз ўтди сиғиниб ғояга.  
Кундузи эркинлик учун бўлди ғов,  
Яхшини тунлари ГПУ қилди ов.  
Тегди амал, ким деса «Катта акам»,  
Ёвни «Худо» деб бошини қилди хам.  
Сеҳри амал айлади манқурт ани,  
Ақл ила виждон қани-ю, бурд қани?!

#### II

Ўттизу еттинчи йиликим чунон,  
Зоти зиёли эса келди қирон.  
«Элга очар эрк йўлин, – деб, – билим»,  
Қўрқди ғаним, бўлса билимдон элим.  
Бўлди қоронғу кўзимизга жаҳон,  
Келди-ку инсонга ёвузлик замон!



Кундузи даҳшатлию тунлар хатар,  
Айлади пешонамни шўр, оҳ, қадар!  
Ўз ичимиздан ғаламислар чиқиб,  
Берди азоб, олди чаёндек чақиб.  
Сотқину хоин, неча номардлар  
Солди Ватан жонига минг дардлар.

### III

Шаҳри Қўқон фаҳри, билимдонлари  
Бўлди қизил бўрига ем жонлари.  
Аттанг, ўшал домулло Абдуваҳҳоб  
Жонларин олди қатағонда азоб.  
Ютди Оғалиқни қизил қирғини  
Оқилу доно эди оға-ини.  
Қайда у Мирзо била Абдуллажон,  
Қайда у Маҳмудхўжаи хушзабон?!  
Дўсти эди элининг асил Зоҳирий,  
Ютди қизил дев ҳам ани охири,  
Миллатимиз дўстию чин содиқи  
Анга фидо айлади жон Холиқий.  
Ким деса ўз миллатини «суйгулим»,  
Етди азиз бошига ёвдан ўлим.  
Сочса зиё ким элимиз бошидан,  
Боши ёрилди ГПУ тошидан.  
«Жондан азиз» деб Ватанин суйса ким,  
Бўлгай эди ул қизил аждарга ем!  
Бунча зулм элга замон кўрмаган,  
Бунча разилликни жаҳон кўрмаган!  
Лаънат ўшал дўзахий безотга,  
Миллатимиз душмани жаллодга!  
Ул қизил иблисга элим нафрати,  
Бир эл эмас, одамизод лаънати!

#### IV

Чангалини ёзди зулм бизга ҳам,  
Оиламиз чулғади дарду алам.  
Тортди отамни ГПУ домига,  
Қатли заҳар солди ҳаёт жомига,  
Учлиги: «Ўн йил, – деди, – зиндон қилинг»,  
Ғояси ҳукм айлади: «Гумдон қилинг!»  
Элтди Зарафшон чўлига сургуни,  
Асли хунафшон денгиз, инсон хуни.  
Номига совхози «Зарафшон» экан,  
Асли «Ўлим чўли»-ла дoston экан.  
Минг хил азоб устига оч қолдириб,  
Етди муродиға ғаним, ўлдириб,  
Ўтди, мана, йигирма беш йил, қаранг,  
Қайда ота билмай ўғил, қиз гаранг.

#### V

Қолди талонда уйу рўзғоримиз,  
Тутди фалакни оҳ ила зоримиз.  
Орқаларимиздан отишиб тошлар,  
Юз ўгириб кетди қариндошлар.  
Бўлди отим «Ёв боласи», вожаб!  
Қақшади хўрликлару ғамдан асаб.  
Боқди бизга ҳамма ёмон кўз билан,  
Кўрқадилар сўрагали ҳол сўз билан.  
Дўстлар ўтиб кетди қочиб ёв томон,  
Ёвга мадад, бизга этиб қасди жон.  
Кўз хира, тил гунгу қаро бўлди бахт,  
Бўлди жаҳон тор менга, бошим карахт.  
Йўқ киши арз айлагали бир оғиз,  
Судя ёвуз, ҳокими ундан ёвуз.  
Ҳар кишига бир неча айғоқчилар,  
Ўзини «дўст» кўрсатар алдоқчилар.

Бир-биридан кўрқади инсон чунон,  
Дўсту ғаним сири дилида ниҳон.  
Сочди бошимдан қизил аждар захар,  
Ҳар қадамимда тузоқ, ҳар дам хатар.  
Даҳшат аро титрадилар жону тан,  
Ваҳшати чоҳига кўмилди Ватан.

## VI

Бир боғимиз бор эди жаннат мисол,  
Айланиб оқор эди сувлар зилол.  
Анга отам меҳнати пайванд эди,  
Мевалари тилни ёрар, қанд эди.  
Пишганида луччаку шафтолуси  
Боғни тутарди анинг хушбўй иси.  
Нокларидан бол томар эрди, пишиб,  
Тишласангиз, лаб қоларди ёпишиб.  
Бор эди бир туп ўрик мағзи бодом,  
«Мағзи бодом» қўйган эдик анга ном.  
Чилгисию кечки гилос шарбати,  
Роҳати жон эрди анинг лаззати.  
Олучалар эрди мураббога соз,  
Қишда ҳам айлар эди кўнгилни ёз.  
Боғ четида беҳилар олтин мисол,  
Дер эди гўё: «Мени уз, ошга сол!»  
Бир шоҳида оқ, бирида қирмизак  
Олмалар оламга бўларди безак.  
Лаззати жон, дардга даво шоҳтут,  
Қишда мураббоси эди жонга қут.  
Бир туп узум бор эди қора чарос,  
Қоп-қора кўзларга қилардик қиёс.  
Бор эса кирган киши жаннатга бир,  
Боғимиз этса керак они асир.

## VII

Келди баногоҳ шимолий шамол,  
Музлади бир дамда бари навнихол.  
Йўқ, шамол эрмас, ани тўфон денг,  
«Ғоя» деган доғули шайтон денг.  
Ўзи кўринмайди-ю, кўп қилди иш,  
Ёз кунимиз айлади бир дамда қиш.  
Халқ дилига солди ёмон ғулғула,  
«Душманимиз, – деб, – ичингизда тўла!»  
Ишга солиб бир тўда нодонни,  
Олди бу дилдан дину иймонни.  
«Нега керак гул, – деди, – нечун шажар?!  
Ёв боғининг мевалари ҳам заҳар».  
Ишга тушуб арраю ойболталар,  
Қолмади ҳеч меваю боғдан асар.  
Қўнди ҳаёт боғига бойқуш, наҳот?!  
Ёв қўлида топди жаҳолат нажот.

## VIII

Шукр этамиз, ер ўпиб Аллоҳга,  
Эрк нурина сочди бу даргоҳга.  
Нурини сочди дину имонимиз,  
Бўлди бутун энди синиқ нонимиз.  
Шукр, ҳақиқат келибон устувор,  
Бўлғуси маъмур табаррук диёр.  
Келди адолатли замон равнақи,  
Қайтгуси ўзига бу халқим ҳақи.  
Меҳнату ишқ кўрсатар энди жамол,  
Ўз еримиз неъматини поқу ҳалол.  
Энди элим ҳеч қачон алданмай,  
Ўз Ватанин ёв қўлига бермагай.  
Эрк тилама ёв қўлидан, тиз чўкиб,  
Обод этгил, Ватанни, сен тер тўкиб!  
Сенга Темур руҳи-ла берсин мадад,  
Сенга зафар, сенга шараф беадад!

Эрк қуёши бошимиздан сочди ёғду, минг шукр!  
Чикди рўёбга бугун юз йиллик орзу, минг шукр!

Мустақиллик офтоби сочди иссиқ нурларин,  
Бошимиз осмонга етди, кетди қайғу, минг шукр!

Парчаланди зулм занжири, қиличлар ҳам синиб,  
Халқим энди эркин, озод мисли оху, минг шукр!

Қул бўлиб босқинчиларга, хору зор бўлган эдик,  
Бўлдик озод, кетди дилдан ваҳму қўрқув, минг шукр!

«Қайдасан эрк?!» – деб шаҳид кетган Ватан Чўлпонлари,  
Сиз ҳавас қилган замонлар келди мангу, минг шукр!

Гунг эдик, бошдан ёвузлар заҳри қотил сочса ҳам,  
Кўз очилди, англадик доруми оғу, минг шукр!

Энди шоҳ қонунимиз бор, эл суянган тоғи бор,  
Бу адолат офтоби сочгай инжу, минг шукр!

Шукр, халқинг бирла, Мидҳатжон, экансан бахтиёр,  
Эрк қуёши бошимиздан сочди ёғду, минг шукр!

## ЗИЁЛАР СОЧДИ

*(Падали бузрукворим Абдуваҳҳоб Ибодий хотирасига бағишлайман)*

Умр бўйи йўлдош бу хотиралар,  
Ҳамиша безовта қалбим поралар.  
Тинчлигимни олиб, не кўйга солиб,  
Отамни қийнаган ўтмишга чорлар.

Маърифатли бўлсин эл фарзандлари  
Деган эзгу ният бўлди унга ёр.  
Шу мақсад йўлида жон фидо айлаб,  
Муаллим бўлишни қилди ихтиёр.

Ўқиди, ўрганди такрор ва такрор,  
Дарсликлар яратди, мактаблар очди.  
Кундузлар югурди, тунлари бедор,  
Маърифат дуридан зиёлар сочди.

Аммо унинг эзгу ниятларига  
Ғанимлар йўл бериш истамади ҳеч.  
Уни кўролмаган дили қоралар  
Тўғаноқ бўлдилар унга эрта-кеч.

Ортидан авж олди тухмат, бўҳтонлар,  
Ноҳақликка йўйиб ҳақ ишларни ҳам.  
Қасд қилмоқ бўлдилар ҳатто жонига,  
Хилватларда пойлаб йўлини ҳар дам.

Муродга етдилар охир-оқибат,  
Ҳибсга олдилар уни уйдан.  
Азобу уқубат домига ташлаб,  
Ўзлари ҳаловат топдилар бундан.

Бор экан ҳақиқат, йиллар ўтса ҳам,  
Отам хотираси асло сўнмади.  
Элнинг орасида бир гап бор, ахир:  
«Ҳақиқат эгилар, бироқ синмайди!»

Шогирдлар қалбида ўчмади сира  
Қутлуғ номингизга буюк эҳтиром.  
Абдулхай, Солиҳа, Набижон, Ойша,  
Азизалар учун муқаддас бу ном.

## УСТОЗГА

*(Падари бузрукворим Назиржон Бобоев замона зайли  
билан эрта етим қолиб, Аллоҳнинг иродаси ила  
Абдуваҳҳоб Ибодий тарбияларига мушарраф бўлган  
эдилар. Марҳум отамнинг улуғ Устозларини  
Аллоҳ раҳмат этган бўлсин).*

Етим қолган отамнинг бошин силаган Устоз,  
Илму маърифат бериб, бахтин тилаган Устоз.

Неча зукко шогирднинг чала қолди камоли,  
Олисларга учирди Сизни замон шамоли.

Ватан осмони узра парвоз этди калхатлар,  
Бошингизга ёғилди иғво ила тухматлар.

Тузум югурдаклари зиндонга солди Сизни,  
Каслар синдиrolмади пўлат иродангизни.

Бугун кўкка порлади Озодликнинг қуёши,  
Ўзбек деган миллатнинг нурга чулғанди боши.

Сиздек буюк инсонга изҳорим бўлди шеърий,  
Таваллуд кунингизни қутлар Аъзам Назирий<sup>20</sup>.

<sup>20</sup> Ибодиева А. Зиёкор хотираси. Абдуваҳҳоб Ибодий (1877 - 1942). - Тошкент, 2008. - Б.30.

## МУНДАРИЖА

Ашурали Зоҳирий .....	3
Абдуваҳҳоб Ибодий.....	13
Муҳаммадҷон Холиқий .....	23
Акбар Исломов.....	35
Назир Тўрақулов .....	51
Мўмин Усмонов .....	78
Абдуллаҷон Каримов .....	86
Исроил Ортиқов.....	93
Акбар Аҳмедов .....	103
Содиқҷон Болтабоев .....	109
Шоқир Сулаймон .....	115
Наим Саид .....	122
Муҳаммадҷон Мўминов.....	130
Карим Ғайбуллаев .....	141
Холмуҳаммад Охундий .....	147
Султон Сайдалинов .....	151
Маҳмудхон Аҳмадхонов .....	159
Алихўжаев Шомансур .....	165
Раҳим Раҳмонов .....	174
Муҳиддин Эрматов .....	177
Нуриддин Ўлмасбоев .....	180
Расул Носиров .....	187
Собир Мирзаҷонов .....	189
Ёқуб Боқиев .....	191
Раҳмонали Раҳматуллаев .....	193

### ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИДАН НАМУНАЛАР

<i>Абдуваҳҳоб Ибодий</i> . Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар? .....	200
<i>Муҳаммадҷон Холиқий</i> . Олтун тараф .....	202
<i>Тешабой</i> (Абдулҳамид Чўлпон). Умид сиздан!	
<i>Мухторият</i> эълон қилинди! .....	206



<i>Ғулом Зафарий. Миллий муҳорибадан бир лавҳа .....</i>	210
<i>Ашурали Зоҳирий. Туркистонда нашри маданият ва маориф жамиятлари .....</i>	213
<i>Обнамак. Имло масаласи тўғрисида ким нима фикрда? .....</i>	216
<i>Наим Саид. Киностудиямизда ўзбек ўқувчилари .....</i>	218
<i>Оврупода Туркистон ўқувчилари .....</i>	218
<i>Шокир Сулаймон. Ўқуғувчи товуши .....</i>	220
<i>Шокир Сулаймон. Миллий куй ва ашулаларимиз.....</i>	221
<i>Шокир Сулаймон. Баҳор кўринишлари.....</i>	225

### АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

<i>Мидҳатжон Муҳаммаджон ўғли. Даҳшатли ғоялар.....</i>	230
<i>«Эрк кўеши бошингиздан сочди ёғду...» .....</i>	235
<i>Азиза Ибодиева. Зиёлар сочди .....</i>	236
<i>Аъзам Назирий. Устозга .....</i>	237

Илмий-оммабон нашр

Баҳром Ирзаев

# ҚЎҚОН

ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР


Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ  
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ  
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ  
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ  
Мусаҳҳих: Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 05.08.2020 й.  
Босишга рухсат этилди: 27.08.2020 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108<sup>1/32</sup>.  
Cambria гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 10,1. Шартли б.т.: 12,6.  
Адади: 1000 нусха.  
Буюртма № 117

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 216-87-81  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz





ISBN 978-9943-6498-5-9



9 789943 649859